

**Ilm kelajagimiz
ravnaqidir**

№-4 2022



СУРХОНДАРЁ: ИЛМ ВА ТАФАККУР
SURKONDARYO: ILM VA TAFAKKUR
СУРХАНДАРЬЯ: НАУКА И МЫШЛЕНИЕ
SURKHANDARYA: SCIENCE AND CONTEMPLATION



СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР
ТРАНСФЕРИ МАРКАЗИ ҲАМДА СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ ЦЕНТРА РЕГИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И ТРАНСФЕРА
ТЕХНОЛОГИЙ СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ И ЦЕНТРА РАЗВИТИЯ НАУКИ И
ТЕХНОЛОГИЙ СУРХАНДАРЬИ

SURKHANDARYA REGIONAL TERRITORIAL INNOVATION ACTIVITY AND TECHNOLOGY
TRANSFER AND SURKHANDARYO SCIENTIFIC JOURNAL OF SCIENCE AND
TECHNOLOGY DEVELOPMENT CENTER

Илм келажасгимиз равнақидир

СУРХОНДАРЁ: ИЛМ ВА ТАФАККУР
SURKHANDARYO: ILM VA TAFAKKUR
СУРХАНДАРЬЯ: НАУКА И МЫШЛЕНИЕ
SURKHANDARYA: SCIENCE AND
CONTEMPLATION

Илмий мақолалар журнали

№-4 2022



ТАЪСИСЧИЛАР;
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ХУДУДИЙ ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТРАНСФЕРИ
МАРКАЗИ ҲАМДА СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ
ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

Ҳар чоракда 1 марта чиқади.

**Jurnal 25-05-2020 yil. №11-079
raqami bilan ro'yxatga olingan.**

O'zbekiston Respublikasi OAK ning 2021 yil
12 dekabrda № 01-06/25-04 raqamli xati
asosida ro'yxatga olingan.

Ommaviy axborot vositasi davlat
ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVONNOMA N-11-079.

My.gov.uz. Yagona interaktiv. davlat
xizmatlari portali.
N 8102-325e-cd96-f50a-53b3-3119-7970

Hujjat yaratilgan sana: 2020-05-25.

Ariza raqami: 19051279.

НАШР ИНДЕКСИ 190-111.

ЖУРНАЛ «ADAD PLYUS» МЧЖ
матбаа бўлимида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
Бунёдкор кўчаси 28-уй.
Босишга рухсат этилди: 03.11.2022.
Қоғоз бичими 60x84 1/8.
Босма табағи 10,3. Офсет босма.
Офсет қоғози. Адади 100.
Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма № 25.

Техник ходимлар:
**Мамаражабов Ғайрат
Умаров Икром**
Саҳифаловчи:
Қўшоқова Моҳигул

Таҳририят манзили: Сурхондарё вилояти
Термиз шаҳри "Баркамол авлод" кўчаси 43 уй.
tursunovsafullo12@mail.ru
Тел: 876 223 07 66.
+99 891 577 90 50,
+99 894 200 49 55,
+99 891 229 22 29.

Бош муҳаррир:

Главный редактор:

Chief Editor:

**Турсунов Сайпулла Нарзуллаевич
Тарих фанлари доктори, профессор
Термиз давлат университети**

Бош муҳаррир ўринбосари:

Заместитель главного редактора:

Deputy Chief Editor:

**Қобулов Эшболта Атамуродович
Тарих фанлари доктори, профессор Термиз давлат
Педагогика институти ректори
Журналнинг илмий котиби:
Умуркулов Бекпўлат филология фанлари
доктори, Термиз давлат университети**

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Марахимов Авазжон

Тўраев Назар

Сагдуллаев Анатолий

Абдуллаев Улуғбек

Ашуров Адхам

Дониёров Алишер

Мўминова Гавҳар

Эшов Баходир

Эргашева Юлдуз

Обломуродов Наим

Воҳидов Шодмон

Бўриев Очил

Давлатова Саодат

Ғоффоров Шокир

Холиқова Раҳбрахон

Худойқулов Абдулла

Пардаев Тошкенбой

Раҳимов Ғанишер

Шомирзаев Махматмурод

Холмўминов Жуманазар

Холмўминов Хусан

Турсунов Нурулло

Турсунов Жавли

Холмўминов Хусан

Тўхтаев Абдуғани

Хайитов Шодмон

Ирискулов Олимжон

Саидов Илхом

Акчаев Фаррух

Якубова Диларам

ЖАМОАТЧИЛИК

КЕНГАШИ:

Султонов Тохир

Чориев Рўзимурод

Қосимов Асрориддин

Лақаев Саидахмад

Нормуродов Чори

Қодирова Дилбар

Раҳимов Баходир

Худойкулов Садриддин

Шайдуллаев Шопўлат

Юнусова Хуршида

Тўраев Хайит

Ўсаров Сирожиiddин

Кулмаматов Дўстмамат

Бобожонова Дилором

Хидиров Холмат

Эшонкулов Абдужаббор

Алланов Қилич

Тилекулов Гаухар

Аликулов Рустам

Ёдгоров Эшмўмин

Мирзаев Ибодулло

Панжиев Нормамат

Жабборова Шоира

Чориев Иргаш

Ҳотамов Очилди

ТАРИХ

ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАН ЖОЙ ОЛГАН БАНДИХОН

Турсунов Сайпулла Нарзуллаевич

Термиз давлат университети

Жаҳон тарихи кафедраси мудири,
тарих фанлари доктори, профессор

Аннотация. Мақолада Бандихон ҳудудида қадимдан аҳоли манзилгоҳлари бўлганлиги, илк деҳқончилик маданиятининг пайдо бўлганлиги тўғрисида фикрлар юритилади. Бандихонсой хавзасида Бандихон I, Ғозимулла ёдгорликлари, Миршоди (Тентаксой) бўйларида Миршоди ва Қизилтепа ёдгорликлари мажмуаси жойлашган. Бандихон ҳудудида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида Бактрия давлатига тегишли манбалар Сурхон воҳасининг кичик сув ўзанлари (дарё) бўйларида, дарёларнинг тоғлардан пасттекисликларга оқиб ўтадиган ҳудудларида жойлашганлиги аниқланган.

Калит сўзлар: Бандихон, Бойсунтоғ, Қизилтепа, Миршоди, Бактрия, Кучук I, Авесто.

Аннотация. В данной статье рассматривается о существование древних поселений в районе Бандыхана и возникновение ранней земледельческой культуры. В бассейне Бандыхансой расположены памятники Бандыхан I, Ғозимулла, а в берегах Миршоди (Тентаксая) комплекс памятников Миршоди и Кызылтепа. В результате археологических исследований, проведенных в Бандихонском районе, установлено, что источники, принадлежащие Бактрийскому государству, расположены на берегах малых водоразделов (рек) Сурханского оазиса, в районах стекания рек с гор к низменностям.

Ключевые слова: Бандыхан, Байсунтау, Кызылтепа, Миршоди, Бактрия, Кучук I, Авеста.

Abstract. This article discusses the existence of ancient settlements in the Bandykhan region and the emergence of an early agricultural culture. In the Bandyhansoy basin there are monuments of Bandykhan I, Gozimulla, and on the banks of Mirshodi (Tentaksay) there is a complex of monuments of Mirshodi and Kyzyltepa. As a result of archaeological research conducted in the Bandikhon region, it was established that the springs belonging to the Bactrian state are located on the banks of small watersheds (rivers) of the Surkhan oasis, in the areas where rivers flow from the mountains to the lowlands.

Keywords: Bandikhon, Boysuntog, Kyziltepa, Mirshodi, Baktriya, Kuchuk I, Avesta.

Бандихон табиатига эътибор берилса, рельефи текислик, адир ва тоғ олди қисмларидан иборат. Фойдали қазилмалардан ош тузи, олтингурут, ёнувчи сланец, қурилиш материаллари конлари бор. Иқлими қуруқ субтропик иқлим. Йиллик ўртача температура 18°. Январнинг ўртача температураси текислик, чўл ва адирларда -3.6°, тоғларда -6°, энг паст температура -20°. июлнинг ўртача температураси -32.1°, энг юқори температура -48°, йиллик ёғин 150 мм. Вегетация даври 260 кун. Текисликдан оч ва тўқ бўз, адирларда адир, тоғларда сур тупроқлар тарқалган. Ёввойи ўсимликлардан арча, маврак, кийикўт, тоғрайхон, коврак, шувок ва бошқалар ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан бўри, тулки, жайра, кўрсичкон; тўқайзорларда тўқай мушуги, қобон, чиябўри; қушлардан: қалқик, майна, қалдирғоч, сўфитўрғай, чил, ғоз, ўрдак; судралиб юрۇвчилардан ўқилон, кеккон, кўзойнакли илон ва бошқалар бор.

Бандихон шимолдан Такасарой тоғ тизмалари Жовлиқат, Қипқат Байонғора тоғлари, жанубий томондан Хавдак қумлиги Қумқўрғон-Жарқўрғон воҳаларига туташ Ғарбий томондан Истара Қизирик дашти билан чегарадош. Шимоли-Шарқ томондан Шўрчи, Денов туманлари билан чегарадош. 1980-йилларда вилоятимиз раҳбари Абдувоҳид Каримовнинг саъй-ҳаракати билан Оққопчиғай канали Бандихонга сув берадиган бўлди.

Совет даврида Бандихон ҳудуди Бойсун тумани таркибида бўлган. 1992-2010 йилларда алоҳида туман, ундан кейин Қизирик тумани таркибида, ва 2019 йилдан яна қайта тикланган. Н.А.Маев томонидан Бандихон тизмаси ва дараси қайд этилган [1].

Қизирик-Бандихон худудида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида ушбу худудда милoddан олдинги II минг йиллик сўнги – милодий I минг йиллик бошларида қадимги Бактрия давлатининг шаҳар ва қўрғонлари вужудга келганлиги аниқланди. Бу ерда илк маротаба мудрофаа деворлари билан ўралган арklar пайдо бўлган. Арklar баландлиги тўрт метргача бўлган платформалар устида бунёд этилган.

Бандихон ёдгорликлари қуйидаги учта типга ажратилган: доимий фаолият этган қисм ва унга туташтириб қурилган иккинчи қисм (Бандихон I, Қизилтепа арки); тарқоқ ҳолдаги мудрофааланмаган қишлоқлар (Бўйрачи 2) ва ниҳоят Кучуктепа мисолидаги платформа устига қурилган, мудрофааланган уй-қўрғонлар [2]. Булар арк атрофида жойлашган “шаҳристон” қисмига ҳам эга илк шаҳарлар бўлиб, ўзлари жойлашган кичик иқтисодий районнинг маданий ва иқтисодий маркази вазифаларини бажарган. Бундан ташқари Э.В. Ртвеладзе Бандихон ёдгорлигини шаҳар тоифасига киритганлигини ҳам эътибордан чиқармаслик керак [3].

Шимолий Бактрия худудида учта суғорилиш районида бири бўлган Бойсун деҳқончилик ўлкасининг Бандихонсой этакларида Бандихон I, Ғозимулла ёдгорликлари, Миршоди (Тентаксой) бўйларида Миршоди ёдгорлиги ва Қизилтепа ёдгорликлари мажмуаси жойлашган [4].

Бойсун деҳқончилик худудига кирган Бандихон деҳқончилик ўлкасида Бандихон I, Миршоди ўлкасида Қизилтепа ёдгорликларини шаклланиб келаётган шаҳарлар тоифасига киритиш мумкин. Улар, энг асосийси, аркли бўлиб, арklar ёдгорлигининг бир чеккасида бунёд этилган. Аркка туташ худудда майдони кичик бўлсада “шаҳристон” жойлашган.

Бандихон номи изофали икки сўз: *банд+и+хон* дан ташкил топган. Биринчи компонент эроний тилларга оид. Маҳмуд Қошғарийнинг изоҳлашича, *банди* сўзи “боғланди” маъносини беради [5]. Форс-тожик тилларида *банд* сўзи: 1) “бир нарсанинг ушланадиган қисми”, “даста”, “тутки”; 2) “бўғов”, “боғлам”, “тугун”; 3) “асирлик”, “тутқунлик” маъноларини беради [6].

Ўзбек Миллий энциклопедиясида *банд* сўзи 1) “тўғон, сув омбори”; 2) “қум босишни тўхтатиш учун қурилган тўсиқ, ихота”; 3) “йўлга ғов солиб қўйиш”; 4) “тоғ оралиғидаги жуда тор йўл” маъноларида изоҳланади [7]. *Банд* сўзининг топонимиядаги маъноси “тўсиқ”, “ғов”, “тоғ тизмаси”, “тоғ оралиғидаги жуда тор йўл”, “тўғон” ва “сув омбори”дир.

Қадимда Мовароуннахр ва Хуросонда барпо этилган сув омборлари *банд* деб аталган. Масалан, X асрда Нурота тизмасидаги Пасттоғ дарасида тошдан қурилган *Хонбанди*, Марв воҳасини сув билан таъминлаб турган *Султонбанд* ва бошқалар шулар жумласидандир.

Бандихон номи таркибидаги иккинчи қисм–*хон* сўзи нафақат “ҳукмдор”, балки бошқа маъноларга ҳам эга. Эроний тилларда: авесточа *хон* –“қудук”, “булоқ”, [8] сўғдча *хон* (*кан*)– “канал”, [9] ўрта форс тилида *хан*– “канал”, тожикча *хон*–“кичик ҳовуз”, *хани*–“чашма”, “сув чиқадиған жой”, қадимги парфиян тилидаги *хан*, *ханиг* юқоридаги маъноларда, яғнобча *хан*– “сув оқар ариқ”, “суғориш канали” [10]. Олтой тилларида: уйғур тилида *кан*– “булоқ”, [11] бурят тилида *ханааб*–“канал, ариқ, зовур”, [12] тунгус-манжур тилларида *кан*–“дарё” [13] маъносини беради.

Биз ўрганаётган топоним аслида шу ерда барпо этилган қадимги суғориш иншоотининг номи бўлган. Бундай дейишимизга сабаб, Шимолий Бактриядаги энг қадимги канал излари Бандихон қишлоғи ёнидан топилган. [14] Археологик тадқиқотларга кўра, у мил. авв. I минг йиллик бошларида вужудга келган. Канал аҳамонийлар даври (мил. авв. 530-330 йй.) да ҳам фаолият кўрсатганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас [15].

Бундан ташқари, Бандихон қишлоғидан 9 км шимоли-шарқда қадимий Сарибанд тўғонининг қолдиқлари аниқланган. Тўғон XVI-XVII асрларда барпо этилган. Тўғон ёнидан шу даврга оид манзилгоҳ топилган. Унинг атрофида кушонлар даврига оид яна бир манзилгоҳ аниқланган. Мустаҳкамланган тепаликдан иккита канал изи топилган бўлиб, улардан бири кушонлар даврига, иккинчиси сўнгги ўрта асрлар даврига хосдир [16].

Демак, Бандихон қишлоғи атрофидаги қадимги манзилгоҳлар бу худудда мил. авв. I минг йилликдан то сўнгги ўрта асрлар даврига қадар деҳқончилик билан шуғулланилганлигини кўрсатади. Бу ерга сув Ўргулсойдан канал казиш орқали олиб келинган. Канал тўсилиб, бир неча тармоққа бўлинадиган жой *Бандихон*, яъни “банд қилинган, тўсилган ариқ, канал” деб аталган [17]. Бу ердаги ҳаёт узок вақтлар давом этганлиги боис Бандихон номи бизнинг замонамизга қадар етиб келган.

Бойсун деҳқончилик маданиятига кирган ҳудудларга Бандихон ҳудуди ҳам кириб, унга Бандихон-1, яъни Бандихон ўлкаси, жумладан, Ғозимулла ҳам бевосита боғлиқдир. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қадимги маданиятимизнинг илк манбаларидан бўлган “Авесто” бевосита Ўрта Осиё халқлари моддий ва маънавий маданиятига дахлдорлиги фанда ўз исботини топди. Археологик тадқиқотлар натижасида “Авесто”да пул муносабатлари, солиқ тўловлари, алоқа йўллари, шунингдек, “Авесто” даври аҳолисининг ижтимоий гуруҳларга ажралганлиги ёки жамоанинг ҳуқуқсиз аъзолари (vira, vaesa) ҳақида маълумотлар борлиги аниқланган. Аслзода (azata, asna), ҳарбий (ravaestar), ҳукмдор (sastar, satar) каби аҳолининг ижтимоий қатламларга ажралганлиги хусусида ҳам илмий изланишлар қилинган.

Асарда келтирилган ижтимоий терминлар асосида тадқиқотчилар “Авесто” даври жамоасининг ижтимоий таркибини ҳам ишлаб чиққанлар: оила (nmana) → уруғ, уруғ жамоаси (vis) → қишлоқ жамоаси (zantu) → вилоят, мамлакат (dahyu). Шу изланишлар натижаси ўлароқ оила бошлиғи (nmanopati), уруғ оқсоқоли, яъни бошлиғи (vispati), жамоа бошлиғи (zantupati), вилоят, мамлакат ҳукмдори (dainhupati) каби ижтимоий терминлар ҳам аниқланган.

Давлатчилик тарихи учун энг муҳим термин бўлган, “Михр Яшт”даги вилоятлар бирлашмаси «dainhusasti» термини давлатчилик тарихи учун қимматли ҳисобланади [18].

“Авесто” даври жамоаси уч қисмдан – “ратайштар”, “атриван” ва “вастрьо-фшуйант” дан иборатлиги аниқланган. И.Н.Пьянковнинг фикрига қараганда, “ратайштар” археологик жиҳатдан платформалар устига қурилган аркларда, “атриван” арклар атрофида қад кўтарган қалъасифат кўрғонларда, учинчи қатлам “вастрьо-фшуйант” эса арксиз қишлоқларда яшаган аҳолига меназланган [19]. Тадқиқотчининг аниқлашича, арклар атрофида қарам аҳоли, арксиз қишлоқларда эса эркин деҳқонлар яшаган. “Авесто” нинг энг қадимги Гат қисмларида аҳолининг кўп қисми асосан чорвачилик ва деҳқончилик билан, деҳқончиликдан кўра чорвачилик билан кўпроқ шуғулланганлиги эътироф этилади. Унда суғорма деҳқончилигининг бўлганлигини тасдиқловчи, яъни каналлар қазилганлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳам ўқиса бўлади [20]. Шимолий Бактриядаги энг қадимги канал ҳам Кучук I даврига тўғри келади.

Бу Бандихон канали бўлиб, Э.В. Ртвеладзе томонидан ўрганилган ва Бандихон I даврида қазилганлиги таъкидланган [21]. Каналлар қазил, буғдой ундириш зардуштийликда яхшиликнинг ёмонлик устидан ғалабаси деб тушунилган [22]. Деҳқончилик билан боғлиқ бўлган қурол-аслаҳалар ҳам “Авесто” эътиборидан четда қолмаган [23].

Бактриянинг бронза даврига оид деҳқончилик маданиятларининг аввалида ўликни уйларнинг поллари, деворлари ва йўллар тагига кўмиш урф бўлган. Сўнгги бронза даврига келиб эса алоҳида гўристонлар ташкил этилган. Майит билан бирга кулолчилик ашёлари, тақинчоқлар, меҳнат қуроллари ва ниҳоят гўштли ва донли маҳсулотлар кўшиб кўмиш одат бўлган [24].

Археологлар томонидан Шимолий Бактриянинг Бандихон ёдгорликлари мажмуасида, Миршоди воҳасининг Қизилча манзилгоҳида ва Қизилтепа қазилмаларида, Сўғд ҳудудидаги Сангиртепа ёдгорликларида ва ёдгорлик атрофларида сочилган одам суякларини топишган. Бу ҳолатни кузатган А.С.Сагдуллаев Страбоннинг “Бактра атрофлари одам суяклари билан тўла эди. Македониялик Александр бу маросимга барҳам берди” деган хабарини тарихий ҳақиқат деб қабул қилишни таклиф этади [25]. Чиндан ҳам, Язд I даврига келиб Бактрия, Марғиёна ва Сўғд ҳудудларида қабрларнинг учрамаслиги, ёдгорликлар ва ёдгорлик атрофларида одам суякларининг сочилиб кетганлиги зардуштийлик ёки зардуштийлик урф-одатларига яқин бўлган кўмиш маросимининг тарқалганлигини кўрсатади.

Қиш даврида, ёмғир ва қорли кунларда мурдага қандай муносабатда бўлиш тўғрисида ҳам “Авесто” дан айрим маълумотларни топишимиз мумкин. Ҳар бир жамоада, ҳар бир қишлоқда ўликлар учун алоҳида хона – “ката” қурилганлиги маълум [26]. Қурилган хонанинг кўлами одам тик турганда боши шипга, ётганда эса кўл ва оёқлари деворларга тегмаслиги лозим бўлган.

Шу ерда мурда маълум вақт, токи “қушлар учиб келгунча ва кунлар исигунча” сақланиши мумкин бўлган. Фикримизча, археологик жиҳатдан шундай хона Қизилтепа қазилмалари чоғида ҳам ўрганилган. Ушбу хонадан одам суякларининг бўлаклари топилган. Ўрганилган хонанинг сатҳи 9 кв.м бўлиб, қалин, тоза тупроқ қатлами билан тўлдирилган. Бу хонадан ҳеч қандай археологик топилма, шунингдек иситиш ва ошхона ўчоқлари излари ҳам топилмаган.

А.С.Сагдуллаевнинг фикрича, бу хона турар жой ёки хўжалик хонаси вазифасини бажармаган ва бронза давридаги ўликни хона поллари ва деворлари тагига кўмиш анъанасининг сақланиши деб ҳисоблайди [27.24-30]. Бу ерда археология ва “Авесто” маълумотлари уйғунлашган, яъни “Авесто” да таърифланган “ката” ўрганилган.

Қадимги Бактрия маданияти даври ёдгорликларини ўрганиш методик жиҳатдан бироз қийинчиликлар туғдиради, негаки шу давр ёдгорликлари сўнгги даврлар, яъни Аҳамонийлар ва илк антик даврлар маданий қатламлари билан қопланиб қолган. Шундай бўлса-да, ўтказилган археологик тадқиқотлар натижаси ўларок, ёдгорликларнинг жойлашиш услублари ва типологиясини ёритишни ва шу усул орқали Қадимги Бактрия подшолигининг шаклланиш жараёнини кузатилади.

Қадимги Бактрия маданиятининг илк даври маданий қатламлари (Кучук II) фақат Кучук I даври ёдгорликларида учрайди. Улар Шимолий Бактриянинг еттита ва Жанубий Бактриянинг тўртта деҳқончилик ўлкаларида жойлашган.

Бойсун деҳқончилик ўлкаси ўз таркибига Бойсунтоғ ён бағри яйловлари, Бандихонсой, Миршоди сув ҳавзаларини бирлаштиради. Ҳамма сув ҳавзалари Бойсунтоғдан бошланиши билан характерланади. Воҳанинг маркази майдони 22 гектардан иборат бўлган Қизилтепа ёдгорлигидир. Қизилтепа Қизил I (Кучук I) даврида яшаган. Қадимги Бактрия маданияти давридан бошлаб у икки қисмдан, яъни арк ва шаҳар қисмларидан иборат бўлган. Ўз даврининг энг ривожланган фортификация элементлари бу ёдгорликда намоён бўлган [28]. Қизилтепа атрофида кичик ёдгорликлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб жойлашган.

Аркуиз кишлоқлар тарқоқ ҳолда жойлашган тепаликлар мажмуасидан иборат бўлган ёдгорликлар (Бандихон II ёдгорлиги атрофида жойлашган ёдгорликлар мажмуаси). Ҳарбий истеҳкомлар, доира ва квадрат шаклида қурилган қалъалар. Ушбу типга оид ёдгорликлар кучли мудофааланганлиги ва ҳарбий характерга эгалиги билан характерланади (Таллашқонтепа I, Бандихон II). Қалъанинг ички қисми очик ҳовлидан иборат бўлиб, яшаш уйлари фақат мудофаа деворлари бўйлаб қурилганлиги кузатилади.

Қадимги Бактрия маданияти ёдгорликлари ва уларнинг деҳқончилик ўлкалари бўйлаб жойлашиши

Деҳқончилик ўлкалари	Ўлка маркази	Аркли кишлоқлар	Аркуиз кишлоқлар	Ҳарбий қалъалар	Қўрғонлар
Бойсун	Қизилтепа		Бандихон	Бандихон II	Қизилча I-XI
Сурхон	Ҳайитобод	Эски Термиз	Бандихон тепа		Номсизтепа

Қадимги Бактрия маданияти даврида ҳарбий ишлар ва ҳарбий қурилишларга алоҳида эътибор берилган. Бундай дейишимизга етарлича археологик маълумотлар тўпланган. Шаҳарлар энг ривожланган ҳарбий истеҳкомлар сифатида шаклланади (Таллашқонтепа I, Бандихонтепа II).

Аҳамонийлар даври ёдгорликларининг сони ортиб бориши билан тадқиқотчилар уларни суғорилиш шохобчаларига қараб районлаштириш масаласини ҳам ечишга киришганлар. Э.В.Ртвеладзе шу давр ёдгорликларини 5 та суғорилиш районига (Ўланбулоқсой, Шеробод, Бандихонсой, Миршоди, Вахшувор) бўлган бўлса, А.С.Сагдуллаев 8 та районга ажратган [29].

Аҳамонийлар даврида давлат бошқаруви усуллариининг такомиллашган формасининг жорий этилганлигини, ёдгорликларни суғориш иншоотларига қараб районлаштириш сиёсий ва ижтимоий тарих учун кам маълумотлар беришини инобатга олиб, Бактриянинг Аҳамонийлар даври ёдгорликларини деҳқончилик ўлкалари бўйича районлаштириш таклиф этилди. Шу услуб бўйича Шимолий Бактрия ҳудудида 7 та деҳқончилик ўлкаси, ҳар бир деҳқончилик ўлкасида эса 2-3 тадан суғорилиш районларининг мавжудлиги кузатилади. Бойсун деҳқончилик ўлкаси ўз таркибига Сурхондарёнинг юқори оқимлари ҳудудларини ва Бойсун яйловларини бирлаштириб, бу ерда учта табиий суғорилиш иншооти жойлашган. Барча сув ўзанлари Бойсунтоғдан бошланиб, ўз сувларини Сурхондарёга қуяди. Булар Бандихон, Миршоди ва Сангардак - Тўполанг дарёларидир. Ушбу деҳқончилик ўлканинг маданий ва сиёсий маркази вазифасини Қизилтепа ёдгорлиги ўтаган. Бандихон тарихи кўплаб манбаларни ўз ичига олиб, янги тарихий ва этнографик тадқиқотларни давом эттиришга асос бўлади.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Материалы для статистики Туркестанского края. Под редакцией Н.А.Маева, Ежегодник. –СПб., вып. V, 1879. –С. 238-239.
2. Сагдуллаев А.С. Древнеземледельческие усадьбы Южного Узбекистана. –Ташкент: Фан, 1987. –С.18.
3. Ртвеладзе Э.В. К характеристике памятников Сурхандарьинской области ахеменидского времени. СА, №2, 1975.
4. Сагдуллаев А.С. Древнеземледельческие усадьбы Южного Узбекистана. –Ташкент: Фан, 1987. –С.14.
5. Махмуд Кошғарий. Девону луғатит турк (Туркий сўзлар девони). –Тошкент, II-жилд, 1961. –Б. 35.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. –Москва, 1981. –Б. 78.
7. Ўзбек Миллий энциклопедияси. 1-жилд. –Тошкент, 2000. –Б. 613.
8. Мурзаев Э.М. Очерки топонимики. Москва, 1974. –С.185.
9. Қораев С. Географик номлар маъноси. –Тошкент, 1978, 62-бет.
10. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. –Тошкент, 1988. –Б. 26, 69.
11. Мурзаев Э.М. 1974. –С.185.
12. Бурятско-русский словарь. Москва, 1973. –С. 544.
13. Никонов В.А. Краткий топонимический словарь. –Москва, 1966. –С. 172.
14. Дальварзинтепе. Кушанский город на юге Узбекистана. –Ташкент, 1974. –С.7.
15. Ртвеладзе Э.В. Новые древнебактрийские памятники на юге Узбекистана // В кн: Бактрийские древности. Предварительные сообщения об археологических работах на юге Узбекистана. Ленинград, 1976. –С. 95, 100.
16. Ртвеладзе Э.В., Исхаков М.Х. Плотина Сарибанд // “Строительство и архитектура Узбекистана” -Ташкент, 1977, №1, стр. 18.
17. Сафаров Ш, Умаров И. Айрим топонимлар тарихи. –Қарши, 2005, 11-бет.
18. Авесто. Михр яшт. 87.
19. Пьянков И.Н. Социальный строй древнеземледельческих народов Средней Азии (Опыт исторических реконструкции). Центральная Азия. Источники, история, культура. Тезисы докладов конференции, посвященной 80-летию Е.А.Давидович и Е.А.Литвинского. Москва, 3-5 апреля 2003 года. –М., 2003. С.132-135.
20. “Авесто”, Видевдат, 5,5,6,2;12,13,38; Б.В.Андрианов. Роль ирригации в становлении древних государств. В кн. От классовых обществ к раннеклассовым. –М., 1987.
21. Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия-Тохаристан. Очерки истории и культуры (древность и средневековье). –Ташкент, 1990. –С.22-38.
22. Соруш Сорушьян. Фарханге беҳдинан. –Техрон, 1967. –С. 215.
23. “Авесто”, Видевдат 3,32; 17,3.
24. Аскарлов А.А. Сапаллитепа. –Ташкент, 1973; А.А.Аскарлов. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. –Ташкент, 1977; А.А.Аскарлов, Т.Ш.Ширинов. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. –Самарканд, 1993; В.М.Массон. Древнеземледельческая культура Маргианы. МИА №79. –М., Л., 1959; В.И.Сарианиди. Древние земледельцы Афганистана. –М., 1977.
25. Сагдуллаев А.С. Древнеземледельческие усадьбы Южного Узбекистана. –Ташкент: Фан, 1987.–С. 22; Страбон, IX китоб, 3.
26. «Авесто». Видевдат, 8.5.
27. Сагдуллаев А.С. Сагдуллаев Т., Хакимов З. Археологическое изучение городища Кызылтепе (по итогам работ 1973-1974 гг). // В кн. Бактрийские древности. Предварительные сообщения об археологических работах на юге Узбекистана. Ленинград: Наука, 1976. – 24-30 с.
28. Сагдуллаев А.С. Оседлые области на юге Средней Азии в эпоху раннего железа (генезис культуры и социально экономическая динамика). Автореф. дисс. ... д.и.н. М., 1989. –С.18.
29. Ртвеладзе Э.В. К характеристике памятников Сурхандарьинской области ахеменидского времени. СА.. №2, 1975; Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии. –Ташкент, 1987.

МАНҒИТЛАР ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИ СИЁСИЙ ҲАЁТИДА БОЙСУН

Қобулов Эшболта Отамуродович

Термиз давлат педагогика
институтининг ректори,
тарих фанлари доктори, профессор

Аннотация. Манғитлар ҳукмронлиги даврида Бойсун Сурхон воҳасининг стратегик жихатдан муҳим бекликларидан бири эди. Бойсун шаҳри йирик иқтисодий ва маданий марказ бўлган. У икки томони баланд тоғлар билан ўраб олинган ва бу ердан қаровон йўли ўтган. Ушбу мақолада Бойсун беклиги ва унинг таркибидаги амлоқдорликлар тўғрисида маълумот келтирилади.

Калит сўзлар: Чағониён, Басанд, Бойсун, Дахпаракент, манғитлар, амлоқдорлик, амир.

Аннотация. В период правления мангытов Байсун был одним из стратегически важных опорных пунктов Сурханского оазиса. Байсун являлся крупным экономическим и культурным центром. Он был окружен высокими горами с обеих сторон, и через него проходил караванный путь. В данной статье приводятся сведения о Байсуне и об амлякдарствах, входивших в его состав.

Ключевые слова: Чаганиан, Басанд, Байсун, Дахпаракент, мангыты, амлякдарства, эмир.

Abstract. During the reign of the Mangyts, Baysun was one of the strategically important strongholds of the Surkhan oasis. Baysun was a major economic and cultural center. It was surrounded by high mountains on both sides, and a caravan route passed through it. This article provides information about Baysun and about the amlyakdars included in its composition.

Keywords: Chaganian, Basand, Baysun, Dakhparakent, mangyts, amlyakdars, amir.

Манғитлар ҳукмронлиги даврида Бойсун Сурхон воҳасининг стратегик нуқтаи назардан муҳим бекликларидан бири эди. Бойсун шаҳри йирик иқтисодий ва маданий марказ ҳам бўлган. У Бойсунтоғ этагида жойлашган ва икки томони баланд тоғлар билан ўраб олинган. Шаҳар тарихига назар ташласак, милоддан аввалги I ва милодий I асрлар оралиғида ҳозирги Бойсун ўрнида Поикалон (Пойи калон) номи мустаҳкам қалъа-шаҳар бўлгани эътироф этилган. Милодий VI аср – XIII аср бошларида Бойсун ўрнида Чағониён шаҳарларидан бири Басанд мавжуд эди. Абу-Исҳоқ Истахрийнинг “Китоб ал-масолик вал-мамолик” асарида ҳам ушбу маскан Басанд деб таърифланади. “Ҳудуд ул-олам”да “Басанд кўп сонли ва жанговар аҳоли яшайдиган мустаҳкам жойдир”, – дейилган. Басанд Чағониён марказидан Темир қопуқ орқали Самарқандга борадиган савдо йўли устида бўлиб, археологик манбаларга кўра, шаҳарда ҳаёт илк ўрта асрлардан мўғуллар истилосигача давом этган. Чингизхон босқинидан вайрон бўлган шаҳар кейинроқ қайта тикланади ва илк бор XVII асрдан Бойсун шаклида учрайди.

“Бойсун” атамаси таркибида “бой” ва “син” бирикмалари бор, манбаларда “улуғ тоғ” ёки “катта тоғ” маъноларини англатиши таъкидланади [1]. Қадимий туркий қавмларда тоққа сиғиниш одати ҳам мавжуд бўлиб, тоғлар муқаддас саналган. Бойсун чорвадор бойлар қўним топган жой бўлганлиги сабабли “Бой-шин” яъни бойлар қўналғаси деган маънони ҳам беради. 1758 йили Муҳаммад Раҳимхон Бойсун ва унинг атрофларидаги тоғли қишлоқларни ўзига бўйсундириб, минтақани Шеробод беклигига қўшди. Савдо йўлида жойлашган маскан муҳим ҳарбий-стратегик марказгина бўлиб қолмаган, Бойсунтоғ ва Кўхитанг тоғларидан темир қазиб олинган, Дарбандда мармар ишлаб чиқарилган.

XIX аср охирида Бухоро амири Музаффархон Денов беги Абдулкаримбойга қарши юриш қилганида Бойсунлик аслзода амалдорлар ҳеч қандай қаршилиқ кўрсатмай Бойсун кўрғонини топширганлар. Шаҳар кўрғони мустаҳкам муҳофаа иншооти бўлиб, жомеъ масжидига эга эмасди. Бойсун кўрғони кейинчалик бек ва бошқа маъмурларнинг дам олиш масканига айланган. XIX аср меъморчилигини ўзида тўлиқ мужассам этган кўрғон XIX асрнинг 70 - йилларида Хонгарансойдан 150 метр баландликда қурилган. Кўрғоннинг умумий майдони 3 гектар, узунлиги 800 метр, эни 400 метр. Унинг тўрт томонида баландлиги 10 метрли соқчилар миноралари бор, атрофи эни 3 метр, баландлиги 6 метрли паҳса девор билан ўраб олинган [2]. Н.Маевнинг айтишича, Бойсун кўрғони мустаҳкам муҳофаа иншоотидир, баланд деворларидан ташқари, олдидаги хандак олд қисм деворларини ҳимоялашга ёрдам беради.

Қўрғон атрофида шаҳарликлар чорбоғи жойлашган, шаҳар Хўжамуродбахш деб аталувчи дарёнинг икки қирғоғида жойлашган [3]. Қўрғон ичида бек маҳкамаси ва оиласи учун тураржой бинолари пишиқ ғишдан қурилиб, сарой ганч ва мармар билан безатилган. Қурилишда XIX аср меъморчилигининг барча элементлари маҳаллий меъморчилик билан уйғунлашган ҳолда қўрғонга ўзига хослик бериб туради, янги, оддий, ихчам миноралари, яримайлана бурчаклари, ёғоч устунларга турли бўёқлар берилгани ва х.к. [4].

Бойсун Марказий Осиёнинг энг салқин ва тоза шаҳарларидан бири ҳисобланган. Работдагилар билан ҳисоблаганда 5 мингдан зиёд аҳолиси бўлган. Сурхон воҳасининг энг йирик савдо ва хунармандчилик марказларидан бири эди, 25 та сув тегирмони мавжуд бўлган. Бойсун беклиги 4 амлоқликдан иборат бўлган: Бойсун амлоқдорлигида 2000 ҳовли, Пошхурд амлоқдорлигида 700 хўжалик, Дарбанд амлоқдорлигида 2500 хўжалик, Жомчи амлоқдорлигида 400 дан ошиқ хўжалик бўлган [5].

Н. Маевнинг таъкидлашича, Дарбандда 500 хўжалик бўлиб, улар икки дарада яшайди. Дарбанд амлоқдорлигига Дарбанд қишлоғидан ташқари Шерободдарёнинг кўчманчи чорвадорлари ҳам бўйсунган. Бу кўчманчи халқлар қишлоғи Дахпаракент бўлган [6]. Дахпаракент беклари амир олдидаги мавқеига қараб Ғузор, Бойсун ва Шеробод бекликлари ўртасида алмашилиб турган.

XIX аср охирида Бойсун беклигига қуйидаги амлоқдорлар ва қишлоқлар кирган [7].

I. Бойсун амлоқдорлиги		II. Пошхурд амлоқдорлиги	III. Дарбанд амлоқдорлиги	IV. Жомчи амлоқдорлиги
1.	Шайит	Сайроб	Чамбул	Бибиширин
2.	Газа	Панжоб	Қапчирай	Кўчкак
3.	Пойгабоши	Хатак	Оқмачит	Боғи – Боло
4.	Шўрсой	Лайлагон	Испандиёр	Чинор
5.	Работ	Зарабоғ	Қўрғон	
6.	Инқобод	Қорабоғ	Қизилқишлоқ	
7.	Қорабўйин	Вандоб	Бозорсой	
8.	Кофрун	Шержон	Қўшосиё	
9.	Пасурхи	Чакоб	Бирга – Бир	
10.	Сариосиё	Пошхўрд	Човди	
11.	Авлод		Ёлғиз – Булоқ	
12.			Кўскак	
13.			Чашми	
14.			Кўшкак	
15.			Ғурум	
16.			Сесанги	
17.			Қўноқпоя	
18.			Тошқалок	
19.			Қизилқўтан	
20.			Талли	
21.			Титов	

XX асрнинг бошида Бойсун беклиги қуйидаги амлоқликлардан иборат эди: Бойсун, Жомчи, Работ, Дарбанд, Сайроб, Хатак, Зарабоғ, Пошхурд, Музрабод, Кокайди [8]. Бойсун беклигида 17000 киши яшаган. Аҳолининг жойлашиши ҳам бир текис бўлмаган. Аҳоли асосан дарё бўйи ва унинг ўрта оқимларида, яъни тоғолди ва ўрта тоғ қисмларида зич жойлашган. Бойсун юқори тоғ зонаси ҳисобланиб, аҳоли зичлиги 1 км² да 6, 1 кишини ташкил этган.

Тадқиқ қилинган йилларда Бойсун энг бой чорвадор - кўчманчи ўзбеклар ўлкаси марказига айланди [9]. Улар ёзда ўз отарлари ва овуллари билан тоққа кетишар, кузда эса ем-хашак, озуқа жамғариб, уйларига қайтишарди. Шунинг учун қишда хунармандчилик ва савдо билан шуғулланишган.

Хуллас, сиёсий вазият туфайли беклик ҳудуди ва аҳолиси ўзгариб турган бўлсада, хунармандчилик ва савдо маркази сифатидаги ўрнини ҳеч қачон йўқотмаган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1989. – Б. 288.
2. Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун. – Тошкент: Академнашр, 2011. – Б.57.
3. Маев Н.А. Очерки Бухарского ханства. Материалы для статистики Туркестанского края. Вып. V. – СПб., 1879. – С.169.
4. Туркестанский сборник. Т.554. – С.54.
5. Васильев. Статистический материал для описания Бухары. Бекство Шерабадское и часть Байсунского // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. Вып 57. – СПб., 1894. – С. 402.
6. Маев Н. А. Очерки Бухарского ханства. – СПб., 1879. – С. 151.
7. Кармышева Б. Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – Москва, 1976. – С. 53; Галкин. Военно-Статистический очерк средней и южной частей Сурханской долины // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. Вып. 57. – СПб., 1894. – С. 376.
8. Логофет Д. Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. Т. II. – СПб., 1911. – С. 260; Холиков З. Э. Термиз ва Чағониён сўнги ўрта асрларда. Тарих фан. номз., . дисс. – Самарқанд, 2001. – Б. 102.
9. Маев Н. Географический очерк Гиссарского края. Материалы для статистики Туркестанского края. Вып. V. – С. 168.

УРУШДАН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ ҲАЁТ: ЎЗГАРИШЛАР ВА МУАММОЛАР

Пардаев Тошкентбой Ражабович
Термиз давлат университети
Жаҳон тарихи кафедраси доценти,
тарих фанлари доктори (DSc)

Аннотация. Мақолада урушдан кейинги йилларда Ўзбекистонда юз берган ўзгаришлар, аҳолининг ижтимоий ҳаётидаги аҳвол, муаммолар ва унинг сабаблари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: совет давлати, маъмуриятчилик, аҳоли, муаммо, бошқарув, ижтимоий турмуш, шароит, республика, халқ ҳўжалиги, мустабид.

Аннотация. В статье анализируются изменения, произошедшие в Узбекистане в послевоенные годы, положение в общественной жизни населения, проблемы и их причины.

Ключевые слова: Советское государство, управление, население, проблема, управление, общественная жизнь, условия, республика, народное хозяйство, самодержавие.

Abstract. The article analyzes the changes that occurred in Uzbekistan in the years after the war, the situation in the social life of the population, problems and their causes.

Keywords: Soviet state, administration, population, problem, management, social life, conditions, republic, national economy, autocracy.

Урушдан кейинги мураккаб шароит Иттифоқ раҳбарияти олдида бошқарувни замон талаблари асосида қайта қуриш, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт стратегиясини ислоҳ қилишни кўндаланг қўйди. Халқ урушдан кейинги ҳаётдан жуда кўп нарсани кутарди. Хусусан, бошқарувнинг зўравонлик ва маъмуриятчилик усуллари оммани анча зада қилиб қўйган эди. Халқ ҳўжалигини тинч давр эҳтиёжлари асосида қайта қуриш билан бирга жамиятнинг маънавий муҳитини ҳам янгилаш зарур эди. Афсуски, бундай ўзгаришлар амалга ошмади. Чунки таг замини маъмуриятчиликка қурилган бошқарув услубини ўзгартириш жуда қийин ва мумкин бўлмаган ҳолат эди. Шу боисдан ҳам марказ ҳокимияти бошқарувни либераллаштириш ўрнига кўп ўтмай мустабид тартибини янада мустаҳкамлаш йўлидан борганлиги кейинги воқеалар жараёни ва ижтимоий ҳаётда юз берган ноҳушликларда номоён бўла бошлади.

Сталин ва Берия назорат қилиб турган зулмкор органлар мустабид бошқарув тартибини

мустаҳкамлашга алоҳида урғу берди. ВКП (б) Марказий Қўмитаси директиваларини амалда рўёбга чиқариш жараёнида мустабид тузумнинг мафкуравий муассасалари миллий республикаларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти устидан тўлиқ ҳукмронликни ўрнатиш ҳамда ўзгача фикрловчи ёхуд ўз ҳақини талаб қилувчи ходимларни аёвсиз қатлиёом қилиш йўлидан борди. Буни (Москва, 06.1947 Приказ НК (003)) 47 - йўриқномасида келтирилган топшириқлар баёнидан ҳам билиб олиш мумкин [1].

Ушбу ҳужжатнинг биринчи бандида ташкилотчилик қобилятига эга ва халқ орасида машҳур бўлган кишиларни ёллаб олиш зарурлиги, мобадо улар рад этишса уларнинг юқори лавозимлар томон йўлини тўсиб қўйиш кераклиги уқтирилган бўлса, ўн тўртинчи бандида эса иш жойларида етакчи мустахассислар ишдан олинишига ва уларнинг ўрнига чала мулла ва мулоҳазасиз ходимларни қўйишга эришиш лозимлиги таъкидлаб ўтилганлиги ҳам мазкур тузумнинг асл башарасини ошкор қилади.

Шунга қарамай халқ урушдан кейинги тинч даврнинг шарофатидан илҳомланган ҳолда тинимсиз меҳнат қилди, халқ хўжалигини барча жабҳасида ташаббус кўрсата бошлади. Ишлаб чиқаришда зарбдорлик ҳаракати авж олди. Кўрилган чоралар туфайли урушдан кейинги йилларда мамлакат саноати ўз ишлаб чиқариш қувватларини изчиллик билан ошириб борди. Бу эса одамларнинг турмушини яхшилаш карточка тизимини бекор қилиш, пулнинг қадрини ошириш, ва бошқа қатор ижтимоий тадбирларни амалга ошириш имкониятини берди.

1947-1948 йилларда кишлок хўжалиги экинларидан яхши ҳосил олиниши аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашни бироз бўлсада яхшиланди. 1947 йилга келиб аҳолини озиқ-овқат ва кундалик эҳтиёж моллари билан таъминлашнинг карточка тизими бекор қилинди. Шу йили пул ислоҳоти ҳам ўтказилди. Бу тадбирлар мамлакатнинг молиявий аҳволини барқарорлаштирди, аммо аҳолининг аҳволини оғирлаштирди, чунки энди тижорат нархларида сотилаётган кўплаб товарлар аҳолига қимматлик қиларди. Натижада кўплаб товарлар сотилмасдан тўпланиб қолди. 1947-1950 йиллар орасида уларнинг нархи 5 марта пасайди [2] 1950 йилнинг 1 мартида озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи куйидаги миқдорда арзонлаштирилди: ун ва ун маҳсулотлари 21-30 фоизга, ёрма – 12-20 фоизга, гўшт ва колбаса маҳсулотлари 24-35 фоизга, балиқ ва балиқ маҳсулотлари 10-35 фоизга, мол ёғи 30-фоизга, сут ва сут маҳсулотлари 10-35 фоизга [3] арзонлашди. Аммо ҳали ҳам маҳсулотлар нархи 1940 йилдагига нисбатан 2 барабар юқори эди.

Шунга қарамасдан халқ астойдил ишлади. Миллионлаб кишиларнинг фидокорона меҳнати туфайли халқ хўжалиги тезда тинч қурилиш изига туша бошлади. Ўша даврда совет давлатининг халқ хўжалигини тиклаш юзасидан қабул қилинган дастурларида асосий маблағ ва воситалар уруш туфайли вайрон бўлган ғарбий ҳудудларга йўналтирилган бўлиб, шарқдаги ҳудудлар, жумладан, Ўзбекистон ҳам ўз маблағларига таяниб иш олиб бориши лозим эди. Бунинг устига Ўзбекистон хўжаликни тиклашдаги аҳолини озиқ-овқат ва истеъмол моллари билан таъминлашдаги танқисликларга, малакали ишчи ва мутахассислар етишмаслигига қарамай, Иттифокнинг ғарбий областларига ёрдам бериш ҳақидаги марказ топшириғини ҳам бажариши лозим эди. Масалан, Ўзбекистон алоқачилари Днепропетровск областига 300 та мутахассис, Тошкент темир йўллари ғарбдаги темир йўлларни тиклаш учун 230 та темир йўлчини сафарбар қилди. Бундан ташқари Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон Республикалари, Россиянинг шарқий областлари, Чувашистон, Татаристон ва Бошқирдистон автоном республикалари, Украинага 5000 трактор, 300 автомашина, 500 трактор плуглари ва кўп миқдорда бошқа кишлок хўжалик машиналари етказиб бердилар. Донбасс шахталарини қайта тиклашга Ўзбекистон насослар, компрессорлар, кўтаргич кранлар, электр кабеллари ва бошқа ускуналар юборди [4].

Совет давлатининг Сталинча қатағон сиёсатининг оқибатида йигирмадан ортиқ миллат ва элат вакилларининг Марказий Осиёга, жумладан, Ўзбекистонга кўчирилиши, шунингдек, уруш йилларида Ўзбекистонга эвакуация қилинган аҳоли ҳисобига ҳам республика аҳолисининг миллий таркибида катта ўзгаришлар юз берган эди. Мустабид тузумнинг кўчирилган халқларга нисбатан таъкиб ва чекловларига қарамасдан ўзбек халқи ўзининг бағрикенглиги, қолаверса, инсонпарварлигига содиқ қолган ҳолда кўчкиндиларга илиқ муносабатда бўлди. Уларга томорқа, уй-жой, озиқ-овқат етказиб беришда ўзига хос саҳоват кўрсатди.

Чунончи, 1945 йил 1 июлига қадар бўлган маълумотга кўра Фарғона областига Қримдан ва Грузиядан махсус кўчириб келтирилган 6569 оиладан 4322 оила колхоз аъзолигига қабул қилинган ва шахсий томорқа ҳамда ер билан таъминланган. 3847 оиладан 979 оилага эса кишлок хўжалиги кредити ажратилган [5]. 1949 йилда эса Қора денгиз бўйларида ва Қримда истиқомат қилган грекларни кўчиришнинг иккинчи босқичида 12 минг этник греклар Тошкент, Чирчик,

Янгийўл шаҳарларига жойлаштирилган. Улар учун махсус 14 та шаҳарча барпо этилган [6].

1949 йил 1 январ маълумотларига кўра, Ўзбекистонга махсус кўчирилганлар сони 177090 кишини ташкил қилди [7].

Айниқса, уруш йилларида эвакуация қилинган аҳоли, жумладан, ҳарбий хизматчиларнинг оилалари, етим болалар, уруш туфайли ногирон бўлиб қолганларга ҳам Ўзбекистон аҳолиси урушдан кейинги йилларда ҳам ўзининг беғараз ёрдамини аямади. Мисол учун уруш туфайли кўчирилган оилалар эҳтиёжи учун 1946 йилда Республика ижтимоий таъминот органлари томонидан 236931 минг рубль миқдорида маблағ ажратилди [8].

1948 йилда республика ижтимоий-таъминот органлари ҳисобида 159420 та ҳарбий хизматчиларнинг оилалари ҳисобда турар эди [9]. 1950 йилда ушбу оилаларга ёрдам тариқасида 221800 минг рубль миқдорида маблағ ажратилди [10]. Тиклаш даврининг барча қийинчиликлари, энг аввало, халқнинг матонатли меҳнати туфайли бартараф этилди. Бу даврда халқнинг меҳнат иштиёқи чин дилдан бўлиб, улар фарзандлари учун тинч ва фаровон ҳаётни таъминлаш йўлида турмушнинг барча қийинчиликларига тайёр эди. Бироқ мустабид тузум тиклаш жараёни деярли уруш даври режимида давом эттирди. Уруш тугагандан кейин Марказнинг Ўзбекистонда пахта хом ашёсини етиштиришни кўпайтиришга қаратилган сиёсати яна қайта тикланди. 1946 йилда иттифоқ ҳукумати тўқимачилик саноатини хом ашё билан таъминлаш юзасидан махсус қарор ҳам қабул қилди. Бу қарорга мувофиқ пахта хом ашёсини ишлаб чиқаришни 1950 йилга келиб 1946 йилгига қараганда 2,5 барабар ошириш кўзда тутилди [11].

Марказ пахта хомашёси ишлаб чиқариш юзасидан республика учун белгиланган режани бажаришга доир республика ишларини доимо қаттиқ назорат қилиб борди. Пахта топшириш юзасидан берилган топшириқларни бажармаслик ҳолларига жиддий чоралар кўриш, жумладан, марказда муҳокама қилишдан тортиб жиноий жавобгарликка тортишгача олиб борилди. Чунончи, 1947 йилда Республиканинг пахта топшириш режаларини бажармаганлиги Марказда муҳокама қилинди ва унда республика раҳбарияти “Маҳаллий вазифаларни деб умумдавлат манфаатларини унутиб қўйганликда айбланди [12].

Бу даврда кишлоқларнинг ободончилиги масаласига ҳеч ким эътибор бермасди. Шу сабабли ҳам кўпгина кишлоқ меҳнаткашлари ярим хароба биноаларда, ер тўлаларда истиқомат қиларди. Аҳолига маиший ва тиббий хизмат кўрсатиш ҳам ниҳоятда паст даражада қолаётган эди. Мисол учун, 1950 йилда Ўзбекистонда 604 та даволаш муассаслари бўлиб уларда мавжуд ўринлар сони жами 32,4 мингтани ташкил этар эди. Шунингдек, ҳар 10000 аҳолига 49,7 та даволаш ўрни тўғри келар эди [13]. Бироқ расмий давлат органларининг ҳисоботларидан тортиб оммавий ахборот воситаларигача барча тарғибот органларида аҳолининг турмуш даражасининг йил сайин фаровонлашиб бораётганлиги тинимсиз тарғиб қиларди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб, – Тошкент: “Шарқ”. 2000. –Б. 510.
2. Эргашев Ш. Эрк истар кўнгил. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. –Б.50.
3. Народное хозяйство СССР: ст:сб. – Москва: 1958, – С .771.
4. История Узбекской ССР. – Ташкент: “Фан”. 1974. – С.431.
5. Рахмонкулова А. Ўзбекистонга зўрлик билан кўчирилган халқларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳолига доир (1930-1950 й.) II Ижтимоий фикр. 2002. №1., - Б .70.
6. <http://www.russred.ru>.
7. Юнусова Х. XX асрнинг 80-йилларида Ўзбекистонда миллий муносабатларнинг баъзи жиҳатлари. // Ўзбекистон тарихи. 2002. №1, - Б.48.
8. Ўз МА 96-фонд, 2-ёзув, 714-иш, 7-варақ.
9. Ўз МА 737-фонд, 3-ёзув, 195-иш, 13-варақ.
10. Ўз МА 96-фонд, 2-ёзув, 714-иш, 10-варақ.
11. КПСС и Советское правительство об Узбекистане. сб. документов. (1924-1970 гг.) – Ташкент: 1972. –С. 478-488.
12. Тарих шохидлиги ва сабоқлари. – Тошкент: “Шарқ” 2001. – Б.286-287.
13. Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет. – Ташкент: 1967.

АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ШАҲАРСОЗЛИК МАДАНИЯТИ

Ҳасанов Ақром Мўминович

Қарши давлат университети
Ўзбекистон тарихи кафедраси доценти,
тарих фанлари доктори

Аннотация. Мазкур мақолада Амир Темури ва темурийлар даврида шаҳарсозлик ривожини ва шаҳар маданияти ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: Амир Темури, Темурийлар, илм-фан, шаҳар, чорсу, Шахрисабз (Кеш), Оксарой, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Андижон.

Аннотация. В данной статье рассматривается развитие градостроительства и городской культуры во времена Амира Темура и Темуридов.

Ключевые слова: Амир Темури, Темуриды, наука, город, Чорсу, Шахрисабз (Кеш), Оксарой, Самарқанд, Бухара, Ташкент, Андижан.

Abstract. This article discusses the development of urban planning and urban culture during the times of Amir Temur and Temurids.

Keywords: Amir Temur, Temurids, science, city, Chorsu, Shakhrisabz (Kesh), Oksara, Samarkand, Bukhara, Tashkent, Andijan.

Амир Темури ва темурийлар даври илм-фан ва маданиятнинг юксак ривожланганлигини билан ажралиб туради. Ҳозирги даврда XIV-XV асрлардан етиб келган маданий ёдгорликлар-меъморчилик обидалари, фаннинг турли соҳаларига тегишли салмоқли ёзма мерос, нумизматик материаллар ва бошқа осори-атиқалар бунинг далилидир. Мазкур даврдаги улкан бунёдкорлик ишлари, бевосита, шаҳарсозлик маданияти, илм-фан ривожининг натижаси саналади. Шу сабабдан ҳам темурийлар даври тарихи жаҳон миқёсида ўрганиб келинмоқда ҳамда ушбу даврдаги илм-фан ва маданият тараққиёти ўзига хос ренессанс сифатида ҳам тан олинган.

Амир Темури Самарқандни ўз пойтахти қилиб танлаб олиб 1371-1373 йилларда ҳозир маъмурий бинолар жойлашган тепалик (Тева қўрғон)да ўз арқини бунёд этади. Шаҳар деворлари, фасллари ва буржларини қайтадан тиклайди ва бутун умри давомида Самарқандни ободонлаштириш, кўчаларини равом этиш, маҳобатли иморатлар қуриш билан шуғулланади. Темури даврида Самарқанднинг Оҳанин, Феруза, Сўзангарон, Қаризгоҳ, Чорсу, Шайхзода номли олти дарвозаси бўлган. XV аср бошларига келиб шаҳар ғоят гўзал иморатлар, обод ва файзли майдонлари-ю ариқ ва ҳовузли билан кишини лол қолдириб, “Самарқанди Фирдавсмонанд” деган таърифномани олган. Шаҳар ташқарисидан эса Темурнинг Боғи Нақши Жаҳон (Чўпон-Ота ёнбағирларида), Боғи Баланд (ҳозирги шу номли маҳалла ўрнида), Боғи Шамол (ҳозирги шу номли даҳада), Боғи Беҳишт, Боғи Нав (қалъа ёнида), Боғи Чинор, Боғи Дилқушо, Боғи Бўллу, Боғи Зоғон, Боғи амирзодаи Шоҳруҳ, Боғи Давлатобод, Боғи Жаҳоннамо каби боғ ва чорбоғлари бўлган [9.45].

Амир Темури даврида Самарқанд маърифат, ҳунармандчилик ва савдо марказига айланади. Унинг давридан бошлаб шаҳарларнинг марказий қисми “арубъа” (араб тилида тўртлик) ёки “қитъа” деб аталувчи шаҳристондан ташкил топди. Бу шаҳристонларнинг тўрт дарвозасини кесиб ўтувчи икки катта кўча шаҳар марказида ўзаро кесишган ва бу жой “Чорсу” деб номланган. Амир Темури Самарқанд Чорсусида Сароймулкхонимга бағишлаб Кулоҳфурушлар гумбази деб номланган ёпиқ бозор қурдирган. Шундан сўнг бу анъана бошқа шаҳарларга тарқалган. Амир Темури ва темурийлар даврида рубъа (қитъа) шаҳристонлар Самарқанд, Шахрисабз, Бухоро, Тошкент, Андижон, Ҳиротда мавжуд бўлган. Соҳибқирон шаҳарнинг Оҳанин дарвозасидан Чорсу дарвозасигача Регистон майдони орқали ўтадиган савдо расталари кўринишида кўча очишни буюради. Ушбу кўчани шаҳарсозликда тутган ўрни ҳақида бир неча манбаларда маълумотлар келтириб ўтилган.

Амир Темури арқ (қалъа) ичида тўрт ошёнали Кўк Сарой қасрини, ичида Бўстон Сарой номли қаср бўлган чорбоғ, тураржой бинолари, аслаҳахона, маъмурий бинолар, ҳаммом, шифохона, хазина, зиндон ва бошқа иморатларни, жумладан, Шайх Нуриддин Басир шарафига Қутби Чоҳардахум деб номланган мақбарани (Новадон ариғи ёнида) бунёд этди. Арқ (қалъа, “шаҳри

дарун” ва шаҳарнинг девор билан ўралган қолган қисми “ҳисор” деб аталадиган бўлади [9.45].

Самарқандга, Амир Темур давлатига, ташриф буюрган испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо Самарқанд шаҳрини шундай тасвирлайди: Текисликда жойлашган Самарқанд шаҳри катталиги бўйича Севилия (Италиянинг Андалусия вилоятидаги шаҳар) шаҳридан бир оз каттароқ бўлиб, ташқарисида кўпгина уйлар қад кўтарган, атрофи бир ярим, икки чақиримча келадиган боғ ва узумзорлар билан ўралган ва шаҳар бу боғларнинг марказида турибди. Боғлар орасида кўчалар ва майдонлар бўлиб, кўпгина аҳоли бу ерда истиқомат қилади. Бу ерда нон, гўшт ва бошқа нарсалар ҳам сотилади. Хуллас, шаҳарнинг ичкарасидан кўра, шаҳарнинг ташқарисида кўпроқ аҳоли истиқомат қилади [2:141]. Шунингдек, элчи Соҳибқирон бу шаҳарнинг шухратини кўтариб, кўлга киритган мамлакатларидан бу шаҳарга яшаш учун одамларни, айниқса, турли соҳа усталарини кўпроқ олиб келарди, дея маълумот беради [2.143]. Соҳибқирон ўз буюк давлатининг пойтахти Самарқандни дунёнинг энг гўзал шаҳрига айлантириш учун кўп саъй-ҳаракатлар қилган. Машҳур араб муаррихи Ибн Арабшоҳ “Самарқанд дунё шаҳарларининг келинчаги эди”, дея эътироф этган. Муаррихнинг таъкидлашича, Амир Темур Самарқанд атрофидаги қишлоқларни Шарқ мамлакатларининг йирик шаҳарлари номи билан Миср, Бағдод, Шероз, Дамашқ, Султония деб атадики, бу билан ўз пойтахти мавқеини яна бир бор ошириб кўрсатган [4.8]. XIV асрнинг иккинчи ярми – XV аср бошларида Термиз Амир Темур давлатининг муҳим шаҳарларидан бири эди. Шаҳарнинг Амир Темур даврига оид тавсифи Руи Гонсалес де Клавихо “Кундалигида” ҳам мавжуд. Унда Термиз шаҳри девор билан ўралмаган, серсув ва атрофи кўплаб боғлардан иборат эканлиги, элчилар ҳар хил нарсалар билан савдо қилаётган гавжум майдон ва кўчалар орқали ўтганлигини тасвирлаб ўтган. Сайёх Темурбекнинг асли шаҳри Кешни ҳам тасвирлаб, қуйидаги маълумотларни келтириб ўтган: Кеш катта шаҳар. Шаҳарни боғ-роғлар, қишлоқлар ўраб турарди, атроф кенг адирликдан иборат, кўп аҳоли қишлоқлар, серсув каналлар, катта ариқлар кўриниб туради. Шаҳар атрофи бўйлаб чуқур хандақ қазилиб, дарвозаси олдида осма кўприк мавжуд эканлигини таърифлайди [2.110].

Тарихнавис Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида маълумот берилишича, Темур 1378 йилда Кеш шаҳрини қайта қуриб унга Шаҳрисабз (кўклам шаҳар) номини беради. Шаҳарнинг шимолда Китоб (ёки Арк), жанубда Чармгар, шарқда Кунчиқар ва ғарбда Қушхона номли тўрт дарвозаси бўлган. Бу тўрт дарвозани бирлаштирувчи икки кўча шаҳарни бир неча маҳаллани бирлаштирган тўрт даҳага бўлган. Кеш Марказида Чорсу жойлашган [9.48].

Тарихий маълумотларга кўра, Амир Темур 1365–1366 йилнинг қишини Қарши шаҳрида қишлаб, қалъа деворларини мустаҳкамлайди. М.Е.Массон археологик материалларни таҳлил қилиш асосида 1365–1366 йилларда Амир Темур мустаҳкамлаган қалъа, Кебекхон асос солган саройдир, - деган хулосага келган [5.49]. Амир Темур ўша йилги қишда Қарши мудофаа деворларини таъмирлаб, шаҳарда йирик масжид ҳам барпо этади [6.97]. Амир Темур шу йилнинг ўзидаёқ шаҳарни мудофаа девори билан ўратади ва бу иш шошилинич ҳолда тугатилади [7.179]. Шу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ноёб туркий қўлёзма “Амир Темур таржимаи ҳоли”нинг Набижон Хатиф томонидан форсийдан туркийга ўтирилган таржимасида Соҳибқирон тилидан битилган Қарши қалъасининг қурилиши ҳақида қуйидагиларни ўқиш мумкин: “Мен шаҳар (Қарши) атрофида девор қуриш ва мустаҳкамлашга буюрдим: шаҳар ичида кўп чиройли бинолар қурдирдим... Мен ўз баҳодирларимни Қаршини мудофаа қилиш учун жойлаштирдим” [8.23].

Манбаларга кўра, Амир Темур даврида Моварауннаҳр шаҳарларида камида биттадан мадраса, мактаблар мавжуд бўлиб, уларда малакали мударрислар сабоқ беришган. Самарқанд, Шаҳрисабз, Ҳирот шаҳарларида бундай мадрасалар кўплаб фаолият юритган.

Самарқанд, Шаҳрисабз ва Ҳирот шаҳарлари тузилиши шуни кўрсатадики, темурийлар даврида шаҳарларнинг бурж ва дарвозалари бўлиб, мустаҳкам мудофаа деворлари билан қуршаб олинган. Ҳар қайси шаҳар ўзининг арки ва ҳисоридан ташкил топиб, унинг марказий қисми, кўчалар кесишган жойида ёпиқ савдо гумбазлари - баъзан эса шунчаки очик чорраҳалар чорсулар воситасида ажралиб турган. Жума масжидлари шаҳар бозори билан ёндош жойлашиб бир марказни ташкил этса, бош мадраса олдидаги майдонлар шаҳарнинг иккинчи бир марказини ифодалаган. Ҳунармандлар, ҳунармандчилик касб-корига кўра, аҳолининг табақаларга бўлиниши маҳалла, даҳа сингари шаҳар қисмларини келтириб чиқарган. Бош кўчалар ҳунармандчилик ва савдо расталаридан иборат бўлган. Унчалик кенг бўлмаган кўчалар

майдон ва сарҳовузлар воситасида аҳоли юриш ва тўхташ жойларини ташкил этган.

Темурийлар даври шаҳарсозлигида Бухоро, Ҳирот, Марв ва Шаҳрисабз шаҳарларининг тўртбурчак тарзда шаклланганлиги Ўрта Осиё кўп асрлик меъморий анъаналарининг давом эттирилганлигидан далолат бериб туради [9.46].

Самарқанд, Бухоро, Тошкент ва Шаҳрисабзда Регистон номли бош майдонлар тузилганлигини эътиборга олинса, бундай майдонлар бошқа катта шаҳарларга ҳам хос эди дея тахмин этиш мумкин.

Муаррихлардан Ҳофизу Абрў ва Абдураззоқ Самарқандийлар Шоҳруҳ томонидан Марвнинг қайта бунёд этилганлигини талқин этишади. Бу даврга келиб шаҳар аввалги жойидан бироз (бирор чақиримча) жануброкда, бурунги рабод ерларида, қайтадан қад кўтаради. Тўртбурчак шаклидаги 630х695 метрли ҳажмдаги шаҳарининг 44 фасли (ярим минора)си бўлган. Шимолий шарқдаги Жума (эски Туркистон) дарвозасидан бошланувчи кўча шаҳарни қоқ иккига ажратган.

Шунингдек, Шоҳруҳ ва Навоийларнинг Ҳирот шаҳрининг кенгайтирилиши ва ободонлаштирилишидаги хизматлари ҳақида бир қатор тарихий манбаларда аниқ маълумотлар бериб ўтилган.

Қасрлардан машҳурлари сифатида Самарқанд аркидаги Кўк сарой, Шаҳрисабздаги Оқ сарой, Ҳиротдаги Боғи Шаҳр, Маврадаги Шоҳ саройларини мисол келтириш мумкин. Шуларнинг ичида унча-мунча сақланиб қолгани ва маълум даражада ўрганилгани бу Шаҳрисабздаги Оқ сарой ҳисобланади.

Самарқанд, Бухоро, Ҳирот, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларда қурилган қарвонсаройлар ҳамда шаҳарлар ташқарисидagi рабодлар ҳақида кўплаб маълумотлар бор. Аммо уларнинг аксарияти бузилиб кетган. Лекин бу иморатларнинг кўпчилиги тўртбурчакли, олди пештоқли буржлар билан мустаҳкамланган кўринишга эга бўлган [9.49].

Юқоридаги фикрларни мухтасар қилиб, шуни айтиб ўтиш лозимки, тўрт бурчак кўринишидаги шаҳристоннинг шакли Амир Темур ва Темурийлар даврида ўзгарган бўлсада, уларнинг марказида жойлашган “Чорсу” - бош савдо ўрни ва номи сақланиб қолган. Буни Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз, Андижон, Наманган, Кўқон ва бошқа шаҳарлар чорсулари мисолида кўриш мумкин. Бундан ташқари, юқоридаги шаҳарларнинг деярли барчасида “Регистон” номли шаҳарнинг бош маъмурий-ижтимоий майдонлари ҳам мавжуд бўлган. Амир Темурнинг Самарқанд ва Тошкентни, Шаҳрисабз ва Қаршини, қолаверса, дунёнинг қанча – қанча йирик шаҳарларини нечоғлик обод этганини ҳаммамиз нафақат ўқиб - эшитганмиз, балки ана шу ободлик ишларида иштирок этган ва асрлар бўйи бунёдкорона меҳнати самараларидан баҳра олиб яшаган аجدодларимизнинг фарзандларимиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аҳмедов М. Ўзбекистонда шаҳарсозлик санъатининг шаклланиши. Мозийдан садо. 2013 й. № 4. Б-45.
2. Амир Темур Европа элчилари нигоҳида. Руи Гонсалес де Клавихо. Буюк Амир Темур Тарихи (1403-1406). Ғ.Ғулом номли нашриёт-матбаа ижодий уйи Т., 2007. Б-141.
3. Термиз 2500. Муаллифлар жамоаси. Т., 2001.Б-33.
4. Бўриев О. Азиз Авлиёларни эъзозлаган соҳибқирон. Соҳибқирон юлдузи журнали. 2015 й. № 4. Б-8.
5. Массон М.Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи ...-С.49. 6. Шарафуддин Али Йаздий. Зафарнома.Т.,1997. Б- 97.
7. Аҳмедов Б. Историко географическая литература Средней Азии XVI-XVIII вв. Письменные памятники. -Т.: Фан 1985,-С.179.
8. Насриддинов.Қ. Қарши Регистони.”Тошкент ислом университети”нашриёт –матбаа бирлашмаси Т., 2014. Б-23.
9. Аҳмедов М.Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. Т.-1995. Б.45-49.

ТАРИХИЙ МАНБАЛАРДА ТОШКЕНТНИНГ ИЛМИЙ-ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛЛАРИ

Турсунов Жавли Нарзуллаевич

Термиз давлат университети

Фуқаролик жамияти кафедраси доценти,

тарих фанлари номзоди

Аннотация. Мақолада Тошкент воҳаси ўзбек халқининг илк аجدодлари яшаган ҳудуд эканлиги, аҳолисининг асосий машғулоти деҳқончилик, ҳунармандчилик ва чорвачилик ва суғорма деҳқончилик тараққий этганлиги ҳамда Тошкентни қадимги номи, тарихи ҳақида Хитой, Юнон, Араб, Византия тарихчиларининг муҳим маълумотлари баён қилинган.

Калит сўзлар: Хитой, Юнон, Араб, Византия, Қадимги Шош, Қанг давлати, турк ҳоқонлиги.

Аннотация. В статье рассказывается о том, что Ташкентский оазис был территорией проживания первых предков узбекского народа, что основным занятием его жителей было земледелие, ремесло и скотоводство, развивалось поливное земледелие, а также приводятся важные сведения китайских, греческих, арабских, византийских историков о древнем названии и истории Ташкента.

Ключевые слова: Китай, греки, арабы, Византия, Древний Шош, государство Кан, Турецкая империя.

Abstract. The article describes the fact that the Tashkent oasis was the area where the first ancestors of the Uzbek people lived, that the main occupation of its inhabitants was farming, handicrafts and cattle breeding, and irrigation farming developed, as well as the important information of Chinese, Greek, Arab, Byzantine historians about the ancient name and history of Tashkent.

Keywords: China, Greek, Arab, Byzantium, Ancient Shosh, Kang State, Turkish Empire.

Тошкентни қадимги номи, тарихи ҳақида Хитой, Юнон, Араб, Византия тарихчилари муҳим маълумотлар баён қилишган. Милоддан аввалги III аср ва милодий III асрларда Қанг давлати ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ва илк ўзбек аجدодларини шаклланишида Тошкент ҳудудини алоҳида ўрни борлиги қайд этилади. Тошкент воҳаси ўзбек халқининг илк аجدодлари яшаган ҳудуд бўлиб, асосий аҳолиси деҳқончилик билан шуғулланиб, ҳунармандчилик ва чорвачилик кенг тараққий этиб, суғорма деҳқончилик тараққий этган [1.7]. Тошкентнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти, уни илк шаҳар сифатида шаклланиши, хўжалик тараққиёти ҳақида тарихий манбаларда муҳим маълумотлар акс этган. Тошкент ўзининг қулай географик жойлашуви, иқтисодий-хўжалик тизимнинг мутаносиблиги, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқни тараққий этганлиги ҳамда маънавий ҳаётнинг юксалишга қўшган ҳиссаси билан алоҳида ажралиб туради. Шунинг учун ҳам маҳаллий тарихий манбалар билан биргаликда жаҳон тарихий манбаларида ҳам Тошкент шаҳри хусусида кўплаб маълумотлар мавжуд. Тошкентнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти, уни илк шаҳар сифатида шаклланиши, хўжалик тараққиёти ҳақида тарихий манбаларда муҳим маълумотлар акс этган. Тошкент ўзининг қулай географик жойлашуви, иқтисодий-хўжалик тизимининг мутаносиблиги, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқни тараққий этганлиги ҳамда маънавий ҳаётнинг юксалишга қўшган ҳиссаси билан алоҳида ажралиб туради. Шунинг учун ҳам маҳаллий тарихий манбалар билан биргаликда жаҳон тарихий манбаларида ҳам Тошкент шаҳри хусусида кўплаб маълумотлар мавжуд. Қадимги Шош милоддан олдинги II-I, милодий I-II асрларда Қанг давлати ҳудудига кириб, унинг ҳудудлари Сирдарёнинг ўрта оқимлари ҳисобланган Юни (Тошкент) вилоятини ҳам ўз ичига олган [2.184]. Тарихий манбаларда Тошкент воҳаси аҳолисининг маълум қисми деҳқончилик билан шуғулланиб, деҳқонлар асосан арпа, буғдой, нўхот, шоли, ва бошқа донли экинлар етиштириб, дарахтзор ва узумзорлар бўлган, сут-қатиқлар сероб бўлган [3.].

Шунингдек, турк ҳоқонлигининг VI-VIII асрлардаги сиёсий ривожланишида ҳам Тошкентнинг ўз ўрни бўлиб, бу ҳудудда деҳқончилик маданиятини ривожланганлиги, ҳунармандчилик ва тижорат билан шуғулланиш шаҳар аҳолисининг асосий машғулотиغا айланганлиги тарихий манбаларда батафсил таҳлил этилган. Турк ҳоқонлиги сиёсий ҳокимиятини мустаҳкамланишида эса Қарлук қабилавий иттифоқининг сиёсий нуфузининг ошишида ҳам Шошнинг аҳамияти алоҳида таъкидланади.

Илк ўрта асрларда Тошкент шаҳри ҳақидаги дастлабки тарихий маълумотлар Хитой воқеанависларининг асарларида, яъни “Шимолий (Хитой) хонадонларининг тарихи”, Бейшида (550-577); “Суй сулоласининг тарихи” – Суйшуда (581-618) каби манбаларда акс этганлигини этнограф олим Н.Я. Бичурин ўзининг “Собрание сведений о народах, обитавший в Средней Азии в древние времена” китобида Тошкентни қадимий тарихи географик, иқтисодий хўжалиги ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Ушбу манбаларида, илк бор Тошкент Ши, Чжеше деб номланганлиги қайд этилади [4.240-276]. Таниқли араб тарихшуноси Абу-Жафар Муҳаммад ибн ат-Табарийнинг “Тарих ар-расул ва ал-Мулук” асарида Шошда яшаган туркий ва форсий забон аҳоли тили, урф-одатлари, эътиқодлари ҳақида маълумот келтирилган [5]. Шунингдек, X асрда яшаган араб географи ва сайёҳи Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Маҳмуд, ал-Фараси ал Истаҳрийнинг “Китоб масалик ал-Мемолик” асарида Шошни аҳолиси, табиати, экинзорлари, хўжалиги, аҳолисининг машғулоти, урф-одатлари ҳақида қимматли маълумотлар келтириб ўтади [6]. Таниқли қомусий олим Беруний ўзининг “Ҳиндистон” асарида Шош шаҳрининг номини қайд қилиб ўтган. Олимнинг “Китоб ас-сайдана фи-т-тибб” асарида ҳам Шош шаҳрининг номи, атрофидаги шаҳарлар, аҳолиси ҳақида шунингдек, ушбу асарнинг “Шаҳарларнинг узунлик ва кенгликлари ҳақида” бобида ҳам шаҳарнинг иқлими, кенглиги, жойлашувининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида муҳим маълумотлар берган [7]. Таниқли тарихчи ва шоир Жамол Қаршийнинг “Мулҳақат ас-сурах” асарида Шош ҳақида тўхталиб, шаҳарига умумий таъриф берилган, бундан ташқари шаҳарни турғун аҳолиси, иқтисодий ва маданий ҳаёти, шаҳарда ислом динининг тарқалиши ҳақида маълумотлар берилган [8.100-127]. Таниқли археолог олим С.П. Толстовнинг “Древний Хорезм” (М. 1948) асарида эса Қанҳа милoddан олдин III асрда Сирдарёнинг ўрта қисмида ташкил топган эди, унинг марказий шаҳри Қанғез ҳам Сирдарёнинг ўрта оқимида ҳозирги Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида бўлиб, бу шаҳарнинг ўша даврдаги номи Қанҳа деб аталганлиги қайд этилган [9].

Таниқли рус олими А.Н. Бернштамнинг “Историко – культурное прошлое Северной Киргизии по материалам большого Чуйского” асарида қадим ва илк ўрта асрларда Сирдарё соҳилидаги Шош шаҳри аҳолиси, қишлоқлари, деҳқончилиги, хунармандчилиги ва диний эътиқодлари ёритилиб, Шош аҳолисининг Еттисув аҳолиси билан савдо – сотиқ ва маданий алоқалар янада ривожланиб борганлигини ва бунинг натижасида кўчманчи ва ярим кўчманчи қабилаларнинг турғунликка ўтиш жараёнларини аниқ далиллар асосида исботланган [10.16-20]. Таниқли антрополог олим Т.К.Ходжайов “К палеантропологии Древнего Узбекистана” (Фан 1980. 46.) асарида “Тошкент воҳасининг маҳаллий чорвадор аҳолисининг таркибида эҳтимол, ўрта денгизи ирқий типи қатнашган бўлса керак” деган ғоя асосида Тошкент яқинидаги Бўзсув соҳилида ҳамда Ниёзбоштепадан (ҳозирги янгийўл тумани ҳудудида) олинган бош суяклар ўрганиб, Брохикран (думалоқ бошли) маҳаллий ўтроқ аҳоли яшаганлигини ва бу аҳоли европеоид ирқига мансублигини асослади [11.156]. Қадимги Шошнинг хунармандчилик ва савдо-сотиқ маркази бўлганлигини таниқли олима О.И.Смирнова ўзининг “Каталог монет из городища Пенджикент” (М.1963) асарида таҳлил қилган. Муаллифнинг қайд этишича Шош танга пулларининг бир неча турлари маълум бўлиб: уларнинг барчасида Шош ҳукмдорларининг сурати босилган, уларнинг юз қиёфаси эса мўғилсимон қилиб тасвирланган. Тангаларнинг бир хилларида Шош ҳокимларининг унвони ихшид деб битилган. Шош ҳукмронларининг тангалари Панжикентдан ташқари яна Сирдарё бўйида, Мунчоқтапа деган жойдан, Тошкент яқинидаги Оқтападан (ҳозирги Тошкент шаҳри ичида) ҳам топилган [12.10-21]. Оқтападан олинган танга пулни А.И.Треножкин ўрганган ва бу тангаларнинг санасини VI-VII аср билан белгиланган. М.Е. Массон эса бу тангаларга III – V асрлар деб сана қўяди. Бироқ, А.И.Треножкиннинг қўйган санаси ҳақиқатга яқинроқ. Чунки Шошда хусусан, туркларда III-IV асрларда танга-пул зарб этилиши ҳақида аниқ маълумот йўқ. Панжикент харобаларидан олинган шу турдаги танга пуллар VII-VIII асрлар билан белгиланган. Шош (Чоч) танга пулларини, сўғдий ёзувида ва қадимги сўғд сўзлари билан зарб этилиши ҳисобга олинса бу танга пуллар, араблар келишидан олдин, Шошда турк қабилаларидан бирининг ҳукмронлик даврларида, яъни VI-VII асрларда зарб этилган. Шошда (Чоч) IX-X асрларда Ибн Муҳаммад ал-Истаҳрийнинг таъкидлашича иқтисодий ва маданий ҳаёт ривожланган бўлиб, ҳосилдор ерлари, мевалари сероб, аҳоли ҳайвонларни мева бериб боққанлар. Истаҳрийнинг қайд этишича Шош воҳасини Парак (Чирчиқ – яъни Чирчиқ дарёси араб-форс тилли манбаларда турлича номланган: “Худуд-ул

олам”да дарёи Парак. Истахрийда – Барак дейилган. Ибн Ҳавқал бу дарёни Турк деб номлайди). Дарё ҳавзасида Илоқ (Оҳангарон – яъни араб форс манбаларида “Илоқ дарё” деб илоқ сўзи темирчи – ҳунарманд маъносини англатган) дарё ҳавзасида жойлашган. Истахрийни қайд этишича Шош жуда кўркам, баҳаво, оқар сувлари мўл, қишлоқлари, экинзор ерлари, мевазор, узумзорлари кўп, нуфузли вилоят деб таърифлайди.

Араб тарихчиси Ибн Ҳавқалнинг X асрда қайд этган маълумотларида мусулмон ўғузлар қорлуқлар билан бирга Бискент шаҳрида яшаганлар ва Шошнинг иқтисодий ва маданий ҳаётида алоҳида ўринга эга бўлганлар [13.95].

Шош воҳаси араб истилоси даврида иқтисодий жиҳатдан оғир тушкунлик даврини бошдан кечирган бўлсада, араб лашкарбошиси Қутайба ибн Муслим бошлиқ араблар 713-715 йиллар давомида Шош вилоятини истило қилган бўлсада [14.149-159], бироқ ундан кейинги ноиблар Шошда ўз ҳукмронлигини ўрната олмади. Хуросон ва Мовароуннаҳр ноиби Асад Ибн Абдуллоҳ 736-737 йилларда Шош вилоятини ўз таъсирига ўтказган бўлсада, Шош ҳудудида ҳаракат қилаётган Абу Музахим раҳбарлигидаги маҳаллий қўшинларга қаршилик кўрсата олмади [15.242].

VIII асрнинг 30-йилларигача Мовароуннаҳр ҳудудининг катта қисми араб халифалиги томонидан истило қилинган бўлсада, аммо арабларга қарши тинимсиз қаттиқ қаршилик ҳаракатлари олиб борилиб, оммавий халқ ҳаракатлари туфайли араблар катта ҳарбий қисмлардан ажралдилар. Чунки маҳаллий халқ араб истилоси ва унинг босқинчилик ҳаракатига қарши курашиб тез-тез итоатликдан чиқиб турарди. Шош вилоятида араблар қарши кураш туфайли, арабларга мунтазам тарзда қаршилик кўрсатиб турди. Хуросон ноиблари Шошга бир неча маротаба ҳарбий юриш қилиб, Хуросон ноиби Наср ибн Саййор Шошга уч маротаба юриш қилади, унинг охириги юриши 739 йил бўлган эди [16.166-169].

Наср ибн Саййор бошчилик ҳарбий куч Сирдарё бўйидаги Шош воҳасидаги туркешлар саркардаси Суду (арабча, Курсул) раҳбарлигидаги 15 минг шошликларнинг жиддий қаршилигига дуч келди. Шошликлар арабларга қарши камон ўқ учлари билан қаршилик кўрсатиши натижасида араблар Шошликлар зарбасига бардош беролмай, чекинишга мажбур бўладилар. Бироқ арабларнинг шиддатли ҳужумидан кейин Шошликлар чекинди. Натижада Туркеш саркардаси Курсул (Сули) араблар томонидан асирга олинди.

Араблар томонидан Курсул асирга олингач Наср ибн Саййор ҳузурига олиб келинди. Курсулнинг кексайганлигини ҳисобга олиб уни илтимоси билан Саййор уни қўйиб юборишни илтимос қилиб сўраган: “кекса кишини ўлдириб сен нима фойда оласан? Мен сенга Турк туяларидан минг бош ва минг бош от берай. Бу билан ҳарбий кучларингни тиклаб оларсан”. Курсулни эшитгач, Наср ундан сўрайди: “Сен неча маротаба юриш қилдинг?”, Курсул жавоб қилиб: “72 маротаба”, дейди. “Сен Жажида жангда иштирок қилганмидинг?” деб сўради Наср. Курсул “ха” деб жавоб қайтарди [17.267].

Сулуни араб халифалиги ўзига иттифокдош қилиб, у орқали туркешларни ислом динига бўйсундиришни мақсад қилиб олган эди. Араб халифаси Ҳишом (724-743 йй) Сулу олдида дастлаб элчилар юбориб, туркларни мусулмон динига ўтишни таклиф қилган эди. Бу сиёсати билан халифалик туркешларни сиёсий жиҳатдан ўзига бўйсундиришни мақсад қилиб олаган эди. Бироқ Курсул араб халифалигининг ушбу таклифини қабул қилмаган эди. Юқоридаги эътирозлар туфайли араб халифалиги қўшинлари бир неча марта қаттиқ зарбага учраб, катта талофатлар кўрган, буни эса араблар асло кечира олмас эдилар. Шу туфайли Наср ибн Саййор Курсулни қатл этди. Буни эшитган турк аҳли саркарда ва ҳоконларидан ажралиб ўз кулоқларини кесадилар, юзларини тирнаб узоқ йиғи қиладилар, Курсулни чодирини олиб келиб (одатларига риоя қилиб) куйдирадилар. Туркларни қаттиқ ҳаяжонга солганлигини кўриб, Наср кечаси бир кишини нефт сепиб куйдиришга буюради [18.269].

Шундай қилиб, Наср ибн Саййор 728-739 йилларда Шошга қилган ҳарбий юриш, берилган катта талофатлар эвазига “ғалаба” билан тугайди. У Шошга киради, уни Шош ҳокими Кадар (балки Бедар?) катта совғалар билан тантанавор кутиб олади. Курсул ўлиmidан кейин, туркларнинг арабларга қарши курашлари пасайиб кетади; сўғдийларга араблар ҳукмронлигидан қутилиш ниятлари ушалмайди. Эндиликда (728-739 йй) арабларни Ўрта Осиё ҳудудини батамом эгаллаш учун олиб борган курашлари ниҳоясига етди деса бўлади. Аммо, уларнинг ҳокимларига қарши халқ кўзғолонлари вақти-вақти билан мавжуд бўлиб,

уларда ҳам туркий халқлар фаол қатнашиб келганлар. Масалан, VIII асрнинг 70-80 йилларида Муқанна бошлик “ок либосликлар” қўзғолонида туркларнинг катта гуруҳи сўғдиёналиклар ва бухороликлар билан бирга бўлиб курашганлар [29.52].

Ҳозирги ўзбек шеваларининг шаклланиши ва тараққий этишида Тошкент ҳудудининг муносиб ўрни борлиги тилшунос олимлар томонидан таҳлил этилиб, IX-X асрларда ўзбек аجدодларининг алоҳида элат бўлиб шаклланиш даврида Қарлук диалекти асосан қарлик, чигил, халач, лабан қабилаларининг умумий уюшуви асосида ўзбек элати тилининг шаклланишига асос солганлигини тарихий манбаларда асослаб берилган. Қарлук тил диалектининг шаклланишида ва тараққий этишида Тошкент воҳаси маҳаллий турғун аҳолисининг таъсири сезиларли даражада бўлган.

Маҳмуд Қошғарий туркий тиллар ҳақида тўхталиб, ушбу тиллар ичида энг очиқ ва рагон тил, Хоқония тили деб изоҳ бериб, [20.489] Тошкент воҳаси ўзбек халқининг тилини мукаммал шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳудуд ҳисобланади.

Тошкент ҳудуди ўзбек элати аجدодларининг ўтроқ бўлиб яшаши учун муҳим қулай географик ҳудуд бўлиб, ўғуз, қипчоқ, уйғур ва бошқа қабилаларнинг ўтроқлашиши жадаллашиб, Тошкент воҳасида VIII-X асрларда яшаган ўғуз гуруҳлари ўзбек элатининг шаклланишида фаол қатнашиб, ижтимоий-маданий ҳаётда ўз мавқеига эга бўлган.

IX-X асрларда иқтисодий ва маданий жиҳатдан тараққий этган Шошда (Чоч) ҳосилдор ерлар, мевалар сероб бўлганлигини араб тарихчиси Ал Истаҳрий қуйидагича ёзади: “Шошда (Чоч) шу даражада серобгарчиликки, воҳа аҳолиси ҳайвонларни мева бериб боқадилар” деб ёзиб Шош воҳасини қулай географик ҳудудда жойлашганлиги, аҳолисининг меҳнаткашлиги, ҳунарманд халқ эканлиги ҳамда аҳоли зич яшаганлигини аниқлашга имкон беради [21].

Тошкент воҳаси шаҳарларининг иқтисодий-маданий тараққиёти тўғрисидаги манбаларида Сирдарёнинг ўрта оқимларидаги Шош, Пароқ (Чирчиқ) дарё ҳавзасида ва Илоқ (Оҳангарон) дарё ҳавзасида муҳим аҳамиятга эга бўлган савдо марказлари жойлашганлиги қайд этилган. Араб манбаларида ушбу ҳудудлар хусусида тўхталиб, жуда кўркам, баҳаво, оқар сувлари мўл, қишлоқлари, экинзор ерлари, мевазор, узумзорлари кўп, нуфузли шаҳарлар деб баҳо берилган. Тарихий манбаларда Шош вилоятида 30 га яқин, Илоқда 13 йирик шаҳарлар мавжуд бўлиб, аммо, шаҳар, қишлоқ аҳолиси тил жиҳатидан қайси халққа (турк, тожик) мансублиги ҳақида манбаларга изоҳ берилмаган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, Сирдарёнинг ўрта оқимларида қадимги қанғар-қанғилар, хунлар, усунлар ва бошқа туркий халқлар яшаб, бу халқлар Шош ва Илоқ воҳаларида истиқомат қилган туркийзабон халқлар бўлган. Энг муҳими Чирчиқ ва Илоқ дарё водийларида туркийзабон халқлар билан бирга сўғдийлар ҳам яшаб, улар Шош ва Илоқ водийларининг тоғ ва чўлларда ярим кўчманчи ва ярим ўтроқ ҳолда яшаган турк қабилалари била мунтазам алоқада бўлганлар [22.3, 264-265].

IX-X асрларда Сирдарёнинг ўрта ва қуйи қисмида яшаган ўғузларнинг айрим гуруҳлари Шош воҳасининг Келис чўлида, Ўғам ва Чотқол тоғ этакларида Қорлуқлар билан ёнма-ён яшаб, мусулмон динини қабул қилиб, ўтроқлашиб, шаҳар ва қишлоқларда ўрнашиб қолди [23].

Шош ўтроқ аҳолисининг асосий кўпчилиги Сирдарё оралиғида, яшаб араб ва форс тилли тарихий ва географик асарларда бу ҳудуднинг жуда обод бўлганлиги, унда шаҳар ва қишлоқларнинг оби ва лалмикор ерлари кўп бўлганлиги, боғ-роғлар ва оқар сувларининг сероблиги қайта-қайта таъкидланиб ўтилади [24.17-23].

IX-X асрларда Келес чўлида, Оҳангарон ва Чирчиқ водийларида, Чотқол ва Ўғам тоғ ёнбағрларида ўғузларнинг айрим гуруҳлари ва қарлук қабилалари яшаб, бу этник гуруҳлар ислом динини қабул қилганидан кейин Сомонийлар ижозати билан Шош водийсига келиб жойлашганлар. Туркий қабилалар ҳисобланган ўғуз ва қарлук қабилалари Шош воҳасига келиб жойлашгач бу ҳудудда туркийзабон аҳоли сони кўпайди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, қарлукларнинг баъзи қисмлари Тошкент воҳасига VIII аср бошларида келиб жойлашган [25.17-18]. Кўчиб келган қарлукларнинг бу қисми маҳаллий ўтроқ аҳоли билан аралашиб ўтроқлашди.

Шош воҳасидаги қишлоқ аҳолиси асосан деҳқончилик билан шуғулланиб, чорвачилик ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, шаҳар аҳолиси ҳунармандчилик билан шуғулланган.

Шош ҳудудида қадимдан ҳунармандчилик тараққий этиб, унинг турли соҳалари кулолчилик, темирчилик, заргарлик кенг тараққий этиб, хомашёни асосий қисми Шош воҳасининг ўзидан олинган. Чунки, Қурама ва Чотқол тоғлари темир, олтин, кумуш ва бошқа маъданларга кўп бўлиб, Чотқол тоғи форс тилида Қухисим (кумуш тоғ) деб номланган. Қурама тизма тоғида,

хусусан унинг жануби-ғарбий қисмида (Қорамозор номи билан аталувчи тоғда) кумуш кони бўлган. Оҳангарон дарёсининг юқори ва ўрта оқимлари шохобчалари кумуш конлари билан мавжуд бўлган тоғлардан бошланган. Шунинг учун ҳам бўлса керак, бу дарё (Оҳангарон дарёси) баъзи манбаларда “Кумуш конли дарё” деб номланган [26.229].

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Артомонов М.И. Сокровище саков. М. 1973. С.7.
2. Бичурин Н.Я. Собрания сведения о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена, том 2. С.184; Кюннер Н.В. Китайские известия о народах южной Сибири, Центральной Азии и Дальнего Востока. М. 1960.
3. Кюннер Н.В. Китайские известия о народах Южной Сибири, Центральной Азии и Дальнего Востока. М. 1960.
4. Н.Я. Бичурин “Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена” Т. II. М. –Л. 1950. С. 240-276.
5. История ат-Табари. Перевод с арабского В.И.Беляева с дополнением О.Г.Большакова, А.Б. Халидова. Ташкент. 1987.
6. Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Маҳмуд, ал-Фараси ал Истахрийнинг “Китоб масалик ал-Мемолик”. Изд. M.J de Goeje. Lugdunt Batavorum.1870.
7. Расулов А, Хакимжонов Ю, Жалилов Ғ, Абу Райҳон Беруний “Ҳиндистон” асари, арабчадан таржима қилинган. Т., 1965. Танланган асарлар 2-жилд. Абу Райҳон Беруни. Фармакогнозия в медицине (Китаб ас Садана фи-т-тибб) Исследование, перевод и указатели, У.И.Каримова. Избранные произведения. Т. 1973.
8. Абу-л-Фадл ибн Мухаммад Джамол ад-дин Карши. Мулҳақат а-сурах (извлечение) – Перевод с персидского Р.Ш.Шарафутдиновой. МИСЦА. X-XIX вв. С. 100-127.
9. Древний Хорезм. М. 1948; По следам древнехоразмской цивилизации. М. 1948.
10. Бернштам А.Н. Историко-культурное прошлое Соверной Киргизии по материалам большого Чуйского канала. С.16-20; МИА №14; С.10-74, МИА №26. 97-204 и др. стр.
11. Ходжайов Т.К. К палеоантропологии древнего Узбекистана. С. 156-бет.
12. Смирнов О.И. Каталог монет с городища Пендикента. М. 1963. С. 10-21.
13. Абу Райҳон Беруни. Геодезия. Избранные произведения. Т. III, Ташкент, 1966, С. 95.
14. Қутайба ибн Муслим хижрий 96 й. (714-715 йй) ўлдирилган. История ат-Табарий. 149-159-бетлар.
15. История ат-Табари, С. 242.
16. История ат-Табари, С. 166-169.
17. История ат-Табари, С. 267.
18. История ат-Табари. С.269.
19. Якубовский А. Ю. Восстание Мукаддасий – Движение людей в «Белых - одеждах». Советское востоковедение, вып. 5., 1948, С.49, 52.
20. Шонийёзов К. Қарлуқ қабиласи ва унинг тили ҳақида айрим мулоҳазалар. Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. 4-китоб, Тошкент, 1962. 489-бет.
21. Абу Исҳоқ Иброҳим Ибн Мухаммад ал-Истахрий, Китоб мамасалик ал малик. Материаль по истории киргизов и Киргизии. Т. 1. М. 1873.
22. Араб географлари Шош шаҳарларининг сонини ҳар хил кўрсатадилар. Истахрий (МИКК, С. 19, 28), Шошда 25, шу асарнинг форс тилидаги таржимасида 27 та, Ибн Ҳавқал (389-б.) шунча шаҳар бўлганлигини маълум қилади. Ҳар иккала муаллиф Илоқда 13 шаҳар мавжудлигини айтади. Мукаддасий Шошда 34 та, Илоқда – 17 шаҳар бўлганлигини таъкидлайди. (264-265 – б.)
23. Агаджонов С.Г. Очерки истории огузов и туркмен Средней Азии IX-XIII вв. Ашхабат, 1989.
24. Абу Исҳоқ Иброҳим Ибн Мухаммад ал-Истахрий. Китоб масалик ал-мамалик. Материаль по истории киргизов и Киргизии. Т. 1. М. 1873. С. 17-23.
25. Шонийёзов К.Ш. Узбеки-карлуки, Ташкент, 1964, С.17-18.
26. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия, соч. Т. 1, С. 229.

ЖАНУБИЙ ВОҲАЛАР АҲОЛИСИНING ИЖТИМОИЙ ТУРМУШ ТАРЗИДАГИ МУАММОЛАР (XX АСР БОШЛАРИ)

Холмуминов Хусан Эшмўминович

Термиз давлат университети
жаҳон тарихи кафедраси доценти,
тарих фанлари номзоди

Аннотация. Ушбу мақолада XX аср бошларида жанубий воҳаларидаги аҳолининг ижтимоий турмуш тарзи ҳамда демографик жараёнлардаги мавжуд муаммолари масалалари ёритилган. Шунингдек, бу даврдаги аҳоли ижтимоий турмуш даражасини яхшилаш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилган жараёнларнинг аҳамияти масалалари ёритиб ўтилган.

Калит сўзлар: Бойсун, Шеробод, Денов, Қарши Китоб, Паттакесар, аҳоли ижтимоий турмуш тарзи, урбанизация жараёнлари, демографик муаммолар.

Аннотация. В данной статье освещаются проблемы социального образа жизни и демографические процессы населения южных оазисов в начале XX века. Также подчеркнута важность реализуемых государством процессов по повышению социального уровня жизни населения в этот период.

Ключевые слова: Байсун, Шерабад, Денов, Карши, Китаб, Паттакесар, социальный образ жизни населения, процессы урбанизации, демографические проблемы.

Abstract. In this article, the problems of the social lifestyle and demographic processes of the population of the southern oases at the beginning of the 20th century are covered. Also, the importance of the processes implemented by the government to improve the social standard of living of the population during this period has been highlighted.

Keywords: Boysun, Sherabad, Denov, Karshi Kitab, Pattakesar, population social lifestyle, urbanization processes, demographic problems.

Ўзбекистон жанубий воҳалари шаҳарсозлик жараёнлари билан боғлиқ ижтимоий - иқтисодий жараёнларни илмий тадқиқ этиш ҳамда шаҳарлар аҳолисининг сони ва миллий таркибини ўрганиш муҳим бўлиб ҳисобланади. Бу ўринда XX аср бошларида Ўзбекистон жанубий воҳаларидаги урбанизация жараёнларида ўзига хос тарздаги тарихи билан ажралиб туради. Бу даврда Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларидаги Бойсун, Шеробод, Денов, Шахрисабз, Қарши, ҳамда Китоб, шаҳарлари ижтимоий ҳаёти ва тараққиётида ўзига хос бир муҳим босқичларни кузатиш мумкин.

Таъкидлаш лозимки, бу даврдаги воҳалардаги урбанизация жараёнларининг иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий-сиёсий ва ҳудудий вазифалари, уларнинг бир-бирига таъсири ва алоқадорлиги ва ундаги аҳолининг ижтимоий турмуш тарзини тадқиқ этиш масаласи ҳам муҳим бўлиб ҳисобланади. Ушбу даврдаги урбанизация жараёнлари тарихи ёзма тарихий манбалардан ташқари, мустамлака сиёсатини амалга оширишда иштирок этган ҳамда унга гувоҳ бўлган рус ҳарбийлари, амалдорлари, олимлари ҳамда тарихчилари томонидан ёзилган ва яратилган тарихий асарлар, хотиралар, эсдаликлар, ҳисоботларда ҳам ўзига хос тарзда маълумотлар келтириб ўтилган.

Бу даврда ўлкада пахтачилик ишларини кенг миқёсда олиб бориш учун аста-секин суғориш тизимига эътибор қаратила бошлади. Бундай сиёсатдан кўзланган бош мақсад эса аввало аграр сиёсат яъни пахтачилик масаласини ҳал этиш эди [1.59]. Шунингдек, мустамлакачилик маъмурлари томонидан ижтимоий турмуш шароитлари яхшилаш борасидаги ислохотларда биринчи галда рус аскарлари ҳамда уларнинг оилалари кўчириб келтирилган қишлоқларда озиқ-овқат ва сув таъминотини яхшилаш ҳамда ижтимоий демографик ҳолатлардаги муаммоларни ҳал этиш масалаларига катта эътибор қаратила бошлади. Бу даврда Қашқадарё ва Сурхондарё воҳасининг муҳим марказларидан бири ҳисобланган Қарши, Термиз шаҳри ва унинг атрофидаги ҳудудларда ирригация соҳаларида дастлабки ишлар амалга оширила бошлади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, Сурхондарё воҳаси ҳудудидаги Термиз ҳамда Паттакесар манзилгоҳлари, шунингдек, Қарши шаҳри атрофидаги манзилгоҳлар асосан рус

ҳарбий маъмурлари жойлашган манзилгоҳлар ҳисобланган. Шу сабабли XX аср бошларида асосий сув таъминоти ҳисобланган Паттакесар ҳамда Саловат ариғини таъмирлаш ишларига жиддий эътибор қаратила бошланди [2].

Ижтимоий жараёнларининг фаол тарзда бориши эндиликда сув таъминотини яхшилаш борасида бир қатор ислохотларни амалга оширишни тақоза этаётган муҳим омиллардан бири ҳисобланган. Шу боис бу даврда Қашқадарё ҳамда Сурхондарё воҳаларида аҳолининг сув таъминотини яхшилаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланган. Қашқадарё воҳасида эса Қашқадарё ўзанидаги ариқлар ҳамда Китоб беклиги ҳудудидаги Шўробсой ариғини таъмирлаш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратила бошлади. XX аср бошларига келиб бироз сув таъминоти яхшиланса-да, аммо бу жараёнлар аҳолининг турмуш даражасидаги муаммоларни тўла яхшилаш имконини бера олмас эди.

Яъни шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сув таъминотини яхшилаш борасида ҳам бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб ҳисобланган. Ариқларни тозалаш ишлари эса ҳашар ёрдамида яъни қўл кучи ёрдамида амалга оширилган. Бундай ҳолатларда тозалаш ишлари албатта аҳоли зиммасига оғир юк ҳисобланиб, буни доимий тарзда амалга ошириш имконияти мавжуд бўлмаган. Буларнинг барчаси албатта сув таъминоти масаласида катта муаммолардан бўлиб ҳисобланган [3.271].

Қашқадарё воҳасидаги Эски анҳор канали ҳамда Сурхондарё воҳасидаги Занг каналининг узайтирилиши албатта, янги ерларнинг ўзлаштирилишига сабаб бўлди. Янги ўзлаштирилган ерларга аҳоли хўжаликлари кўчиб келиб, истиқомат қила бошлади. Каналларнинг барпо этилиши сувга бўлган талаб таъминланиши ҳамда амлоқдорлик хўжаликларида аста-секин хўжалик турмуш даражасининг яхшиланишига муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Ижтимоий жараёнлардаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш борасидаги ишлар натижасида, жанубий ҳудудлар аҳолисининг асосан ўтроқ турмуш даражасига ўтишида муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Бу даврда асосан ўтроқ ва кўчманчи ҳаёт кечириб, XX аср бошларига келиб, чарвадор аҳолининг кўпроқ ўтроқ турмуш тарзига ўтиши жараёни янада жадаллашди. Бу омиллар натижасида жанубий воҳаларда аста-секинлик билан маъмурий марказлар ҳисобланган шаҳарларда аҳоли сонининг ҳамда миллий таркибининг ортиши билан изоҳланади. XX аср бошларида жанубий воҳалардаги катта шаҳарлар сони бир неча ўндан ортиқ бўлиб, булардан Қарши, Шаҳрисабз, Китоб, Бойсун, Термиз, Юрчи, Денов, Сарижўй ҳамда Шеробод шаҳарлари муҳим ўрин тутган. Бу шаҳарларда аҳоли сони ва унинг этник таркиби муттасил ортиб борган. Жумладан, маълумотларга кўра, Қарши шаҳри аҳолиси 1897 йилда 15198 кишини ташкил этган бўлса [4.47], 1926 йилга келиб 37587 кишига ортганлигини кўриш мумкин [5.224].

Маълумотларга кўра, Сурхон воҳаси ҳудудидаги Бойсун, Денов ва Шеробод бекликларида аҳолининг этник таркибида асосан ўзбек ва тожик миллатига мансуб аҳоли вакиллари кўпроқ истиқомат қилишган. Бу даврда Юрчи Денов беклиги таркибига кирган [6.19]. Ушбу даврда бекликлардаги ижтимоий турмуш тарзи ўзига хос ижтимоий аҳамиятга эга ҳисобланган. Амирлик томонидан воҳа бекликларидаги аҳолининг ижтимоий турмуш тарзи шунингдек, демографик жараёнлари ўзига хос тарзда назорат қилиб турилган. Жанубий бекликлардан Шеробод беклиги шаҳарлари ҳам ўзига хос муҳим ўрин тутган.

Шеробод беклиги ижтимоий ҳудуд жиҳатидан энг катта ҳудудга эга ҳисобланиб, жанубда Қорақамар кечувидан Паттакесар кечувигача, шарқда Сурхондарёнинг ўнг қирғоғи, шимолий ғарбда Истара ариғидан, Таллашқон ва Хўжаинқо тоғларигача ҳудудларни эгаллаган [7.20]. Шеробод беклигида аҳолининг жойлашуви ҳамда демографик ҳолатлари ҳам ўзига хос аҳамиятга эга ҳисобланган. Жумладан, аҳоли миллий таркибида маҳаллий миллат вакилларида ташқари бошқа миллат вакиллари истиқомат қилишган. Шеробод беклиги ҳам ўз навбатида амлоқдорликлардан иборат бўлган. Бундай амлоқдорликларнинг асосий вазифаси бекликларга белгиланган миқдордаги солиқ ва йиғимларни ўз вақтида етказиб беришдан иборат бўлган. Шунингдек Шеробод беклигига қарашли амлоқдорликлар тўғрисида маълумотларга кўра 6 та [8.402] амлоқдорликдан иборат бўлган. Булар: 1. Таллашқон – 2800 та хонадон. 2. Саидобод – 3300 та хонадон. 3. Таллимарон – 2600 та хонадон. 4. Гидамбоб – 3000 та хонадон. 5. Жарқўрғон – 2000 та хонадон. 6. Солиқобод – 300 та хонадон. Шеробод шаҳрида 1000 та хонадон бўлиб, у ўз бошқарувига эга эди [9.66].

Жанубий воҳалар аҳолисининг ижтимоий турмуш тарзида урбанизация жараёнларининг

фаоллашуви аста-секин аҳоли сонининг ортиб боришида муҳим омиллардан бири ҳисобланган. Эндиликда шаҳарларда кўпайиб бораётган аҳолининг бандлигини таъминлаш ҳамда уларга янги иш ўринлари учун саноат ва корхоналарни барпо этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланган. Саноат корхоналарининг ортиб бориши эндиликда шаҳарлар тараққиётини таъминлаш уларнинг ўзаро алоқаларини кенгайтириш учун темир йўлларнинг қурилишига ҳам замин яратаётган муҳим омиллар бўлиб ҳисобланган.

Аҳоли ижтимоий турмуш даражасидаги мавжуд муаммолар аҳолининг демографик ҳолатларига ўзига хос тарзда таъсир кўрсатган. Бошқарув маъмурлари томонидан бу каби муаммоларнинг олдини-олиш борасида амалга оширган чора-тадбирлар барча аҳоли вакиллари қамраб олмас эди. Бундай ҳолатларда жанубий воҳалар бекликларида аҳоли ижтимоий турмуш даражаси оғир ҳолатда қолаверган. Бошқарув маъмурлар томонидан ўлкадаги аҳоли ижтимоий турмуш даражасини яхшилаш борасида ижтимоий муаммоларни бартараф этиш борасида маълум чора-тадбирлар амалга оширила бошлаган бўлсада, бу жараёнлар барча муаммоларнинг олдини олиш имкониятини бермас эди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Қобилов Э. Сурхон воҳаси хўжалиги – Тошкент: Академнашр. 2012. -Б 59
2. Ўз.Р МДА, 3-жамғарма, 1-рўйхат, 133-иш, 248-варақ.
3. Қобулов Э. Россия империясининг Сурхон воҳаси суғориш тизимидаги тадбирлари. Ўзбекистонда ижтимоий-гуманитар фанларнинг муаммолари. Илмий-амалий мақолалар тўплами. VII жилд – Тошкент: 2016. – Б. 271.
4. Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. – Т.: Медицинская литература им. А.А. Ибн Сина, 1998. С-47.
5. Узбекская ССР. Экономика-географические очерки. Госиздат УзССР, 1963.-Ташкент. С-224.
6. Қобулов Э. Манғитлар сулоласи даврида Сурхон воҳаси маъмурий- бошқарув тизими. Терду хабарлари. 2013 йил №1-4 сон. Б-19.
7. Қобулов Э. Манғитлар сулоласи даврида Сурхон воҳаси маъмурий- бошқарув тизими. ТерДУ хабарлари. 2013 йил №1-4 сон. Б-20.
8. Кап. Васильев. Статистические материалы для описания Бухары. Бекства Шерабадское и часть Байсунского//Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. Вып. 57. – СПб., 1894. – С. 399 – 402.
9. Қобулов.Э. XVIII асрнинг иккинчи ярми – XX бошларида Сурхон воҳаси хўжалиги. Тарих фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. –Тошкент: 2019. Б. 66.

«ЦИВИЛИЗАЦИЯ ОКСА»: МИФ ИЛИ ИСТОРИЧЕСКАЯ РЕАЛЬНОСТЬ?

Абдукаюмов Асрар Раимович
доцент кафедры Всемирной истории
ТерГУ, к.и.н.

Аннотация. В этом статье анализирован историографические подходы по исследований «Цивилизации Окса». Обобщено историография, а также сформирован следующие задачи по выявлению теоретических аспектов истории народов Центральной Азии в энеолите и бронзе.

Ключевые слова: БМАК, цивилизация Окса, гипотеза, первые земледелия, скотоводство.

Abstract. In this article was analyzed the historiographical approaches to the studies of the “Oxus Civilization”. The historiography is generalized, and the following tasks are formulated to identify the theoretical aspects of the history of the peoples of Central Asia in the Eneolithic and Bronze Ages.

Keywords: BMAC, Oxus sivilization, hypothesis, yearly farming, cattle breeding.

Центральная Азия является общей родиной братских народов, исторически сформировавшихся в регионе с древнейших времен. Поэтому события и процессы, происходившие в регионе

в разные исторические периоды, имеют общие корни в истории этих братских народов. В условиях, когда международные политические отношения стали противоречивыми, подход к истории братских народов с этой точки зрения является необходимым условием обеспечения устойчивости межнационального согласия и солидарности.

Эпоха энеолита и бронзы имеет важное значение в исторической повседневной жизни жителей среднеазиатского региона, так как производственные хозяйства сформировались на последнем этапе неолита - периодах широкого распространения земледелия и скотоводства. Согласно геологическим исследованиям, в X тысячелетии до н.э. естественный процесс потепления климата [1] создал основу для возникновения и широкого распространения первых производственных типов хозяйства - земледелия и скотоводства, сначала в Плодородном Полумесце (Западная Азия и Западная Иран), а позже и в соседних регионах. Согласно археологическим, палеоботаническим и генетическим исследованиям, первые предки коз и овец были приручены и одомашнены именно в поселениях Плодородного полумесца. Потомками тех же коз являются останки с поселения Джейтуна, первого неолитического поселения региона, а также с поселений, относящихся к ранним цивилизациям Европы и Древнего Востока [2; p.124]. Кроме того, первое колосовое растение - пшеницу человечество возделывало в Плодородном Полумесце, после этого возделывание пшеницы получило широкое распространение в соседних и отдаленных районах. Следует отметить, что Плодородный Полумесец является первым одомашненным районом только коз и овец, а в земледелии пшеницы. Согласно исследованиям, открытые в эпоху неолита земледелие в основном основывалось на защите дикорастущих колючих растений от животных, а также на содержании с целью предотвращения высыпания их зерен до созревания из-за нехватки воды, то есть на орошении путем перевозки воды. Следы орошения при транспортировке посевов диких растений впервые наблюдаются в культуре Кадан на юге Египта. В то же время освоено приготовление питательной и разнообразной пищи путем уборки и сушки зерна, его длительного хранения для долгих период без урожая, т.ч. зимы. Таким образом формируется первая земледельческая культура очень простого вида. Так, первое сложившееся земледелие заключалось в посеве колосовых зерен, отделяемых в виде семян общинами, на относительно естественно орошаемых и возделываемых полях, обработанных каменными плугами, создавая условия для созревания урожая орошением, основанным на перевозке воды, когда возможности естественного орошения ограничены.

Многолетние исследования русского генетика Н.И.Вавилова проведенные в первой половине XX века, связанные с возделыванием злаков, показали, что процесс возделывания различных дикорастущих растений шел независимо в разных регионах мира, начиная с эпохи неолита. Благодаря исследованиям Н. Вавилова, организовавшего более 180 научных экспедиций, связанных с историей выращивания растений в разных регионах мира, территория Среднеазиатского региона также была признана местом выращивания растений [4]. Так и раннее земледелие широко распространено в южных районах Средней Азии под влиянием Джейтунской культуры позднего неолита, особенно энеолита и бронзового века. Начиная с последней четверти XX века в южных районах региона обнаружено и изучено множество исторических поселений, связанных с развитием производственных хозяйств, а в ходе археологических раскопок, проведенных в последние годы, обнаружены новые пространства таких поселений. Однако, важное теоретическое значение имеет анализ конкретных этапов общественного развития в районе формирования этих поселений, вернее, анализ исторических подходов к этим поселениям (культурам). Археологические исследования раннеземледельческих поселений эпохи энеолита и бронзы в южных районах Центральной Азии начались с последней четверти XIX в. В результате раскопок, проводившихся до 80-х годов XX века, было выявлено и доведено до сведения научной общественности большое количество раннеземледельческих поселений в районах современной Туркмении, Южного Узбекистана, Юго-Западного Таджикистана и Северного Афганистана. Историографический анализ этих исследований обобщено в диссертации А.Бакиева [5; p. 5-8]. В ходе тщательных анализов исследователь указывает, что сделанные научно-теоретические выводы о поселениях эпохи энеолита-бронзы региона происходили в следующие три этапа:

Первый этап - исследования, проводившиеся в конце XIX - 70-х годах XX века. Этот этап

характеризуется открытием и локализацией крупных памятников в регионе. С 60-х годов XX века в южных районах Средней Азии изучаются номозгская, сополлинская и степная культуры эпохи бронзы. На основе стратиграфии памятников района и анализа архитектурных традиций, классификации могил, предметов материальной культуры и антропологических находок возникли научно-теоретические выводы о формировании первой земледельческой культуры в регионе.

Второй этап начался во второй половине 70-х годов XX века, исходя из общих проявлений артефактов, обнаруженных в археологически изученных поселениях на южной территории области, а также культуры жителей поселений, и с учетом древнейших исторических названий этих территорий, упоминаемых в первых источниках как Авеста и Бехистунских надписях. В связи с этим сделаны научно-теоретические выводы о том, что указанные поселения следует признать единым Бактрийско-Маргианским археологическим комплексом (БМАК). В 1976 года археолог В. И. Сарияниди впервые обобщал этих культур под названием БМАК и этот термин был принят большинством исследователей [6; р. 5-8].

Третий этап – научно-теоретические выводы на основе исследований, начатых в середине 90-х годов 20 века и продолжающихся в настоящее время. В этих исследованиях были введены в научный оборот научно-теоретические выводы о формировании нового очага цивилизации в эпоху бронзы на основе памятников БМАК на базе первых производственных хозяйств юга Среднеазиатского региона. В научных литературах этот очаг цивилизации назывался разными: цивилизацией Окса, Турана, Центральной Азии, Южного Узбекистана, Бактрии, Окс-Амударьи, Маргианы, Амударьи и Великой Хорасанской. Следует отметить, что и сегодня проводятся систематические исследования по изучению специфических особенностей этого очага цивилизации и закономерностей его формирования.

Если обратить внимание на динамику исследований, начавшихся в последнее десятилетие XIX века и продолжающуюся и в настоящее время, в основном на основе выводов археологических раскопок, то складывается следующая картина попытки восстановить исторические процессы:

1. В южных районах Центральной Азии поселениями, сформировавшимися на основе раннего земледелия и скотоводства в эпоху энеолита и бронзы, считались деревни, состоящие из постоянных поселений общин (выводы первого этапа).

2. Поселения, образовавшиеся на основе раннего земледелия и скотоводства, располагавшиеся в определенных земледельческих оазисах, объединялись в уникальную структуру - город-государство, сосредоточенный в социальной и культурной сферах (выводы второго этапа).

3. Города - государства, сформировавшиеся на основе раннего земледелия и скотоводства, образовали политически единое, централизованное крупное государство (или страну) - цивилизацию Окса (выводы третьего этапа).

По нашему, в полноценном обосновании этих выводов бросается в глаза ряд недостатков. И эти недостатки можно наблюдать в следующее:

Во-первых, эти научно-теоретические подходы были основаны только на гипотезах археологических раскопок в целом, а также на анализе обнаруженных артефактов, поскольку письменные источники по истории эпохи энеолита и бронзы на юге области, к сожалению, до наших дней не сохранились или вообще не составились.

Во-вторых, тот факт, что необходимые для земледелия ирригационные сооружения, составляющие хозяйственную основу этих памятников, до сих пор не обнаружены (фактически первое земледелие происходило за счет естественных орошаемых площадей). И это свидетельствует о том, что еще предстоит провести множество исследований по уточнению наличия экономических основ «Цивилизации Окса».

В-третьих, тот факт, что в этих памятниках до сих пор не обнаружено следов крупных мастерских или ремесленных кварталов, отражающих специализированное ремесленное хозяйство, свидетельствует о том, что «Цивилизация Окса» была «уникальной» цивилизацией, сформировавшейся только на основе раннего земледелия и скотоводства.

В-четвертых, не обнаружение градостроительных структур (например, дворец) или полноценного города при раскопках этих памятников дает основание сделать выводы о существовании «Цивилизации Окса» без каких либо городов.

В-пятых, при раскопках, проводимых в этих поселениях, отсутствуют артефакты, отражающие процессы политического управления (имя правителя, название царствующей

династии, хотя бы печать династий, считающееся ярким знаком). Это свидетельствует, что на территории БМАК существовала децентрализованная цивилизация.

Эти выводы поставляют на повестку дня необходимость пересмотра научно-теоретических выводов о повседневной жизни членов сообщества поселений, сформировавшихся на основе раннего земледелия и скотоводства на юге региона в эпоху энеолита и бронзы, на основе систематических анализов историографических исследований.

ЛИТЕРАТУРА:

1. André, Marie-Françoise (1997-05-01). Holocene Rockwall Retreat in Svalbard: A Triple-Rate Evolution. *Earth Surface Processes and Landforms*. 22 (5): 423 - 440. doi:10.1002/(SICI)1096-9837.
2. Maisels, C.K. The Near East: Archaeology in the “Cradle of Civilization”. - Routledge, 1999.
3. Dubcovsky, J. and Dvorak, J. Genome Plasticity a Key Factor in the Success of Polyploid Wheat Under Domestication//*Science*. - 316 [Issue 5833]. - 29 June 2007. P. 1862.
4. Вавилов Н.И. Центры происхождения культурных растений. – Ленинград: 1926; Мирзоян Э. Н. Николай Иванович Вавилов и его учение. - М.: Наука, 2007. – 178 с.
5. Бакиев А.А. Социальный характер цивилизации Окса. Автореф.дисс.на оис. уч. ст. докт. филос. – Термез, 2021.
6. Сарианиди В.И. Некрополь Гонура и иранское язычество. – М.: 2001.

СУРХОН ВОҲАСИДА 1946-1970 ЙИЛЛАРДА ПАХТА ЯККАҲОКИМЛИГИ СИЁСАТИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ

Якубова Дилорам Таджиевна

Денов тадбиркорлик ва педагогика институти ўқитувчиси
Тарих ва фалсафа кафедраси мудири
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация. Ушбу мақолада Сурхон воҳасида 1946-1970 йилларда пахта яккаҳоқимлиги сиёсатининг амалга оширилиши ва унинг натижалари ҳақида фикрлар юритилган. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Ўзбекистонда йирик суғориш иншоотларини барпо этишга киришилди. Бу жараён ВКП(б) МК ва СССР Халқ Комиссарлари Советининг 1945-йил июл ва 1946-йил 2-февралда чиққан буйруқларига асосан амалга оширилди. Сурхондарё вилоятида улкан ирригация тармоқларини бунёд этиш даври бошланди.

Калит сўзлар: Сурхон-Шеробод, Ҳазарбоғ, Таллимарон, СССР Министрлар Совети, Сурхондарё хавзасидаги янги ерларни Жанубий Сурхон сув омбори, суғориш ишлари.

Аннотация. в данной статье рассматривается реализация хлопковой монополистической политики и ее результаты в Сурханском оазисе в 1946-1970 гг. В годы после Второй мировой войны в Узбекистане были построены крупные ирригационные сооружения. Этот процесс осуществлялся на основании постановлений ЦК ВКП(б) и СНК СССР от июля 1945 г. и 2 февраля 1946 г. В Сурхандарьинской области начался период строительства огромных оросительных сетей.

Ключевые слова: Сурхан-Шерабад, Хазарбог, Таллимарон, Совет Министров СССР, новые земли в Сурхандарьинской котловине, Южно-Сурханское водохранилище, ирригационные работы.

Abstract. this article discusses the implementation of the cotton monopoly policy and its results in the Surkhan oasis in 1946-1970. In the years after the Second World War, large-scale irrigation facilities were built in Uzbekistan. This process was carried out based on the orders of the Central Committee of the CPSU(b) and the Soviet of People's Commissars of the USSR issued on July 1945 and February 2, 1946. The period of construction of huge irrigation networks has begun in Surkhandarya region.

Keywords: Surkhan-Sherabad, Hazarbog, Tallimaron, Soviet of Ministers of the USSR, new lands in the Surkhandarya basin “Southern Surkhan Reservoir, irrigation works.

Сурхон-Шеробод воҳасидаги деҳқончилик Шерободдарё ва Занг каналидаги суғориш тизимларини қайта таъмирлаш билан боғлиқ эди. Янги ерларнинг ўзлаштирилиши асосан колхозларнинг кучи ва маблағлари ҳисобига бажарилди. Жарқўрғон ва Термиз туманлари колхозчилари томонидан 1949 йилда узунлиги 23 км бўлган Какайди ва 1956 йилда Занг (узунлиги 90 км) каналлари қурилди. Термиз туманидаги Янгиариқ канали қайта таъмирланиб, Сурхондарёнинг сўл қирғоғидаги Октепа массиви ўзлаштирилди [1.8]. Шу билан бирга, Шўрчи туманидаги Шалдиروق, Окқўрғон, Октепа ботқоқликлари, Денов туманидаги Кампирқўл ботқоқлиги, Жарқўрғон туманидаги Окқўрғон, Гарангтўқай ва Заркамар Туркманқишлоқ, Жалоир, Қумқўрғон ботқоқликлари, Сариосиё туманидаги Жартекис ва Файзобод ботқоқликлари ўзлаштирилди. Янги ўзлаштирилган ерлар ҳисобига 1946 йилда пахтанинг ҳосилдорлиги 14,8 центнерга, 1953 йилда эса 25,9 центнерга етди. Ингичка толали пахта майдонлари эса 10 баробар ошди [2].

Шеробод ва Бойсун туманлари меҳнаткашларининг кучи билан Шўрчи туманидаги Миршоди дашти ўзлаштирилди. Янги очилган массивга сув ўтказиш учун Ҳазарбоғ каналининг кейинги навбати қурилди. Натижада Шеробод ва Бойсун туманларининг бир қисми сув билан таъминланди. 1949 йилнинг сентябр ойида ҳукумат кўрсатмасига биноан, Занг каналдан Таллимарон массивига сув чиқариб, чўлни ўзлаштиришга киришилди. Чўлқуварлар 18 километрлик Таллимарон каналини қазиш ва сув чиқариш ишларини жадаллаштиришди. 90 кун деганда бу канал қўл кучи билан қазиб тугатилди [3.4-5].

1950 йилда Сурхон-Шеробод воҳасининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида комплекс механизацияни киритиш мақсадида суғоришнинг янги тизимига ўтиш, суғориладиган ҳудудларни кенгайтириш, сувни тежаш ва ернинг шўрланиши олдини олиш масаласида муҳим ишлар қилинди. 1951-1952 йилларда Жарқўрғон, Термиз, Ангор, Шеробод ва Шўрчи туманлари меҳнаткашлари Занг каналини тозалаш ва кенгайтириш борасида катта ишларни олиб бориб, экин майдонларининг сув билан таъминланишини яхшилади. Ўтказилган тадбирлар натижасида, қишлоқ хўжалигида экин майдонлари кенгайиб, 1950 йилда 155,2 минг гектарни ташкил этди, шундан 59,7 минг гектари пахта майдонлари эди [4].

Урушдан кейинги даврда Сурхон-Шеробод воҳасидаги ирригацион-мелиоратив тадбирларнинг хусусияти шунда эдики, биринчидан, мавжуд тизимларда сув ишларининг энг яхши шароитларини таъминлаш учун чоралар кўрилди. Иккинчидан, суғориладиган ерлар ва майдонлар ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалиги тармоғига киритилди. Бироқ, сув манбаларининг камлиги воҳа қишлоқ хўжалигини сув билан таъминлаш имконини бермади. Бу муаммони фақат Сурхондарё сувидан унумли фойдаланиш йўли билангина ҳал қилиш мумкин эди. Бунинг учун Сурхондарёдан янги суғориш каналларини қуриш ва Амударёга тушадиган баҳорги ва қишки сувларни йиғиб, халқ хўжалиги манфаатлари йўлида ишлатиш лозим эди.

Юқоридаги муаммони ҳал этиш учун СССР Министрлар Совети 1952 йил 2 сентябрда Сурхон-Шеробод воҳасида янги ерларни ўзлаштириш мақсадида сифими 165 млн м³ га тенг бўлган Учқизил сув омборини қуриш ва 10 минг гектар янги ерни очиш бўйича махсус қарор қабул қилди. Совет ҳокимияти пахта яккахокимлигини мустаҳкамлаш мақсадида колхозларни сув билан таъминлашга алоҳида эътибор бериб, Сурхондарё вилоятидаги Учқизил ва Тошкент вилоятидаги Туябўғиз сув омборларига 48 миллион сўм мавблаглар ажритиб, ушбу сув омборларни тезлатишни давлат назоратига олди [5.7]. Шунингдек, Занг каналини узайтириш ва қайта таъмирлаш бўйича кўрсатмалар берди. Ушбу қарорни амалга ошириш бўйича 27 кишидан иборат Колхозлараро махсус кенгаш тузилди. Занг канали бўйича ўтказилган ер ишларининг умумий ҳажми 400 минг м³, бутун колхоз ички суғориш ва коллектор тизимини қайта қуриш учун 300 минг м³ ишлар бажарилди. Ушбу ишларни амалга ошириш учун 2,5 млн сўм ажратилди [6]. Сурхон-Шеробод ҳудудини ўзлаштириш, янги суғориш тизимларини қуриш ва коллектор-зовурларни ишга тушириш мақсадида механизация кучидан фойдаланишга катта эътибор берилди. 1953 йилда воҳа қишлоқ хўжалигига 6 мингта трактор ва 2200 та автомашиналар жалб этилди [7].

Воҳада пахта майдонларини кенгайтириш ва уларни доимий сув билан таъминлаш мақсадида 1961 йил 3 февралда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети «Сурхондарё ҳавзасидаги янги ерларни «Жанубий Сурхон сув омбори»нинг кучи билан ўзлаштириш ва суғориш бўйича

чоралари ҳақида»ги қарорни қабул қилади. Унга қўра, 86,3 минг гектар ер майдонини етти йилда ўзлаштириш, шунингдек, «Занг» тизими бўйича 35 минг гектар янги ерларни қишлоқ хўжалиги оборотиға киритиш масаласи кўриб чиқилди [8].

«Жанубий Сурхон сув омбори» ҳисобидан янги ерларни ўзлаштириш мақсадида 1961 йилда «Сурхансовхозстрой» трести ташкил этилди. Шу тариқа, «Жанубий Сурхон сув омбори» базасида Шеробод даштини кенг кўламли ўзлаштириш бошланди. Сув сифими 800 млн м³ бўлган Жанубий Сурхон сув омбори Шўрчи туманидаги «ВЛКСМ 30 йиллиги» совхози ерларида, Заркамар ва Хўжамулки ораликларидаги тўқайзорлар ўрнида қурилди. Сув омборини лойиҳалаш ишлари 1958 йилда бошланган, асосий қурилиш ишлари эса 1961 йилда киришилган эди. Тўғоннинг максимал баландлиги 30 метр, тепа қисмининг кенглиги 10 метр, қирра бўйлаб узунлиги 5,4 км. Сув омборининг умумий кўринадиган майдони 65 км² дир. Унинг вазифаси Сурхон дарёсининг мавсумий оқимини тартибга солиб, халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун ишлатиш эди. Сув омбори баҳорда бўладиган сел сувларини йиғиб, ёзги қуруқ фаслда Шеробод ва Қумқўрғон магистрал каналлари орқали Сурхон-Шеробод воҳасидаги 71 минг гектар ердаги экинзорларни сувлаш имкониятини яратди. 1962 йилдан бошлаб Жанубий Сурхон сув омбори воҳа қишлоқ хўжалигини зарур бўлган сув манбаси билан таъминлай бошлади. Орадан олти йил ўтгач, яъни 1968 йилда сув омбори тўлиқ ишга туширилади [9.46].

Сурхон-Шеробод воҳасида 1960 йилларда янги ерларни ўзлаштириш, суғориш тизимини қуриш ва қайта таъмирлаш мақсадида 70 дона экскаватор, 20 дона скрепер, 120 дона бульдозер, 210 дона юк машиналари, 80 дона трактор ва бошқа техникалар жалб этилди [10]. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида 1964 йили Шеробод даштида Занг тизими бўйича 3660 гектар янги ерлар ўзлаштирилиб, 1020 гектарига пахта экилди. Кўрик ерларни ўзлаштираётган қурилиш ташкилотлари учун зарур бўлган техника воситалари етказиб берилди. Масалан, 1963 йилда 11-сонли қурилиш трести кўрикда 13 экскаваторга эга бўлса, 1964 йилда уларнинг сони 50 тага етди. Автомобил ва кўтарма кранларининг сони бир йилда 5 тадан 23 тагача етди [11].

Сурхондарёда янги ерларни ўзлаштириш мақсадида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1965 йил 7 июлда «Ўзглавводстрой» зиммасига Сурхон-Шеробод воҳасидаги совхозларнинг ирригация ва мелиоратив ҳолатини яхшилашга эътибор қаратишни юклади. Натижада, 1966 йилда Занг канали батамом реконструкция қилинди ёки қуриляётган пайтидаги ўтказиш қувватидан 5 барабар кўп сув ўтказди. Сурхон-Шеробод воҳасида «Ўзглавводстрой» томонидан 1966 йилда 4,1 минг гектар, 1967 йилда 9 минг гектар, 1968 йилда 11 минг гектар, 1969 йил 12,6 минг [12] ва 1970 йил 14,0 минг гектар ерларнинг ирригация-мелиорация ҳолати яхшиланди. 1965 йилда Шеробод даштининг кўрик совхозлари бўлмиш Янгиободда 3635 гектар, Комсомолободда 4000 гектар, Советободда эса 2100 гектар майдонга пахта экилди. 1965 йилда қишлоқ хўжалик экинларининг майдони Сурхон-Шеробод воҳасида 166,6 минг гектардан 214,8 минг гектарга етди [13.13-14].

1966 йилда Шеробод даштини суғориш ва ўзлаштириш дастури асосида Шеробод воҳасининг энг қадимги ҳосилдор ерлари бўлган Янги Истара, Қизириқ массивларини ўзлаштириш бошланди. Бу иш «Жанубий Сурхон сув омбори» ва Шеробод машина магистрал каналининг қурилиши билан боғлиқ эди. Узунлиги 27 километр бўлган Шеробод магистрал канали Жанубий Сурхон сув омборининг ўнг қирғоғида қурилган бош сув олиш иншоотидан сув олади. Пишқириб оқаётган сув канал трассасининг дастлабки 8 километрида Сурхондарёнинг ўнг қирғоғи бўйлаб ва Тошкўприксой ўзани тагидан 150 метр узунликдаги 3 кўзли (3х3,5 м.) темир-бетон қувурли дюкер орқали ўтади. Қуйироқда каналдан Қумқўрғон каналига 10 м³/сек. миқдоридаги сувни ташлаш учун сув чиқаргич ўрнатилди. Каналнинг 13 кмдаги участкасида Шеробод насос станцияси барпо этилди. У ердаги кудратли насос-агрегатлар ёрдамида сув 10 қаватли уйнинг баландлигича кўтариб берилади. 1966 йилда Шеробод магистрал канали Қизириқдара даштига биринчи марта сув берди. Орадан беш йил ўтгач, яъни 1971 йилда Шеробод магистрал канали тўла фойдаланишга топширилди [14].

Шеробод магистрал канали 27-километрдаги участкада ўнг ва чап тармоқларга бўлинади. Каналнинг чап тармоғи узунлиги 29,6 км бўлиб, ўзани бетон тўшама билан қопланди. Бу эса сув сарфини камайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Сув ўтказиш ҳажми 25 м³/сек. Ўнг тармоқнинг узунлиги 76,6 км бўлиб, Шерободдарё тизимидаги ерларни сувлашга хизмат қилади. У ҳам бетон тўшама билан қопланди [15].

Сув омбори ва магистрал канал қурилиши билан бир қаторда кенг кўламли ирригация ва коллектор-дренаж тизими қурилиши амалга оширилди. 10 йиллик иш натижасида чўлни ўзлаштириш учун 1047 км бетон ва темир-бетон қопламали суғориш каналлари, 936 км очиқ коллектор ва 1690 км горизонтал дренаж қурилди. Сув масаласининг ҳал этилиши 1962 йилда 2 минг гектар, 1963 йилда 8 минг гектар кўриқ ерни ўзлаштириш имконини берди. 1972 йилнинг охирига келиб 60 минг гектар ер фойдаланишга топширилди [16.61-62].

Каналнинг чап тармоғи қурилиши билан 1968 йили Бандихон- Қизирик массивларининг янги ерларида иккита кўриқ совхози ташкил этилди. 1968 йили 3238 гектар кўриқ ерлар ўзлаштирилди [17], шулардан 1000 гектарига пахта экилди [18.18]. 1968 йил Шеробод машина магистрал канали тизими бўйича Ў.Охунбобоев номли 7-совхоз ташкил этилиб, 2100 гектар янги ерлар ўзлаштирилди ва 400 гектар ерга пахта экилди. Ўша йили давлатга 538 тонна пахта топширилди, ҳар бир гектар ердан 13 центнердан пахта йиғиб олинди [19]. 1972 йилга қадар Шеробод магистрал канал ҳудуди бўйича 8 та пахтачилик совхози ташкил этилди. 1968 йилда Сурхон-Шеробод воҳасидаги совхозлар давлатга 28346 тонна пахта топширдилар. Сурхон-Шеробод воҳасида 1958-1968 йилларда пахта майдонлари 82,451 гектардан 111,500 гектарга етди. Агар 1958 йилда Сурхон-Шеробод воҳасида 236 минг тонна пахта давлатга топширилган бўлса, 1968 йилга келиб бу кўрсаткич 346,3 минг тоннага етди [20].

«Жанубий Сурхон сув омбори» комплексида бажарилган ишлар натижасида вилоят жанубида йилнинг исталган даврида суғориш учун етарли микдорда сув тўпланди. Сув кам бўлган шароитга мослаб асрлар давомида яратилган агротехника усуллари танқидий назардан қайта кўриб чиқилди. Чунки ўзлаштирилаётган водийнинг моддий-техника ва табиий-иқлимий шароитларидан янада тўлароқ фойдаланиш пайти келган эди.

Ирригация-мелиорация ишлари тугаллангач, вилоят жанубида суғориладиган ерларнинг микдори 180 минг гектарга ёки вилоятнинг барча туманларидаги ерлардан анча кўп микдорга етказилди. 1969 йилга келиб вилоятдаги жами суғориладиган ерларнинг 90 фоизидан кўпроғи сув омборларида тўпланадиган сувлар билан суғорила бошланди. Ерлар табиий сув манбаларидан суғорилганда, уларга сув билан бирга жуда кўп лойқалар ҳам оқиб келади. Бу лойқалар ернинг табиий ҳосилдорлигини саклайдиган ва тиклайдиган факторлардан бири ҳисобланади [21.4].

Сурхондарё вилоятида янги совхозларнинг ташкил этилиши ирригацион қурилишларни амалга ошириш ва Шеробод даштидаги кўриқ ерларни ўзлаштирилиши билан бевосита боғлиқдир. Бу ишларда 1965-1974 йилларда Сурхондарё вилоят партия комитетининг биринчи котиби бўлиб ишлаган Нуриддин Муродовнинг (1915-1974) хизматлари жуда катта бўлди. Н.Муродов Сурхондарё вилоятида ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш, айниқса, пахтачилик ва боғдорчиликни юксалтиришда жонбозлик кўрсатди. Сурхон-Шеробод воҳасида янги туман ва шаҳарлар барпо этилишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Н.Муродовга пахтачиликни ривожлантириш, ишлаб чиқаришда фан ютуқлари ва илғор тажрибаларини кенг қўллаш, юқори ҳосил олишда эришган катта ютуқлари учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилган.

Бундан ташқари, Сурхон воҳасида янги ерларни ўзлаштириш ва пахтачиликни ривожлантиришда Меҳнат Қаҳрамонлари – Шаймардон Қудратов, Отамурод Худойназаров, Жиянқул Рустамов, Муҳаммади Келдиев, Бобоёр Ҳасанов ва бошқалар, Республикада хизмат кўрсатган пахтакорлар – Назиртош Тўраев, Саиджон Отаниёзов, Аликул Файзиев, Раҳима Абдурахмонова, Кумри Қурбонова, Норқобил Аҳмедов, Кўчар Одинаев ва бошқаларнинг меҳнатлари алоҳида аҳамиятга эгадир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Истомин М.С. Освоение новых земель в Сурхандарье // Социалистическое сельское хозяйство, 1954. №2. –С.8.
2. Газета «Ленинское знамя». 3 июля, 1954.
3. Лапасов А.Ч. Истиклол йўли: Ангор. –Термиз: 1992. –Б. 4–5.
4. Сурхондарё вилояти давлат архиви. 45-фонд, 1-рўйхат, 26-иш, 16-варақ.
5. Венгрский В. Ўзбекистонда пахтачиликнинг ривожланиши. Тошкент. Ўзбекистон ССР сиёсий ва илмий билимлар тарқатиш жамияти. 1958. № 24-25. –Б. 7.

6. Сурхондарё вилояти давлат архиви. 45-фонд, 1-рўйхат, 41-иш, 4-5-варақлар.
7. Сурхондарё вилояти давлат архиви. 580-фонд, 1-рўйхат, 25-иш, 17-варақ.
8. ЎзМА, 837-фонд, 38-рўйхат, 8534-иш, 14-варақ.
9. Бўриев С.Д. Сурхоннинг сув тўғони. –Тошкент: 2019. –Б. 46.
10. Сурхондарё вилояти давлат архиви. 3-фонд, 2-рўйхат, 135-иш, 21-варақ.
11. Газета «Ленинская знамя». 20 ноября, 1963 года.
12. Газета «Советский Узбекистан». 1 октября, 1969 года.
13. Журнал «Узбекистан». 1965, № 10. –С. 14-15.
14. Сурхондарё вилояти давлат архиви. 478-фонд, 1-рўйхат, 86-иш, 49-варақ.
15. Сурхондарё вилояти давлат архиви. 478-фонд, 1-рўйхат, 86-иш, 51-варақ.
16. Халияров Х., Бычков Д., Блинников А. Сурхандарьинская область Т.; 1977. “Фан”. –С. 61-62.
17. Сурхондарё вилояти давлат архиви. 45-фонд, 1-рўйхат, 126-иш, 19-варақ.
18. «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали, 1969. №3. –Б.18.
19. Текущий архив водохозяйственного строительства новых совхозов в Сурхандарьинской области. Данные на 1.01. 1969 г.
20. Сурхондарё вилояти давлат архиви. 580-фонд, 1-рўйхат, 157-иш, 59-варақ.
21. Истомин М.С. Сурхондарёда ингичка толали пахтадан юқори ҳосил олиш агротехникаси. –Б. 4.

ЎЗБЕКИСТОН ТРАНСПОРТИ СОҲАСИДА МУТАХАССИС ХОДИМЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ СОҲАСИГА ОИД ТАРИХИЙ МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИ

Хидиров Холмат Джўраевич

Термиз давлат университети

Жаҳон тарихи кафедраси

тарих фанлари бўйича

фалсафа доктори (PhD)

Аннотация. Ушбу мақолада мустақиллик йилларида Сурхондарё транспорт корхоналари ишчиларининг моддий аҳволини яхшилашга, уларнинг турмуш даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилганлиги, аҳоли ўртасида транспорт хизматларида бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши натижасида замонавий техникани пухта эгаллаган, етук ишчи кучига бўлган кадрларга талабни кескин ошганлиги ва Республика ҳукумати, транспорт соҳаси мутахассисларини вилоятларнинг ўзида тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилганлиги ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: транспорт, мутахассис, автомобиль, замонавий техника, илмий-техника ютуқлари, ўқув юрти.

Аннотация. в данной статье в годы независимости особое внимание уделено улучшению материального положения работников Сурхандарьинских транспортных предприятий, повышению уровня их жизни, в результате роста потребности населения в транспортных услугах, потребность в кадрах, овладевающих современной техникой и в зрелой рабочей силе, резко возросла, и правительству республики, транспортной отрасли казалось, что особое внимание уделяется подготовке специалистов в самих регионах.

Ключевые слова: транспорт, специалист, автомобиль, современная техника, научно-технические достижения, учебное заведение.

Abstract. in this article, in the years of independence, special attention was paid to improving the material condition of the workers of Surkhandarya transport enterprises, increasing their standard of living, as a result of the growing need for transport services among the population, the demand for personnel who mastered modern technology and mature labor force increased sharply, and the government of the Republic, the transport sector it was thought that special attention was paid to the training of specialists in the regions themselves.

Keywords: transport, specialist, car, modern equipment, scientific and technical achievements, educational institution.

XX аср охирида транспорт тизимида ишловчи ходимларнинг сони маълум даражада ортди. Бу даврнинг энг муҳим хусусияти, транспорт тизимининг модернизациялашуви ва бозор иқтисодиётига ўтилиши бўлди. Аҳоли ўртасида транспорт хизматларига бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши натижасида замонавий техникани пухта эгаллаган, етук ишчи кучига бўлган кадрларга талабни кескин ошириб юборди. Шунинг ҳисобга олиб, Республика ҳукумати, транспорт соҳаси мутахассисларини вилоятларнинг ўзида тайёрлашга алоҳида эътибор қаратди.

1980 йили Термиз шаҳрида Тошкент автомобиль ва йўллар институтининг филиали ташкил этилди. Биринчи йилда 50 нафар талабани ўқишга қабул қилинди. Ўқув жараёнилари Термиз шаҳрида янги қурилган 2-сонли ҳунар-техника билим юртининг 4-қаватида ўтказилди. 1995 йилда мазкур бўлим Термиз давлат университетида қўшилди ва транспорт-муҳандислик факультетида айлантирилди. 1980-1990 йилларда ушбу ўқув юрти 1857 нафар олий маълумотли транспорт мутахассиси тугатиб, ишлаб чиқаришга йўлланма олдилар [1].

Олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш билан бирга бўлғуси транспортчиларни иш жойининг ўзида тайёрлаш ҳам самарали бўлди. Бунда мактабни ёки армияни эндигина битириб келган ёш ходимлар тажрибали усталарга бириктирилиб, 3 ойдан ярим йилга қадар тўғридан-тўғри ишга ўргатилар эди. “Устоз-шогирд” усулининг бевосита ишлаб чиқаришда кенг қўлланилиши бир томондан, кадрларни кўпроқ тайёрлаш имконини берган бўлса, иккинчи томондан вақт ва маблағни тежади. Буларнинг ҳаммаси хизмат кўрсатиш сифатининг ошишига олиб келди.

Транспорт тизимида илмий-техника ютуқларининг кенг қўлланилиши ишчи-ходимлар малакасини доимий равишда ошириб туриш заруриятини келтириб чиқарди. Негаки, юқори малакали ишчилар янги техниканинг ички тузилиши ва ишлаш жараёнини мукамал ўзлаштириши, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш сифатининг ортишига имконият яратди. Кадрлар малакасини ошириш йўлидан борган Сурхондарё вилоят транспорт ташкилотлари биргина 1995 йилни 21.727 млн. сўмлик фойда билан якунлашди. Кейинги йилда бу рақам икки баравар ортди [2].

1995 йилда Жарқўрғон йўл қурилиш бўлими ўзининг ички имкониятларидан тўғри фойдаланиши натижасида йиллик ўсиш 25% ни ташкил этди. Янги ишлаб чиқариш қувватларининг ташкил этилиши 86 кишини иш билан таъминлаш имконини берди [3]. Бу ютуқларга туман йўлсозлари “устоз-шогирд” усулини кенг қўллашлари ва ишчилар малакасини оширишга доимий эътибор қаратишлари туфайли эришдилар [4].

1997 йилдан эътиборан Ўзбекистонда касб-ҳунар коллежларининг ташкил этилиши билан Сурхондарё вилоятида транспорт соҳаси учун ўрта махсус маълумотли кадрлар тайёрловчи ўқув юртлари очила бошланди. Айниқса, ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежларининг очилиши муҳим аҳамиятга эга эди. Негаки, бу коллежлар воҳа транспорт тизими учун керак бўлган кичик бўғимдаги мутахассислар тайёрлаб берар эдилар. 1998-2012 йилларда вилоят бўйича жами 9 та ихтисослашган ўқув юрти ташкил этилди. Булар:

1. Ангор қишлоқ хўжалик ва транспорт касб-ҳунар коллежи;
2. Бойсун қишлоқ хўжалиги ва транспорт касб-ҳунар коллежи;
3. Бойсун транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежи;
4. Жарқўрғон Қақайди транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежи;
5. Термиз транспорт ва қурилиш касб-ҳунар коллежи;
6. Термиз саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежи;
7. Қумқўрғон қурилиш ва транспорт касб-ҳунар коллежи;
8. Олтинсой транспорт касб-ҳунар коллежи;
9. Шеробод транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежи [5].

Шу билан бирга, айрим касб-ҳунар коллежлари талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб ўз йўналишларини ўзгартирдилар. Хусусан, Термиз маиший хизмат кўрсатиш коллежи 2008 йилда Термиз ахборот технологиялари ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежига айлантирилди. Коллежда автомобиль ва темир йўл транспорти бўйича иккита йўналиш очилиб, талабаларга чуқур билим берилди. Ўқувчиларнинг ўқув, ишлаб чиқариш ва диплом олди амалиётларини ўташлари учун барча шароитлар яратилди. 2016-2017 йиллар ичида ушбу ўқув юртининг 724 нафар битирувчиси бевосита транспорт соҳасига тўғри келди. Энг муҳими, коллеж

битирувчиларига диплом билан бирга автомобилни бошқариш ҳуқуқини берувчи А ва В категориядаги ҳужжатлар синовлар асосида тақдим этилди [6].

2017 йилда Термиз саноат ва транспорт касб-хунар коллежида синов тариқасида Республикада ягона бўлган дарё порти кичик ходими мутахассислиги очилди. Уни ўқув-услубий ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш учун Республика Ўрта махсус, касб-хунар таълими Маркази, Сурхондарё вилоят ҳокимлиги ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси барча чораларни кўрдилар. Талабаларнинг амалиёт ўташларига алоҳида эътибор қаратилди. 2017 йилда ушбу йўналишнинг илк 30 нафар битирувчилари ўқишни тугаллаб, ишлаб чиқаришга йўналтирилдилар. Умуман олганда, 2015-2018 йилларда мазкур коллеж жами 1350 нафар ўрта бўғиндаги мутахассис тайёрлади. Шунинг 650 нафари бевосита транспорт соҳасига тўғри келар эди [7].

Бойсун туманида ҳам транспорт соҳаси мутахассисларини тайёрлаш бўйича катта ютуқларга эришилди. 2001-2009 йилларда Бойсундаги транспорт ва алоқа касб-хунар коллежи ҳамда тумандаги бошқа коллежларни битирган ёшларнинг 320 нафари туман йўл қурилиш бўлимига ишга кирдилар. Биргина Тошғуздор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлининг қурилиши Бойсуннинг транспорт йўлаги сифатидаги мавқеини кескин оширди. Дарбандда мактаб биносининг қурилиши, янги вокзал ва станцияларнинг барпо этилиши натижасида 400 га яқин коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш имконини берди [8].

Термиз-Тошкент автомобиль йўлининг жаҳон стандартлари асосида таъмирланиши муносабати билан Музработ Янгиобод қишлоқ ва ўрмон хўжалик касб-хунар коллежида 2013 йили вилоятда ягона бўлган кўприксозлик йўналиши очилди. Унга 60 нафар ўқувчи қабул қилинди. 2017 йилга қадар ушбу бўлим вилоят йўлсозлари учун 117 нафар кадр тайёрлаб берди. Битирувчилар Термиз-Бойсун автомобиль йўлидаги қурилиш ишларига йўналтирилдилар [9].

2017 йилда Сурхондарё вилоятидаги жами 116 та касб-хунар коллежидан 14 тасида транспорт соҳаси бўйича мутахассислар тайёрланди. Уларни 2018 йилда 819 нафар ўрта махсус маълумотли мутахассис битирди. Уларни иш билан таъминлаш учун 494 та ташкилот ёки хусусий фирмалар жалб этилди [10].

Шу билан бирга, коллежлардаги транспорт соҳаси битирувчиларининг ҳаммасини ҳам иш билан тўлиқ таъминланди деб бўлмайди. Бунга транспорт корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватлари етарли бўлмаганлиги ҳамда коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш учун туманларда зарурий инфратузилма яратилмаганлиги сабаб бўлди. Кўп ҳолларда битирувчилар ўз соҳалари бўйича иш топа олмай бошқа соҳаларга ишга ўтишга мажбур бўлдилар. Бу ҳолат транспорт соҳасидаги коллежларнинг таълим сифатига ўзининг салбий таъсирини ўтказмай қолмади. Битирувчиларни иш билан таъминлашда муаммолар юзага келганлиги сабаб, Термиз ахборот технологиялари ва маиший хизмат касб-хунар коллежида 2014 йилда темир йўл транспорти йўналишига қабул тўхтатилди. 2016 йилда ушбу бўлим тўлиқ ёпилди. 2017 йилда Термиз транспорт ва қурилиш касб-хунар коллежи ихтисослигини ўзгартириб, Термиз тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-хунар коллежига айлантирилди.

Мустақиллик йилларида Сурхондарё транспорт корхоналари ишчиларининг моддий аҳволини яхшилаш, уларнинг турмуш даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Сабаби вилоят ҳудудидан Халқаро ва Республика аҳамиятидаги йўллар ўтган бўлиб, автойўлларни талаб даражасида сақлаш катта куч ва маблағни талаб қилар эди. Йўл транспорт бошқармалари ўзларига юклатилган улкан масъулиятли вазифаларни тўғри англаган ҳолда, транспортчиларнинг моддий аҳволини яхшилашни ҳам ўз ўрнига қўя олдилар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 70-фонд, 1-рўйхат, 58-иш, 23-24-варақлар.
2. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 70-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 6-варақ.
3. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 45-фонд, 1-рўйхат, 11-иш, 26-варақ.
4. Сурхондарё вилоят ҳокимлигининг жорий архиви, 1016-фонд, 1-рўйхат, 13-иш, 301-варақ.
5. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармасининг жорий архиви, 2012 йил. 2-ҳужжат, 1-баённома, 14-16-варақлар.
6. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармасининг жорий архиви, 2018 йил. 6-ҳужжат, 2-баённома, 32-варақ.

7. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармасининг жорий архиви, 2018 йил. 6-ҳужжат, 2-баённома, 38-варақ.
8. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 361-фонд, 1-рўйхат, 72-иш, 83-варақ.
9. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармасининг жорий архиви, 2017 йил. 9-ҳужжат, 3-баённома, 12-варақ.
10. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 йил, 10-сон, 115-модда.

СУРХОН ВОҲАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ТАРИХИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШДА ВОҲА МАТБУОТИНИНГ ЎРНИ

Исаев Ойбек Аҳмед ўғли

Термиз давлат Педагогика институти
Тарих ва уни ўқитиш методикаси
кафедраси мудири (PhD)

Аннотация. Мақолада XX асрнинг 30-йилларидаги Сурхон воҳасидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий тарихини воҳа матбуоти материаллари асосида тадқиқ қилинган. Сурхон воҳаси матбуотининг ташкил этилиши ва ундаги материаллар асосан қишлоқ хўжалигини тиклашга катта эътибор қаратилганлигини алоҳида таъкидлаш мумкин. Шунингдек, воҳанинг халқ таълими соғлиқни сақлаш маданий оқартув ишларида олиб борилган ислохотлар кенг қамровда ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Паттакесар, “Қизил чегара”, оқартув, редактор, округ, гезета, “Илғор Сурхон учун”, воҳа, ташвиқот, заём, митинг, колхоз, касалхона, лагер, музей.

Аннотация. В статье на основе материалов печати исследована социально – экономическая и культурная история Сурханского оазиса. 30-годов XX века. Следует отметить. Что при создании прессы Сурханского оазиса и в её материалах основное внимание было направлено на восстановление сельского хозяйства. А также широко раскрыты реформы, проведенные в сферах народного образования, здравоохранения, в культурно – просветительских делах.

Ключевые слова: Паттакесар, «Красная граница», просветительство, агитация, заём, митинг, колхоз, больница, лагерь, музей.

Abstract. It researched the socio-economic and cultural history of the Surkhan oasis in the 30 years of the 20th century based on the materials of the oasis press in this article. It can be emphasized that the establishment of the Surkhan oasis press and the materials that were illuminated mainly focused on the restoration of agriculture. As well as that It is widely covered information about the reforms that were carried out in public education, the health care system, and the cultural bleaching of the oasis.

Keywords: Pattakesar, “Red border”, bleaching, editor, district, newspaper, “for Ilgor Surkhan”, oasis, campaign, loan, rally, collective farm, hospital, camp, museum.

XX асрнинг 30-йиллари Сурхон воҳаси тарихини ўрганишда воҳадаги мавжуд матбуот материаллари ҳамда архив ҳужжатлари муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, воҳанинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлари тарихини ўрганишда Сурхондарё вилояти давлат матбуот органлари маълумотларидан кенг фойдаланиш зарурияти пайдо бўлади.

1932 йил 2 апрелда “Правда” газетасида Паттакесар (ҳозирги Термиз тумани) райкоми ижроия буюросида воҳада “Қизил чегара” газетасини нашр қилиш ҳақида қарор қабул қилинган эди [1]. Бу қарорда “Қизил чегара” газетаси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Термиз Райпарткоми райижрокоми ҳамда қасаба союзлари шўросининг тарғибот ва ташвиқот тарқатувчиси сифатида ҳар беш кунда бир марта чиқиши таъкидланган. “Қизил чегара” газетасининг илк сони 1932 йил 15 апрелдан чиқа бошлаган. 1933 йил 8 апрелда Термиз райкоми маданий оқартув муассасалари ходимларининг йиғилиши бўлиб, унда “Қизил чегара” газетасининг редактори О.Саидбоев газетанинг бир йиллик юбилейини ўтказиш бўйича ахбороти тингланган эди.

Ўзбекистон КП округ комитети ташкилий буюросининг 1935 йил 15 мартда қабул қилган қарорига асосан Термиз туман газетаси “Қизил чегара” Ўзбекистон Компартияси Сурхондарё

окружками, касаба кенгашлари округ кенгаши Термиз райкоми ва райиждоия кенгаши органига айлантирилиб, “Илғор Сурхон учун” номи берилган. Ўша пайтда гезета хафтасига уч марта минг нусхадан чоп этилган. Округ газетасининг редактори этиб, Рустам Абдурахмонов тасдиқланган. Янгидан ташкил этилган “Илғор Сурхон учун” газетасининг илк сонларини варақласангиз, воҳамизда ташкил этилган колхозларни мустаҳкамлаш, ижтимоий ўзгаришлар ва халқ хўжалигини тиклашга қаратилган материалларни кузатишингиз мумкин. 1935-1941 йилларда мазкур газета воҳа маҳаллий халқини совет ҳокимиятига бўйсиниб унинг кўрсатма ва топшириқларини сўзсиз бажариш шунингдек, ўша даврда тарғибот ва ташвиқот ишларини ҳам кенг йўлга қўйган.

“Илғор Сурхон учун” газетасининг биринчи саҳифаларида кишлоқ хўжалигида ютуқ ва камчиликларни ёритиш одат тусига киритилган. Масалан, ўша даврда Округнинг Шўрчи туманида ер шудгорлаш ишларида маҳаллий халқ ва колхозларда эски “омоч” билан ер ҳайдагани учун воҳанинг “Илғор Сурхон” учун газетасида махсус мақола эълон қилинди. Унда, туманда кишлоқ хўжалиги ишлари “яхши йўлга қўйилмаган” деб машина ўрнига “ёғоч омоч” билан ер шудгорланмоқда рукни остида танқидий фикрлар билдирилган [2]. Ўша даврда мавжуд тракторларнинг носозлиги туфайли ва эҳтиёт қисмларнинг етишмаганлигини ҳисобга олиб, “Хидиршо” кишлоқ кенгаши деҳқонлари анъанавий усулдан фойдаланган эдилар. Чунки ниманидир баҳона қилиб экин кечикиши мутлоқ мумкин эмасди.

Сурхон воҳаси иқтисодий тармоғи ҳисобланган савдо саноатининг ютуғи ҳамда камчиликлари “Илғор Сурхон учун” газетасида келтириб мақолалар баён қилиниб борилган. Саноатни ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири ўша даврда бу электр қувватига талаб жуда юқори бўлган эди. Давстлабки даврда кичик қувватга эга бўлган электр токи берилиши кўзда тутилган бўлса, 1937 йилга келиб, Термиз шаҳрининг электр қувватига бўлган талаби 10% ни ташкил қилади деб мақола эълон қилинган. 1937 йил Термиз шаҳар кенгаши томонидан 1200 от кучига эга бўлган электр станцияси қурилиши мўлжалланган эди. Ўша даврда юқори кучли электр двигатели топилмаганлиги учун Горкий шаҳридаги “Революция” заводидан 400 от кучига эга бўлган дизель олиб келинди [3].

1938 йилда Ўзбекистоннинг иқтисодида заём облигациялари тарқалиши алоҳида ўринга эга бўлганлигини газета орқали тарғибот маълум қилиб борилди. Чунки заём ишлаб чиқарилса, кўринмас ва аҳолидан олиниши мумкин бўлган нақд пулнинг йўқлигига бир баҳона бўлган. Воҳанинг ички иқтисодида заём сотиш ва уни мажбуран тарқатишга ҳаракат бошланган. Совет ҳокимияти ишларни тақсимлашда йиллик режалар тузишни одат тусига айлантирганди-ки, ҳар бир ишни беш йиллик режасига киритиш ва шу режани бажарилишини қаттиқ назоратига олган. Лекин у режа қанчалик самара бермасин мана шу тизимда иш олиб бориларди. Ишларнинг сифат даражаси эмас балким ўша даврда миқдор кўпроқ рол ўйнади. Мана шунга ўхшаш ходиса воҳада оддий заёмга ҳам ўз таъсирини ўтказди [4]. Термиз шаҳар савдо бўлимининг учинчи беш йиллик заём тарқатиш ва уни тарғиб, қилиш мақсадида 110 кишини тўплаб, митинг ташкил қилинган эди. Митингда совет ҳокимиятининг вакили Л.Смренов маъруза қилиб, совет ҳукуматининг учинчи беш йиллик заёмини чиқариш ҳақидаги қарорини ўқиб эшиттирди. Мана шу нутқ орқали уни зўр қувонч билан олқишлашга даъват этган эди. Ушбу заёмга бирдамлилик билан ёзилиб, “халқ душманлари етказган зиёнларга қарши курашамиз” деб даъват этган эдилар.

Хусусан, совет ҳокимиятининг бирдан-бир ўзи учун қилган ютуғи, халқни ўз қўлида ушлашни ва шу йўл билан мажбурият юклаш орқали ҳар бир ишни бажаришга муяссар бўлган. Воҳанинг Шеробод тумани “Пошхўрд” кишлоқ кенгашидаги беш йиллик режада сарёғ, гўшт, жун, топшириш мажбурияти юкланган бўлиб, колхозлар топшириш керак бўлган маҳсулотни бажара олмаганлари учун уларнинг фаолияти матбуотда эълон қилиниб борилган [5]. Ҳар бир колхозга қанча миқдорда сут, гўшт ва жун берилишини алоҳида тақсимлашган.

Округнинг “Илғор Сурхон учун” газетасида воҳа маҳаллий аҳолисини замонавий тиббиёт асосида даволашни йўлга қўйиб, воҳанинг тоғлик туманларида янги касалхоналар ишга тушганлигини маълум қилишган. Масалан, Бойсун туманининг “Деҳқонобод” кишлоқ кенгашига қарашли бўлган “Байналминал” колхозида 1937 йилда янги касалхона ташкил қилинган бўлиб, колхозда 174 та хўжалик истиқомат қилган бўлса, шундан 123 та хўжалик касалхонага бориб тиббий кўриқдан ўтишган. Касалхонанинг иш режаси юқумли

касалликлардан аҳолини фориғ қилиб, маҳаллий аҳолини жалб қилиш эди. Округ газетасининг ёзишича ушбу тумандаги юкумли касалликларни Бухоро амири замонидан бери мавжуд, шу вақтгача даволаш масканлари бўлмаган, амир ва унинг беклари юкумли касалларни даволашни доимий эътиборидан четда қолдириб келишган. Мана энди совет ҳокимияти ташкил топиб ва партиямиз бу қишлоқлар юзини бутунлай ўзгартириб юборди, деб мақола эълон қилган эди. Лекин, Ўзбекистонда совет ҳокимияти ўрнатилганига 13 йилдан кейин эсига келдими, ёки Бухоро амири юкумли касалликларни бошқа жойдан олиб келдими, деган саволларни беришга тўғри келади. Хўш, беклар касалликка нима деб жавоб беришлари мумкин эди. Бирон бир адабиётларда ёки тадқиқот ишларида 1900-1920 йилларда бутун Ўзбекистонда юкумли касалликлар авж олиб кетган, деган иборалар на рус тарихчилари ёки маҳаллий тарихчилар томонидан тилга олинади, нега энди 1937 йилга келиб маҳаллий аҳолининг онгини беклик замонидан қолиб кетган касаллик деб кишилар онгини заҳарлаб келади [6]. Мазкур мақолани ёзган муаллиф ўзбек маҳаллий миллат бўлиши билан бир қаторда мана шундай ёзиб аҳолининг онгига совет идеологиясини сингдиришга қаратилган иборалар десак хато қилмаган бўламиз.

Воҳанинг ижтимоий турмушида халқ таълими ҳам алоҳида ўринни эгаллаган. 1939 йилда Шеробод тумани Зарабоғ қишлоқ кенгашига қарашли ўрта мактаб ёнидаги боғда туман ижроия комитети томонида пионерлар лагери ишга туширилган. Ушбу лагерга керакли бўлган жиҳозларни совет ҳокимият органлари томонидан таъминланди [7]. Лагерда ўқувчи болаларга тарғибот ташвиқот ишлари жадал суръатда олиб борилган ўқувчиларга таълим тарбия билан бирга физкультура машғулоти ҳам олиб борилган. Ўша даврда совет ҳукумати маҳаллий аҳолига ўзи эътиқод қиладиган динни ҳам йўқ қилишни тарғиб қилиб, жамиятда “худосиз”лар кенгашини ташкил қилдилар. Унда асосан ёш авлод вакиллари ҳисобланган ўқувчи болалар онгида дин ҳақида ёмон таассурот қолдиришга уринишлар жуда кўплаб бўлиб, турди. Шеробод тумани марказидаги Сталин номли тўлиқсиз ўрта мактабнинг ўқувчи пионерлари ўртасида “Рус тилини ўрганишга қизиқиш зўр” номли мақола Округ газетасида эълон қилинди. Мактабнинг 7-8-9 синф ўқувчилари рус тили бўйича аъло баҳолар билан 3-чоракни тугатишди деб газетага мақола эълон қилди [8]. Мақолани босиб чиқаришдан мақсад келгусида округнинг бошқа болалари учун ҳам ушбу ҳолат бир кўрсаткич, яъни рус тилига бўлган ташвиқот эди холос. Қизиқ ўзи тўлиқсиз ўрта таълим бўлса, унинг барча ўқувчилари тўлиқ рус тилини билса, агар мақоладаги маълумот тўғри келтирилган бўлганида мактабни тўлиқсиз эмас, балки ўрта таълим мактаби деб юритилар эди. Шу йилнинг ўзида Термиз туманида ўқитувчилар конференцияси бўлиб ўтди. Конференциянинг асосий иш режасида совет ҳокимиятининг олиб бораётган сиёсатини ёш ўқувчиларга тарғиб қилишда нималарга эътибор бериш лозимлиги ва коммунистик партиянинг қиладиган ишларини тарғиб қилиш, СССР Халқ Комиссарлари кенгашининг ва Марказий комитет ва бутун иттифоқ касаба кенгашлари, шу билан бирга стахановчиликни тарғиб қилиш ишлари режасига киритилган эди [9]. Умуман олганда барча соҳаларда совет ҳокимияти органларини тарғибот ташвиқот ишларида кенг қўламда иш олиб боришлари ҳақида сўз юритилар эди.

Округ музейи ходимлари 1935 йилда Боботоғ тоғлари ва Денов шахрига ўзининг биринчи экспедициясини уюштирди. Бу музейнинг илк экспедицияси эди. Музей ходимлари “Эски Термиз”ни доимий равишда илмий жиҳатдан ўрганиш ишларини йўлга қўйдилар. Музейнинг таркибида зоология бўлими фаолият юрита бошлади. Ўша вақтда музей директори Г.В.Парфёнов Тошкент ҳайвонот боғидан 2 та айиқ, 3 та бўри, 3 та сиртлон ва бошқа ҳайвонларни олиб келди. 1936 йилга келиб зоология бўлимини “Жданов” номли колхоз ҳудудига кўчирди ва ҳайвонот боғи шу ерда ўз фаолиятини давом эттирди [10]. 1939 йилнинг 16 февралига келиб музейнинг зоология бўлими мустақил ташкилот сифатида музейдан ажралиб чиқди ва Сурхондарё округ зооботаника боғи деб номланди.

1937 йилда Сурхон воҳасида маданий муассасалардан бири қизил чойхоналарнинг фаолиятини назорат қилишга эътибор берила бошланди. Мана шундай чойхоналардан бири Бойсун туманида бўлиб, унинг иш фаолияти совет ҳокимиятига ёмон таъсир қилди. Сабаби ўша даврда чойхоналар маданий хордиқ чиқариш ва совет ҳокимиятининг тарғибот ва ташвиқот марказларидан бири бўлган. Шунингдек, қизил чойхоналар республика ҳамда округ газеталари билан таъминланиб, кунлик мамлакат ва округдаги ахборот билан танишиш имконияти маркази деб билган. Лекин тумандаги чойхонада эса бу ҳолатга эътибор берилмасдан ҳолат юзасидан қаттиқ танқидий мақола эълон қилинган.

1939 йилга келиб округ театр актёрлари ҳақида ҳам матбуотда мақолалар эълон қилиниши кенг суратда олиб борилди. Округ театрининг етакчи актёри Хуршид Адилов ҳақида округ газетасида мақола эълон қилинди. Мақолада Хуршид Адилов совет ҳокимияти тамонидан илгари сурилган сиёсат ва мафкураларга тўлиқ асосланган пьесаларда моҳир актёр сифатида тан олинди. У “Чегарачилар”га “Деверсант” “Ватан”га каби бош ролларни пухта ва эпчиллик билан бажаргани учун бутун тамошабинларнинг ҳурматиға сазовор бўлган [11]. Совет ҳокимияти мана шунга ўхшаш актёрларни халқнинг назарига олиб кириш мақсади ҳамда сиёсий йўлда хизмат қилувчи кишилар сифатида эътироф этдилар.

Бир тарафда воҳа ҳаётининг баъзи жабҳаларини матбуотда совет ҳокимиятининг эътибори ва куч қудратини мактаб кўкларга кўтариб баён қилинса, иккинчи томондан эса ёмонлаш ва умуман иш даражасини пучга чиқариб ташлаш ҳоллари учраб турган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Сурхондарё округи “Илғор Сурхон учун” газетаси воҳа ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлар тарихини ўрганишда муҳим манба сифатида талқин қилиш мумкин. Сурхон воҳаси матбуоти 1930 йилларда чоп этилган газеталарни варақлаб ўқийдиган бўлсангиз унда бир ўқиб маза қиладиган мақоланинг ўзи йўқ. Чунки, округ газетаси маданий-маънавий озуқа бериш ўрнига фақат рақамлар ва округда совет ҳокимияти томонидан олиб борилган сиёсатни тарғиб қилиш ишларини олиб борган деб изоҳлаш мумкин. Лекин шундай бўлишига қарамасдан у вилоятимиз рўзномаси ҳисобланиб, ундан вилоят тарихини ёритишда муҳим манба сифатида фойдаланиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. “Ленин Байроғи” газетасининг 50-ёшда юбилейини ўтказишга бағишланган маъруза Соатмурод Жўракулов “Ленин Байроғи” газетасининг бош муҳаррири. 1985 й.

2. Илғор Сурхон учун. – 1938. – 16 декабр.

3. Илғор Сурхон учун. – 1937. – 16 январ.

4. Илғор Сурхон учун. – 1938. – 11 июл.

5. Илғор Сурхон учун. – 1938. – 3 сентябр.

6. Илғор Сурхон учун. – 1937. – 21 март.

7. Илғор Сурхон учун. – 1939. – 24 июн.

8. Илғор Сурхон учун. – 1939. – 1 март.

9. Илғор Сурхон учун. – 1939. – 11 январ.

10. Сурхон тонги. – 2011. – 26 май.

11. Илғор Сурхон учун. – 1939. – 1 январ.

КАШҚАДАРЁ ВА СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИ МУЗЕЙЛАРИНИНГ НУФУЗЛИ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ВА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР БИЛАН АЛОҚАЛАРИ

Хосиятов Хуршид Отакулович

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти,
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD), в.б. доцент.

Аннотация. Мақолада Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида музей ишини йўлга қўйишда халқаро нуфузли ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилиши ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Зараутсой, “Ислом маданияти”, “фаришта аёл”, “Шарқ музейи”, “Дашт и Арт”, “Халқаро марказ”, Банорас университети, “Нумизматика”, “Археологический Клондайк”, “Маданий мерос”, Лувр музейи, Тиллабулоқ, Арабулоқ.

Аннотация. В статье освещается налаживание сотрудничества с международными организациями и зарубежными странами в создании музеев в Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областях.

Ключевые слова: Зараутсой, «Исламская культура», «женщина-ангел», «Музей Востока»,

«Дашт и Арт», «Международный центр», Университет Банораса, «Нумизм», «Археологический Клондайк», «Культурное наследие», Лувр, Тиллабулок, Арабулок.

Abstract. The article highlights the establishment of cooperation with international organizations and foreign countries in the foundation of museums in Kashkadarya and Surkhandarya regions.

Keywords: Zarausoy, “Islamic culture”, “angel woman”, “Museum of the East”, “Dasht i Art”, “International center”, University of Banoras, “Numism”, “Archaeological Klondike”, “Cultural heritage”, Louvre Museum, Tillabuloq, Arabuloq.

Ўзбекистонда музейлар ишини ривожлантиришда халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар билан ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари музейларида қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, халқаро ташкилотларни музейларга жалб этиш, хорижий мутахассислар билан ҳамкорликда илмий экспедицияларда, халқаро лойиҳаларда иштирок этиш, илмий анжуманлар уюштириш ишлари, шулар жумласидандир.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилояти музейлари илмий ходимлари доимий равишда халқаро анжуманларда иштирок этиб, ўзларининг тадқиқотлари натижаларини илмий маъруза шаклида эълон қилиб борди. Бу эса жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистон маданий мероси ҳақида кенг тушунча ҳосил қилишга хизмат қилди. Масалан, Сурхондарё вилоят ўлкашунослик музейи, Термиз давлат университети ва Халқаро халқ педагоглари ассоциацияси ҳамкорликда 1995 йилнинг апрель ойида Зараутсойда “Жаҳон халқлари педагогикаси тараққиётида Зараутсой мактабининг аҳамияти” мавзусидаги Халқаро симпозиумни ташкил этди. Халқаро симпозиумда Сурхондарё вилоят ўлкашунослик музейи илмий ходимлари фаол иштирок этди [1]. Сурхондарё вилоят ўлкашунослик музейининг археология бўлими экспонатларидан Кушон даврига оид “фаришта аёл” номи билан машҳур бўлган аёл кишининг бош қисми Зараутсой халқаро симпозиумида намойиш этилди [2].

Ўзбекистонда турли давлатларнинг маданият кунларини ўтказиш анъанага айланган бўлиб, бу тадбирлар доирасида ҳам музейларнинг вакиллари иштирок этиб, ноёб экспонатларни намойиш қилди. Масалан, 1997 йил Ўзбекистонда ўтказилган Украина маданияти кунлари муносабати билан Қашқадарё вилоят ўлкани ўрганиш музейи халқ амалий санъати бўлимига украиналик меҳмонлар ташрифи давомида “Қашқадарё амалий санъати” мавзусида давра суҳбати уюштирилди [3].

2000 йили Қашқадарё вилоят ўлкани ўрганиш музейида “Қарши шаҳрининг тарихи ва этнографияси, зардуштийлик даҳмалари” мавзусида халқаро анжуман ўтказилди. Халқаро анжуманда Исроил, Германия, Туркия, АҚШ, Франция, Афғонистон, Россия, Қозғоғистон, Қирғизистон, Украина ва бошқа давлатлардан келган олимлар иштирок этди. Анжуманда Қашқадарё вилоят ўлкани ўрганиш музейи ходимлари томонидан “Қашқадарё халқ амалий санъати ва этнографияси” деб номланган кўчма кўргазма намойиш қилинди [4]. Бу тадбирлар ўз ўрнида жаҳонга ўзбек халқ амалий санъати намуналари ва урф-одатлари, расм-русумлари тарғиботида катта аҳамиятга эга бўлди.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари музейлари Республиканинг бошқа шаҳарларида ўтказилган халқаро илмий анжуманларда ҳам фаол иштирок этди. Масалан, 2000 йил ноябрда Самарқандда “Ўзбекистон музейлари бозор иқтисодиёти шароитида” мавзусида ўтказилган халқаро семинарда Қашқадарё ва Сурхондарё ўлкашунослик музейи вакиллари иштирок этди. Бу анжуманда Буюк Британия ва Россиядан келган музейшунос мутахассислар ўз иш тажрибаси билан ўртоқлашди [5.8-11].

Музей ишини яхшилашда хорижий давлатларнинг мутахассислари билан илмий учрашувлар ҳам муҳим роль ўйнайди. Масалан, Термиз Археология музейида 2002 йил 22 апрелда Япония археология экспедиция вакили К.Като, шу йилнинг 6 май куни россиялик археолог олим В.С.Соловьёв, Россиянинг “Шарқ музейи” катта илмий ходими археолог олим Т.Мкртчев билан илмий учрашувлар ўтказилди [6]. Хорижлик мутахассислар учрашувда музей иши бўйича муҳим маълумотларни баён қилди.

2007 йил 7-11 майда республика музейлар фаолиятини янада такомиллаштириш музей ходимларининг касбий маҳоратини ва малакасини ошириш, уларни замонавий билимлар ва янги иш шакллари билан таништириш мақсадида “Дашт и Арт” замонавий маданият

марказининг “Музей экспозицияси замонавий тажриба ва имкониятлар” мавзусидаги илмий семинари Шаҳрисабз шаҳар моддий-маданият тарихи музейида ўтказилди [7]. Россиялик санъатшунос Готкина Светлана Александровна ушбу семинарда иштирок этиб, ўзининг музей иши бўйича тажрибалари билан иштирокчиларни таништирди [8].

Қашқадарё ва Сурхондарё вилояти музейлари илмий ходимлари хорижий мамлакатларда музейшунослик бўйича ташкил этилган илмий анжуманларда ҳам ўз маърузалари билан иштирок этдилар. Термиз Археология музейи катта илмий ходими Т.Аннаев 2008 йилнинг 28 сентябридан – 10 октябригача Ҳиндистонда илмий сафарда бўлиб, Деҳлидаги “Халқаро марказ” ва Банорас университетида Кушонлар археологиясига бағишланган илмий семинарда иштирок этди. Шу йилнинг 18 май – Халқаро музейлар кунида Термиз Археология музейида франциялик профессор Жерар Фуссман “Кушон давлати тарихи ҳақида янги изланишлар” мавзусида маъруза қилди. Шунингдек, франциялик профессор Ж.Фуссманнинг амалий ёрдами билан нумизматика фондида сақланаётган турли даврларга мансуб тангаларнинг қайси даврга мансублилик даражаси ва ёзувларини аниқлаштириш ишларига ёрдам берди [9]. Бу каби тадбирлар музей ишини йўлга қўйишда хорижий давлатлар билан ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди.

2012 йил Ўзбекистон музейларининг илмий ходимлари қўплаб халқаро анжуманларда иштирок этган йил бўлди. Масалан, Термиз Археология музейи “Нумизматика” бўлимининг катта илмий ходими Ж.Мирзаев 2012 йил 1-5 октябрь кунлари Озарбайжон Республикасида бўлиб ўтган Евроосиё археологияси халқаро конференциясида “Евроосиё ҳудудида археологик тадқиқотларнинг истиқболлари ва археотуризм” мавзусидаги, шу йилнинг 22-23 мартда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон ва Германия давлатларининг ўзаро келишувига мувофиқ “Таълим ва фан – Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги кўприк” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуманда иштирок этди [10].

Хорижий мамлакатларнинг мутахассислари билан ҳамкорликда олиб борилган ишлар якунида тақдимотлар қилиб борилди. Жумладан, 2011 йил 8 июнда Термиз Археология музейида Эски Термиз ҳудудида ўзбек археологлари билан биргаликда археологик қазув ишлари ўтказган Жанубий Кореялик қадимшунос олимлар томонидан шарқ мамлакатларидаги (Ҳиндистон, Афғонистон, Хитой, Ўзбекистон ва Жанубий Корея) буддавийлик маданиятига мансуб ёдгорликларнинг тақдими ўтказилди [11]. Ушбу тақдимотга Ўзбекистон жанубидан топилган қўплаб буддавийлик маданияти намуналари киритилди.

Ўзбекистонда музейлар фаолиятини турли кўринишларда жаҳон миқёсида тарғиб этишга аҳамият қаратилди. Масалан, 2012 йилда Ўзбекистон Ҳаво йўллари авиакомпанияси йўловчилари учун нашр қилинадиган махсус журналда рус ва инглиз тилларида Термиз Археология музейи ҳақида “Археологический Клондайк” номли мақола чоп этилди. Мақолада музей залларидаги 12 та экспонатларнинг суратлари ҳам чоп этилган. Ушбу журнал 25 минг нусхада чоп этилган бўлиб, 100 дан ортиқ мамлакатларга Ўзбекистон Ҳаво йўллари авиакомпанияси рейслари орқали тарқатилди [12]. Мақоланинг чоп этилиши қўплаб хорижий сайёҳларнинг воҳага жалб этилишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

ЮНЕСКО инсониятнинг маданий меросини асраб қолишга катта аҳамият бериб, бунда музейларнинг етакчи роль ўйнашини, давлатлараро ва маданиятлараро алоқаларнинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун катта имкониятлари борлигига эътиборни қаратади [13.348-349]. Ўзбекистон ҳозирги замон шароитида музейлар ишини ривожлантиришда ЮНЕСКО халқаро ташкилотининг кўмагига таяниб иш тутмоқда. Бу ташкилот Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари музейлари ишининг йўлга қўйилишида яқиндан ёрдам бериб келди. 1999 йил ЮНЕСКО ташкилотининг Андреано Бруно бошчилигидаги вакиллари Шаҳрисабзга ташриф буюриб, ўзбек халқининг моддий ва маънавий меросини асраб-авайлаб, келажак авлодлар учун сақлаётганлиги халқаро ҳамжамият вакилларида катта таасурот қолдирди. ЮНЕСКО вакилларида Шаҳрисабз шаҳар тарихига доир ҳужжатлар ва манбаларни Амир Темур номидаги моддий-маданият тарихи музейи ходимлари тақдим қилди [14].

2000 йил декабрда Шаҳрисабз шаҳрининг ЮНЕСКО ташкилотининг “Маданий мерос” рўйхатида киритилиши, Шаҳрисабзнинг 2002 йил ноябрида 2700 йиллик юбилейини ўтказилиши музейлар фаолиятини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди [15]. Мазкур музей ходимлари ЮНЕСКОнинг тадбирларида фаол иштирок этиб келмоқдалар [16].

2018 йил 14 сентябр Термиз Археология музейида Франциянинг Эколь Нормаль Супермер университетининг Шарк ва Ғарб археология ва филология лабораторияси археологи Сеголен де Понтбрианд ва Термиз Археология музейи илмий ходимлари билан ўзаро тажриба алмашишди. Шу йилнинг 25 сентябрида Термиз Археология музейига Париждаги Лувр музейининг “Ислом маданияти” бўлими бошлиғи Яник Линдтс, музей ходими Рокко Ранте келди. Лувр музейи ва Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ўртасида ўзаро илмий ҳамкорлик қилиш ва халқаро кўргазмалар ташкил этиш бўйича шартнома имзоланди. Лувр музейи илмий ходимларининг Термиз Археология музейига таширидан асосий мақсад 2020-2021 йилларда Лувр музейида Ўзбекистон тарихи ва Ислом даври археологиясига оид халқаро кўргазма ташкил этиш режалаштирилди. Ушбу кўргазмага Ўзбекистон музейларида экспозицияга қўйилган ва заҳира фондларида сақланаётган экспонатларни илмий тадқиқ этган ҳолда Лувр музейида ташкил этиладиган халқаро кўргазмага экспонатларни саралаш ишлари режалаштирилди. Режага мувофиқ Лувр музейи илмий ходимлари томонидан Термиз Археология музейидаги ноёб экспонатлар илмий тадқиқ этилди [17].

Германия давлатининг музей иши бўйича мутахассислари жанубий вилоятларнинг музейлари фаолиятини йўлга қўйишда яқиндан ёрдам берди. 2007 йилда Ўзбекистон - Германия археологик отряди Бандихон ёдгорликларидан кўплаб ноёб экспонатлар топиб, уларнинг барчаси, яъни 65 нафар экспонат Термиз Археология музейига топширилди [18]. 2009 йил апрель-май ойларида Шеробод тумани Пошхурт қишлоғида Ўзбекистон-Германия қўшма экспедицияси археологик тадқиқотларни давом эттирди. Германиянинг Маннхейм шаҳрида чоп этилган каталогда Термиз Археология музейида сақланаётган Кушон шаҳзадаси ҳайкали бош нусхаси чоп этилди. Шу йилнинг баҳорги мавсумида ўзбек-герман қўшма археология экспедициясининг Шеробод тумани Тиллабулоқ ва Арабулоқ ёдгорликларида ўтказилган археологик тадқиқотларда топилган 2225 нафар диагностик экспонатлар Термиз Археология музейи заҳира фондига топширилди [19].

Ўзбекистондаги Германия элчихонасининг 1-котиби Новак, Маннхейм шаҳри музейи ходимлари Михаил Теленбах, Никола Крозман ва Гунвор Линдструм иштирокидаги гуруҳ аъзолари билан Термиз Археология музейи маъмурияти “Буюк Александр ва Осиё маданияти” мавзусида амалий учрашувлар ва мулоқотлар олиб борди. Учрашув чоғида музейда халқаро кўргазмага танлаб олинган 67 та экспонат 2009 йил 2 ноябрдан 2010 йил 10 февралгача Германия Федератив Республикасининг Маннхейм шаҳри Рейс-Энгельхорн музейларида “Буюк Александр ва Осиё маданияти” халқаро кўргазмасида қатнашди [20].

Германия музейлари ходимлари қадимий Қарши шаҳар тарихига ҳам катта қизиқиш билан қаради. 2010 йилнинг 25 мартида Қарши шаҳрига Германия Республикасидан Инге Кноп хоним ташири буюриб, шаҳардаги кўплаб тарихий обидалар ҳамда қадимий Ерқўрғон шаҳри бўйлаб саёҳат қилди ва Қашқадарё вилоят ўлкани ўрганиш музейи билан ҳамкорлик бўйича фикр-мулоҳазаларини баён қилди [21].

Хуллас, Ўзбекистон жанубий вилоятларида музей ишини йўлга қўйишда халқаро нуфузли ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилиши соҳа ривожига муҳим аҳамиятга эга бўлди. Хорижий мамлакатларнинг мутахассислари Қашқадарё ва Сурхондарё музейлари илмий ходимлари билан ноёб экспонатларни излаб топиш, экспозицияга қўйилган ва заҳира фондларида сақланаётган экспонатларни илмий тадқиқ этиш, консервация ва музейфикация қилиш, виртуал музей яратиш муаамолари ечимини топиш, объектга оид тарихий маълумотлар ва иншоотни техник жиҳатдан ўрганиш каби масалаларда ҳамкорлик қилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўз МА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 283-иш, 21-варақ.
2. Ўз МА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 283-иш, 26-варақ.
3. Ўз МА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 541-иш, 5-варақ.
4. Ўз МА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 965-иш, 6-варақ.
5. Ўзбекистон музейлари // Moziydan sado, 2001. № 3 (11) Б. 8-11.
6. Ўз МА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 1206-иш, 7-варақ.

7. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, М-38-фонд, 1-рўйхат, 718-иш, 30-31-варақлар.
8. Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, М-38-фонд, 1-рўйхат, 718-иш, 43-варақ.
9. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, М-38-фонд, 1-рўйхат, 1342-иш, 6-варақ.
10. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, М-38-фонд, 1-рўйхат, 1738-иш, 4-варақ.
11. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, М-38-фонд, 1-рўйхат, 1577-иш, 11-варақ.
12. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, Термиз Археология музейининг 2018 йилдаги иш фаолияти тўғрисида ёзма ҳисоботи папкаси, 77-варақ.
13. Ходжаев Б. ЮНЕСКОнинг жаҳон тарихий-маданий меросини асраш соҳасида олиб бораётган фаолияти // Моддий-маънавий мерос ва умумбашарий қадриятлар мавзусидаги илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: 2013. –Б. 348-349.
14. Сурхондарё вилояти Термиз археология музейи жорий архиви. Музейнинг 2018 йилдаги иш фаолияти тўғрисидаги ёзма ҳисоботи папкаси, 14-варақ.
15. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, М-38-фонд, 1-рўйхат, 713-иш, 32-варақ.
16. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, М-38-фонд, 1-рўйхат, 1342-иш, 52-64-варақлар.
17. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, М-38-фонд, 1-рўйхат, 1342-иш, 8-9-варақлар.
18. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, М-38-фонд, 1-рўйхат, 1457-иш, 2-варақ.
19. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, М-38-фонд, 1-рўйхат, 1342-иш, 52-64-варақлар.
20. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, М-38-фонд, 1-рўйхат, 1342-иш, 8-9-варақлар.
21. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви, М-38-фонд, 1-рўйхат, 1457-иш, 2-варақ.

УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРНИНГ ЖАНУБИЙ ҲУДУДЛАРИ МИСОЛИДА МАДАНИЙ – МАЪНАВИЙ САЛОҲИЁТНИНГ ЎЗИГА ХОС ЎРНИ ВА НАТИЖАЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛИ

Турсунов Анвар Сайпуллаевич

Термиз давлат университети

Жаҳон тарихи кафедраси

тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация. Ушбу мақолада ўзбек халқининг тарихий хотирасини, миллий ва диний қадриятларини тиклаш мақсадида давлатимиз томонидан кўпгина ишлар амалга оширилганлиги, жумладан, тарихий ёдгорликларимиз қайта таъмирланганлиги ва улуғ аجدодларимиз томонидан ёзиб қолдирилган маънавий меросимиз китоб ҳолида чоп этилиб, халқимизга етказиб берилганлиги ёритилган.

Калит сўзлар: урбанизация, маданий-маънавий салоҳият, кўҳна маданият, нодир санъат, гўзал меъморчилик, шеърят ва адабиёт манбалари, алломалар, маърифатпарварлар, мутафаккирлар, санъат арбоблари, янги тараққиёт стратегияси.

Аннотация. в данной статье освещается тот факт, что многое сделано нашим государством для восстановления исторической памяти, национальных и религиозных ценностей узбекского народа, в том числе восстановление наших исторических памятников и то, что наше духовное наследие, записанное наши великие предки были напечатаны в виде книги и переданы нашему народу.

Ключевые слова: урбанизация, культурно-духовный потенциал, античная культура, редкое искусство, прекрасная архитектура, источники поэзии и литературы, ученые, просветители, мыслители, художники, Новая стратегия развития.

Abstract. This article highlights the fact that many things have been done by our state to restore the historical memory, national and religious values of the Uzbek people, including the restoration of our historical monuments and the fact that our spiritual heritage written down by our great ancestors has been printed in book form and delivered to our people.

Keywords: urbanization, cultural and spiritual potential, ancient culture, rare art, beautiful architecture, sources of poetry and literature, scholars, enlighteners, thinkers, artists, New development strategy.

Тарихдан маълумки, Термиз, Жаркўрғон, Денов, Бойсун, Шеробод, Қарши, Шаҳрисабз, Ғузор каби шаҳарлар кўҳна маданият, нодир санъат, ғўзал меъморилик, шеърят ва адабиёт манбаларига бой ҳудуд ҳисобланади. Айтиш мумкинки, бу шаҳарлардан етишиб чиққан алломалар, маърифатпарварлар, мутафаккирлар, санъат арбобларининг номлари жаҳон цивилизацияси тарихига олтин ҳарф билан битилган. Сурхондарё ва Қашқадарёнинг истеъдодли усталари, муסיқачилари, шоирлари, кўшиқчилари, раққосаларининг маданияти, юксак маънавияти, ижодиёти ана шу даврда яшаган аждодларнинг тарихий-маданий меросига бориб тақалади.

Янги тараққиёт стратегиясидаги амалий дастурлар натижасида Термиз шаҳри турли тадбирлар ўтказиладиган марказга айланиб борди. Негаки бу шаҳар ўзининг буюк алломалари билан шуҳрат қозонган бўлиб, уларнинг маънавий мероси жаҳон жамоатчилиги томонидан тан олинган. Термизда ислом дини машҳур исломий алломалар – Ал-Ҳаким Термизий, Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий, Шаҳобуддин Собир Термизий, Муҳаммад ибн Ҳамид Термизий, Абу Бакр Варроқ Термизий каби олимлар яшаб ўтишган. Афсуски, советлар тузуми даврида улуғ аждодларимизнинг маънавий мероси халқимиздан сир тутилган, уларнинг номлари деярли унутилган эди. Хусусан, Ал-Ҳаким Термизийнинг мақбараси чегара ичига олинган, Султон Саодат, Абу Исо ат-Термизий мақбаралари харобага айлантирилган эди. Мустақиллик арафасида халқимизнинг тарихий хотирасини тиклашга киришилди. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарори билан Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий таваллудининг 1200 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди [1169-170]. Ушбу тадбир муносабати билан алломанинг ҳоки ётган жой обод қилиниб, зиёратчилар учун очиқ қўйилди.

Термиз шаҳрида ЮНЕСКО шафелигида ўтказилган биринчи йирик тадбир – “Алпомиш” достони яратилганлигининг 1000 йиллигига бағишлаб ўтказилган юбилей ҳисобланади. Байрам тадбирлари 1999 йил 6 ноябрда катта тантана билан ўтказилди. Юбилей муносабати билан Термиз шаҳридаги Дўстлик истироҳат боғида ободончилик ишлари амалга оширилиб, Алпомиш ҳайкали қад кўтарди. “Оймома” болалар боғи тубдан таъмирланди. Шаҳарда янги иморатлар қад кўтарди [2.75-79].

Термиз шаҳрининг жаҳон маданиятида тутган ўрни инобатга олиниб, 1999 йил ноябр ойида ЮНЕСКОнинг Париж шаҳрида бўлиб ўтган 30-сессиясида Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилейини нишонлаш ҳақида қарор қабул қилинди. 1999 йил 27 декабрда эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги 545-сонли қарори [3.263] кўҳна шаҳар ва унинг аҳолиси хизматлари эътироф этилганининг намунаси бўлди.

Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилейи муносабати билан 1999-2002 йилларда Термиз ва Шеробод шаҳарларида жойлашган Ал-Ҳаким Термизий, Абу Исо ат-Термизий, Султон Саодат, Қирққиз, Кокилдор ота каби бир қанча тарихий обидалар ва археологик ёдгорликларда таъмирлаш ишлари олиб борилди. Термиз шаҳрининг ўзида кенг кўламли ободончилик ишлари амалга оширилиб, археология музейи, муҳташам амфитеатр, Термиз темир йўл вокзалининг янги биноси қад кўтарди. Термиз ҳайвонот боғи туб таъмирдан чиқарилди.

2002 йил 2-апрелда Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилейи янги қурилган амфитеатрда тантанали равишда ўтказилди [4.291-299]. Ўша куни Термиз Археология музейи иш бошлади. Музей ўзининг ихтисослиги бўйича Ўрта Осиёда ягона ҳисобланади. Унинг 9 та асосий залларида Сурхондарё вилояти ёдгорликларидан топилган 72 минг дона экспонат сақланади [5.5].

Термиз шаҳридаги кенг кўламли ўзгаришлар “Баркамол авлод – 2011” спорт мусобақаларининг ўтказилиши муносабати билан юз берди. Ушбу тадбир натижасида шаҳарда жуда катта қурилиш ишлари амалга оширилди. Жумладан, 2022 йилнинг 20 февралда Термиз давлат университетининг янги 6 қаватли ўқув биноси қурилиб фойдаланишга топширилди. Шаҳардаги улкан бунёдкорлик ишлари натижасида Термиз давлат университетининг янги Ахборот ресурс маркази, Бахт уйи, 10 минг ўринли стадион, 12-сонли Меҳрибонлик уйи, Термиз шаҳар мактабгача таълим касб-хунар коллежи, янги автосалон биноси, 2-сон мусиқа мактабининг биноси ва бошқа кўпгина иншоотлар қурилиб топширилди [6.267]. Бундан ташқари, шаҳарда ёшлар мажмуи, халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар вилоят услубият маркази, мусиқали драма театри, кўғирчоқ театри, ТерДУ қошидаги “Жайхун” фольклор-этнографик ансамбли, миллий дорбозлар гуруҳи ва бошқа маданий муассасалар ишлаб турибди. Республика аёллар спорт мусобақалари ўтказилди [7.12].

2022 йилда Термиз шаҳридаги вилоят мусиқали драма театрида 129 нафар санъаткор ва ишчи-ходим самарали меҳнат қилди. Жамоа аъзоларидан 2 нафари «Ўзбекистон халқ артисти», 1 нафари «Ўзбекистон санъат арбоби», 8 нафари «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист», 1 нафари «Ўзбекистонга хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвонлари билан мукофотланди. Жамоанинг фаол аъзоларидан катта гуруҳи Ўзбекистон ордени ва медаллари билан тақдирланди [8]. Термиз шаҳрида Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби М. Равшанов, Ўзбекистон халқ бахшилари Ш. Болтаев ва А. Поёнов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими А. Иброҳимов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Г.Равшанова, Р.Маматалиев, Ҳ.Орипов, М.Маҳмудова, А.Нарзуллаев, Й.Мирқурбонов, С.Қосимова, Н.Алланазаровлар ижод қилдилар.

Термиз шаҳридан ташқари, Сурхондарё вилоятининг бошқа шаҳарлари маданий ҳаётида ҳам кенг кўламли ўзгаришлар содир бўлди. Вилоятда миллий маданий меросни асраб-авайлаш, халқ оғзаки ижодини тараққий эттириш, маданият муассасалари фаолиятини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2022 йилда “Сурхондарё вилоятида маданий-оқартув муассасалари фаолиятини такомиллаштириш ва янада яхшилаш” тўғрисида 256-сонли қарорни қабул қилди. Қарордан келиб чиқиб, вилоятда маданият соҳасида катта ижобий ишлар қилинди. Масалан, Бойсун шаҳрида 14 та оммавий ва болалар кутубхонаси, 12 та клуб муассасалари, 1 та маданият уйи, 400 ўринли кинотеатр «Алпомиш» спорт мажмуаси, замонавий асосда қурилган теннис корти, санъат музейи [9], «Шалола» ашула ва рақс халқ ансамбли, «Бойсун» фольклор-этнографик болалар ансамбли, «Ширу-шакар» фольклор-этнографик ансамбли фаолият юритмоқда. «Алпомиш» дostonи яратилганлигини минг йиллиги муносабати билан спорт иншоотлари ва йигирма беш гектар майдонда «Алпомиш боғи» барпо этилди. «Бойсун баҳори» фольклор фестивали ҳар йили май ойида муваффақиятли ўтказилади [10]. Эътиборли томони, Бойсуннинг «Шалола» ва Шўрчи шаҳридаги «Кумуш тола» ашула ва рақс халқ дасталари Буюк Британия, Туркия, Афғонистон ва Ҳиндистонда бўлиб ўтган халқаро фестивалларда ўз репертуарлари билан иштирок этишган [11].

Қашқадарёнинг вилоятининг энг қадимий шаҳарларидан бири сифатида Қарши ва Шаҳрисабз ҳисобланади. Бу шаҳарлар ўтмишда 300 га яқин Насафийлар ва ўнлаб Кешийларни дунёга берган. Қаршидан «Насафий» тахаллуси билан кўплаб олимлар, шоирлар етишиб чиққан. Шулардан Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асарида тилга олинган Мавлоно Сойилий, Мавлоно Мир Қарший, ундан ташқари, Маҳмуд Насафий (мусиқа ва санъат соҳасида), Қусам Шайхлар (диний илмлар соҳасида) ва бошқа шухрат қозонганлар [12].

Қарши шаҳри ҳам йилдан-йилга чирой очиб, маданий марказга айланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 сентябрдаги «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида»ги 452-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 26 июлдаги «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-135-сонли қароридан кейин шаҳарда кенг кўламда тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Кўкғумбаз масжиди, тарихий кўприк ва бошқа меъморий обидалар таъмирланди. Шаҳарда «Насаф», «Геолог» спорт мажмуалари, теннис корти, ёпиқ чўмилиш ҳавзаси, спорт-соғломлаштириш иншоотлари, 20 минг ўринлик стадион, Олимпия заҳиралари спорт коллежи ва бошқалар қурилди.

2006 йил октябрида Қарши шаҳри ЮНЕСКО шафелигида ўзининг 2700 йиллигини тантанали

равишда нишонлади. Байрам муносабати билан шаҳарда кенг кўламли курилиш-ободончилик ишлари олиб борилди. Мустақиллик майдони, Марказий ва Болалар истироҳат боғи янгича кўриниш олди. Амфитеатр майдони, кўплаб турар-жойлар, янги лицей ва коллежлар, Олимпия заҳиралари коллежи, турли спорт иншоотлари, янги марказий стадион, хотин-қизлар спорт мажмуаси курилиб фойдаланишга топширилди [13.69-79].

Қарши шаҳридаги Мулла Тўйчи Тошмухамедов номидаги мусикали драма театри – Ўзбекистондаги дастлабки профессионал театрлардан бири. Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларидаги тхаваскорлик жамоалари асосида Қарши шаҳар маориф мудир А.Шоибзода ва созанда А. Қодиров томонидан 1932 йил 2 августда ташкил этилган. 1936 йили давлат театри мақомини олган, 1943 йилда атоқли хонанда Тўйчи Хофиз Тошмухамедов номи берилган. Дастлаб труппада Ж.Сатторов, С.Хусанов, Н.Остонов, С.Рўзиева, М.Вафоева, М. ва Ж.Жалиловлар, Т.Мельникова (Лола) ва бошқалар ишлаган [14].

2016-2022 йилларда театрда «Тикансиз типратиканлар» (Ш. Бошбеков), «Сехрли узук» (М.Халил), «Тухматчилар жазоси» (Ҳамза), «Соҳибқирон» (А.Орипов), «Бир кам дунё» (Т.Юнус), «Ажабгул ва Ражабгул» (Ш. Пардаев), «Бир ўлиб кўрай-чи» (Х. Хурсанов), «Рухлар исёни» (Э.Воҳидов) каби турли жанрда кўплаб миллий асарлар сахналаштирилди. Умуман олганда Қашқадарё театри драматурглар билан янги асарлар устида ишлашга алоҳида эътибор бериб келмоқда [15].

Қарши шаҳридаги яна бир маданият муассасаси – бу кўғирчоқ театри саналади. Мазкур театр «Дангасанинг ҳолига вой» (режиссор Ш.Юсупов, рассом В.Ақудин) спектакли билан очилди. Ушбу театр кўп йиллар давомида кўплаб асарларни сахналарга қўйиб болажонларни хушнуд қилиб келмоқда.

Қашқадарё шаҳарларида маданият муассасалари учун янги бинолар курилиб, кутубхоналар фондлари турли соҳаларга оид китоблар билан тўлдириб борилди. Жумладан, Қарши шаҳридаги С.Насафий номидаги вилоят кутубхонасида 2020 йилда китоблар сони 95000 тани, кутубхонага қатновчилар сони 321515 кишини, жамғармага келган адабиётлар сони 3000 тани ташкил этди. Кутубхона замон талаблари асосида тўлиқ жиҳозланган [16]. 2016-2022 йилларда Қарши шаҳри кутубхоналарининг китоб фонди 438486 нусха китоблар, жумладан, 89517 нусха ижтимоий-сиёсий, 51434 нусха табиий, 65434 нусха техника, қишлоқ ва ўрмон хўжалигига оид китоблар билан бойитилди. Шаҳрисабз шаҳридаги мавжуд 56 кутубхонага ойига ўртача 3152 китобхон ташриф буюрган, уларга 52043 нусха китоб тақдим этилган. Шунингдек, кутубхонларда турли мавзуларда кечалар, суҳбатлар ўтказилди. Ғузор шаҳрида 56 та кутубхонанинг фондида 54704 нусха китоб жамғармаси бўлиб, китобхонларга 2016-2022 йилларда ўртача 64682 та китоб фойдаланиш учун тақдим қилинган [17].

Қадимда Кеш номи билан аталган Шаҳрисабз шаҳри ўзининг узок ўтмиши давомида истилочилар томонидан бир неча бор харобага айлантирилиб, халқнинг иродаси билан қайта тикланган. Шаҳрисабзда 20 га яқин тарихий-меъморий ёдгорлик сақланиб қолган. Темурийлар даврида қурилган Оксарой қасрининг пештоқ девори, Дор ус-Саодат ва Дор ут-Тиловат мажмуалари, Кўк Гумбазмасжиди, Гумбази Сайидон, Шамсуддин Кулол мақбараси, Жаҳонгир мақбараси, Ҳазрати Имом масжиди, шунингдек, Чорсу бозори (XVI аср), Чубин мадрасаси (XVI аср), Абдушукур Оғалиқ (XIX аср), Эшонпир (XIX аср), Кундузак масжидлари каби меъморий обидалар сақланиб қолган [18.32].

Шаҳрисабз юртида бир қанча олим ва уламолар, шоирлар вояга етган, жумладан, Абу Муҳаммад Кеший (964 йилда вафот этган), Абу Жаъфар Кеший (951 йил вафот этган), Абул Ҳазоил Кеший (XII аср), Шамсуддин Кулол (Амир Темурнинг пири) ва бошқалар яшаб ижод этган [19.14-32]. Бундан ташқари, Абу Муҳаммад Кеший, Шамсиддин Кулол ва Ҳазрати Башир каби азиз-авлиёлар, Фироқий ва Хиромий, Равнақий ва Фақирий сингари шоиру алломалар туфайли “Илму адаб куббаси” номини олган. Жаҳон маданиятига улкан ҳисса қўшган Хусрав Дехлавий, Мирзо Бедил, Мирзо Ғолиб каби шоирларнинг келиб чиқиши Шаҳрисабзга бориб тақалади [20.35]. Қолаверса, Шаҳрисабз – Соҳибқирон Амир Темурни дунёга берган юртдир. 1996 йилда Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги зўр тантана билан нишонланди. 18 октябрда Шаҳрисабз шаҳрида Амир Темурнинг ҳайкали ўрнатилди. Байрам тадбирлари муносабати билан Шаҳрисабз шаҳри «Амир Темур» ордени билан мукофотланди [21].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 29 мартда Шаҳрисабзнинг 2700 йиллик юбилейини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ушбу юбилей бутун мамлакатимизда ва Шаҳрисабзда кенг нишонланди. Бу тантаналарда ЮНЕСКО вакиллари ҳам қатнашди. Шаҳрисабз 2002 йил декабрда Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилди. Шаҳарда кўплаб илмий ва санъат анжуманлари ҳам ўтказилади. Жумладан, 2018 йилда Мақом фестивали ўтказилди. Ушбу фестивалда жаҳоннинг 73 мамлакатидан 300 дан ортиқ вакиллари қатнашди.

Шаҳрисабзнинг муносиб ривожига Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов алоҳида баҳо бериб; “Бугун Шаҳрисабз файзу-таровати билан кўзларни қамаштириб, жаҳон эътиборини ўзига қаратиб турибди. У жаҳон цивилизациясининг энг қадимий шаҳарларидан бири сифатида нуфузли халқаро ташкилот бўлиши ЮНЕСКО томонидан эътироф этилган ва Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган”- деб таъкидлаган эди [22.59].

Бугунги кунда халқаро сайёҳликнинг ривожланиши натижасида Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларида Республика «Ўзбектуризм» миллий компаниясига қарашли бўлимлар ва бир неча меҳмонхона фаолият кўрсатмоқда. 2005-2010 йилларда Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларига 23 мингдан зиёд чет эллик сайёҳлар ташриф буюрган [23].

Хулоса қилиб қайд этиш керакки, ўзбек халқининг тарихий хотирасини, миллий ва диний қадриятларини тиклаш мақсадида давлатимиз томонидан кўпгина ишлар амалга оширилди. Жумладан, тарихий ёдгорликларимиз қайта таъмирланди. Улуғ аجدодларимиз томонидан ёзиб қолдирилган маънавий меросимиз китоб ҳолида чоп этилиб, халқимизга етказиб берилди. Термиз, Қарши, Шаҳрисабз шаҳарларининг юбилейлари жаҳон миқёсида кенг нишонланди. Бу шаҳарлар халқаро ва ички сайёҳлик марказларига айланди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақиллик эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. –Б. 169-170.
2. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. –Б. 75-79.
3. Турсунов С., Қобулов Э., Муртозоев Б., Пардаев Т., Умаров И. Термиз тарихи. –Тошкент: Yangi-nashr, 2019. –Б. 263.
4. Каримов И. Жайхун соҳилидаги боқий шаҳар. Тўла асарлар тўплами. 10-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2002. –Б. 291-299.
5. Ботиров.Т., Аннаев Т.Сурхондарё вилояти археология музейи (қисқача йўлланма).– Тошкент: Шарқ, 2002.–Б.5.
6. Турсунов С., ва бошқалар. Термиз тарихи. –Б.267.
7. Термиз шаҳар ҳокимлиги жорий архиви. 2010. 6-баённома. –Б.12.
8. Ўз РМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 232-ҳужжат, 7-варақ.
9. Ўз РМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 232-иш, 8-9-10-варақлар
10. Ўз РМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 232-иш, 19-20-21-23-варақлар.
11. Ўз РМА, И.7-фонд, 1- рўйхат, 232-иш, 24-25-26-варақлар.
12. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони архивининг Қашқадарё вилояти филиали жорий архиви. 829-фонд, 5-рўйхат. 37-иш, 4-варақ.
13. Каримов И. Муаззам ва мукаррам шаҳар шодиёнаси. // Асарлар. 15-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон. 2007. –Б. 69-79.
14. Қашқадарё вилояти маданият ва спорт бошқармаси жорий архиви, 2010 йил. –Қарши, 3-баённома. –Б. 24.
15. Қашқадарё вилояти маданият бошқармаси жорий архиви, 2010 йил. –Қарши, 1-баённома. –Б.32.
16. Ўз МДА, И.7-фонд, 1- рўйхат, 232-иш, 20-21-варақлар.
17. Ўз.МДА, И. 7-фонд, 1- рўйхат, 1172 –иш, 7-варақ.
18. Носир Муҳаммад, Насаф ва Кеш алломалари. –Тошкент: 2001.–Б.6-32.
19. Носир Муҳаммад, Насаф ва Кеш алломалари. –Тошкент: 2001.–Б. 14-32.

20. Каримов И. Қашқадарё воҳасининг зумрад шаҳри. // Асарлар. 11-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – Б . 35.
21. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони архивининг Қашқадарё вилояти филиали жорий архиви. 829-фонд, 10-рўйхат, 82-иш, 31-34-варақлар.
22. Каримов И.А. Қашқадарё воҳасининг зумрад гавҳари. Т.11. –Тошкент: Ўзбекистон, 2003. –Б.59.
23. Ўз РМА.И. 7-фонд, 1- рўйхат, 1160-иш, 4-варақ.

ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯСИДА КЕКСАЛАРНИНГ ЎРНИ

Таиров Фаррух Саламович

Сурхондарё вилояти “Маҳалла ва нуронийларни
қўллаб-қувватлаш” бошқармаси бошлиғи

Аннотация: Мақолада оила, оилавий муносабатлар масалалари ёритиб берилган. Кекса авлод вакилларидаги тажриба, ўғит, насиҳатнинг оилавий муносабатларни ташкил этишда ўзига хос таъсири хусусиятлари баён этилган. Кексаларнинг ўзбек оилалари шахслараро муносабатида маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришдаги таъсири таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: оила, оилавий ҳаёт, оила муносабатлари, кексалар, кексалик даври, оила муҳити, оила таъсири, кексалар тажрибаси, кексалар ўғити, фарзанд, маънавий-ахлоқий муҳит.

Аннотация: В статье рассматриваются вопросы семьи и семейных отношений. Описаны особенности специфического влияния опыта, обучения, советов представителей старшего поколения на организацию семейных отношений. Анализируется влияние пожилых людей на формирование духовно-нравственной среды в межличностных отношениях узбекских семей.

Ключевые слова: семья, семейная жизнь, семейные отношения, пожилой возраст, старость, семейное окружение, влияние семьи, опыт пожилых, воспитание пожилых, ребенок, духовно-нравственная среда.

Abstract: The article describes issues of family and family relations. Features of the specific influence of experience, training, and advice of the representatives of the older generation on the organization of family relations are described. The impact of the elderly on the formation of the spiritual and moral environment in interpersonal relations of Uzbek families is analyzed. **Key words:** family, family life, family relations, elderly, old age, family environment, family influence, experience of the elderly, education of the elderly, child, spiritual and moral environment.

Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла-юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради. Зеро, оила фаровонлиги – миллий фаровонлик асосидир. Халқимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, энг қимматли анъаналар: ҳалоллик, ростғўйлик, ор-номус, шарму ҳаё, меҳру оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар, энг аввало, оилада шаклланган [1].

Дарҳақиқат, оилада шахслараро муносабатларнинг бир неча турлари амалга ошади, яъни миллий мафкурамизга оид илк тушунчалар аввало оила муҳитида сингади ва бу жараён боболар ўғити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга ошади. Ўзбек оилаларида шахслараро муносабатда маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришда кексаларнинг ўз ўрни бор. Улар аждодлар яратган бой маънавий-ахлоқий қадриятларнинг хазинабони, давомчиси ва янги шароитларнинг бунёдкори сифатида ёш авлодни тарбияловчи беминнат мураббий саналадилар.

Кексалар ҳақида гап кетганда, биз уларни хонадонимиз фариштаси, хайру баракаси, деб атаймиз. Халқ донолиги, минг йиллик тажрибалар, миллий анъаналар қарияларимиз онги, фаолияти, турмуш тарзида жамлангандир. Улар ёш авлоднинг устози, мураббийси, ҳаёт дорилфунундир. Донишмандлар «Қари билганини пари билмас», деб бежиз айтишмаган. Ёш авлодни тарбиялашда кекса авлоднинг хизмати бениҳоя бўлиб, бобо ва бувилар оилада тарбияни мукамал йўлга қўйишда, чинакам халқчил тарбия, оилавий тарбияни яратишда жонқуярлик қилиб келганлар, ёшларга таъсир этишнинг энг самарали шакллари танлаганлар. Катта

авлод вакиллари оиланинг маънавий раҳбарлари ҳам бўлишади. Худди шу кексалар туфайли хонадонимиз файзли, тўкин ва осойиштадир. Улар болаларни жонларидан ортиқ суядилар, невараларию чевараларини «данагимнинг мағизи» деб қувватладилар, эртагу нақллар айтиб ҳаёт сабоғини берадилар. Айниқса, онаси ё отаси ҳаётдан эрта кетса, унда улар ўша болаларга ота ё она ўрнини билдирмай, неварам деб эмас, балки болам деб, ўқситмай вояга етказишга ҳаракат қиладилар, бунда уларнинг ҳаётий тажрибалари, аниқроғи яқин ўтмишда ўзларининг шундай «тарбиялаш синовлари»дан ўтганликлари асқотади. Улар болаларга халқ урф-одатлари, илғор анъаналарини ўргатиш билан чекланиб қолмайдилар, ўз ўрнаклари билан ҳам сабоқ берадилар. Бу – ўзбек турмуш тарзининг миллийлиги аломати.

Халқнинг маданий тараққиётидаги юксалиш катта авлодни эъзозлаш ва ҳурмат қилиш билан ҳам боғлиқдир. Инсон ўз ҳаётида қандай йўлни танлаганидан қатъи назар, унга ёши улуғ кишилар томонидан ҳаётий насиҳат, ўғит сифатида етказиб берилган донолик, ҳикматлар уни муваффақиятлар сари етаклайди. Донишмандлик ва тажриба орттириш ҳеч қачон ўз кучини йўқотмайди. Аксинча, маънавий такомил учун янгидан-янги суръатларда юксалиб бораверади.

Айнан кексалар тажрибаси ёшларнинг аниқ ҳаётий позицияни танлаб олишида муҳим омил бўлиб хизмат қилиши мумкин. Кексалар ҳаётдан лавҳалар, ибратли ҳикоялар, ўзи ва ўзгаларнинг хатоларини ўз вақтида пайқаб олиш, меҳрибонлик кўрсатишга интилиш ва бошқалар – буларнинг барча-барчаси маънавий юксалиш учун рағбатлантирувчи туртки бўла олади. Шунингдек, катта авлоднинг ҳаётий тажрибаси ва донишмандлиги оилаларда бундай ахлоқий меъёрларнинг қарор топишида қўл келади. Кексаларнинг ёшларга қиладиган панд-насиҳатлари уларда тафаккурни шакллантириб, тўғри ҳаётий мақсадни танлаб олишга ёрдам бериши мумкин. Исломда қариндошлар ва яқинларнинг ҳолидан хабар олиш ҳам асосий бурчлардан ҳисобланади. Инсон ҳар доим, ҳамма вақт бағрикенг бўлиши керак, айниқса, ёши улуғ кишиларни эъзозлаш, уларга ёрдам кўрсатиб туриш лозим.

Улуғ бобокалонимиз, соҳибқирон Амир Темурнинг етти йиллик юриши пайтида Мордин қалъаси қамал қилинади. Қамал чоғида Мирзо Улуғбек туғилгани ҳақида хабар келади. Сарой мунажжимларининг башоратига кўра, Мирзо Улуғбекнинг келажакда ҳам султон, ҳам улкан олим бўлиши билдирилади. Амир Темур бу хабардан жуда ҳам севинади.

Амир Темур хонадонидида ўрнатилган тартибга кўра, шахзодалар тарбияси уларнинг оналари зиммасида эмас, балки буви-бибилари зиммасида бўлган. Мирзо Улуғбекнинг онаси Гавҳаршодбегим бўла туриб, унинг оилавий тарбияси билан Сароймулкхоним шуғулланган. Амир Темур бобо сифатида Мирзо Улуғбекнинг ҳарбий иш, давлатни бошқариш, илм эгаллаш борасидаги тарбиясига алоҳида эътибор қаратади. Натижада Мирзо Улуғбек нодир шахс, маърифатпарвар давлат арбоби, бутун дунёга машҳур олим бўлиб етишади.

Амир Темур фарзандлари, набираларининг келажаги олдидаги оталик, боболик бурчи ва масъулиятини чуқур англаганлиги диққатга сазовордир. «Темур тузуклари»да соҳибқирон ўз авлодларининг оила қуриши, соғлом фарзандлар кўриши ҳақида астойдил қайғурганлигини кўрсатувчи шундай фикрлар бор: «Ўғилларим, набираларим ва яқинларимни уйлантириш ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим. Келин бўлмишнинг насл-насабини, етти пуштини суриштирдим. Хос одамлар орқали соғлиқ-саломатлигини, жисмонан камолотини аниқладим. Келин бўлмиш насли-насаби, одоб-ахлоқи, соғлом ва бақувватлиги билан барча қусурлардан холи бўлсагина, эл-юртга тўй-томоша бериб, келин туширдим. Ўғилларим, набираларим ва яқинларимга бирон томчи шароб ичиб, хотинларига яқинлашишни маън этдим. Зеро, шаробнинг таъсирида бунёдга келган фарзанд насл-насабанинг бузилишига таъсир этгай, дебон шу покиза йўлни тутдим» [2].

Умуман олганда, психологиядан маълумки, болалик даврида ёш хусусиятига кўра бола шахси атрофидаги нарса, ҳодиса, воқеаларга нисбатан қизиқиши ниҳоятда ортади. Шунинг учун ҳам болалик даврининг дастлабки 3–6 ёш палласи ўта қизиқувчанлик даври ҳам деб аталади. Бу даврда она уй юмушлари, рўзғор ишлари, айримлари эса умуман ижтимоий-жамоат ишлари билан банд бўлсалар, боланинг қизиқиши, интилиши ва юзага келган қўплаб саволларига жавоб бера олмайдилар. Бу даврда боланинг фикри тўла шаклланиши учун унинг саволларига жавоб топиб бера оладиган суҳбатдош керакдир. Унинг нафақадаги бувиси, бобоси бу вазифани адо эта олади. Чунки нафақадаги кишиларнинг ёш хусусиятида мулоқотга эҳтиёж, ким билан бўлса-да, ўз ҳаётий тажрибалари билан бўлишиш, ўз кечинмаларини сўзлаб

бериш ҳисси юқори даражада ифодаланган бўлади ва боланинг саволларига улар бемалол жавоб топиб бера оладилар.

Натижада бобо, бувисининг мулоқоти бола фикр доираси кенг бўлишига ёрдам беради. Айниқса, оилавий муносабатларда эрта шаклланган «бола-буви», «бола-бобо» тизими боланинг мустақил фикрлайдиган, эркин ва тарбияланган шахс сифатида вояга етишида етарли даражада замин яратади. Бувижонларимиз аллаларни шундай меҳр билан айтадиларки, бундай аллалар фарзандларимизга ўз таъсирини ўтказмай қўймайди, алла эшитган фарзандларнинг меҳру муҳаббатли бўлиши ҳар томонлама тасдиқланган. Бобо ва бувилар невараларига оилада амалга ошириладиган ишларни ўз тажрибаларига таяниб ўргатишда катта ҳисса қўшадилар. Оилавий муносабатларда тарбиявий, психологик, ҳиссий, иқтисодий ва бошқа вазифаларнинг амалга оширилиши кузатилади.

Оила тарбияси – оилада ота-оналар, бобо-бувилар, умуман катта ёшли қариндошлар томонидан болаларни тарбиялаш жараёни бўлиб, азалий туркий удумга кўра ота-оналарга қараганда болага бобо-бувиларнинг тарбиявий таъсири кучли бўлган.

Ўзбек миллатига хос урф-одатларимиз, удумларимиз бўлмиш «совчилик», «оқ ўрар», тўй маросимлари ва бешик тўйлар кексаларимиз бошчилигида ўтади. Ҳеч бир ўзбек оиласи йўқки, бундай маросимларни ўз бобо-бувижонларисиз ўтказса. Масалан, совчиликда ҳал қилувчи босқични буважонларимиз ва бувижонларимиз амалга оширадилар. Келинни ўзлари кўрадилар ёки куёв билан ўзлари суҳбат курадилар. «Оқ ўрар» ва тўй маросимларимиз ҳам уларнинг пок дуолари билан бошланади. Кейинчалик ёшлар фарзандли бўлганларида эса энг катта «суюнчи»ни ўзлари оладилар. Лекин шу билан бирга «Азон айтиш», «Чўмилтириш» ва «Бешикка белаш» каби удумларимиз ҳам уларсиз ўтмайди.

Кексаларимизнинг оилани тинчлиги мустаҳкамлигига ҳам таъсири катта. Масалан, кексалар бор жойда уларнинг ҳурмати қилиб тинчлик сақланади, турли низоли муносабатлар ўрнатишдан тийилади. «Отам ҳурмати», «Онам ҳурмати» каби иборалар қўлланади. Яна бир томони, кексалар шундай низоли вазиятларни тўғри ҳал қилишда етакчи бўладилар, улар орқали оиладаги турли низолар бартараф этилади. Шунинг учун ҳам оиласи ибратли кексалардан иборат маҳаллада оқсоқоллар мажлислари ташкил этилади. Маҳаллада кўриладиган муаммоли вазиятлар ҳам кексаларимиз иштирокида ҳал қилинади. Лекин ҳозирги оилаларни кузатадиган бўлсак, аксарият оилалар нуклеар, яъни эр-хотин ва фарзандлардан иборатдир [3]. «Нуклеар» лотинча сўздан олинган бўлиб, луғавий маъноси «ядро» демакди [4]. Бундай оилаларда тарбия олаётган болалар хусусиятларида салбий ҳислатлар ҳам шаклланади:

- назорат камлиги туфайли кўча муҳитига таъсирчан бўладилар;
- ота-оналари иш фаолияти билан банд бўлган вақтларда кун тартибларини ўзларича ташкил этадилар;
- бўш вақтларини уйдан ташқарида ўтказадилар;
- дайдилик, ичиш-чекиш одатлари пайдо бўлади;
- катта авлод вакилларига нисбатан муносабатларида иззат-ҳурмат қилиш қоидаларига кам даражада риоя қилинади.

Кейинчалик бундай мафкура таъсирида кексаларга нисбатан эъзоз ва ҳурмат эмас, балки ноўрин муносабатлар шаклланади. Афсуски, қариялар уйлариининг Ўзбекистонда ҳам борлиги, ўз ҳаловатини ўйлаган айрим фарзандларнинг кексайиб қолган ота-оналарини шундай ғарибхоналарга жойлаштириши ҳам ҳақиқат, бундай фарзандлар эртага ўзларини ҳам шундай қисмат кутаётганини ўйламайдилар.

Ҳолбуки, ота-оналари кексайганда хизматларини қилиб, дуоларини олмаган фарзанд қарғишга учраши ҳақида ҳадиси шариф ҳам бор [5].

Абу Ҳурайра айтадилар: «Хор бўлсин, хор бўлсин, хор бўлсин!» – ўн маротаба такрор қилдилар. Шунда саҳобалар «Ё, Расулуллоҳ, кимни айтаяпсиз?», деб сўрашди. Расулуллоҳ: «Ота-онасининг иккаласи ёхуд битталари кексайиб қолган вақтида (уларни рози қилмай) ўзини дўзахга тушишга мубтало қилган кишини», дедилар [6]. Бошқа бир ҳадисда эса: «Ким ота-онасини рози қилса, унга тубо [7] насиб бўлиб, Аллоҳ таоло унинг умрини ҳам зиёда қилади»[8], дейилган. Шу ҳадислар замирида туғилиб, аجدодларимиз тажрибасида синалган «Ота рози – худо рози» нақли ҳам кекса авлодни ҳурмат қилиш анъанасини шакллантиришда ўзгача хизмат қилади. Бинобарин, кекса авлодни ҳурмат қилиш, эҳтиёт қилиб авайлаш,

эҳтиёжларини таъминлаш ўзбек оилаларининг бетакрор фазилатларига айланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIV боби «Оила»га оид тўртта моддадан иборат бўлиб, унинг 66-моддасида ота-оналарни эъозлаш каби анъанавий миллий қадрият қонун кучи билан мустаҳкамлангандир: «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар» [9].

Чиндан ҳам, ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб, хилма-хил синовларда тобланиб заковат тимсолига айланган кекса авлоднинг эзгу-ўғит насиҳатлари оилалар маънавий-ахлоқий камолотининг мустаҳкам пойдевори ҳисобланади. Айни чоғда шу маънавий пойдевор қай даражада эканлиги жамоатчилик фикрига дахлдорлиги билан ҳам бениҳоя қимматлидир.

Оила ҳар бир инсоннинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан шаклланиши учун энг қадрли маскандир. Шундай экан, кексаларнинг ҳаётий тажрибаси, ибрати, сабоғи орқали оилада шахслараро муносабатларни ташкил этиш инсонни комиллик, одоб-ахлоқ сари етаклаши шубҳасиздир.

Хулоса қилиб айтганда, Ватанимиз равнақи, унинг келажаги бўлмиш ёш авлодни муносиб даражада тарбиялашда, шунингдек, бой тарихимизнинг ўчмас саҳифалари, аجدодларимизнинг буюк меросини, қадрият ва урф-одатларимизни келажак авлодга етказишда ўзининг матонати, иродаси билан фидойилик қилаётган кекса авлод вакиллари давлатимиз ва Президентимизнинг эътиборида экан, улар ҳамиша эъоз ва эҳтиромда бўладилар.

Демак, маънавий меросимизни ёш авлодга етказишда кекса авлод вакилларининг ўрни бекиёс. Кексаларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштироки муҳим аҳамият касб этади. Қарияларнинг роли ва ўрни қай даражада бўлса, оила шу даражада мустаҳкам, тинч ва фаровон бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2014. –Б.39.
2. Акрамова Ф.А. Инсоний муносабатлар психологияси. – Т.: «Шамс-А», 2005. –Б.68.
3. Амир Темур ўғитлари: Тўплам. / Тузувчилар: Б.Ахмедов, А.Аминов. – Т.: «Наврўз», 1992. –Б.64.
4. Имом Исмоил ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад (Адаб дурдоналари). – Т.: «Ўзбекистон», 1990. –Б.20.
5. Каримова В.М. Оилавий ҳаёт психологияси. // Ўқув қўлланма. – Т., 2006. –Б.142.
6. Каримова В.М., Акрамова Ф.А. Психология. Маърузалар матни. – Т.: ТДИУ, 2005. –Б.210.
7. Сафаров О., Маҳмудов М. Оила маънавияти. – Т.: «Маънавият», 1998.
8. Турсунов С. ва бошқ. Сурхондарё – этнографик макон. –Тошкент: Akademnashr, 2012.
9. Турсунов С.Н. “Раҳбар маънавияти”. Тошкент: “Фан”. 2009.
10. Турсунов С.Н.”Маҳалла- мустақил юрт таянчи”. Тошкент:, “Мухаррир”, 2012.
11. Турсунов С.Н. “Ўзбекистон жанубий ҳудудларида номоддий маданият тарихи”. Тошкент: “Мухаррир”,2013.
12. Шоумаров Ғ.Б. Оила психологияси: Академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун ўқув қўлланма. – Т.: «Шарқ», 2008. –Б.296.
13. Шоумаров Ғ.Б. ва бошқалар. 1001 саволга психологнинг 1001 жавоби. Услубий қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2014. – Б.312

ХУНАРМАНДЧИЛИК СОҲАСИДАГИ САНОАТЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИ - ТАРИХ ВА ТАҲЛИЛ

Мамаражабов Ғайрат Абдулҳакимович

Термиз давлат университети
Жаҳон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси
Email: turon-1980@mail.ru

Аннотация. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, хунармандчилик соҳасида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Сурхондарё вилояти хунармандлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳсулот турларини кўпайтириш борасида кўпгина амалий ишларни бажаришмоқда. Ушбу мақолада Сурхондарё вилоятидаги Сарийосиё ва Узун туманлари хунармандларининг амалга ошираётган ишлари ёритилади.

Калит сўзлар: Ўзбекистон, Сурхондарё, Сарийосиё, Узун, хунармандчилик, “Стекло” корхонаси.

Аннотация. После обретения Узбекистаном независимости в сфере ремесел произошли важные изменения. Ремесленники Сурхандарьинской области проводят большую практическую работу по расширению производства и увеличению ассортимента продукции. В данной статье освещается деятельность ремесленников Сарийоского и Узунского районов Сурхандарьинской области.

Ключевые слова: Узбекистан, Сурхандарья, Сарыасия, Узун, ремесленничество, предприятие “Стекло”.

Abstract. After Uzbekistan gained independence, important changes took place in the field of handicrafts. Artisans of Surkhondarya region are doing a lot of practical work to expand production and increase the variety of products. This article covers the work of artisans of Sariosia and Uzun districts of Surkhondarya region.

Key words: Uzbekistan, Surkhondarya, Saryasia, Uzun, crafts, «Steklo» enterprise.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг мўрт ва заиф иқтисодий кайта қуриш лозим бўлиб қолди. Ислохотларнинг асосий мақсади бозор муносабатларига ўтиш, унинг стратегик мақсадларини белгилаш каби тамойилларга жиддий эътибор берилди.

Республика аҳолисининг турмуши ва фаолияти учун зарур бўлган шарт-шароитларни таъминлайдиган кучли ва мунтазам ривожланиб боровчи иқтисодий тизимни барпо этиш, кўп укладли иқтисодий шакллантириш, ташаббускорлик ва тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб - қувватлаш, хусусий мулкчиликни вужудга келтириш, унинг давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш; корхоналар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинлик бериш, уларнинг ҳўжалик ишларига давлат йўли билан аралашмаслик; иқтисодийга чуқур таркибий ўзгаришлар қилиш, моддий ва табиий ресурслар ҳамда меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлаш; жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиб бориш; аҳолининг дунёқарабини ўзгартириш, уларда янгича иқтисодий тафаккурни шакллантириш масалалари бош вазифа қилиб қўйилди.

Совет Иттифокнинг парчаланиб кетиши Сурхондарё вилоятидаги саноат корхоналарининг моддий – техник таъминот йўқлиги, банк ҳисоб - китобининг мураккаблашганлиги халқ ҳўжалиги тармоқларининг ривожланишига жиддий тўсиқ бўлди. Алоқалар узилиши натижасида мустақилликнинг дастлабки йилларида бир қатор корхоналар қисқартирилган ҳолда ишлади.

Айримлари эса бутунлай ишламай қолди. Сурхондарё вилоятида мавжуд саноат корхоналарни тўхтаб қолиши натижасида кичик хунармандчилик соҳасини тикланишига имконият яратишга олиб келиши туфайли кечик бизнес соҳасини шалланишига имконият яратди. Сурхондарё вилоятидаги корхоналаридаги ишчи ва хизматчилар мажбурий таътилга чиқарилиб, ишсизлар сафига қўшилдилар. Бу аҳвол, вилоят аҳоли орасида ишсизликнинг ортиб боришига; иккинчидан халқ истеъмол молларининг тақчиллигига, дўконлар пештахталарининг бўшаб қолишига; учинчидан эса пулнинг кадрсизланиб боришига олиб келди. Шунга қарамай, ислохотлар жараёнида нархларни эркинлаштириш, бозор иқтисодиёти томон қўйилган жиддий кадам бўлди, чунки бозор нархларига амал қилиш иқтисодийнинг муҳим шарти эди.

Бозор муносабатларига ўтишнинг муҳим шарти кўп укладли иқтисодий, яъни ҳунармандчиликнинг турли шакллари юзага келтиришдан иборатдир. Хусусийлаштириш жараёнининг биринчи босқичи ҳунармандчиликни тикланиши ва тараққий этиши (1992 – 1993 йиллар) натижасида вилоятда ҳам кичик корхоналар ташкил топди. Булар жумласига Сариосиё туманидаги «Мукамал» номли ҳунармандчилик кичик оилавий уюшмаси киради.

Ҳунармандлар учун қулай бўлган «КС - 10» маркали ускуналар ҳунарманд қизларнинг малакасини оширишда жуда қўл келди. Шарғунда ҳунармандлар ташаббуси билан оилавий ҳунармандлар томонидан чинни идишлар цехи, Шарғунда кўмир кони бошқармасига қарашли ишчилар таъминоти буюртмасига асосан беш ой ичида «Тоқчиён» жамоа ҳўжалигидаги ҳунармандлар оиласи ташаббуси туфайли чинни буюмлар ишлаб чиқариш цехи қурилиб, ишга туширилди. Бу ҳунармандчилик цехи қурилишида асосий пудратчи ташкилот Шарғун шаҳридаги иккинчи машиналашган кўчма жамланманинг хизмати бекиёс катта бўлди.

Ҳунармандларнинг меҳнатга бўлган муносабатини ўзгартириш мақсадида кўплаб озиқ – овқат корхоналари ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Сариосиё консерва заводи 1994 йилда оилавий ҳунармандлар ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Мулкчилик шакли ўзгарган ҳунармандлар ташкил этган корхона қисқа давр ичида бозор шароитининг дастлабки синовидан ўтиб, маҳсулот турлари кўпайтирилиб, сифати яхшиланди. Корхонада ўндан ортиқ турдаги мева - сабзавот маҳсулотлари қайта ишланиб, консерва тайёрланди.

1995 йилнинг ўзида ҳиссадорлар 5 миллион банка маҳсулот ишлаб чиқариб, қарийб 70 тонна қуруқ мева тайёрланди. Ҳунармандчилик корхонасида мураббо тайёрлашнинг янги усули жорий этилиб, ҳўжаликлардан келтирилган беҳи, узум шарбати билан қайнатилиб, шифобахш қиём маҳсулоти олинди. Шунингдек, узум донакларидан ёғ олиш усули йўлга қўйилди [1].

Сариосиё туманда ташкил этилган ҳунармандчилик ишлаб чиқарувчи оилалар томонидан савдо - саноат ишлаб чиқариш комбинатида қарашли гилам цехи 1993 йил июль ойида ишга тушди. Оилавий ҳунармандчилик цехига Хуррам Назаров раҳбарлик қилди. У ерда 6 та дастгоҳ ёрдамида илғор тўқувчилар - М.Соралиева, М.Жабборов, Р.Холова ва Н.Исмоиловлар ойлик режаларини 152 фоиз билан бажардилар. 1993 йилнинг охиригача яна тўртта дастгоҳ фойдаланишга топширилиб, цех қошида бичиш ва тикиш хоналари ҳам очилди [2].

Аҳолининг кундалик эҳтиёж молларига бўлган талабини қондириш ва уларни иш билан таъминлаш мақсадида хусусий корхоналар фаолиятига ҳам кенг ўрин берилди. «Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорлик тўғрисида»ги низомга мувофиқ, хусусий ҳунармандчилик билан шуғулланувчи тадбиркорлик уюшмалари алоҳида бир киши ёки кишилар гуруҳи томонидан шахсий даромад ёки фойда олиш учун ўз мулкий жавобгарлиги асосида, амалдаги қонунлар доирасида, ёлланма меҳнатни жалб қилган ҳолда амалга оширилувчи ташаббускорлик ҳўжалик фаолиятини англатади.

Мана шундай оилавий ҳунармандлар хусусий корхоналар туманда ҳам ташкил этила бошланди. 1996 йилда Сариосиё туманидаги «Йўлдош Охунбобоев» номли жамоа ҳўжалигида «Шойим» ҳунармандчилик фирмаси ташкил топди ва у машҳур усталарни ўзида бирлаштирди. Корхона туман аҳолисининг ҳунармандчилик маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, иккинчидан, усталар томонидан яратилган бежирим маҳсулотларни вилоятдан ташқарига олиб чиқиш, учинчидан, Сурхон воҳаси ҳунармандларининг қобилиятини ҳамда салоҳиятини дунёга таништиришдан иборат вазифаларни бажара бошлади [3].

1994 йилда Узун туманида Хитой билан ҳамкорликда «Азамат» ҳунармандчилик фирмасига қарашли хусусий нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхона ташкил этилди. Корхона томонидан ҳар куни 5 тоннадан кўпроқ нон маҳсулотини истеъмолчиларга етказиб берилди [4].

2002 йилда Сариосиё ва Узун туманларида ташкил этилган оилавий ҳунармандлар уюшмасига тааллуқли 27 та хусусий ва 13 га яқин кичик корхоналар, ўнлаб хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда тузилган кўшма корхоналар нафақат вилоят аҳолининг талаб - эҳтиёжлари учун, балки хорижий мамлакатларда ҳам ўз харидорини топа оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришдилар [5].

Сариосиё ва Узун туманларидаги моддий бойликлардан юртимиз аҳолиси манфаати йўлида фойдаланиш, иш жойларини кўпайтириш, саноатни қишлоққа олиб кириш, чет эл сармояларини жалб этиб, кўшма корхоналар қуришга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, 1992 йилда

Сариосиё туманида Ўзбекистон ва Россия ҳамкорлигида хунармандлар уюшмаси томонидан «Стекло» қўшма корхонаси қурилиши бошланди. Шиша заводи ишга тушгач, бир йилда 40 миллион дона арок ва сув шишаси ва 37 миллион дона шиша идиш (банка) ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, 600 киши иш билан таъминланди. Завод қурилишига Сурхондарёдаги «Кушон» трикотаж акционерлик ишлаб чиқариш ассоциацияси (33 фоиз), Сариосиё темир - бетон буюмлари заводи (32 фоиз), «Стекло» қўшма корхонаси (28 фоиз) ва «Тўполанг сув омбори қурилиши бошқармаси» (7 фоиз) ўз улушларини қўшдилар [6].

1993 йилда Сариосиё хунармандлар уюшмаси ташаббуси билан шиша заводи қурилишида яхши натижаларга эришилди. Цехлар ичида хомашё эритиладиган ва идишлар қуйиладиган печларнинг пойдевори қуриб битказилди. Завод қурилишида 140 нафарга яқин ишчи ва Украинанинг Донецк шахридан келиб меҳнат қилаётган 20 нафар пудратчи ишчилар ҳам бор эди. Печлар учун юқори иссиқликка бардошли бўлган ғиштлар ҳам темир йўл орқали вагонларда Украинадан келтирилди. Украиналик усталар қисқа вақт ичида бутилка ишлаб чиқариш цехи печларини териб битказдилар [7].

Озиқ – овқат саноати билан бир қаторда ёқилғи ва энергетика мажмуи ривожига ҳам маълум бир ишлар амалга оширилди. Республикамиз ва вилоятда энг рентабелли соҳа ҳисобланган Шарғун кўмир шахтаси қайта таъмирланиши ва янги ускуналарни ўрнатиш натижасида сифатли кўмир қазиб олина бошлади. Шарғун шахтаси осма сим йўлининг узунлиги жиҳатидан МДХ ва Европада етакчи ўринда бўлиб, ишлаб чиқарилаётган гипс сифати жиҳатидан эса жаҳонда иккинчи ўринни эгаллади. Шахта 1958 йилда фойдаланишга топширилган эди [8]. Шахта кончилари томонидан 1998 йилда истеъмолчиларга 71 минг тонна кўмир етказиб берилди [9]. Конда янги замонавий асбоб – ускуналарнинг ўрнатилиши туфайли олдинги йилларга нисбатан кўмир қазиб ишлари анча жадаллашди. 1998 йилга келиб, шахтёрларнинг ойлик иш ҳақи ўртача 10 - 15 минг сўмни ташкил қилди.

Шарғун шахтасида ўтган қирқ йил ичида Ҳисор тоғлари бағридан 6 миллион 650 минг тонна кўмир қазиб олинди, истеъмолчиларга етказиб берилди. 1998 йилда шахтада 400 нафардан ортиқ ишчи - хизматчилар меҳнат қилишди. Улар кучи билан ўртача кўмир қазиб олиш ҳажми 400 - 500 тоннага, брикет ишлаб чиқариш 300 - 350 тоннага етказилди. Осма сим йўли ва автогараж шахтанинг асосий ёрдамчи хўжаликлари ҳисобланиб, улар ёрдамида 1998 йилда қазиб олинган кўмирнинг 24 минг тоннаси осма сим йўли билан ва 15 минг тоннаси автотранспорт ёрдамида ташиб олинди.

Кончилик саноати ҳақида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов тўхталиб, шундай деган эди: «Ўзбекистон катта кўмир захираларига эга. Унинг геологик захиралари буйича Марказий Осиёда 2 - ўринда туради. Ўзбекистонда Ангрен, Шарғун ва Бойсун конларида кўмир қазиб чиқарилади. Уларнинг умумий захираси 2 миллиард тоннани ташкил этади [10].

Илгари ҳар бир тонна брикетга 5 минг сўмлик битум аралаштирилиши маҳсулот таннархига салбий таъсир кўрсатар эди. 1998 йилда битум ўрнига ёғ - мой комбинатлари чиқити - гидрондан фойдаланила бошланди. Унинг ҳар тоннаси 1200 сўмдан харид қилиниб, унга оҳак аралаштирилди. Шунинг учун шахта Шарғун шахридаги оҳак куйдириш цехи билан шартнома тузди. Шахтанинг «Дальний» учаскасида гипс ва оҳак учун тош қазиб олиб, ундан қисман оҳак куйдириш учун цехга етказиб берилиши натижасида жамоа бепул оҳак олишга муваффақ бўлди. Олинган оҳак ёрдамида гидронни ўртача қаттиқ қотишма ҳолатига келтириб ундан брикет тайёрланди.

Бундан ташқари шахтада бир неча йилдан буён бозор иқтисодиёти шароитларидан келиб чиққан ҳолда кальцийли карбит ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Буни йўлга қўйиш учун “Горняк” номли кичик корхона ташкил этилди [11]. Унга Санкт-Петербург шахридан карбит ишлаб чиқариш технологияси ўрнатилди. 1998 йилга келиб корхона директори Чори Очилдиев кичик барабанли қуриштиш ускунасини ихтиро қилди.

Шахтада кўмир майдасининг очиқ ҳавода қолиб кетиши туфайли унинг намлиги ошиб боришини ҳисобга олиб, каттагина бостирма ҳам қуриш ишлари жадал олиб борилди. Шарғун шахтасидан қазиб олинаётган кўмир ва ишлаб чиқарилаётган брикетга истеъмолчилар талаби тобора ошиб борди. Унга асосий харидорлар: Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Мудофаа Вазирлиги, Ўзбекистон темир йўллари ва вилоятдаги ғишт заводлари ҳисобланади. Шахтада

шахтёрлар сулоласи анъанаси давом этиб келмоқда. Бунга Хурсандов, Ҳасанов, Абдиевларнинг оилалари мисол бўлади.

1999 йилда Шарғундаги кўмир ишлаб чиқариш корхонасига Франциядан конларни қазиб ва юклашда ишлатиладиган янги жиҳоз ва ускуналар олиб келиб ўрнатилди. Натижада кўмир қазиб чиқариш ҳажмлари янада ошди [12].

2019 йил 30 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилоятига ташрифи доирасида Сариосиё туманидаги Шарғун кўмир конида олиб борилаётган ишлар билан танишди. Давлатимиз раҳбарига Сурхондарё вилоятида тошкўмир қазиб чиқаришни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ҳақида маълумот берилди. «Бундай сифатли кўмир ҳеч қерда йўқ. Ақл ҳамда илм билан ундан самарали фойдаланиб, халқимиз манфаати учун ишлатишимиз керак», - деди давлатимиз раҳбари.

Маълумки, Шарғун кўмири сифатининг юқорилиги, захираси кўплиги билан бошқалардан ажралиб туради. Бугунги кунда бу ерда 2017 - 2020 йилларга мўлжалланган 105,5 миллион долларлик лойиҳа амалга ошириляпти. Хитой билан ҳамкорликдаги ушбу лойиҳа натижасида 2021 йилдан бошлаб бир йилда 900 минг тонна тошкўмир қазиб олинади. 600 та иш ўрни яратилади. «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамиятининг Ангрен ва Янги - Ангрен иссиқлик электр станциялари, цемент заводлари, аҳоли ва бошқа истеъмолчиларга тошкўмир етказиб бериш кўпаяди.

Айни пайтда коннинг асосий захираси томон туннел қазиб борилмоқда. Ҳозиргача 2 километрдан зиёд шундай йўл қурилди. Яна 1,5 километрдан сўнг, 33 миллион тонналик асосий кўмир захирасига етиб борилади. Шу ернинг ўзида «Шарғункўмир» акциядорлик жамиятини модернизация қилиш, Бойсун ва Шеробод туманларидаги конларда кўмир қазиб чиқаришни ташкил этиш, Сариосиё тумани ва Шарғун шаҳарчасини 2019 - 2020 йилларда ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш лойиҳалари тақдироти ҳам ўтказилди.

Шавкат Мирзиёев қончилиқни янада ривожлантириш, бунинг учун соҳага оид замонавий технологияларни яхши биладиган мутахассислар тайёрлаш зарурлигини таъкидлади. Шарғун шаҳарчасини янгидан қуриш, тадбиркорлик ва чорвачилиқни ривожлантириш бўйича топшириқлар берди. Ана шу топшириқлар асосида Шарғун шахрида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилди.

Шарғун шахри республика бўйсунувидаги шаҳарчага айлантирилди. Бу ҳақда Ўзбекистон Президентининг 2019 йил 4 июнь куни қабул қилинган «Республика бўйсунувидаги шаҳарларни комплекс ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПФ - 5738 сонли фармонида белгиланган.

Фармонга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси тузилмасида 12 та штат бирлигидан иборат Республика бўйсунувидаги шаҳарларни ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш бўлими ташкил этилди. Бўлим фаолияти Бош вазир томонидан мувофиқлаштирилади.

Бўлим Тошкент вилоятининг Ангрен, Бекобод, Олмалиқ ва Чирчиқ шаҳарлари, Сирдарё вилоятининг Ширин шахри, Навоий вилоятининг Зарафшон шахри ва Сурхондарё вилоятининг Шарғун шаҳарчасини ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш бўйича вазифаларни самарали ҳал этилишини таъминлайди.

Шунингдек, шаҳарлар иқтисодиётининг рақобатбардошлигини тубдан ошириш, инновацион фаолиятни ривожлантириш, шаҳарларнинг ишлаб чиқаришга жалб этилмаган резерв ва имкониятларини тўлиқ ишга солиш, шаҳарларда аҳоли даромадлари ўсишини таъминлаш каби вазифалар бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

2019 йил 18 сентябрь куни «Обод шаҳар» дастури бўйича ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Шарғун шахрининг очилиш маросими, шу жумладан, «Шахтёрлар майдони» очилиши маросими бўлиб ўтди. Очилиш маросими тадбирида Шарғун шаҳар ҳокими Ш.Хидиров, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқарув раиси ўринбосари Х.А.Омонов, «Ўзбеккўмир» АЖ бош директори ўринбосари Х.Н.Абдуллаев, Термиз минтақавий темир йўл узели бош муҳандиси Т.Ж.Ҳамраев, «Шарғункўмир» АЖ бош директори А.Х.Очилдиев ва бошқа мутасадди ташкилот раҳбарлари, бир қанча темир йўлчи ҳамда қончи меҳнат фахрийлари ва ишчи - ходимлари иштирок этдилар.

Шаҳар марказидаги «Шахтёрлар майдони»да ўрнатилган рамзий шахтёрлар монументининг тантанали очилиши барчада илиқ таассурот уйғотди. «Шахтёрлар» хиёбони очилиш маросими

кенг ташкиллаштирилган тадбир сифатида бошланиб, унда бир қанча таниқли давлат арбоблари, санъат усталари, кончилик касбида узоқ йиллар ўз меҳнати билан халқ назарига тушган кончи меҳнат фахрийлари иштирок этдилар.

Давлатимиз раҳбари 2019 йилнинг 30 апрель – 1 май кунлари Сурхондарё вилоятига ташири чоғида Сариосиё тумани Шарғун шаҳарчасини обод ва кўркем ҳудудга айлантириш, хусусан, шаҳарчада тўртта 5 қаватли жами 120 хонадонли уйлар қурилиши бўйича топшириқ берган эди

Белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида сифатли амалга ошириш мақсадида ҳудудда бунёдкорлик ишлари бошланди. Даставвал, Сариосиё туман ҳокимлиги томонидан уй - жойлар қурилиши учун 1,04 гектар ер майдони ажратилди. 2019 йил октябргача тўртта кўп қаватли уйнинг котлован қазил ишлари 100 фоизга бажарилди. Объектда 10 дан ортиқ замонавий техникалар ва 60 га яқин муҳандис курувчилар жалб этилди.

Хулоса қилиб шуни алоҳида қайд этиш мумкинки, мустақиллик йилларида Сариосиё ва Узун туманларида ҳам кичик ва ўрта бизнес корхоналари ташкил этилиб, уларда саноат маҳсулотлари, халқ эҳтиёжи моллари, аҳолига турли хил хизмат кўрсатиш ишлари йўлга қўйилди. Сариосиё ва Узун туманларида жаҳон андозаларига тўғри келадиган хунармандлар уюшмасига қаршли кичик ва кўшма корхоналар қурилиб, ишга туширилди. Чет эл сармоядорларининг мамлакатимизга кириб келишига кенг йўл очилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 1995 йил, 12-баённома, 14-варақ.
2. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 95-фонд, 1-рўйхат, 114-иш, 59-варақ.
3. Турсунов С.Н., Қобилов Э.О., Пардаев Т.Р., Муртазаев З.М. Сурхондарё тарих кўзгусида. – Тошкент: Шарқ, 2001. –Б. 321.
4. Узун туман ҳокимлиги жорий архиви, 1994 йил, 24 октябрь, 10-баённома, 1-ҳужжат, 14-варақ.
5. Турсунов С., ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. –Б. 323.
6. Сариосиё тумани ҳокимлиги жорий архиви, 1992 йил, 11 июн, 6-баённома, 2-ҳужжат, 25-варақ.
7. «Сариосиё ҳақиқати» газетаси. 1993 йил 20 январ.
8. «Сурхон тонги» газетаси. 1998 йил 27 август.
9. Газета «Правда Востока», 5 февраля 1999 года.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. –Б. 236.
11. Сариосиё туман ҳокимлиги, жорий архиви, 1997 йил, 4 феврал, 2- баённома, 1-варақ.
12. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 1999 йил, 23 июнь, 6- баённома, 4-ҳужжат, 18-варақ.

XX ASRNING 80-YILLARIDA O‘ZBEKISTONDA YUZAGA KELGAN SIYOSIY JARAYONLARNING DAVRIY MATBUOTDA AKS ETTIRILISHI

Tangrikulov Jamshid Erkinovich

Termiz davlat pedagogika instituti

katta o‘qituvchisi

Email: jamshidtangrikulov066@gmail.com

Annotatsiya. Maqolada 1985-yildan boshlab O‘zbekiston SSR hududida faoliyat olib borgan davriy matbuot sahifalari balandparvoz chaqiriq va shiorlar, barchani yanada ko‘proq ishlash va mehnat qilishga chorlovchi vositadan tanqidiy mulohazalar, zararli illatlar, yutuqlar bilan birga kamchiliklar, loqaydlik oqibatlarini ko‘rsatib beruvchi muhim vositaga aylanganligi hamda senzura darajasi ham qayta qurish siyosati rivojlangan sari kamayib, tanqidiy, mulohaza va munozaraviy maqolalar soni ortishi asoslab berilgan.

Kalit so‘zlar: “Qayta qurish”, aprel plenumi, qayta qurish bosqichlari, “jadallashtirish”, “ko‘proq

sotsializm”, “ko‘proq demokratiya”, “ochiqlik”, “chalkashlik va inqiroz”.

Аннотация. В статье страницы периодической печати, действовавшей на территории Узбекской ССР с 1985 года, стали важным инструментом, показывающим последствия равнодушия и недостатков наряду с достижениями, критическими замечаниями, вредными пороками, уровнем цензуры. Развивается строительная политика, обоснованно увеличивается количество критических, мнений и дискуссионных статей.

Ключевые слова: «Перестройка», апрельский пленум, этапы реконструкции, «ускорение», «больше социализма», «больше демократии», «открытость», «неразбериха и кризис».

Abstract. In the article, the pages of the periodical press operating in the territory of the Uzbek SSR since 1985 have become an important tool that shows the consequences of indifference and shortcomings along with achievements, critical comments, harmful vices, and the level of censorship. As the construction policy develops, it is justified that the number of critical, opinion and discussion articles increases.

Keywords: “Restructuring”, April Plenum, Stages of Reconstruction, “acceleration”, “more socialism”, “more democracy”, “openness”, “confusion and crisis”.

XX asrning oxirlariga kelib sobiq Ittifoq va uning tarkibida bo‘lgan O‘zbekistondagi ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy sohalaridagi tanglik oqibatlari tobora kuchayib, mamlakat hayotining barcha sohalarini qamrab oldi. Bu, o‘z navbatida, aholi turmush darajasi, ishlab chiqarish sur‘atlari, mehnat unumdorligiga salbiy ta‘sir ko‘rsatdi. Yillar mobaynida mavjud imkoniyatlarni hisobga olmasdan ishlab chiqilgan ko‘plab dasturlar amalda ko‘zlangan natijalarni bermadi. Aksincha, keyingi davrlardagi iqtisodiy ziddiyatlarning yanada ortib borishiga olib keldi. XX asrning 80-yillaridan boshlangan inqiroz holati, ayniqsa 1980-yil o‘rtalariga kelib barcha sohalarida yaqqol namoyon bo‘la boshladi.

Mamlakat katta tabiiy resurslarga ega bo‘lsada, ishlab chiqarish, aholining hayot darajasi kabi ko‘rsatkichlar bo‘yicha sovet jamiyati jahonning bir qator rivojlangan davlatlaridan orqada qolib ketdi.

1980-yil o‘rtalariga kelib ijtimoiy-iqtisodiy sohalaridagi inqiroz nafaqat respublikalarda, balki sobiq Ittifoqning o‘zida ham yaqqol sezila boshlagan. Chunki, ushbu davrga kelib aholi turmush darajasi, o‘rtacha umr kechirish yoshi, xususan, bolalar o‘limi, aholini keng iste‘mol mollari va xizmatlar bilan ta‘minlanish bo‘yicha SSSR nafaqat rivojlangan, balki, taraqqiyoti o‘rtacha darajadagi kapitalistik mamlakatlardan ham ancha orqada qolib ketdi [1.54]. Bunday omillar haqli ravishda serxarajat sovet iqtisodiyotida tub islohotlarni amalga oshirishni taqozo etardi.

Ana shunday sharoitda 80-yillarning o‘rtalarida sovet jamiyatida “Qayta qurish” boshlandi. Qayta qurish KPSS MK Bosh kotibi Mixail Sergeevich Gorbachyov va KPSS Markaziy Komitetining 1985-yil aprel plenumi bilan bevosita bog‘liqdir. Ushbu jarayon, avvalo jamiyatning ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, madaniy sohalarida to‘planib qolgan inqirozli holatlarni tahlil etishdan boshlandi.

Qayta qurish tarixida to‘rtta alohida davr mavjud [2.235-262]:

- *1-bosqich – 1985-yil mart – 1987-yil yanvar.* Bu bosqich – “jadallashtirish” va “ko‘proq sotsializm” shiorlari ostida o‘tkazildi. Uning asosiy maqsadi sifatida iqtisodiyotni intensivlashtirish va ilmiy-texnikaviy taraqqiyotni tezlashtirish belgilandi;

- *2-bosqich – 1987-yil yanvar – 1988-yil iyun.* Bu bosqich – “ko‘proq demokratiya” va “ochiqlik” shiorlariga asoslandi. Mazkur bosqich OAV bo‘lgan ta‘qiqning kamayishi, iqtisodiyotda kooperativlarning paydo bo‘lishi, xalqaro munosabatlarda do‘stonalik tamoyili amal qilishi, sovet davri turli siyosiy qarorlarini qoralash bilan xarakterlanadi;

- *3-bosqich – 1989-yil iyun – 1991-yil sentabr.* Bu bosqich – “chalkashlik va inqiroz” davri. Bu qayta qurishning sobiq lageridagi bo‘linish, ochiq siyosiy, milliy qarama-qarshilikka o‘tish, iqtisodiy tanglik, mustaqil davlatlarning paydo bo‘lishi bilan tavsiflanadi;

- *4-bosqich – 1991-yil sentabr-dekabr.* Bu bosqichni ko‘p holatlarda “Qayta qurish”ning tarkibiy qismi sifatida ham qabul qilinmaydi. Chunki bu vaqtda rasman SSSR davlati yo‘q bo‘lmagan, ammo amalda qismlarga ajralib ketgan, sotsialistik tizimning emirilishi to‘liq namoyon bo‘lgani bilan ajralib turadi.

Bu bosqichlarda amalga oshirilgan islohotlar, ularning sabab va oqibatlari O‘zbekiston SSRning davriy matbuot nashrlari sahifalarida turli kasb egalari, davlat xizmatchilari yoki mamlakat taqdiriga

befarq bo'lmagan fuqarolar tomonidan muhokama qilingan.

1985-yil 11-martda M.S.Gorbachev KPSS MK bosh kotibi sifatida ish boshlagan [3.56]. Bu davrda politbyuroning 80% a'zosi L.I.Brejnevning ishongan vakillaridan iborat edi. Boshqaruvning yuqori bo'g'inidagi vakillarning har ikkidan biri o'z partiyaviy karerasini I.V.Stalin davrida boshlagan bo'lib, uzoq yillardan beri o'z lavozimni tark etmay kelayotgan edi. Shu sababli M.S.Gorbachev o'z faoliyatining birinchi yilida qo'mitani tozalash, o'z tarafdorlarini ko'paytirish, yangi kadrlar siyosatini yo'lga qo'yish va shu orqali o'z ta'sir kuchini orttirishga harakatni boshladi.

Albatta, bu kadrlar siyosatidagi o'zgarishlar matbuot nazaridan chetda qolmadi va shu davr, ya'ni 1985-yil aprel oyidan boshlab keyinchalik "Qayta qurish" deb nom olgan siyosatning qizg'in muhokamalari boshlandi. Misol uchun, "Pravda" gazetasining aprel sonida "Kadrlar bilan ishlashni yaxshilash" nomida maqola e'lon qilingan bo'lib, unga ko'ra KPSS Markaziy Komiteti partiya, davlat organlari va jamoat tashkilotlarini, xalq xo'jaligi mexanizmining barcha bo'g'inlarini iqtisodiyotni intensivlashtirish va sovet jamiyatining ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishini jadallashtirish yo'lga o'tkazish yo'lida qat'iy burilish yasashga safarbar etadi. Bunda rahbar kadrlar katta rol o'ynashi alohida ta'kidlab o'tiladi [4].

1985-yil 10-martda K.U.Chernenkoning vafot etishi va M.S.Gorbachevning KPSS MK bosh kotibi etib saylanishi mahalliy matbuotda ham o'zgarishlarga olib keldi. "Pravda Vostoka" gazetasining mart oyi sonlarini kontent tahlili shuni ko'rsatmoqdaki, K.Chernenko rahbarligi vaqtida asosiy e'tibor qishloq xo'jaligi va uning muammolariga, besh yillik rejani to'liq bajarishga, dam olish kunlari ham ishlab chiqarish sur'atlarini tushurmaslikka, barcha kuchlarni qishloqqa safarbar qilishga qaratilgan [5]. Bu sonlarlarda tanqidiy maqolalar juda kam uchraydi [6] va ular asosan qishloq xo'jaligidagi kamchiliklar, rejalarni to'liq bajarmaslik to'g'risida. Ammo, bu vaqtdagi gazeta sahifalaridagi ma'lumotlarning e'tiborli tomoni shundaki, keyinchalik M.Gorbachev tomonidan "Qayta qurish" deb nom olgan ba'zi o'zgarishlar muhokamasi (intensivlashtirish, ilmiy-texnika yutuqlarini joriy qilish K.Chernenko vaqtidan boshlangan. Faqatgina bu o'zgarishlar M.Gorbachev davridagi singari keng ko'lamda va ochiqlik siyosati bilan birgalikda olib borilmagan. Misol uchun, "Texnik rivojlanish asosida" [7], "Chorvachilik - sanoat texnologiyasi", "Intensifikatsiya yo'lidan" [8] kabi maqolalar shular jumlasidandir.

M.S.Gorbachev 1985-yil 11-martdagi KPSS MKning navbatdan tashqari plenumidagi nutqida "mamlakatni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish..., xalq xo'jaligini intensiv rivojlanish yo'lga keskin burish..., qisqa vaqt ichida ilmiy-texnik rivojlanishda eng yuqori o'rinlarga chiqish..., davlat va partiya idoralari oshkoralikni kengaytirish..." [9] kabi masalalarni ta'kidlab o'tdi. Bu nutqning natijasi o'laroq, matbuot sahifalarida, uning ruknlari, mavzularida sezilarli o'zgarishlar yuz bera boshladi. Maqolalar va ularning mazmunida dixotomik qarashlar kuzatilib, avval qilingan ishlarni kamchiliklarini ochib tashlash, rahbar kadrlar va ularning kirdikorlarini fosh etish, sanoat va qishloq xo'jaligida yo'l qo'yilgan xatoliklarni "tan olish" holatlari uchray boshladi.

Bundantashqari, "Qayta qurish" davrining birinchi bosqichi asosini tashkil qilgan "intensivlashtirish, ilmiy-texnika yutuqlarini amaliyotga jalb etgan holda rivojlanish, korrupsiyaga qarshi kurashni namoyish qilish, antialkogol siyosati" kabi mavzular muhokamasiga gazeta sahifalarida ko'p o'rin ajratildi.

"Qayta qurish" siyosatining zarurligi, uning sabablari to'g'risida gazeta sahifalarida ko'p ma'lumotlar berib borildi. Ayniqsa, yillar davomida yig'ilgan muammolar, ularni o'z vaqtida hal qilinmagani va bu haqida oshkora aytilmagani, natijada xalq xo'jaligining barcha sohalarida muammolar to'planib qolgani haqida ketma-ket maqolalar chop etildi. Misol uchun, "Nima sababdan mexanizatorlar ish vaqtida bekorchi?", "Namangan APO xo'jaligida yer va moddiy boyliklarga loqaydlik, shavqatsiz munosabat", "Yangi uyga ko'chish xursadchilik keltirmadi", "Vaziyatni hal etishni so'raymiz", "Yig'ilib qolgan muammolar" [10], "Vijdon bilan kelishmasa" [11], "Hamma narsa ham yaxshi yo'lga qo'yilmagan", "E'tiborsiz qoldirildi" [12], "Tanqidning asosiy vazifasi", "Tayyor, lekin hammasi ham emas" [13], "Erni aldab bo'lmaydi", "Unutilgan sanoat" [14], "Qarzlarni qaytarish kerak" [15], "Majlisvozlik..." [16] va boshka ko'plab tanqidiy ruhda maqolalar chop etildi. Birgina "Pravda Vostoka" gazetasining mart oyida nashr etilgan sonlarini tahlil etish orqali ham ikki davlat rahbari, ikki siyosat o'rtasidagi farqlarni aniqlash mumkin.

Yuqorida ta'kidlab o'tilganidek, "Qayta qurish" davrining biringchi bosqichi aynan "jadallashtirish" shiori ostida o'tdi. Matbuot sahifalarida jadallashtirish nima uchun zarurligi yuzasidan ko'plab

maqolalar, mulohazalar va munozaralar davriy ravishda berib borildi. Misol uchun, Sovet O'zbekistoni gazetasining qator sonlarida bu borada qizg'in muhokamalar olib borildi. Jumladan, "Jadallashtirish davr talabi" [17], "Jadallashtirish yo'lidan" [18], "Jadallashtirish yo'lidagi qadamlar" [19], "Jadallashtirish, sifat va samaradorlik – davr talabi" [20], "Jadallashtirish jangovar shiorimiz" [21], "Maqsadimiz jadallashtirish" [22], "Jadal taraqqiyot yo'lidan" [23], "Jadallashtirish omili" [24], "Jadallashtirish ko'lami", "Jadallashtirish startegiyasi – amalda leninizm" [25], "Birinci may-jadallashtirish bahori" [27] kabi nomlar ostida ko'plab siyosatni oqlovchi maqolalar chop etib borildi.

Maqola sahifalarida mavjud ijtimoiy-iqtisodiy ahvolning talab darajasida emasligi qattiq tandiqa olingan. Jumladan, "Konkret ish o'rniga ko'pincha turli-tuman tadbirlar bilan, qo'pdan ko'p qarorlar qabul qilish bilan shug'ullanilmoqda" deb, amaliy ishlarning etishmasligi qoralangan va maqola "Jadallashtirish – davr talabi!" shiori bilan yakunlangan [28]. Sovet O'zbekistoni gazetasi sahifalarida "Qayta qurish" siyosatining naqadar to'g'ri ekanligini asoslash, yillar davomida bu boradagi ko'plab ishlar o'z xoliga tashlab qo'yilgani, xo'jasizlik, loqaydlik kuchayib ketgani va buning oqibatida iqtisod, qishloq xo'jaligi, sanoat og'ir ahvolga tushib qolgani "ochiqchasiga" ko'rsatib berishga harakat qilingan. Jumladan, "Ehtiyoj va isrofgarchilik" [29], "Xaqgo'ylik" [30], "Ko'zbo'yamachilar", "Yuzakichilik", "Talabchanlik susaygan joyda" [31], "Pand berayotgan sheriklar" [32], "Kamchiliklarga barham beraylik" [33], "Yuzaki nazorat oqibatlari" [34], "Bu xo'jasizlik emasmi?" [35] kabi turkum maqolalar berib borildi.

Darhaqiqat, XXVII sy'ezd qarorlari O'zbekiston xalqining siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy hayotini tubdan o'zgartirdi. Amaliy jihatdan bunday katta va shov-shuvli darajadagi o'zgarishlar sodir bo'lmagandir, ammo matbuot sahifalarida mamlakatda so'nggi bir yildagi o'zgarishlar "juda katta" va "tub burilish" sifatida namoyish qilib borildi. Misol uchun, "Ijobiy o'zgarishlar" nomli maqolada Sirdaryo viloyati, Xovos rayonidagi 26-o'rta maktabning metodist o'qituvchisi Obidjon Yoqubovning "KPning XXVII sy'ezd qarorlari respublikaning har bir grajdani hayotida o'chmas iz qoldirgani..., sy'ezd materiallari bilan tanishib, qalbi g'urur va ishonchga to'lgani" haqida bayon etadi [36].

Yuqoridagi misollardan ham ma'lum bo'ladiki, 1986-yil 25-fevraldan 6-martgacha davom etgan XXVII sy'ezd ittifoq va "Qayta qurish" davrida muhim o'zgarishlarga olib kelgan qarorlar chiqardi. Bu qarorlarni xalq ko'z o'ngida bir tomondan, o'rinli ekanligini "oqlash", ikkinchi tomondan xalq hayotidagi muammolarni "ochiqchasiga" bayon etish orqali uning asoslarini ko'rsatib berishga davriy matbuot materiallari yordam bergan. Sovet O'zbekistoni gazetasining mart va aprel oylarida chop etilgan ko'plab ijobiy va salbiy maqolalar va mulohazalar qarama-qarshiligi bunga yorqin dalil bo'la oladi. 1986 yil va undan keyingi yillarda ham bu ikki oyda chiqarilgan maqola va mulohazalar kabi boshqa "keskin qarama-qarshilik" holati uchratilmaydi.

Davriy matbuot sahifalarida "Qayta qurish" siyosatining ilk davridagi "jadallashtirish" shiori bilan birgalikda 1985-1986-yilning boshi sonlarida "intensivlashtirish" shiori ham tez-tez uchrab turgan. Misol uchun, "Intensivlash yo'lidan" [37], "Intensiv texnologiya sharofati" [38], "Intensivlash – bosh vazifa" [39], "Intensivlashtirish izidan" [40], "Ekonomikani intensivlashtirish yo'lidan" [41], "Intensivlashning bosh vositasi" kabi maqolalarda markaz tomonidan qo'yilgan iqtisodiy rejalarni ortig'i bilan bajarish uchun mavjud quvvatlarni intensivlash nazarda tutilgan bo'lib, bu jarayonni imkon qadar mavjud rezervlardan unumli foydalangan holda amalga oshirish nazarda tutildi. Matbuot sahifalari tahlili shuni ko'rsatmoqdaki, XXVII sy'ezd o'tgandan so'ng bu shior deyarli matbuot sahifalaridan yo'qolib, o'rnini sekin-asta "qayta qurish" atamasi egallay boshladi. "Intensivlashtirish" atamasidan farqli ravishda "jadallashtirish" atamasi "qayta qurish" atamasi matbuotga kirib kelgandan so'ng ham doimiy ravishda qo'llab kelindi. Bu holatdan shuni xulosa qilish mumkinki, 1986-yil KPSSning aprel plenumidan boshlab davriy matbuot sahifalari M.S.Gorbachevning "qayta qurish" atamasini amaliyotga olib kirdi va bu atama "intensivlash" o'rnini egalladi.

Sovet O'zbekistoni gazetasida "qayta qurish" atamasining ilk marotaba qo'llanishi "Qayta qurish qayerdan boshlanadi?" va "Ishni qayta qurish – muhim vazifa" nomli maqolalarda ko'zga tashlanadi [42]. Misol uchun, Sirdaryo rayonidagi "Malik" sovxosi partiya komitetining sekretari U.Pirmonov ishni qayta qurish ekonomika sohasida yaqqolroq sezilayotgani..., idorada o'tirib rahbarlik qilishdan voz kechib, ko'proq odamlar orasida bo'lish, ularni qalbiga ilhom solib, aktivlikka, samarali mehnatga da'vat etish davr talabi, ekanligini to'g'risida fikrlar keltirib o'tgan. Sovet O'zbekistoni gazetasining muxbiri J.Mamatov "Qayta qurish qaerda boshlanadi?" – degan savol

bilan bir qancha kasb vakillariga murojaat qilgan va turlicha mazmundagi javoblar olgan. Jumladan, bo‘yoqchi N.Jumayeva berilgan savolga “uydagi ishlarni havas qilgudek bajaramiz-u, korxonada unday emas? Bu ... siyosiy-tarbiyaviy ishlar bo‘shligi oqibatidir. Partiya tashkiloti odamlar bilan ishlashni, to‘g‘rirog‘i, ularning ishga munosabatlarini tubdan qayta qurmoq, hozirgi zamon talablari asosida shakllantirmoq haqida bosh qotirishi kerak”, deb javob beradi. Quruvchi prorab L.Davidyan “qurilishda ish boshlanganda hech narsa haqida o‘ylamaslikka ko‘nikib qolgani..., barcha ishlarni reja yakuniga qisqa vaqt qolganda ommaviy tarzda hashar usuli bilan yakuniga etkazilishi... va shu sababli sifatning pastligi..., bunga yo‘l qo‘ymaslik uchun ishda bir marom bo‘lishini birinchi mulohazasi sifatida aytadi. Ikkinchi mulohazasida esa har kim o‘z ishini bajarishi zarurligi..., qayta qurishni har bir kishi o‘zidan boshlamog‘i lozim” to‘g‘risida ma‘lumot berib o‘tadi. Quruvchi S.Sulaymonov ham o‘z ishidagi braklarni bir necha marta qayta ishlab “yaxshi” sifat bahosini olgani, avval ishlaganlarning kamchilik va chala ishlari ko‘pligini ta‘kidlab o‘tgan. O‘z mulohazasi so‘ngida “Butun faoliyatini, har bir kishining o‘z dunyoqarashini qayta qurilishi natijasida dastlabki ijobiy kurtaklar ko‘ringanini” xulosa qiladi].

Sovet O‘zbekistoni gazetasining “Qayta qurish bizning o‘z ishimiz” nomli maqolada qayta qurish sabablarining muhokamasi keltirib o‘tilgan. Unga ko‘ra “qog‘ozbozlikdan voz kechish, eskilikka, byurokratizmga, tayyorga ayyorlik kayfiyatlariga barham berishni hech narsani o‘zgartirmay amalga oshirib bo‘lmaydi.

Xulosa qilib shuni ta‘kidlash mumkinki, O‘zbekiston SSR hududida faoliyat olib borgan davriy matbuot sahifalari 1985 yildan boshlab faqatgina KPSS va uning hududlardagi organlari rasmiy axborot sahifasi, balandparvoz chaqiriq va shiorlar, barchani yanada ko‘proq ishlash va mehnat qilishga chorlovchi vositadan tanqidiy mulohazalar, zararli illatlar, yutuqlar bilan birga kamchiliklar, loqaydlik oqibatlarini ko‘rsatib beruvchi muhim vositaga aylanib bordi. Senzura darajasi ham qayta qurish siyosati rivojlangan sari kamayib, tanqidiy, mulohaza va munozaraviy maqolalar soni ham ortdi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Rajabov Q. Qayta qurish va uning O‘zbekistonda yangi siyosiy-mafkuraviy vaziyatning shakllanishiga ta’siri // Ilmiy xabarnoma, ADU. 2014. – №2. – B. 54.
2. Польшов М. Ф. Исторические предпосылки перестройки в СССР. 1946-1985 гг. – СПб.: Альтер Эго, 2010. – С. 235-262.
3. Безбородов А., Елисеева Н., Шестаков В. Перестройка и крах СССР. 1985–1993. – СПб.: Норма, 2010. – С. 56.
4. Правда, 1985 йил 2 апрель.
5. Правда Востока, 1985 йил 1-10 март сонлари.
6. Правда Востока, 1985 йил 1, 2, 7, 10 март сонлари.
7. Правда Востока, 1985 йил 1 март сони.
8. Правда Востока, 1985 йил 5 март сони.
9. Правда Востока, 1985 йил 12 март сони.
10. Правда Востока, 1985 йил 16 март сони.
11. Правда Востока, 1985 йил 17 март сони.
12. Правда Востока, 1985 йил 19 март сони.
13. Правда Востока, 1985 йил 21 март сони.
14. Правда Востока, 1985 йил 22 март сони.
15. Правда Востока, 1985 йил 23 март сони.
16. Правда Востока, 1985 йил 26 март сони.
17. Sovet O‘zbekistoni, 1986 yil 6 fevral soni.
18. Sovet O‘zbekistoni, 1986 yil 8 fevral soni.
19. Sovet O‘zbekistoni, 1986 yil 16 mart soni.
20. Sovet O‘zbekistoni, 1986 yil 18 mart soni.
21. Sovet O‘zbekistoni, 1986 yil 2 aprel soni.
22. Sovet O‘zbekistoni, 1986 yil 5 aprel soni.
23. Sovet O‘zbekistoni, 1986 yil 6 aprel soni.

24. Sovet O'zbekistoni, 1986 yil 9 aprel soni.
25. Sovet O'zbekistoni, 1986 yil 15 aprel soni.
26. Sovet O'zbekistoni, 1986 yil 23 aprel soni.
27. Sovet O'zbekistoni, 1986 yil 2 may soni.
28. Sovet O'zbekistoni, 1986 yil 6 fevral soni.
29. Sovet O'zbekistoni, 1986 yil 1 aprel soni.
30. Sovet O'zbekistoni, 1986 yil 4 aprel soni.
31. Sovet O'zbekistoni, 1986 yil 8 aprel soni.
32. Sovet O'zbekistoni, 1986 yil 11 aprel soni.
33. Sovet O'zbekistoni, 1986 yil 13 aprel soni.
34. Sovet O'zbekistoni, 1986 yil 15 aprel soni.
35. Sovet O'zbekistoni, 1986 yil 17 aprel soni.
36. Sovet O'zbekistoni, 1986 yil 18 mart soni.
37. Sovet O'zbekistoni, 1985 yil 18 oktyabr soni.
38. Sovet O'zbekistoni, 1985 yil 3 noyabr soni.
39. Sovet O'zbekistoni, 1985 yil 13 noyabr soni.
40. Sovet O'zbekistoni, 1986 yil 9 fevral soni.
41. Sovet O'zbekistoni, 1986 yil 21 mart soni.
42. Sovet O'zbekistoni, 1986 yil 30 aprel soni.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИНИШИ

(Наманган вилояти мисолида)

Мамасаидов Лутфилло Пайзулло ўғли
Наманган давлат университети
ўқитувчиси
Email: Rashid_4062303@mail.ru

Аннотация. Мақолада 2017-2021 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасини янда ривожлантиш бўйича ҳаракатлар стратегияси даврида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими соҳасида амалга оширилган ислохотлар, мактаблар моддий-техник базасини ривожлантириш, умумтаълим мактабларида қурилиш, таъмирлаш ва янги мактабларнинг қурилиш, камчиликлар ва муаммолар ҳақида маълумотлар ёритилган.

Калит сўзлар: Таълим, мактаб, мадраса, қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, мактабнинг моддий-техник базаси.

Аннотация. В статье освещены реформы, проведенные в сфере народного образования Республики Узбекистан в период с 2017 по 2021 года, развитие материально-технической базы школ, строительство, ремонт и строительство новых общеобразовательных школ, недостатки и проблемная информация.

Ключевые слова: Образование, школа, медресе, строительство, реконструкция, капитальный ремонт, материально-техническая база.

Abstract. The article highlights the reforms carried out in the field of public education of the Republic of Uzbekistan in the period from 2017 to 2021, the development of the material and technical base of schools, construction, repair and construction of new secondary schools, shortcomings and problematic information.

Keywords: Education, school, madrasah, construction, reconstruction, major repairs, material and technical base.

Мустақиллигимиз пойдеворини янада мустаҳкамлашда, Ўзбекистон Республикасини буюк давлатга айлантиришда аввало таълим ва тарбия, илм-фан соҳаларини ривожлантириш, фуқароларнинг замонавий фан-техника ютуқлари билан мунтазам таништириб бориш, уларга жамиятни ва давлатни ҳар соҳада юксалтириш учун муносиб шарт-шароитлар яратиш муҳим

аҳамиятга эгадир.

Бу қутлуғ диёрда ўтмишда 400 га яқин мадраса, жумладан, 33 та олий мадраса, яъни, олий ўқув юрти фаолият юритгани бугун одамларни ҳайратга солиб, Ўзбекистон қадимдан дунёнинг илму-зиё масканларидан бири эканлигини англатади [1].

Юртбошимиз табири билан айтганда, ҳаммамизга аёнки, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам бу – илм-фан, таълим ва тарбиядир. Эртанги кунимиз, Ватанимизнинг ёруғ истиқболи, биринчи навбатда, таълим тизими ва фарзандларимизга бераётган тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқ [2] дея таъкидлайдилар.

Барчамизга аён бўлганидек, 2017 йилдан бошлаб, Ўзбекистон тарихида ривожланишнинг янги босқичига қадам қўйилди ва ислохотлар янгича кўриниш олди инсон, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатлар юқори босқичга кўтарилиб барча соҳаларда кенг кўламли ўзгариш ва янгиланишлар амалга оширилди.

Бу ислохотлар юртбошимизнинг “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқ учун хизмат қилиш керак” тамойил асосида ташкил этилди. Шу аснода Ўзбекистонда барча соҳалар қатори Халқ таълими соҳасида ҳам 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янда ривожлантиш бўйича ҳаракатлар стратегиясининг 4.4. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш бандида бевосита узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, таълим муассасаларини куриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларни замонавий ўқув ва лаборатория асбоблари, компютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан жиҳозлаш орқали уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан мақсадли чора-тадбирларни кўриш оид масалаларга алоҳида эътибор берилди [3].

Янги Ўзбекистонда Халқ таълими соҳасини ривожлантириш бевосита юртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслар билан амалга оширилиб, унга кўра эскирган ва замон талабларига жавоб бермайдиган таълим соҳасига оид қонунлар ва дастурларни бекор қилиш, уларнинг ўрнида янги меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар ва дастурларни қабул қилиш, таълим соҳасида дунё давлатлари билан алоқаларни йўлга қўйиш ҳамда тажрибаларни алмашиш, дунё давлатлари томонидан эътироф этилган таълим дастурларини Ўзбекистонда жорий этиш йўлга қўйилди.

Ўзбекистонда Халқ таълими соҳасидаги муҳим ислохот сифатида 1997 йил 29 августда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий давлат дастури асосида яратилган 9+3 дастури 2017-2018 ўқув йилига келиб кенг жамоатчилик (ота-оналар) фикр ва мулоҳазалари ҳамда ўтказилган сўровномаларга асосланган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги “Умумий ўрта таълим тўғрисида”ги низомга асосан бекор қилинди.

Мактабларда 10-синф очилиши муносабати билан 22 минг ўқитувчига қўшимча эҳтиёж юзага келган. Шуларнинг 9,5 минг нафари олий таълим муассасалари битирувчилари ҳисобидан, 13 минг нафари академик литцей ва коллежлар ўқитувчиларини жалб этиш ҳисобидан қоплаш режалаштирилиб, [4.4] ўқитувчилар етишмовчилиги таъминланган.

Умумтаълим мактабларда таълим сифатини ошириш ва ўқувчилар учун таълим олишда муносиб шарт-шароитларни яратиш мақсадида, аҳоли зич жойлашган (вилоят ва шаҳар марказларида) ҳудудлардаги мактабларда синф ўқувчиларини сони белгиланган миқдордан кўплиги аниқланган.

2017-йил ҳолатига синфларда 40-45 нафаргача ўқувчиларнинг таълим олишлари, ўқувчиларнинг билим олишга бўлган имкониятлари ҳамда ўқитувчининг дарс машғулотларини ўқувчиларга тушинтира билиш қобилиятининг пасайишига сабаб бўлган. Тошкент шаҳри мисолида ўрганганимизда умумтаълим мактабларининг 570 синфида ёки жами синфларнинг 38 фоизидида ўқувчилар сони 35 нафардан юқори бўлганлиги аниқланган [5.4]. Бу ҳолат республикамизнинг Наманган, Андижон, Фарғона ва бошқа вилоятларида кузатишимиз мумкин.

Мазкур ҳолатни яхшилаш ўқувчиларни билим олиш имкониятларини янада ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги “Умумий ўрта таълим тўғрисида”ги низомга кўра синфларда таълим олаётган ўқувчиларнинг сони 35 нафардан ортиб кетишига йўл қўйилмаслиги қатъий белгиланиб таълим самарадорлиги оширилган [6].

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда юртимизда янги мактаблар бунёд этиш, мавжуд мактабларга қўшимча бинолар қуриш, уларни қайта таъмирлаш ва мактаблар моддий-техник базасини ривожлантириш учун 2017 йилда республикадаги 9692 та умумий ўрта таълим мактабларини моддий-техник базасини ривожлантириш беш йиллик стратегик дастур асосида ташкил этилди. Шу йилнинг ўзида Республикада Инвестиция дастури доирасида 484 та мактабларда қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилиши режалаштирилган бўлиб, буларнинг 12 таси янги мактаблар, 320 та мактабларда капитал реконструкция қилиш ва 152 та мактабларда капитал таъмирлаш ишлари ташкил этилган [7.3].

Мазкур ҳолат Наманган вилоятида 2017 йилда Инвестиция дастурига вилоятдаги 20 та умумтаълим мактаблари киритилиб, (1 та янги мактаб қурилиши, 16 та мактаб реконструкция, 3 та мукаммал таъмирлаш ишлари) бу мақсадларни амалга ошириш учун 37 млрд 369 млн 700 минг сўм маблағлар ажратилган [8.23].

Бундан ташқари маскур ўқув йилида Наманган вилояти ўқувчи ёшларни сифатли ва иссиқ синф хоналарида сабоқ олишлари, ўқитувчи ва мураббийларнинг ўз вазифаларини ситқидилдан бажаришлари учун вилоятда куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳам наъмунали ташкил этилган. Дастурга кўра халқ таълим тизимидаги 108 та муассасалардаги эски қозонлар умумий қиймати 4 млрд 605 млн сўмдан зиёд бўлган 261 та замонавий энергия тежамкор қозонлари билан алмаштирилган [9].

Мингбулоқ туманида эса 2017-2018 ўқув йили давомида 49 та мактабнинг моддий-техник базасини ривожлантириш мақсадида маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 47.7 млрд. сўм маблағлар ажратилиб, ҳар бир мактабда мавжуд компьютер синфхоналари энг сўнгги русумдаги огртехника воситалар билан жиҳозланган. Бу эса тумандаги 18.2 минг нафар ўқувчилар ва 1663 нафар ўқитувчиларни дарс машғулотларини замонавий педагогик технологиялар асосида олиб боришларига замин яратилган [10].

2018 йилда Республикадаги мактабларида, Инвестиция дастурига кўра маҳаллий ҳокимликлар томонидан 356 та мактабларда қурилиш ва таъмирлаш ишлари самарали ташкил этилган бўлса, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” давлат дастури доирасида 371 та мактабларда қурилиш ва таъмирлаш ишлари ташкил этилган [11].

Айнан, Наманган вилоятида 2018 йилда жами 22 та умумтаълим мактаблари жумладан, 3 та янги қурилиш, 17 та реконструкция ва 2 та мукаммал таъмирлаш объектларида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган. Ушбу қурилиш-таъмирлаш ишлари учун давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 62 млрд 613 млн 161 минг сўм маблағ ажратилган [12] ва мактаблар янги ҳамда замонавий кўринишга эга бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги “Обод қишлоқ” дастурини 2018 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3630-сонли Қарорига асосан 2018 йил режасига Наманган вилоятидаги 23 та қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари киритилган бўлиб, ушбу ҳудудларда амалга ошириладиган кенг қўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари режасида 23 та умумтаълим мактабларини ободонлаштириш, мукаммал ва жорий таъмирлаш ишлари учун бюджет маблағлари ҳисобидан 28 млрд 343 млн 230 минг сўм маблағ режалаштирилган бўлиб жорий йил 5 декабр ҳолатига 14 объектда қурилиш таъмирлаш ишлари якунланган [13.1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 июндаги “Республика иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини куз-қиш мавсумида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3079-сонли қарорига асосан, Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 2018 йилда 4 млрд 149 млн сўм маблағ ажратилиб, Наманган вилояти Халқ таълими тизимига қарашли 12 та умумтаълим мактабида мукаммал таъмирлаш, 65 та умумтаълим мактабларида жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилган [14].

Юртимизда янги умумий ўрта таълим мактабларини қуриш ёки мавжуд мактабларда қурилиш ва таъмирлаш ишлари ташкил этишдан асосий мақсад ўқувчиларга бир сўз билан айтган билим олиш учун муносиб шароитларни яратишдир. Аммо мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда иқтисодий ҳаётдаги ўзгариш барча соҳалар қатори таълим соҳасига ҳам таъсир этмасдан қолмаган. Бунда мактабларни янгидан қуриш ҳамда мактабларни тўлақонли таъминлаш ва моддий-техник базасини бойитиш масалалари етарли даражада амалга ошириш

имкони бўлмаган. Бироқ, 2004-2009 йилларда Республикамиздаги мактаблар турли даражада қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилган, лекин бу ҳам тўлақонли даражада бўлмаган.

Шу нуқтаи назардан мактаб таълимидаги айрим муаммолар йиллар давомида кўпайиб кетган. Юртбошимиз ташаббуси билан 2018 йилда Халқ таълим вазири Шерзод Шерматовнинг Самарқанд вилоятига ташрифида қуйидаги муаммолар аниқланган. Самарқанд вилоятида 2018 йилда 18 та мактаб тўлиқ реконструкцияга, 349 та мактаб эса капитал таъмирлашга мухтож ва вилоятдаги 336 та мактабда жисмоний тарбия дарсларини ўтиш ва ўқувчиларни спорт билан шуғулланиш учун спорт заллари мавжуд эмас, 629 та мактабларнинг атрофлари ўралмаган, натижада ўқувчи-ёшларнинг хавфсизлиги таъминланмаган. 474 та мактабда таълим олувчилар сони мактаб сиғимидан 50 фоиз кўп, бу эса таълим жараёнларига салбий таъсир этган. Бунга сабаб вилоятда кўп қаватли уйларнинг кўп қурилишига қарамай кўшимча мактаблар қурилмаган [15].

Юқоридаги ҳолатлар 2018 йилда Фарғона вилоятида ҳам аниқланган яъни вилоятдаги 120 та мактаб ёки мактабларнинг 23 фоизи реконструкция ва капитал таъмирлашга мухтож. Мазкур муассасаларнинг 323 таси ёки 61.2 фоизи марказий ичимлик суви билан таъминланмаган. Бундан ташқари мактаблар моддий-техник базаси ҳам қониқарли эмас хусусан, мактабларда 1144 та парта етишмайди, 96 та физика, 146 та кимё, 146 та биология ўқув-лобаратория хоналари умуман жиҳозланмаганлиги ҳақида маълумотлар аниқланган [16.176]. Ўрганишлар натижасида Республикамиздаги 30 фоиз умумтаълим мактабларида ўқитувчи ва ўқувчилар учун информатика синфларида компьютер жамланмалари билан таъминланмаган. Компьютер жамланмалари билан таъминланган мактаблардаги компьютернинг 50 фоизи яроқсиз ахволга келиб қолган, яроқлилари ҳам маънавий эскирган [17].

Умуман олганда барча соҳалар каби таълим соҳасида ҳам ўз даврига хос камчиликлар ва муаммоларнинг бўлиши табиийдир. Ислохотлар доимий ҳолатда умумий характерга эга бўлсада, янги мактаблар бунёд этиш, мактабларни жорий, капитал таъмирлаш ва мактаблар моддий-техник базаси таркибига кирувчи (аниқ, табиий ва гуманитар) ўқув хоналарининг жиҳозланиши узок йилларга мўлжалланган давлат дастурлари ҳамда йиллик давлат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг режалари асосида катта маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

Хулоса ўрнида Ўзбекистонда Халқ таълими соҳасидаги ислохотлар давлатимизнинг иқтисодий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда тизимлилик асосида амалга оширилмоқда. Мактабларнинг бугунги кунда таъмирталаб ҳолатга тушиб қолишига асосий сабаблари барча мактабларнинг 60 фоизидан ортиғи Совет иттифоқи даврида қурилганлиги, мустақиллик дастлабки йилларида жамоат ташкилотлари ва ҳомийлар томонидан қурилган мактаблар бугунги кунга келиб маънан эскиргани ёки ҳозирги замон талабларига жавоб бермасликлари, 2004-2009 йилларда мамлакатимизда амалга оширилган мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида 325 та янги мактаб қурилиб, 8 мингдан ортиқ мактабларда қурилиш-таъмирлаш ишлари ташкил этилган бўлсада, ана шу мактаблар моддий-техник базасини асраш, мактаб бино иншоотларидан эҳтиёткорона фойдаланиш жиҳатларига бефарқ қаралган. Бу эса мактаблар таъмирланганлигига кўп бўлмасдан эскиришига олиб келган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. <https://uzreport.news/politics/shavkat-mirziyoyev-abu-ali-ibn-sino-va-sharq-renessansi-mavzusida-xalqaro-ilmiy-konferensi>.
2. <https://xs.uz/uz/post/talim-tizimi-islohotlari-ozbekistonda-yangi-ujgonish-davri-pojdevorini-yaratadi>.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi O‘zbekiston Respublikasini yanda rivojlantish bo‘yicha harakatlar strategiyasi to‘g‘risidagi PF-4947-son.
4. Умумий ўрта таълим. // Маърифат. –2017. –№ 71. –Б. 4.
5. Abduqodirov A. Umumiy o‘rta ta’lim tizimini takomillashtirish: bugungi holat va kelgusidagi reja va takliflar // Xalq ta’limi. –2018. №5. –Б. 8.
6. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Umumiy o‘rta ta’lim to‘g‘risida”gi nizomni tasdiqlash haqida qarori. 2017-yil 15-martdagi 140-son. Lex.uz.

7. Янги ўқув йили янгиликлари // Маърифат. –2017. –№ 71. –Б. 3.
8. Наманган вилояти халқ таълими бошқармасининг 2017 йил ҳисоботлари... – Б. 23.
9. Саттаров А. Мактаблар куз-қишга тайёр // Маърифат. № 70. 2017 йил 21 октябрь.
10. Маҳмудов Б. Таълим сифати эътиборда // Маърифат. № 1. 2017 йил 4 февраль.
11. Мактаблар қурилишда ҳокимликлар рейтинги ва жамоатчилик назорати бўйича тизим яратилди // Маърифат. № 66. 2018 йил 18 август.
12. Наманган вилояти халқ таълими бошқармасининг 2018 йил ҳисоботлари..... – Б. 2.
13. Наманган вилояти халқ таълими бошқармасининг Бино ва иншоотлардан фойдаланишни мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш бўлими 2018 йил ҳисоботлари..... – Б. 1.
14. Таълим сифати ва мазмуни – янги босқичга // Murabbiy. № 16. 2018-yil 16-31 avgust.
15. Самарқанд: Мактаб таълимини ривожлантириш масалалари ўрганилди // Маърифат. № 55. 2018 йил 11 июль.
16. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг ахборотномаси. –2018. №12. –Б. 176.
17. Abduqodirov A. Umumiy o'rta ta'lim tizimini takomillashtirish: bugungi holat va kelgusidagi reja va takliflar // Xalq ta'limi. –2018. №5. –Б. 13.

O'ZBEKISTONNING MARKAZIY OSIYO DAVLATLARI BILAN ETNOMADANIY ALOQALARINING RIVOJLANISHIDA MILLIY-MADANIY MARKAZLARINING TUTGAN O'RNI

Sharipov Shaxriddin Ziyadullayevich
Sharof Rashidov nomidagi Samarqand davlat
universitetining O'zbekiston-Finlandiya
pedagogika instituti o'qituvchisi
Email: shaxriddin.domla@mail.ru

Annotatsiya. Maqolada globallashuvning salbiy ta'sirining oldini olish uchun samarali chora-tadbirlarni ishlab chiqish o'z mustaqilligini, erkini, o'ziga xosligini qadrlashga qodir bo'lgan barcha millatlar oldida turgan eng dolzarb vazifa hisoblanishi va O'zbekistonning Markaziy Osiyo davlatlari bilan etnomadaniy aloqalarining rivojlanishida milliy-madaniy markazlarining tutgan o'rni haqida fikr yuritilgan.

Kalit so'zlar: etnomadaniy aloqalar, milliy-madaniy markazlar, dunyo, xavfsizlik masalalari, globallashuv, millatlar, milliy nizolar va ziddiyatlar.

Аннотация. в статье разработка эффективных мер по предотвращению негативных последствий глобализации рассматривается как актуальнейшая задача, стоящая перед всеми народами, способными ценить свою независимость, свободу и самобытность, а также этнокультурные связи между Узбекистаном и странами Центральной Азии. обсуждалась роль национально-культурных центров в развитии отношений.

Ключевые слова: этнокультурные отношения, национально-культурные центры, мир, вопросы безопасности, глобализация, нации, национальные споры и конфликты.

Abstract. in the article, the development of effective measures to prevent the negative effects of globalization is considered the most urgent task facing all nations capable of valuing their independence, freedom, and uniqueness, and ethno-cultural relations between Uzbekistan and Central Asian countries the role of national-cultural centers in the development of relations was discussed.

Keywords: ethno-cultural relations, national-cultural centers, world, security issues, globalization, nations, national disputes and conflicts.

Dunyoda bo'layotgan o'zgarishlar shuni ko'rsatmoqdaki, bugungi kunda xavfsizlik masalalari muhim ahamiyat kasb etmoqda. Davlatlarning mudofaa tizimi va harbiy sohaga ajratilayotgan harajatlarning kun sayin oshib borayotganligi fikrimizni tasdiqlaydi. Faqatgina zamonaviy qurol yarog'ga ega bo'lishning o'zi xavfsizlikni ta'minlamaydi. Chunki, guvoh bo'lib turganimizdek, zamonaviy buzg'unchi kuchlar ochiqcha jang qilmay, to'satdan qo'poruvchilik amaliyotlarini qo'llash, harbiylar emas, balki tinch aholini nishonga olish kabi qabih usullardan foydalanadi. Bunda

esa, milliy va diniy nizolarni keltirib chiqarish asosiy maqsad hisoblanadi.

Dunyoda millatlar bor ekan ular o'rtasida o'zaro munosabatlar ham bo'ladi. Bugun globallashtirishning bu jarayonga o'tkazayotgan salbiy ta'sirining oldini olish uchun samarali chora tadbirlarni ishlab chiqish o'z mustaqilligini, erkini, o'ziga xosligini qadrlashga qodir bo'lgan barcha millatlar oldida turgan eng dolzarb vazifa hisoblanadi.

Har qanday davlatda milliy nizolar va ziddiyatlar o'sha davlatda barqarorlikning barbod bo'lishiga va oxir oqibatda yemirilishiga olib keladi [1.270].

O'zbekiston Respublikasida ham millatlararo totuvlikni ta'minlash orqali tinchlik va hamjihatlikni mustahkamlab borish g'oyasi davlat rahbarlari va hukumatning doimiy diqqat markazida bo'lib kelgan. Prezident Shavkat Mirziyoyev o'zining nutq va ma'ruzalarida tinchlikni ta'minlash, millatlar va dinlararo totuvlik muhitini qo'llab – quvvatlash, din niqobidagi ekstremizm va terrorizmga qarshi ayovsiz kurash masalalarini asosiy tamoyil sifatida olg'a surib kelmoqda.

O'zbekiston Respublikasida Prezident Shavkat Mirziyoyev tashabbusi bilan 2017-2021 yillarda respublikani rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi ishlab chiqildi. Strategiyada beshinchi yo'nalish sifatida "Xavfsizlik, millatlararo totuvlik va diniy bag'rikenglikni ta'minlash hamda chuqur o'ylangan, o'zaro manfaatli va amaliy tashqi siyosat sohasidagi ustuvor yo'nalishlar" belgilandi. Bu ham yurtimizda fuqarolarimiz xavfsizligi, millatlar va diniy bag'rikenglikka berilayotgan yuksak e'tiborning belgisi hisoblanadi.

2017 yil 19 may "Millatlararo munosabatlar va xorijiy mamlakatlar bilan do'stlik aloqalarini yanada takomillashtirish chora tadbirlari to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni e'lon qilindi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Millatlararo munosabatlar va xorijiy mamlakatlar bilan do'stlik aloqalarini yanada takomillashtirish, xorijiy mamlakatlar bilan do'stlik va madaniy-ma'rifiy aloqalarni kengaytirishga qaratilgan. Ushbu farmon asosida Respublika baynalminal madaniyat markazi va O'zbekiston Respublikasi xorijiy mamlakatlar xorijiy mamlakatlar bilan do'stlik va madaniy-ma'rifiy aloqalar jamiyatlari kengashi negizida O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Millatlararo munosabatlar va xorijiy mamlakatlar bilan do'stlik aloqalari qo'mitasi tuzildi.

O'zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti Islom Karimov respublikamizda istiqomat qiluvchi turli millat farzandlarining hamjihatligi haqida shunday ta'kidlaydi: "Ota-bobolarimiz necha asrlar mobaynida shu bepoyon mintaqada qanday hamjihat bo'lib, qanday qadriyatlar asosida yashab kelgan bo'lsa, bugun ham, ta'bir joiz bo'lsa, tarix va hayot gardishi, tabiatning o'zi bizni – butun O'rta Osiyo xalqlarini aynan ana shunday do'stlik va hamkorlik ruhida hayot kechirishga da'vat etmoqda. Bir so'z bilan aytganda, tarixiy voqeelikka mana shunday qarash, jamuljam bo'lib yashash tuyg'usi biz uchun hayot falsafasiga, yana ham aniqrog'i, hayot qoidasiga aylanib ketgan. Bu milliy mentalitetimizning asosini tashkil etadigan, bizni boshqalardan ajratib turadigan shunday bir xususiyatki, uni sezmaslik, anglamaslik, ko'rmaslik umuman mumkin emas" [2.10].

O'zbekiston hududida qadimdan turli sivilizatsiya vakillari, madaniy qatlamlar, xilma-xil e'tiqod va dunyoqarashlar yonma – yon yashab kelgan. Bu yerda yashovchi xalq, boshqa joydan ko'chib kelib joylashib qolgan emas.

Uch ming yillik tariximizga nazar tashlaganda oliyjanoblik va insonparvarlik, millatlararo totuvlikka intilish xalqimizning eng yuksak fazilatlaridan hisoblanadi. Bu boradagi an'analar avloddan avlodga o'tib kelmoqda.

Ma'lumotlarga ko'ra bundan yuz yil avval mamlakatimiz hududida 70 ga yaqin millat vakillari istiqomat qilgan. 1926 yilda O'zbekistonda 90 ga yaqin millat va elat yashagan bo'lsa, 1959 yilda ularning soni 113 taga, 1979 yilda 123, 1989 yilda esa 130 taga yetgan edi [3.211]. Mustaqillik yillarida O'zbekiston Respublikasida 130 dan ortiq millat va elatlar o'zaro hurmat va hamkorlikda yashab kelmoqda.

O'zbekiston Respublikasida mustaqillikka erishilgandan so'ng davlatga nomi berilgan o'zbek xalqi bilan yonma-yon yashayotgan barcha millat vakillariga ham millat sifatida saqlanib qolishlari va rivojlanishlari uchun barcha sharoitlar yaratib berildi.

Respublikada aholining ko'pmillatli ekanligini hisobga olgan holda tinchlik va osoyishtalikni saqlash va yanada mustahkamlashning muhim omili bo'lgan millatlararo totuvlik va hamjihatlikni ta'minlash, barcha millatga mansub aholining ma'naviy – madaniy ehtiyojlarini qondirishga

yo'naltirilgan milliy – madaniy markazlar faoliyati qo'llab – quvvatlanib, millatlararo munosabatlar tizimi takomillashtirildi. Ushbu milliy-madaniy markazlar orasida ayniqsa qozoq, tojik, qirg'iz va turkman milliy-madaniy markazlari qadimdan qon-qardosh bo'lgan o'zbek, qozoq, tojik, qirg'iz va turkman millatlarining etnomadaniy aloqalarini rivojlanishida katta hissa qo'shib kelmoqda.

O'zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti Islom Karimov tashabbusi bilan 1992 yil 13 yanvarda tashkil etilgan Respublika Baynalminal madaniyat markazining asosiy vazifasi vazirliklar, idoralar, Qoraqalpog'iston Respublikasi, Vazirlar Kengashi, viloyat, shahar va tuman hokimliklari bilan birgalikda millatlararo munosabatlar sohasida yagona davlat siyosati amalga oshirilishida qatnashish, milliy – madaniy markazlar faoliyatini muvofiqlashtirish va o'ziga xos an'ana, urf-odat va rasm – rusumlarni tiklash hamda rivojlantirishda ularga ko'maklashishdan iborat.

O'zbekiston Respublikasida istiqomat qilayotgan barcha millat va elat vakillarining o'z ona tilida o'qishi uchun keng imkoniyatlar yaratilgani, oliy o'quv yurtlari, kasb-hunar kollejlari, akademik litsey va maktablarda barcha millat vakillari uchun teng shart sharoitlar yaratilgani, ko'plab tillarda gazeta va jurnallar chop etilib, teleko'rsatuv va radio eshittirishlar olib borilayotgani bu boradagi faoliyatning yaqqol dalilidir [4.147].

O'zbekiston Respublikasida 2021 yil Respublika Baynalminal madaniyat markazining tarixiy taraqqiyotida muhim o'zgarishlardan biri bo'ldi. Respublika Baynalminal madaniyat markazi tashkil etilganligining 25 yilligi keng nishonlandi. 2021 yilda milliy – madaniy markazlarning soni 140 dan oshdi. Ushbu milliy – madaniy markazlarning faoliyatida, millatidan qat'i nazar, barcha yurtdoshlarimiz qatnashishlari mumkin. Millatlararo munosabatlar yo'nalishidagi yana bir dolzarb masalalardan biri – aholining milliy tarkibiga mos keladigan ta'lim tarbiya tizimining tashkil etilishi hisoblanadi. Ta'lim tarbiya tizimida 2017 yilda Respublikada 10 mingga yaqin maktab faoliyat yuritgan bo'lsa, shundan 845 ta maktabda rus tilida, 491 ta maktabda qozoq tilida, 259 ta maktabda tojik tilida, 52 ta maktabda turkman tilida, 40 ta maktabda qirg'iz tilida, 7 ta maktabda koreys tilida ta'lim berish jarayoni yo'lga qo'yilgan. Ushbu maktablar orasida ikki yoki uch tilda o'quv mashg'ulotlari olib borayotganliklari ham mavjud.

O'zbekiston Respublikasida Oliy va O'rta maxsus ta'lim Vazirligiga qarashli pedagogika institut va universitetlarida o'zbek tilidan tashqari rus, tojik, turkman, qirg'iz, qozoq, qoraqalpoq tillarida ham mashg'ulotlar olib boradigan maktablar uchun mutaxassislar tayyorlanmoqda.

Respublika aholisining ko'pmillatli ekanligini hisobga olgan holda ommaviy axborot vositalari faoliyati yo'lga qo'yilgan. O'zbekistonda 2017 yilda 8 ta tilda, ya'ni o'zbek, qoraqalpoq, rus, qozoq, tojik, turkman, ingliz, koryes tillarida gazeta va jurnallar chop etilgan.

Shuningdek, televideniya orqali xorijiy tillardagi ko'rsatuvlar soni ham muntazam namoyish etilishi va maxsus radio eshittirishlarining turli tillarda efirga uzatilayotgani diqqatga sazovor. 2017 yilda 12 ta tilda o'zbek, qoraqalpoq, qozoq, qirg'iz, tojik, ozarbayjon, rus, tatar, boshqird, koryes, uyg'ur tillarida teleradio eshittirishlar efirga uzatilgan [5.212].

O'zbekiston millatlararo munosabatlarni to'g'ri yo'lga qo'yish borasida o'ziga xos tajribaga ega davlat sanaladi. Bunda faqat milliy o'zlikni anglash milliy g'urur va iftixor, tuyg'usini tarbiyalash millatlarning tili, madaniyati, urf odatlarini asrab avaylash bilan cheklanmaslik, balki mamlakatdagi barcha millatlarning umumiy birdamligiga erishish tamoyiliga amal qilinadi. O'zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti Islom Karimov tashabbusi bilan qurilgan bu siyosat:

- ko'p millatli yaratuvchilik qudratiga ega bo'lgan omil sifatida tan olish;
- fuqarolarning jinsi, irqi, millati, tili, dini, e'tiqodi, shaxsi, ijtimoiy kelib chiqishi va mavqeidan qat'i nazar tengligini ta'minlash;
- milliy mansubligidan qat'i nazar, fuqarolarning mamlakat siyosiy va ijtimoiy hayotidagi teng huquqli ishtirokini kafolatlash;
- milliy til, urf odat va an'analar hurmat qilinishini ta'minlash, va ularning rivojlanishi uchun qulay shart-sharoit yaratish;
- ijtimoiy hayot, siyosiy institutlar, mafkura va fikrlar xilma xilligi asosida rivojlanishini ta'minlash;
- fuqarolarning konstitutsiyaviy huquq va erkinliklariga qarshi qaratilgan milliy, irqiy, diniy adovat va nizoni targ'ib qiluvchi faoliyatga yo'l qo'ymaslik;
- millatlar va elatlar huquq va erkinliklarini muhofaza qilishga doir xalqaro qoidalar ustuvorligini tan olish kabi tamoyillarga tayangan holda izchil amalga oshirilmoqda.

Millatlararo totuvlikning tarixiy ahamiyati shundaki ushbu g'oyani anglab yetgan jamiyat a'zolari

hayotida turli ziddiyatlar, muammolar yuzaga kelmaydi, tinch va barqaror yashash sharoitlarini kafolatlaydi.

Tajovuzkor millatchilik va shovinizm siyosati millatlararo totuvlik g'oyasini amalga oshirishga g'ov bo'lishini yaqin tariximizda sobiq Sovetlar davlati misolida kuzatishimiz mumkin. Zararli g'oyalar bilan qurollangan Sovet davlati halokatga yuz tutdi va o'zidan juda og'ir meros qoldirdi.

Shuningdek, fashizm g'oyasi XX asrda insoniyat boshiga avvalgi barcha asrlardagidan ko'ra ko'proq kulfat, ofat balolar yog'dirib, oxir oqibatda o'zi ham halokatga uchradi. Lekin hanuzgacha fashizm, shovinizm, irqchilik g'oyalarini tiriltirib, millatlararo totuvlikni buzishga harakat qiladigan buzg'unchi kuchlar mavjud.

O'zbekistonning va Markaziy Osiyo davlatlari bilan etnomadaniy aloqalarining rivojlanganligini qardosh mamlakatlarning ardoqli farzandlari Abdurahmon Jomiy, Mahtumquli Firog'iy, Abay Qo'nonboyev, Chingiz Aytmatov kabi ko'plab adabiyot namoyandalarining nomi abadiylashtirilib, ularga chuqur ehtirom ko'rsatib kelinayotganligi ham isbotlaydi. Respublika qozoq, tojik, qirg'iz va turkman milliy-madaniy markazlari va ularning hududiy bo'linmalarida Markaziy Osiyo xalqlari etnomadaniy aloqalarini mustahkamlashga xizmat qiladigan ko'plab tadbirlar o'tkazib kelinmoqda.

Jumladan, 2019 yilning 11-16 noyabr kunlari o'tkazilgan Bag'rikenglik haftaligi doirasida "Markaziy Osiyo – umumiy uyimiz" mavzusidagi xalqaro konferensiya tashkil etilib, unda Qozog'iston, Qirg'iziston, Tojikiston, Rossiya, Xitoy, Vetnam kabi davlatlardan qo'mitaning turdosh va hamkor tashkilotlari rahbarlari, Markaziy Osiyo davlatlarining 100 nafarga yaqin olim va eksperti, 10 ga yaqin xorijiy davlatdagi o'zbek milliy-madaniy markazlari rahbarlari hamda O'zbekistondagi diplomatik korpus va xalqaro tashkilotlar vakolatxonalari vakillari ishtirok etdi [6.4].

Xulosa qilib aytganda, O'zbekistonning Markaziy Osiyo davlatlari bilan etnomadaniy aloqalarining rivojlanishida milliy-madaniy markazlar faoliyati ta'sirini ilmiy tadqiq etish jarayonida ko'plab tizimli islohotlar amalga oshirilganligini guvohi bo'lamiz. O'zbekiston Respublikasida Prezident Shavkat Mirziyoyev tashabbusi bilan 2017-2021 yillarda respublikani rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi ishlab chiqilganligi va Strategiyaning beshinchi yo'nalish sifatida "Xavfsizlik, millatlararo totuvlik va diniy bag'rikenglikni ta'minlash hamda chuqur o'ylangan, o'zaro manfaatli va amaliy tashqi siyosat sohasidagi ustuvor yo'nalishlar" belgilanishi bu sohada ham yurtimizda fuqarolarimiz xavfsizligi, millatlar va diniy bag'rikenglikka berilayotgan yuksak e'tibor belgisidir. O'zbekiston Respublikasining Markaziy Osiyo davlatlari bilan etnomadaniy aloqalarining rivojlanishida ayniqsa, O'zbekistonda yashayotgan qozoq, qirg'iz, tojik, va turkman millatlariga mansub bo'lgan fuqarolariga barcha shart-sharoitlar yaratib berish maqsadida tashkil etilgan milliy-madaniy markazlar katta rol o'ynamoqda. 2017-2021 yillar davomida Respublikaning har bir viloyatida do'stlik va nodavlat tashkilotlari uylarining foydalanishga topshirilishi O'zbekiston tarixining millatlararo totuvlik sohasidagi yangi sahifasi bo'ldi. Buning natijasida Respublikada faoliyat yuritayotgan 140 dan ortiq milliy – madaniy markazlar ushbu binolarda o'z faoliyatini davom ettira boshladi. Ushbu binolarda milliy – madaniy markazlar faoliyati uchun barcha shart – sharoitlar yaratildi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Falsafa qomusiy lug'ati. – T.: "Sharq", 2004 yil, 270-bet.
2. Karimov I. A. Yuksak ma'naviyat - yengilmas kuch. -T.: "Ma'naviyat", 2008, 10-bet.
3. 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasini «Xalq bilan muloqot va inson manfaatlari yili» da amalga oshirishga oid Davlat dasturini o'rganish bo'yicha ilmiy–uslubiy risola. T. «Ma'naviyat» 2017 yil, 211 – bet.
4. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining 72-sessiyasudagi nutqini o'rganish bo'yicha Ilmiy-ommabop risola T.: "Ma'naviyat" 2017 yil, 147-bet.
5. 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasini «Xalq bilan muloqot va inson manfaatlari yili» da amalga oshirishga oid Davlat dasturini o'rganish bo'yicha ilmiy –uslubiy risola. T. «Ma'naviyat» 2017 yil, 212 – bet.
6. Tosh'yev A. Osoyishtalik va tinchlik garovi // Yangi O'zbekiston. – Toshkent, 2020 yil 8 sentyabr (171-son) 4-bet.

1920-1930 ЙИЛЛАРДА ТЕРМИЗДАГИ ИЖТИМОЙИЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР

Қобилов Хайрулла Хўжаёровиچ

Термиз давлат университети

Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси

Email: xayrulla123@mail.ru

Аннотация. Термиз шахрининг географик қулай ерда жойлашганлиги Россия империяси ва кейинчалик Совет давлатининг эътиборини ўзига жалб этган. Совет ҳукумати Термиз шахридан ўзининг ҳарбий-стратегик, иқтисодий-сиёсий мақсадлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилиб келди. Ушбу мақолада 1920-1930 йилларда Термиз шахрида бўлиб ўтган ижтимоий-сиёсий жараёнлар ёритилади.

Калит сўзлар: Термиз, Паттакесар, Амударё, Амир Олимхон, Қизил армия, совет.

Аннотация. Расположение города Термеза в удобном географическом месте привлекло внимание Российской империи, а затем и Советского государства. Советское правительство пыталось использовать город Термез в своих военно-стратегических, хозяйственно-политических целях. В данной статье освещаются общественно-политические процессы, происходившие в городе Термезе в 1920-1930-е годы.

Ключевые слова: Термез, Паттакесар, Амударья, Эмир Алимхан, Красная армия, совет.

Abstract. The location of the city of Termez in a convenient geographical location attracted the attention of the Russian Empire, and then the Soviet state. The Soviet government tried to use the city of Termez for its military-strategic, economic and political purposes. This article highlights the socio-political processes that took place in the city of Termez in the 1920-1930 s.

Key words: Termiz, Pattakesar, Amudarya, Amir Olimkhan, Red Army, Soviet.

Термиз Марказий Осиёнинг йирик дарёси бўлимиш Амударё бўйида жойлашганлиги, шунингдек, Мовароуннаҳр ва Хуросон чегарасидаги таянч пункти бўлганлигидан тарихнинг турли даврларида муҳим геостратегик макон сифатида аҳамият касб этган. Шу боисдан ҳам минтақада ҳукмронлик қилган сулолалар Термизни ўзига бўйсундиришга интилишган. Термиз муҳим географик маконда жойлашганлиги сабаб доимо қонли урушлар, талашлар ва талатўплар қуршовида яшаган.

1917 йилнинг 7 майида Термиз-Паттакесар ишчи, аскар ва деҳқон депутатлари совети ташкил топади. Ўша пайтда ушбу қўмита шаҳардаги энг нуфузли ташкилот эди. Шаҳар аҳолиси барча масалаларда ушбу ташкилотга мурожаат қиларди. Бироқ ташкилот таркибида бирорта ҳам ерли миллат вакиллари йўқ эди. Яна шуни таъкидлаш жоизки, ишчи, аскар, деҳқон депутатлари советининг иш жараёни, мақсад ва муддаоларида бирлик йўқ эди. Мақсадлар аниқ эмас эди. Қолаверса гуруҳбозлик хусусиятлари ҳам анча авж олган эди. Айниқса, подполковник Караткевич ёлғизҳокимлик кайфиятига мойил бўлиб, қўмитада хазиначи бўлиб ишлаган. У атайин депутатлар Совети қарорини аскарларга етказмаган, рота аскар қўмитасини тан олмаган, аскарларга анча қўпол муносабатда бўлган эди. Шу боисдан ҳам уни қамоққа олишади.

Термиз-Паттакесар аскар, ишчи ва деҳқон депутатлари советининг амалий фаолияти 1917 йилнинг 1 июлидан бошланади (1917 йил 7 майда тузилган бўлсада). Мазкур қўмита ўз олдида қўйган мақсадни аниқ белгилаб олмаганлиги боис иш юритиш тизимида қўплаб хато-камчиликлар ва чалкашликлардан холи эмас эди. 1917 йилнинг 25 октябрида Петроградда содир бўлган инқилоб хабари эски сана билан 31 октябрда (янги сана билан 13 ноябрда) Термиз шахрига ҳам телеграф орқали етиб келади. Большевиклар ва уларга эргашган рус ишчилари 31 октябрдан 1 ноябрга ўтар кечаси (янги сана билан 13-14 ноябрь) Термиздаги Муваққат ҳукуматнинг Туркистон Қўмитаси вакиллари қамоққа олдилар. Шаҳарнинг рус аҳолиси қисмида ҳокимият Преоблицкий бошчилигидаги Советлар қўлига ўтади. 1917 йил 2-5 декабрида Термизда ишчи, солдат ва деҳқонлар съезди бўлиб ўтади ва унда ҳокимият Советлар қўлига ўтганлиги эълон қилинади [1].

Шу даврдан эътиборан аскар, ишчи ва деҳқон депутатлари совети қонуний ташкилот сифатида фаолият юрита бошлайди. Бироқ, Термиз гарнизони аскар ва зобитлари барча чор армияси қўшинлари каби ўз қўмондонлигига бўйсунмиш мажбуриятдан қутулгач тарқалиб кета бошлайди. 1918 йилнинг январь-феврал ойларида қўшинлар сафидан жуда қўплаб кишилар

кетиб қолади. Уларнинг изидан оддий русийзабон аҳоли ҳам оммавий тарзда Россияга кўча бошлайди. Натижада шаҳар аҳолиси кескин камаяди. Шу даврда Бухорода жойлашиб олган совет кучлари амирлик тузумини ағдариб ташлашга бир неча марта уриниб кўришади. Натижада Бухоро амири Олимхон инқилобчи кучларни жазолашга киришади. Саййид Олимхон Термизда ўрнатилган совет ҳокимиятини тан олмайди ва Термизни ўз қўлига қайтариб олишга уринади. Шу мақсадда 1917 ноябридан 1918 йил мартигача Бухоро амири Термиздаги совет ҳокимиятига қарши уч марта ялпи сафарбарлик ўтказди [2].

1918 йил мартида Термиздаги ҳукуматни ағдариб ташлаш мақсадида Когондан Термизгача бўлган темир йўлларни буздириб ташлайди ва темир йўл излари махсус қайиқларда Афғонистонга ўтказиб юборилади. Шундан сўнг Термизнинг бошқа ҳудудлар билан алоқаси узилиб қолади. Озиқ-овқат ва кундалик эҳтиёж молларининг етишмаслиги, яқинлашиб келаётган Бухоро амирининг ҳужумидан саросимага тушган кўплаб аҳоли шаҳарни тарк эта бошлайди. 1918 йил ёзида шаҳарда бор-йўғи 300-400 оила қолган бўлиб аҳолининг умумий сони минг кишидан кўпроқ эди [3]. Бухоро амири 1918 йилнинг ёзида шаҳарни қамал қилади. Большевиклар шаҳарда совет ҳокимиятини сақлаб қолиш мақсадида ҳарбий ҳолат эълон қилади. Бундан сал олдинроқ, яъни 1918 йилнинг 2 феввалида Термизда қизил армия қисмлари тузилган эди. Мазкур ҳарбий кучлар Бухоро амирлиги томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ҳужумлардан ҳимояланиш мақсадида тузилган бўлиб, ўз фаолиятини 1918 йилнинг ўрталаригача давом эттиради ва июл ойида тарқатиб юборилади. Унинг ўрнига Термиз гарнизонининг қизил гвардия қисмлари ташкил этилади. Шу йилларда Афғонистон подшоҳи Ҳабибуллаҳон Россиядан Термизни беришни талаб қила бошлайди [4].

Шу тариқа Термиз уч давлат, яъни Бухоро амирлиги, Афғонистон ҳамда Совет Россиясига бўйсунувчи Туркистон АССР ўртасида талаш майдонига айланиб қолади. Термиз амалда қамалда қолди. Темир йўллар бузилиб қолганлиги туфайли шаҳарга озиқ-овқат келиши тўхтади. Термиздан ташқаридаги ҳудудлар Бухоро амирлигига қарашли бўлиб, амирлик одамлари чегарачиларга тез-тез ҳужум қилиб турарди. С.А.Малиновский бошлиқ Куи Панж отрядигина Термизга ёриб ўтади. Айваж чегара отряди эса узоқ қаршилиқдан сўнг Афғонистон орқали шаҳарга етиб келади. 1918 йил 2 февралда Термизда қизил армия қисмлари тузилади. Шаҳар мудофаа комитети раиси қилиб С.А.Малиновский тайинланади. 1918 йилнинг 20 мартида шаҳарда ҳарбий ҳолат жорий этилади. 1918 йилнинг 12 августиди шаҳарда аскар, ишчи ва деҳқон советларининг янги таркиби тузилиб унга И.Федин раис этиб сайланади [5]. Шу йилнинг декабрида Термизда Бухоро компартияси бўлими тузилади ва унга А.Н.Кортунов етакчи этиб сайланади. 1919 йилнинг бошларида Термизда мусулмонлар бюроси ташкил топади. Унга Ҳ.Алимбоев ва Ҳ.Амирхоновлар раҳбарлик қилишади. 1919 йилнинг мартида эса шаҳарда ёшлар кўмитаси тузилади.

1920 йилнинг 28 августига қадар Термиз ташқи оламдан деярли ажралиб қамал ҳолатида қолади. 1920 йил 2 сентябрда Бухорода амир ҳокимияти ағдарилгач, Термизда ҳам шаҳар совети ташкил этилади. Унга Чори Беркалиев раис этиб сайланади. Бироқ, 1920 йил сентябр ойи ўрталаригача Термиз атрофлари амир одамлари қўл остида эди. Совет ҳокимияти муҳим сиёсий ва ҳарбий аҳамиятга эга бўлган Термизни қўлдан беришни истамас эди. Амир ҳокимияти қулагач совет тартиботига қарши бошланиб кетган қуролли курашни бостириш мақсадида махсус қуролли отряд тузилди. Ушбу отрядга Ёдгор Абдурахимов ва Ҳасан Амирхоновлар етакчи этиб тайинландилар [6].

Шаҳарда тузилган большевик ҳарбий бўлинмалари муҳолиф кучларга қарши курашда совет ҳокимиятининг таянчига айланади. Шеробод беги Тўхтамишни ағдариб ташлаш мақсадида ташкил этилган Шеробод инқилобий кўмитаси ҳам Термизда тузилган. 1920 йилнинг 6 октябрида Биринчи Бутун Бухоро қурултойи Бухоро Халқ Совет республикаси тузилганлигини эълон қилди. Натижада Сурхон воҳасида ҳам Совет ҳокимиятини ўрнатиш чоралари кўрила бошлади. Шу мақсадда Гончаренко бошчилигида махсус отряд тузилади. 1921 йилда В.Л.Лопатиннинг 4-кавалерия полки ҳам Кўлобдан Термизга келди.

1920-йилларда Совет ҳукуматида қарши олиб борилган озодлик ҳаракатларини бостиришда Термизда жойлашган ҳарбий қисмлар муҳим роль ўйнади. Жумладан, шаҳарда тузилган 34-чегара кавалерия эскадрони шундай кучлардан бири эди. Совет мафкурасининг ёлғон ваъдаларига учган айрим ерли миллат вакиллари ҳам Қизил армия сафларига кирди. Бу эса

оға-иниларни бир-бирига қарши қайраган қардошлар урушларини янада авж олишига сабаб бўлди.

1924 йилнинг январида Иброҳимбек 200 кишилиқ отлиқ қўшинлари билан Сурхон дарёси бўйлаб Термизга қараб юриш қилди. Иброҳимбекка қарши совет ҳукумати Сурхондарёдаги барча қизил гвардия полкларидаги отрядларни сафарбар этди. Қизил гвардия қисмлари умумий бирлаштирилиб, ушбу ҳарбий бирлашмага 61-отлиқ полкнинг командири Дроздовский бошлиқ, Федин ҳарбий комиссар қилиб тайинланди. 25 январь куни Юқори Какайдида бўлиб ўтган жангда Иброҳимбек енгилиб, Сурхон бўйлаб шимолга чекинди. Лекин тўқнашув вақтида 62-отлиқ полкнинг 2-эскадрон командири Владимир Молчанов ҳалок бўлди [7].

Қизил армия ва миллий кучлар ўртасидаги кескин курашлар минглаб йигитлар ва кўплаб тинч аҳолининг умрига зомин бўлди. Қанчадан-қанча одамлар ўз она юртларини ташлаб, бошқа юртларга кетишга мажбур бўлишди. Тўқнашувлар пайтида кўплаб қишлоқлар ёқиб юборилди, ариқлар кўмилди, экин майдонлари пайхон этилди, боғ-роғлар куриб қолди.

1924 йилда амалга оширилган маъмурий-ҳудудий чегараланиш натижасида Туркистон АССР, Хоразм Халқ Совет Республикаси ҳамда Бухоро Халқ Совет Республикаси тугатилди. 1924 йил 27 октябрда Ўзбекистон ССР ташкил этилди. Ўзбекистон ССР инқилобий кўмитаси қарори билан 1925 йил 18 январда Сурхондарё округи Бойсун, Шеробод, Сариосиё уездларига бўлинди ва Термиз шаҳри Шеробод уезди таркибига киритилди. Ўзбекистон Марказий Ижроия кўмитасининг 1926 йил 29 октябрдаги сессиясида Ўзбекистонда қайта туманлаштириш ўтказилди. Чор Россияси, амирлик ва хонликлар даврида тузилган бўлинмалар Совет давлатининг иқтисодий талабаларига ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга жавоб бермайди деб топилди.

Мазкур қарор асосида Ўзбекистонда мавжуд 7 вилоят, 23 уезд, 241 волост ўрнида 10 та округ, 87 та туман ташкил этилди. Ўзбекистон Марказий Ижроия Кўмитасининг 1926 йил 29 сентябрда ўтказилган сессияси асосида Сурхондарё округи тузилди. Унинг маъмурий маркази этиб Шеробод шаҳри белгиланди. Иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш, темир йўл ва алоқа воситаларининг қулайлиги ҳамда ҳарбий ҳимояни ташкил этиш муҳимлигини ҳисобга олиб, 1927 йил 30 июнда Ўзбекистон ҳукумати Сурхондарё округининг маъмурий марказини Шерободдан Термиз шаҳрига кўчирди. Бошқаришни такомиллаштириш хўжаликнинг моддий ва иқтисодий қудратини ҳисобга олиш, мамлакат маркази учун зарурий хомашё манбаларини қайта кўриб чиқиш мақсадида СССР МИКнинг 1930 йил 23 июлдаги қарори билан округлар тугатилиб, ўрнига туманлар ташкил этилди. Ушбу қарор асосида 1930 йил 1 октябрда Сурхондарё округи тугатилиб, Бухоро вилоятига бўйсунувчи Сурхондарё гуруҳидаги туманлар деб номланувчи маъмурий-ҳудудий бўлинма ташкил этилди ва унинг маркази сифатида Термиз шаҳри белгиланди.

1935 йил 28 июнда Сурхондарё округи қайта ташкил этилди ва унинг ихтиёрига Бойсун, Денов, Жарқўрғон, Сариосиё, Паттакесар, Шеробод ва Шўрчи туманлари киритилди. Округнинг маркази сифатида Термиз шаҳри белгиланди. Шу ўринда қайд этиш керакки, Ўзбекистон МИКнинг 1933 йил 8 январдаги қарорига асосан Паттакесар туманининг номи ўзгартирилиб Термиз тумани деб аталди. Термиз тумани қишлоқларида қуйидагича хўжаликлар мавжуд эди: Болдирда – 153 хўжалик, Учтутда – 137 хўжалик, Сассиққўлда – 220 хўжалик, Шўрбодда – 143 хўжалик, Мангузарда – 260 хўжалик, Янгиариқда – 416 хўжалик, Термиз шаҳрида – 667 хўжалик. 1929 йилда Термиз шаҳрининг Сурхондарё округининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги ўрни ҳисобга олиниб, округга бўйсунувчи шаҳарга айлантирилди [8].

Албатта совет ҳукумати Термиз шаҳридан ўзининг ҳарбий-стратегик, иқтисодий-сиёсий мақсадлари йўлида фойдаланишга мунтазам равишда ҳаракат қилиб келди. Чор Россиясининг Термизни эгаллашдан кўзлаган мақсади совет даврида ҳам давом эттирилди. Шу боисдан ҳам шаҳарнинг ҳарбий-сиёсий аҳамияти кучайтирилди. Термиз шаҳрининг Афғонистон билан чегарадош бўлганлиги назарда тутилиб, доимий ҳаракатдаги чегара қўшинлари вужудга келтирилди. Россия империяси даврида Термизда мавжуд бўлган ҳарбий бўлинмалар Қизил армия ҳарбий низоми бўйича қайта ташкил этилди. Ҳарбийларнинг тайёргарлиги кучайтирилиб замонавий қуроладан яроғлар билан қуроллантирилди. Термиз йил сайин Совет давлатининг ҳарбий базасига айлантириб борилди.

Термизни жанубдаги ҳар қандай ҳужумлардан асраш ниқоби остида мустаҳкам ҳарбий

истехкомга айлантириб борилди. Шунингдек, СССРга Термиз орқали синфий душманларнинг бостириб кириш хавфи борлиги тўғрисидаги баҳоналар орқали шаҳар ҳаёти маълум даражада ҳарбий изга солинди. Шу боисдан ҳам шаҳарда кўплаб ҳарбий қисмлар жойлаштирилди. Ҳатто ҳарбийлар ва уларнинг оилалари учун ҳарбий шаҳарчалар барпо этилди. Шаҳарда мунтазам тарзда тартиб сақлаш мақсадида 1925 йил Термизда милиция бўлинмаси ташкил этилди. Шу йилнинг 18 августида мазкур бўлинма негизида округ халқ милициясига асос солинди. Шаҳардан ижтимоий хавфли ёки шубҳали кўринган шахсларни чиқариб юбориш чоралари кўрилди. Жумладан, 1928 йил ноябрида термизлик 86 нафар савдогар “чегара зонасида яшашга ҳаққи йўқ” деган баҳона билан узоқ ўлкаларга сургун қилинади [9]. Худди шу ойда Пайғамбар оролида яшовчи 20 нафар киши “ашаддий бой ва амалдорлар” рўйхатига тушиб, мутлақо махфий тарзда Сарийосиёга мажбуран сургун қилинади [10].

Термиз шаҳри борган сайин СССРнинг Ўрта Шарқ мамлакатлари билан бўлган муносабатлар доирасида ҳам муҳим ўрин тута бошлади. Ҳатто 1929 йилнинг 15 апрелида Термиз шаҳри орқали совет кўшинлари “социалистик инқилобни” амалга ошириш баҳонасида Афғонистоннинг шимолий қисмларига қуролли ҳужум уюштирди. 22 апрел куни совет кўшинлари Мозори Шарифни эгаллади. Аммо Афғонистон кўшинларининг жиддий қаршилиги совет кўшинларини мамлакат худудидан чиқиб кетишга мажбур қилди [11].

Совет тузумнинг чекка ўлкаларга нисбатан беписанд муносабати туфайли Термиз шаҳри ҳам совет даврида ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан анча паст даражада ривожланди. Термиз шаҳрига совет ҳукумати ҳарбий-сиёсий стратегик плацдарм сифатида қараб, шаҳарни ривожлантиришга фақат ҳарбий жиҳатдан ёндашди [12].

Совет давлати чор Россиясида бўлгани каби шаҳарда руслаштириш сиёсатини олиб борди. Бутун мамлакатда бўлгани каби шаҳарда ҳам барча ҳукумат ишлари рус тилида юритилар маҳаллий аҳолига бу ҳол анчагина ноқулайликлар ва қийинчиликлар келтириб чиқарар эди. Асосий масъул вазифаларда русийзабон аҳоли ишлар, ҳарбийларнинг аксарият қисмини ҳам шулар ташкил этар эди. Бундай ҳолатлар, албатта, миллий камситилишларга сабаб бўларди. Шу боисдан ҳам шаҳардаги кўплаб муқаддас қадамжолар қаровсиз қолди. Жумладан, Эски Термизда жойлашган минора, Салавотдаги мадраса, Султон Саодат мажмуасидаги хонақолар ислом дини ёдгорлиги сифатида бузиб юборилди. Машҳур тасаввуф алломаси Ал-Ҳаким Термизий мақбараси сим тўрлар ортида қолиб кетди. Кокилдор ота, Қирқиз, Зул-Кифл, Зўрмала, Ўртагумбаз, Ўйикгумбаз, Мурчбобо каби меъморий иншоотлари хароб аҳволга келиб қолди. Дин вакиллари, зиёлилар, мулк эгалари “халқ душмани” сифатида қатағон қилинди. Биргина 1937 йилнинг кузида шаҳардан 13 нафар мулла “халқ душмани” сифатида қамоққа олиниб Сибирга сургун қилинди. Ўз даврининг ўқимишли зиёлий инсони, заргарлик буюмлари, қандолат маҳсулотлари билан тижорат қилувчи Абдувосибой Ҳалимов миллий озодлик ҳаракатларида қатнашган деган айб билан қамоқда калтаклаб ўлдирилди. Яна бир саховатли инсон Имомалибой ҳам ана шундай калтабин сиёсатнинг қурбошига айланди. 1937-1939 йиллар оралиғида Термиз шаҳридан 48 нафар одам сохта айбномалар билан айбдор деб топилиб қамоққа олинди. Кўриниб турибдики мустабид тузумнинг қатағон сиёсати шаҳар аҳолисининг маънавий ва руҳоний ҳаётига жиддий салбий таъсир кўрсатган. Бироқ шунга қарамасдан шаҳарнинг меҳнатсевар ва бунёдкор аҳолиси доимо яратувчанлик иштиёқи билан яшади, ўзларининг жонажон шаҳарларини обод қилиш борасида тинмай меҳнат қилди. Шу боисдан ҳам шаҳарда шинам уйлар, кенг ва равон кўчалар, боғ-роғлар, савдо ва маиший хизмат уйлари, савдо шаҳобчалари, бозорлар маданият муассасалари қад ростлаб шаҳар инфратузилмаси анчагина ўзгарди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Сафаров Ш. Термиз ва Термизийлар. –Термиз: Жайхун, 1993. –Б. 50.
2. Турсунов С., Қобилов Э, Пардаев Т. ва бошқ. Сурхондарё тарих кўзгусида. Тошкент, 2001.
3. Турсунов С. Сурхон воҳасида Совет режимининг ўрнатилиши // «Ўтмишга назар» журнали, 2021 йил, 3-махсус сон. –Б. 13.
4. Турсунов С., Қобулов Э., Муртозоев Б., Пардаев Б., Умаров И. Термиз шаҳри тарихи. – Тошкент: Yangi nashr, 2019. –Б. 240.

5. Азимов М. Термиз тарихи. –Қарши: Насаф, 2001. –Б. 146.
6. Турсунов С. Сурхон воҳасида Совет режимининг ўрнатилиши. –Б. 15-16.
7. Умаров И. Миллий мустақиллик учун курашганлар. // «Ўтмишга назар» журнали. – Тошкент, 4-жилд, 11-сон, 2021 йил. –Б. 63.
8. Мирзаев З., Қобулов Э. Сурхондарёда пахтачилик ва Термиз пахта тозалаш заводи тарихи. – Термиз: Жайхун, 1996. – Б. 86.
9. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 76-фонд, 1-рўйхат, 308-иш, 8-9-10-варақлар.
10. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 76-фонд, 1-рўйхат, 668-иш, 65-варақ.
11. Агабеков Г.С. ГПУ: записки чекиста. –Берлин: Стрела, 1930. –С. 180.
12. Қобулов Э. Россиянинг Шарқ давлатлари билан ташқи алоқаларида Сурхон воҳасининг ўрни // Илмий ахборотнома. – Самарқанд, 2015. – № 2. – Б. 29-32.

МУСТАБИД СОВЕТ ТУЗУМИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ (СУРХОНДАРЁ МИСОЛИДА 1920-1930 ЙИЛЛАР)

Худайбердиева Гулнора Хурсандовна

Термиз давлат университети
“Фуқаролик жамияти” кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. Мақолада асосан 1920-1930 йилларда Ўзбекистондаги, шу жумладан Сурхон воҳасидаги маданий-маърифий жараёнлар ва Совет ҳокимиятининг юритган мустабид сиёсати, муносабати ёритиб берилган.

20-30 йилларда маданий муассасаларнинг ташкил этилиши ва уларга бўлган муносабат, шунингдек бу йилларда яратилган клублар, мактаблар, театрлар, кутубхоналар, хотин-қизлар саводхонлиги ҳақида баён қилинади Совет давлати ҳукмронлиги даврида миллийлигимизни инкор этишга қаратилган масалалар ҳам ёритилган.

Калит сўзлар: миллий-маданият, ижтимоий ҳаёт, таълим, театр, клуб, артеллар, партия, адабиёт, хотин-қизлар, саводхонлик, маънавий-маданият, мафкура.

Аннотация. В статье в основном описываются культурно-просветительские процессы в Узбекистане в 1920-1930-е годы, в том числе в Сурхандарьинском оазисе, а также политика и позиция советского правительства.

Описано становление и отношение к культурным учреждениям в 20-е и 30-е годы, а также созданным в эти годы клубам, школам, театрам, библиотекам, женской грамоте. Освещались и вопросы, направленные на отрицание нашей национальности в советское время.

Ключевые слова: национальная культура, общественная жизнь, образование, театр, клубы, артели, партия, литература, женщины, грамотность, духовно-культура, идеология.

Abstract. The article focuses on the cultural and educational processes in Uzbekistan in 1920-1930, including the Surkhandarya oasis, and the policy and attitude of the Soviet government.

The organization and attitude to cultural institutions in 20-30 years, as well as clubs, schools, theaters, libraries, women's literacy created in these years are described. Issues aimed at denying our nationality during the Soviet era were also covered.

Keywords: national-culture, social life, education, theater, clubs, artels, party, literature,, women, literacy, spiritual-culture, ideology.

Совет мустабид тузумида мавжуд ҳолатлар, шу жумладан, маданият соҳасидаги, санъат соҳасидаги ўзига хосликни илмий-назарий жиҳатдан ёритиб беришдир. Чунончи, буюк тарихимизга эътибор қаратсак ўша даврдаги ютуқларимиз ва камчиликларни таҳлил қилиш бизнинг келажагимиз учун замин яратади.

Совет мустабид тузуми даврида ҳукмрон бўлган коммунистик мафкура миллий маданиятимиз ривожига салбий таъсир қилди, чунки биз ўзлигимизни унутишимиз учун замин бўлди. Бу ҳолат эса тарихимиздаги энг ачинарли ҳолдир. Ҳукмрон мустабид тузум тарихимиздан, маданиятимиздан, миллийлигимиздан қолаверса ўзлигимиздан маҳрум қилишга ҳаракат қилди. Агар юқорида келтирган асосларимиз, биз учун салбий бўлган ҳаракатлар давом этаверганда, миллатимиз ўзлигидан, тарихидан, миллийлигидан, қадриятлардан маҳрум бўлган оломонга

ёки оддий кўғирчоққа айланиб қолиши оддий ҳол бўлиб қоларди.

Совет тузуми даврида Ўзбекистон маданияти, тарихини холисона яратиш ҳозирги даврнинг энг асосий вазифасига айланди.

Ўзбекистон давлати тарихий асосан уч даврга бўлинади, яъни биринчи даври Туркистон АССР (1918-1924), иккинчи давр Совет Иттифоқи Республикаси (1924-1991) ва учинчи давр (1991 йилдан) Ўзбекистон мустақил давлати. Биз бу мақолада асосан Ўзбекистон давлатининг иккинчи даври маданий-маърифий жараён ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Демак, Ўзбекистон давлати 1924 йил 27 октябрда тузилди. Шу йилнинг 5-декабрида Республика деб эълон қилинди. СССР Советларининг III съездининг 1925 йил 13 майдаги Декретида ЎзССРда ССР Иттифоқини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди ва бу хабар кенг ёйилди. Ўзбекистон, албатта, давлат сифатида ташкил топди-ю, лекин мустақил давлат эмас эди. Россия империяси давридагидек Ўзбекистон мустамлака давлат бўлиб қолаверди.

Ҳукмрон Совет давлати маданий соҳага партиявийлик ва синфийлик қолипида ёндашди. Бутун мустамлака мамлакатга марксизм-ленинизм ғояларини сингдириш ва бу ғоялар асосида социалистик маданият, маърифатни яратиш олий мақсад эди. Совет давлати ўзларининг бу олий мақсадидан келиб чиқиб маданият уйлари, маданият боғлари, клублар, мактаблар, кутубхоналар, театрлар, саройлар, кинотеатрлар, артеллар қабила ярата бошлади. Албатта бу ташибусларда коммунистик партиянинг роли катта бўлиб, фаолиятида сиёсий мафкурани халқ оммаси онгига сингдиришга қаратди. XX асрнинг 20 йилларида амалга оширилган табдиллар ҳақида кўплаб асарларда ёритилди ва бу асарларнинг барчасида Ўзбекистонда социализмнинг ғалаба қилганлиги, ўзбек халқининг буюк ютуқлари эканлиги ҳақида кўкларга кўтариб баҳо берилди. Чунки бу давр тақозаси ҳам эди.

Ўтган асрнинг 20 йилларида маҳаллий халқ орасида норозилик кайфияти вужудга келди. Миллий масалалар сунъий равишда бўрттириб юборилди. 1920 йилларда туркийзабон халқлар ягона бўлиб, уларнинг маданияти, анъаналари, динлари ва тарихий илдизлари муштарақдир. Уларни ажратиш бўлмади деган ғоя илгари сурилганди. Бу ғояни марказ рад этади ва панисломизм, пантуркизм ва буржуа миллатчилиги деб баҳолаганди.

Совет мустабид тузуми даврида ҳукмрон бўлган коммунистик мафкура барча усул ва воситалар билан миллий маданиятлар равишига кучли таъсир этди. Маънавиятнинг миллат тараққиётидаги ўрни ва ролини йўққа чиқаришга ҳаракат қилди [1. 4].

Совет тузуми даврида маданиятимиз ғарбона тусда ривожланганди. Бунинг албатта, миллийлигимизга таъсири кучли эди. Лекин шундай бўлишига қарамай Ўзбекистонда маданий-маърифий соҳада ижобий жиҳатларга ҳам эришганди, албатта буни инкор эта олмаймиз.

ЎзССРнинг ташкил этилиши билан биринчи давлат олдидан турган масала иқтисодий ва маданий юксалтириш бўйича катта вазифалар белгиланди. Уларнинг амалга оширилиши, аввало, халқ маорифи масалаларини муваффақиятли ҳал қилишга, республика аҳолисининг ялпи саводхонлигини таъминлашга боғлиқ эди. Бу вазифалар болалар учун умумтаълим мактабларини, катталар учун барча турдаги мактаб тармоқларини, саводсизликни тугатиш мактабларидан тортиб, чаласаводлар учун мактаблар ва катталар учун юқори турдаги мактабларгача мустаҳкамлаш ва кенгайтириш зарурлигини тақозо этарди [2. 25].

20 йилларга келиб мактаблар сони кўпайиб бошлади. Шу жумладан, Сурхондарёнинг турли ҳудудларида мактаблар очила бошлади. Демак мактаблар кўпайди дегани ўз ўрнида ўқувчиларнинг сонини ҳам ошишига олиб келади. 20 йиллар ўрталарига келиб Сурхондарёда ҳам жалб қилинган болалар сони 25% га етди, 1921 йилда мактаблар сони 10 тага етди ва ўқувчи болалар сони ҳам ошиб кетди. Бу албатта ютуғимиз эди.

1924 йилга келиб бутун Ўзбекистон бўйича мактаблар сони 1500 тага етди ва 116 минг ўқувчи ўқирди [3]. Саводхонликка алоҳида жиддий эътибор қаратилгач, албатта зиёлилар сафи кўпайди.

1920 йилларда хотин-қизларга эътибор кучайди, яъни аёллар учун мактаблар, клублар, ипакчилик, каштачилик, тўқимачилик, зардўзлик ва артеллар ташкил этилди. Аёллар ишлар билан таъминланди ва мактабларда ўқий бошлади. 1924 йилларга келиб аёллар сиёсий органларга сайлана бошлади. Ўша вақтда 52 аёл лавозимга сайланган бўлса улардан 5 таси ўзбеклар эди. 1924 йилга келиб ўзбек хотин-қизларнинг сони 23 тага етди [4].

Шунингдек, 20-йилларнинг бошлариданоқ совет ҳукумати маданий-маърифий муассасалар-

клуб, халқ уйлари, қизил чойхона, қираотхона, театр кабилар очилди ва улар сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-маърифий, мафкуравий масалаларда фаолият кўрсатди.

1924 йилда асосан клублар сони 134 тага етди [5]. Бу кўрсаткичнинг ўсиб бориши, албатта, маданий-маърифий соҳада ишлар жадал бораётганлигидан далолат беради.

Шу жумладан, совет тузumi даврида театр соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, Ўзбекистон ҳукуматининг 1925 йил ноябрда бўлиб ўтган II съездида “Термиз шаҳри ва вилоятнинг туман, қишлоқларида, клублар, чойхоналар, аҳоли учун оммавий-сиёсий, маданий оқартувни ташкил этиш” [6] тўғрисидаги Қарори вилоятда бир қанча клублар, кутубхоналар ва бошқа маданий-маърифий муассасаларнинг очилишига туртки бўлди. Қарорнинг далил исботи сифатида 1926-1927 йилларда Термиз шаҳрида 5 та кутубхона, Шеробод туманида 2 та ҳаваскорлик театри ишга тушди. Сиёсий-мафкуравий, маданий-маърифий тизимда кутубхоналарга алоҳида эътибор қаратилди. Кутубхоналарга асосан партия ва совет тизимининг ғояларини кенг тарзда ёйиш учун асосий курул сифатида танланди. Кутубхоналар фаолияти асосан халқнинг ғоявий-сиёсий онгини ўстиришга қаратилди. Шунинг учун ҳам совет мафкурасига қарши бўлган нашрлар йўқ қилинди. Бу ҳолат ўз халқи тарихида энг мудҳиш ҳолат эди, чунки ўзбек халқининг ўтмишини, тарихини, маънавий меросини ёритган ноёб асарлар олиб ташланди.

Шунингдек, 20 йилларда маданий-маърифий, ғоявий-мафкуравий ишларни ёритишда музейларнинг ҳам роли алоҳида эди. Республикадаги мавжуд музейлар фаолиятини ривожлантириш учун марказлашган раҳбарлик ташкил этиш мақсадида 1921 йил 20 майда Туркистон Республикаси музей, қадимий ёдгорликлар, санъат, табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ташкил этилди. Қўмита республикадаги барча тарихий ёдгорликларни ҳимоя қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи берилди. Натижада шу йили 52 та ёдгорлик ҳисобга олинди, 114045 та моддий ва маданий бойликлар музейга тўпланди.

Совет тузumi даврида адабиёт ҳам ўзига хос мафкуравий тазйиқ остида ривожланди. 20 йилларда шундай асарлар вужудга келди-ки, жамиятда бойлар золим инсонлар, камбағаллар эса жамиятни ривожлантирувчи илғор меҳнаткаш кучлар деб таъриф берилди бошланди. Бу икки қарама-қарши зиддият шу давр адабиётининг асосий ғояси бўлди.

20 йилларнинг охирига келиб таълимга бўлган эътибор яна ҳам кучайиб кетди. 1929 йил декабрда Сурхондарёда зиёли аёлларнинг етишмаслиги, камлиги туфайли махсус курслар ташкил этилиши буюрилди. Бойсунда - 1 та, Шерободда - 1 та, Сариосиё ва Деновда - 1 та, Ҳисор ва Жарқўрғонда - 1 та қисқа муддатли курслар очилди ва аёл ўқитувчилар тайёрланди [7].

1930 йилларга келиб Ўзбекистонда давлат корхоналарида фаолият кўрсатаётган аёллар сони кўпайди, шу жумладан Сурхондарё округида - 13 нафар аёл [8] фаолият кўрсатган эди. Бу эса жорий йилларга нисбатан яхши кўрсаткични ташкил қиларди. 1929-1932 йилларнинг апрель, ноябрь ва декабр ойларида Ўзбекистон сиёсий ҳукумати хотин-қизларни раҳбар лавозимларга кўтариш масаласи бўйича 3 та кенгаш ўтказилди. Сурхондарё ҳудудидан ҳам хотин-қизлар партия ташкилотлари таркибида фаолият кўрсата бошлади.

ЎЗСР партия ташкилотлари таркибидаги хотин-қизлар:

ВИЛОЯТ	1926 йил	1927 йил	1928 йил	1929 йил	1930 йил
Сурхондарё	13	33	73	96	93

[9]

Совет ҳукумати партияда фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар орқали ўз сиёсатини, ғояларини сингдиришга интилди. Шунинг учун аёлларни партияга аъзо бўлишга ундади ва уларни бу аъзолиги билан жамиятнинг энг олди, нуфузли аёл қилиб кўрсатишга ҳаракат қилди [10]. Партияга кўпроқ оддий ишчи ва деҳқонлардан олинган, бунинг замирида, албатта, сиёсат ётади. Улар томонидан халқни бошқариш осон бўлган. Халқ эса, албатта, партияга бир овоздан ишонган. Оддий қилиб айтадиган бўлсак совет давлати ва партия маҳаллий буйруқбозликнинг

хар хил турларини қўллади ва натижада аҳолини табақаланишга ва хотин-қизларни нуфузини оширишга олиб келди.

Хулоса қилиб айтидиган бўлсак, Совет ҳукумати ва коммунистик партия олиб борган аянчли сиёсати бу мустамлакачилик сиёсатидир. Бу сиёсат асосан “Компартиянинг ленинча сиёсати”, бўлиб ўз ғояларини самоларга кўтариб мақтадилар ва тарғиб қилдилар. Совет ҳукуматининг Ўзбекистонда олиб борган сиёсатининг асосий мақсади: мустақил давлат бўлиб шаклланишига йўл қўймаслик ва руслаштириш сиёсатини олиб бориш, бу сиёсат маҳаллий халқ билан қўшилиб, ассимиляциялашиб кетишига хизмат қилишидан иборат эди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Юлдошева М. Миллий маданият ривожининг машаққатлари. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти Тошкент-2007. 4-бет.
2. Юлдошева М. Миллий маданият ривожининг машаққатлари. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти. Тошкент-2007. 25-бет.
3. Алимова Д. O'zbekiston tarixi. –Т.: Sharq. 2002. –В. 166.
4. Жўраева Н. Ўзбекистонда хотин-қизларга муносабат.-Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. 2013. 29-бет.
5. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида . – Тошкент: Шарқ, 2000.
6. Ўзбекистон Ҳукумати Қарори // Қизил Ўзбекистон, 1925. 12 декабрь.
7. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 315- фонд, 18-рўйхат, 1-иш, 133-варақ. Сурхондарё вилоят Ижроя Комитетининг кенгашидан. Протокол №23.
8. Жўраева Н. Ўзбекистонда хотин-қизларга муносабат.-Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. 2013. 29-бет.
9. Жўраева Н. Ўзбекистонда хотин-қизларга муносабат.-Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. 2013. 30-бет.
10. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 149-фонд, 18-рўйхат, 1-иш, 1-2 варақлар.
11. Акрамов Ш. ва бошқалар. Ўзбекистоннинг маданий обидалар.-Т.: “Ўзбекистон”, 1993 й.
12. Маданият ва маънавият муаммолари.-Т.:”Мерос”, 1994 й.
13. Хайруллаев М. Ўзбекистонда ижтимоий фалсафий фикрлар тарихидан.-Т.: “Ўзбекистон”, 1995 й.
14. Очилдиев А. Маданият фалсафаси.-Т.: “Мухаррир”, 2010 й.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МАНФААТЛАРИНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ (СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

Бегамова Насиба Холмирзаевна

Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти.

Математика, табиий ва гуманитар
фанлар кафедраси ўқитувчиси

Email: femidabegim@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада мустақиллик йилларида фермер хўжаликларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги иштирок масаласида олиб борилган тадқиқотлар натижасида фермерлар томонидан мавжуд имкониятларини ишга солиши туфайли хўл мева етиштиришга алоҳида эътибор берилганлиги манбаларда ўз тарихий таҳлилини топганлиги ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: фермер хўжалиги, тадқиқотлар, мева-сабзавот, ҳосилдорлик, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, мевачилик ва боғдорчилик, хўжалик аъзолари.

Аннотация. В данной статье, в результате проведенных исследований участия в социально-экономическом развитии фермерских хозяйств в годы независимости, считается, что особое

внимание уделялось выращиванию мокроплодов за счет использования существующих возможности земледельцами, что нашло свой исторический анализ в источниках.

Ключевые слова: фермерское хозяйство, исследования, плодоовощная продукция, продуктивность, сельскохозяйственная продукция, плодоводство и садоводство, члены хозяйства.

Abstract. In this article, as a result of the research conducted on the participation in the socio-economic development of farms in the years of independence, it is thought that special attention was paid to the cultivation of wet fruits due to the use of existing opportunities by the farmers, which found its historical analysis in the sources.

Keywords: feomer farming, research, fruits and vegetables, productivity, agricultural products, fruit and horticulture, farm members.

Мустақиллик йилларида фермер хўжаликларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги иштирок масаласида олиб борилган тадқиқотлар натижасида фермерлар томонидан мавжуд имкониятларини ишга солиши туфайли ҳўл мева етиштиришга алоҳида эътибор берилганли манбаларда ўз тарихий таҳлилини топди. Республика сабзавот, мева, узум етиштириш бўйича ҳам салмоқли ўрин эгаллаб, ҳозир Ўзбекистонда 1995 йил 5 миллион тоннага яқин мева-сабзавот етиштирилди. Бу Республикамиз аҳолиси эҳтиёжидан анча ортиқдир. 1994 йили сабзавот экинлари 10,4 минг гектар майдонга экилиб, ўртача ҳосилдорлик 170 центнерни ташкил қилди. Давлатга 177,60 минг тонна сабзавот, 2,9 минг гектар ерга картошка экилиб, ўртача ҳосилдорлик 84,4 центнерни ташкил этиб, давлатга 24,4 минг тонна картошка топширди. Полиз 2,5 минг гектар майдонга экилиб, ўртача ҳосилдорлик 141,8 центнерни ташкил этиб, давлатга 35,6 минг тоннаси сотилди [1.336]. Сурхондарё вилоятида иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши натижасида қишлоқ хўжалик тармоқларида ҳам ижобий силжишлар ўз таъсирини кўрсатди. 1995 йилда, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш анча сезиларли ўсиб, пахта-370,6 минг тоннага, дон-269,0 минг тонна, жумладан, буғдой-200,8 минг тонна, сабзавот-120,0 минг тонна, картошка-18,4 минг тонна, полиз-32,4 минг тонна, ҳўл мева-25,1 минг тонна, узум-75,1 минг тоннага етди [2].

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш соҳада самарадорликни оширишнинг муҳим омили фермер хўжаликлари учун мутахассисларни билим тажрибалардан фойдаланиш давлат сиёсатида айланди. Янги ташкил этилаётган фермер хўжаликлари учун мутахассислар ўз билим тажрибаларни бойитиш мақсадида ривожланган мамлакатларнинг мевачилик-боғдорчилик тажрибалардан фойдаланишга алоҳида эътибор бердилар. Фермер хўжаликларга хизмат қилаётган мутахассисларни замонавий боғдорчилик-мевачилик соҳасидаги билим тажрибасини ошиб бориш натижасида меваларни қайта ишлаш, консервалаш, уни импорт қилиш масаласидаги фаолияти анча ўсди.

Фермер хўжаликлардаги боғдорчилик соҳасини тиклаш ва қайтадан ривожлантириш борасида муҳим аҳамиятга эга бўлган мутахассислар томонидан импорт ўрнини босувчи кўплаб янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани, экспорт ҳажми йил сайин ўсаётганлигини, пировардида, барқарор ривожланишга эришилганлигини асосида билим тажрибанинг жаҳон андозаларига мос келишига боғлиқ бўлди. Бироқ, жанубий ҳудудларда ҳам фермер хўжаликлардаги боғдорчилик-мевачиликнинг жадал ривожланишига тўсиқ бўлган омиллар ҳам мавжуд бўлиб, 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устивор йўналишларга бағишланган. Холбуки, саноат билан бир қаторда иқтисодиётимизнинг қишлоқ хўжалиги каби етакчи соҳаси ҳам модернизация қилиш, унинг таркибига қирадиган деярли барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг бутун комплексида техник ва технологик янгилаш ишлари амалга оширишга катта эҳтиёж сезилмоқда. Бу борада, аввало, ерларнинг унумдорлигини ошишга алоҳида эътибор қаратиш лозим [3].

Сурхондарё вилоятида фермер хўжаликларига хизмат қиладиган мутахассисларни тайёрлаш соҳасида хизмат қилиб келаётган Шредир номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институтининг Жанубий Ўзбекистон мевачилик-узумчилик селекцияси бу Сурхондарё вилоятидаги энг кекса илмий муассасалардан бўлиб, 1935 йили таянч марказ сифатида ташкил этилган. Мустақиллик йилларида марказ малакали илмий

ходимлар ва замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланиб, кенг кўламда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Илмий марказ вазифаси фермер хўжаликлари учун ҳар хил тур ва навларни интродукциялаш янги навлар яратишдан тортиб, экинлар парвариши, маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш технологияси фан ютуқларини тарғибот қилиш ва вилоят фермер хўжаликларида амалга жорий этишгача бўлган боғдорчилик ва узумчилик соҳаларига доир кўплаб ишларни амалга оширди. Илмий марказ ходимлари барпо этган ажойиб “Дендро парк” дунё мўъжизаларидан бири саналади. Бундан ташқари марказ ходимлари вилоят фермер хўжаликларида боғ-роғлар барпо этиш, мевазор ва узумзорларни кўпайтиришга амалий ёрдам бериб, Бандихон ва Қизириқ туманларида ташкил этилган фермер хўжаликлари учун мевачилик ва боғдорчиликка мослашган экспериментал хўжалик барпо этди.

Илмий марказ олимлари субтропик мевали ўсимликларнинг янги навларини яратишда ҳам катта муваффақиятларга эришиб, анорнинг ўнта, хурмонинг ўнта, анжирнинг учта янги навини яратди. Бундан ташқари бу ерда ноёб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари тайёрланиб, Денов шаҳри, шунингдек, бутун вилоят шаҳар кўчаларининг қиёфасини ўзгартириш учун манзарали дарахтлар етказиб берди.

Мутахассисларнинг бевосита фаолияти натижасида, фермер хўжаликлардаги мавжуд боғлар реконструкция қилиниб, мевали дарахтларнинг интенсив навлари парваришланиб, ҳосилдорлик тўрт-беш барабар ошди. Шу боис Сурхондарё вилоятда 2010 йилда боғдорчиликга ижтисослаштирилган 1500 дан ортиқ фермер хўжаликлари ижобий ютуқларга эришди. Қумқўрғон туманидаги “Чорвадор” фермер хўжалиги –шулардан бири. Мазкур жамоа “Микрокредитбанк”нинг 400 миллион сўм кредити эвазига 12 гектар майдонда интенсив боғ яратишга киришиб, бу ерда олманинг карлик (пакана) ва ярим карлик навлари экиляпти. Ушбу навлар маҳаллий тупроқ-иқлим шароитига тезда мослашиб, гектарига 400-500 центнергача ҳосил берди [4]. Шунингдек, Сариосиё туманидаги “Дашнобод” ва “Миробод Сурхон” фермер хўжаликларида ҳам шу усулда янги боғлар барпо этилди. 2010 йилда йил Сурхондарё вилоятида фермер хўжаликларга қарашли мевали боғ ва токзорлар 603 гектарга кенгайтирилади, жумладан, фермер хўжаликларида қарашли 263 гектарида янги боғлар яратилиб, жумладан, 523 гектар ер реконструкция қилинди [5]. Сурхондарёнинг Шўрчи туманидаги Далварзин қишлоғига туташ ҳудудда “Зайтунзор” фермер хўжалиги тасарруфида 400 гектар ернинг асосий қисмини ўрмон, чангалзор, қамишзорлар ташкил этди. Хўжалик аъзолари бу ҳудуднинг табиий ривожланишига ҳалақит қилмай, бу ерда қамишнинг 20 турини етиштириб, қурилиш маҳсулотлари сифатида сотдилар. Жийданинг ўн тури бор, жумладан, чилонжийда, ёввойи жийда, шакаржийда етиштирилиб, аҳоли эҳтиёжлари учун таъминлаб, қуюқ экилган тераклар экилиб, жингилзорлар қумни кўчкidan, ўпирилишлардан сақлашга хизмат қилмоқда. Фермер хўжалиги мавжуд бутазор ва қиёқзорлар ерда юрувчи паррандалар, товушқон, юмронқозиклар учун хавфсиз қўрғон ҳисобланган ерларни экологик жиҳатдан ҳимоя қилишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Фермер хўжалигининг бевосита фаолияти натижасида ёввойи ўрдак, патлари гоҳи қирмиз, гоҳи зангори товланувчи ёввойи товуқ, қанотларининг ранглари ҳудудга мослашиб, турли тусга кирадиган тувалоқлар имкон қадар ўз ошиёнларини бегона кўзлардан пинҳон тутиб, осойишталик гаштини сурадилар. Қишлоқда фермер хўжаликлар учун кенг тармоқли ижтимоий ишлаб чиқариш инфраструктурасини яратиб, янги иш жойларини очиш, янги ишлаб чиқаришларни вужудга келтириш, бинобарин, ижтимоий муаммоларнинг кенг кўламини ҳал этиш, қишлоқ аҳолиси турмуш шароитини яхшилаш учун зарур капитални жалб эта оламиз. Фермер хўжалиги раҳбари Ҳайдархон Маҳмудов жамоаси яратган 40 гектарлик боғнинг бир туп токдан 100 килограммгача узум олинди. Бодомлари асалнинг таъминини бериб, уч гектарлик зайтунлардан ҳосилга кириб, қўшимча хўжалик йилига 6-7 минг туп мевали, манзарали дарахт кўчатларини етиштириб, аҳолини ниҳол билан таъминлашга ҳисса қўшди.

Республикамизда ўтказилган ислохотлар натижасида фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг барча турларини етиштириб, юртимиз дастурхони тўкин бўлишига ҳисса қўшдилар. Фермерлар сон жиҳатдан кўпайиб, 2006 йилда Республика бўйича 190 мингга яқинлашди. Уларда жалб этилган қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг умумий сони 1,4 миллион кишига етди. Биргина 2006 йилнинг ўзида 666 та ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш ҳисобидан 74 мингта фермер хўжалиги тузилди, уларнинг ярмидан кўпи мевасавзавотчиликка ихтисослашди. Мева-савзавотчилик билан шуғулланадиган 200 та агрофирма

ташқил этилди [6.162].

Хулоса қилганда, бугунги кишлоқ хўжалик тараққиётида фермер хўжаликларининг ўрни бекиёс эканлигини таъкидламоқ лозим. Зеро, хўжаликнинг ушбу шакли моддий манфаатдорлик асосида қурилиб, жамиятнинг иқтисодий ривожланишига муҳим ҳисса қўшади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. С.Н.Турсунов, Э.О.Қобилов ва бошқалар. «Сурхондарё тарих кўзгусида» -Т.: «Шарқ». 2001. 336 б.
2. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги жорий архиви. 1998 йил 2 феврал. №-3 баённома. 9 бет.
3. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 6-баённома, 3-ҳужжат, 2011 йил, 27 январ, 15 бет.
4. Олимжон Усанов. Халқ сўзи, 2011 йил 19 март, №55 (5222).
5. Каримов И.А. Бунёдкор халқимиз азму шижоатининг амалдаги ифодаси. Асарлар тўплами, 15 жилд. –Тошкент: Ўзбекистон. –2007. –Б. 162.
6. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги жорий архиви. 2012 йил 17 январ. №-2 баённома. 3 бет.

ЎРТА ОСИЁГА ЧИНГИЗХОН ИСТИЛОСИГА ОИД ТАРИХИЙ МАЪЛУМОТЛАР ТАҲЛИЛИ

Қаюмов Алишер Тожиевич
Термиз давлат университети
илмий тадқиқотчиси

Аннотация. Ушбу мақолада Ўрта Осиёга Чингизхон истилосига оид тарихий маълумотлар таҳлили ҳақида сўз юритилган. Жаҳон ва ўзбек тарихшунослигида Ўрта Осиё тарихида муҳим из қолдирган Чингизхон шахси ва унинг олиб борган ички ва ташқи сиёсати хусусида билдирилган тарихий таҳлиллар ўзининг якуний фикрига эга эмаслиги билан ажралиб туради. Шундай қилиб, бизнинг олиб борган таҳлилларимиз манбалар қолдирган маълумотлардаги жумбоқларга аниқлик киритишдан иборатдир.

Калит сўзлар: тарихшунослик, сиёсий қарашлар, фольклор услуби, шавқатсиз, талон-тарож, давлат божи, савдогар.

Аннотация. В данной статье посвящена анализу исторических данных, связанных с завоеванием Чингисханом Средней Азии. В мировой и узбекской историографии исторические анализы Чингисхана, оставившего важный след в истории Средней Азии, и его внутренней и внешней политики, отличаются тем, что не имеют окончательного мнения. Таким образом, наш анализ направлен на прояснение загадок в информации, оставленной источниками.

Ключевые слова: историография, политические взгляды, фольклорный стиль, наглость, грабеж, госпошлина, купец.

Abstract. This article deals with the analysis of historical data related to Genghis Khan's conquest of Central Asia. In world and Uzbek historiography, the historical analyzes of Genghis Khan, who left an important mark on the history of Central Asia, and his internal and foreign policy, are distinguished by the fact that they do not have a final opinion. Thus, our analysis aims to clarify the puzzles in the information left by the sources.

Keywords: historiography, political views, folklore style, brazen, robbery, state duty, merchant.

Жаҳон ва ўзбек тарихшунослигида Ўрта Осиё тарихида муҳим из қолдирган Чингизхон шахси ва унинг олиб борган ички ва ташқи сиёсати хусусида билдирилган тарихий таҳлиллар ўзининг якуний фикрига эга эмаслиги билан ажралиб туради. Шундай қилиб, бизнинг олиб борган таҳлилларимиз манбалар қолдирган маълумотлардаги жумбоқларга аниқлик киритишдан иборат бўлиб, қатор изланишлар туфайли куйидаги маълумотлар тақдим этилмоқда. Бу масаланинг асосий ечими муаллифнинг – Чингизхоннинг сиёсий тенглик бобидаги қарашларидир. Биз ушбу мулоҳазалардан келиб чиқиб якуний хулоса қилишимиз мумкин, яъни олдимизда «Мўғулларнинг сирли тарихи» ни «Сир тутилган ҳикоялар»

асарларида қайд этилган муносабатларни холисона таҳлил этишдир. Бу асарларни ўрганишдан мақсад, 1240 йилда Мўғуллар тарихига қизиқиш уйғотган изланишлар доирасидаги баъзи бир сиёсий қарашларни ўқитишдан бошқа ҳеч нарса эмасди. Шу боисдан ҳам «Мўғулларнинг сирли тарихи» ни «Сир тутилган ҳикоялар» га нисбатан анча омадли ва аниқ баён қилинган. «Сир тутилган ҳикоялар» асарида келтирилган мулоҳазалар анчайин ўзгача фольклор услубида ёзилганлиги билан ажарилиб туради [1].

Ушбу асар ҳақида ўтган даврда кўплаб нохолисона ва ноўринли фикрлар кўплаб келтирилган бўлиб, асарга нисбатан бўхтон тошларини отиш, мунофиқларча фикр билдириш, воқеалар хронологиясини тушириб қолдириш ва ички сиёсатга эса ўта зўр бериб фикр билдириш асосида қизиқиш уйғотиши даврнинг талаби эди. Аммо муаллиф асарни ёзиш жараёнида ватанпарварми ёки монархларга хос ким билан кураш олиб борди, ким билан баҳслашди? Бу ҳақида аниқ маълумотларни тақдим этмайди.

Асардаги бу ҳолатини аниқлаб олиш учун XIII асрнинг 30-40 йилларига мурожаат қилишимиз, ва у ердан ўзимиз тасаввуримизда муаллиф ўрнидан у қандай шароитда ушбу асарини яъни сирли тарихни ёзганлигини ҳис этишимиз лозим бўлади [2].

Чингизхонни ҳукмронлигини охириги йилларида Мўғуллар империясини ички сиёсатида иккита бир-бирига қарама-қарши сиёсий йўналишдаги (И.П.Петрушевский, Рашид-ад-дин и его исторический труд, Рашид-ад-дин, Сборник летописей, т. 1, кн.1, стр. 12-14.) кучлар ётганлигини инобатга олишимиз керак бўлади. Биринчисини биз ҳарбий партия деб атаيمиз, ушбу партия забот этилган ҳудудлардагиларни шафқатсизларча талон-тарож қилиш, бутунлай уларни қириб ташлаш, ҳамда мавжуд шудгор ерларни моллар боқиладиган ҳудудларга айлантирганлигини эътиборга олиш. (Иакинф (Н.Я.Бичурин), История первых четырех ханов..., стр. 153-154.) Улар асосан қадимги Мўғуллар удумига асосланган ҳолда иш тутишарди. Чингизхон вафотидан кейин уни ифодачиси этиб Субэдей-баҳодир сайланади. Иккинчи йўналиш вакиллари эса забот этилган ҳудудлардагилар билан тинчлик муносабатлари ўрнатишга ва ҳарбий монархияни бюрократияга айлантириш тарафдорлари эди [3].

Ўқтой даврига келиб бутун давлатни Елюй Чу-цой бошқариб, бир қанча реформалар чиқариб ташлади. Чиқарилган реформалар мўғуллар ҳарбий лашкарбошилари томонидан зўровонликларга чекловлар эълон қилиб, ҳар бир Мўғул ўзига тегишли бўлган чорвалар ҳар бир боши учун бир фоизлик солиқ йиғими, Хитой аҳолиси эса уй яшаш жойи бўйича солиқ тўлашга, енгилроқ солиқ эса мўғуллар ва мусулмонлар учун бўлиб, улар жон бошига солиққа тортила бошландилар. Ушбу ислохат орқали солиқ тушумини йўлга қўйиш билан ҳудудларда издан чиққан шаҳар, қишлоқларни тиклаш ва қишлоқ хужалигини оёққа турғизишга хизмат қила бошлади. Мана шу солиқ сиёсатидан кейин Елюй Чу-цой ўз мавқеини анча мустаҳкамлаб олишга муваффақ бўлиб, Мўғуллар ҳарбий лашкарбошиларини эътирозларига чекловлар жорий этилди. 1233 йили Ўқтой узоқ вақтли қамалдан кейин Бяңзинь шаҳрини эгаллади. Мўғуллар удуми бўйича, ишғол қилинаётган шаҳар аҳолиси агар қаршилиқ кўрсатишса, қатл этилиши лозим эди [4]. Аммо Елюй Чу-цой Хонга, шаҳар аҳолисини жонини сақлаб қолишдан қандай катта манфаат кўриш мумкинлиги юзасидан нутқ тайёрлайди. (И.П.Петрушевский, Рашид-ад-дин и его исторический труд, Рашид-ад-дин, Сборник летописей, т. 1, кн.1, стр. 212.) Буни Ўқтой яхши қабул қилиб рози бўлади. Субэдей-баҳодир кейинги йили шимолий-ғарбда уруш жангоҳида бўлиб, у ердан у империянинг олиб бораётган сиёсатига ўз таъсирини ўтказа олмади [5].

Елюй Чу-цой томонидан режали равишда ҳарбий монархияни, бюрократияга айлантирилиши учун олиб борган ҳаракатлари Мўғул жамиятида қаршилиққа учрамасдан қолмади, барибир улар зўрға тан беришди ва ўз жойларини бўшатишди. Мўғуллар бу борада заиф эдилар, чунки четдан келган зиёли ўқимишли олдаида таслим бўлишди. Ушбу вазирга хавф бошқа томондан боқа бошлаган эди.

Четдан олиб келинаётган маҳсулотларга давлат божи солиниши билан савдогарларга унчалик ҳам қўл келмасди, чунки Хитой маҳсулотлари ҳар бир савдогарни жону дили бўлиб, ушбу маҳсулотлар билан ўзларининг ички бозорларини тўлдириш истагида эди. Мана шундай савдогарлар қаторида уйғурлар бўлиб, улар бир вақтлар Мўғуллар томонига ўтиб кетишган эди. Уларнинг даҳолари исмлари: Кадок - Хитойда рўйхатга олиш ишлари бўйича маъсул, Чинкой, Елюй Чу-цойдан мерос тариқасида вазирликни қабул қилиб олган

– несториан (сиёсий-руҳоний, Христиандаги оқим вакили); Абдурахмон – Ижардор ва Маҳмуд Ялавач. Ушбу инсонлар қизиқишлари орқали нафс балосига йўлиққанлардан. 1239-1240 йилларда Абдурахмон Хитойдан Елюй Чу-цойнинг фикрларига қарши хилоф равишда солиқ йиғиштириши оқибатида Елюй Чу-цой ундан қаттиқ ранжийди ва у билан баҳслашади, натижада Хон унга шундай дейди: «Сен билишимча, уришмоқчисан?» ва қўшимча қилиб: «Сен халқ учун узоқ вақт қайғурасанми?» [6].

Ушбу вазиятда ҳам Елюй Чу-цой ларзага келмасдан эътиборини қаратмади. Ўқтой унинг ўта билимдон, қатъиятли ва чин дилдан ўз ишига ёндошиши учун ҳам барибир унга ишонарди. Савдогарларнинг нафс балоси ва калондимоғлик билан олиб борган қатъий ҳаракатлари ўз заифлигини кўрсатди. Аммо 1241 йилнинг 11 декабрида Ўқтой оламдан ўтади [7].

Хоннинг ўлимига сабаб бўлган нарса – ҳаддан зиёд шароб ичиш оқибати расмий равишда айтилсада, аммо унинг ўлимига бошқа нарса сабаб бўлганди, Плано Карпини берган маълумотларга кўра уни заҳарлашган эди. Бу фикрни ва тахминни эса, Рашид-ад-дин қатъиян рад этади, бу ҳақиқатга якин эмас.

Бу воқеа қандай бўлишидан қатъий назар бунда душманларнинг қўли борлиги аниқ бўлиб, Ўқтойнинг ўлими эса, Елюй Чу-цойни душман қўлига боғлаб қўйди. Чинкой администрацияга, Абдурахмон эса, молияни бир қисмида фаолият кўрсата бошлади. Бахтсиз, бадбахт вазир узоқ ташвиш ва саросималардан кейин ўзи бошлаган ишни расвоси чиққанига дош беролмай жон таслим қилади. У 1244 йилда Қорақурумда вафот этади.

Туракинларни вақтинчалик ҳокимиятни бошқарганлик даврини ҳарбий партиянинг бошқарувчанлик қобилияти энг баланд чўққисига чиққан даври дейиш, хато бўларди. Туракинлар жуда ҳам бошқариши кучли бўлган аппаратни ўзларига мерос қилиб олганликлари сабабли ҳам улар оппозициядаги ижтимоий гуруҳларнинг таъсирига қарамасдан узоқ вақтлар ҳокимият тепасида бўлиб туришди. Ахмоқ, калтафаҳм, бу аёл Туркина ҳеч қачон давлат тепасида қанча вақт туриши учун ҳисобот беришини ўйлаб кўрмаганди [8].

Давлат тепасига келиб қолган бир қанча сарой аъёнлари орасидан давлат ишларини бошқаришда ўзларининг иғволари билан халакит берувчилар сони ортиб, ушбу ғаламисларни Фотима-хотун бошқарарди. Ушбу аёл асли форс миллатига мансуб бўлиб, бир вақтлар Форс давлати ерларидан асира қилиб олинган. Унинг ҳийла, найранг ва ўзбошимчалик билан олиб бораётган ҳатти-ҳаракатлари ўзининг кульминацион нуқтасига етган давр эди. Чинкой ўз жонини сақлаб қолиш мақсадида, Ўқтойнинг невараси, Кудэнни ҳимоясига отланди. Маҳмуд Ялавач эса сарой соқчиларига чап бериб, қочиб қолади, Кергиз эса, қўлга олиниб, Фотимани бўҳтон тухматларига тўла маълумотлар билан қатл этилади. Туракинни бошқаруви Елюй Чу-цойни бошқаруви даврига кўра, кўп норозиликларни келтириб чиқара бошлади [9].

Ҳарбий партия 1230 йилларда жуда жипс бўлган бўлса, 1240 йилларга келиб уларни сафи тарқоклаша бошлади. Улар иккита гуруҳга ажралиб кетади. Бунда оқибатида Туракинг давлатни 1246 йилнинг август ойигача, тахтга Гуяк келгунига қадар ушлаб туришига имконият яратиб беради [10]. 1242 йилда Тэмучинни одамлари, яъни ҳарбий аслзодалардан иборат собиқ сафдошлари тахтни олиб қўйиш учун сайи ҳаракатлар олиб бориш мақсадида, бошида Тэмгу-отчигинга кейин эса уруғдаги бош неваралардан бўлган Ботуга ва ниҳоят Мэнгуга ишонишади, аммо уларнинг бу ҳаракатлари ҳам акс таъсир оқибатида амалга ошмайди [11].

Бошқа яна бир Уйғур савдогарлари бўлиб, бунда уларнинг таркибини ўрта ва паст табақали жангчилар найманлар, кэриетлар ва қоракиданлардан ташкил топган гуруҳ вакилларининг сайи ҳаракати эди. Ушбу гуруҳ вакилларининг асосий ғоясида Христианлик бўлиб, ушбу диндаги оқим вакиллари билан бўлган Ботунинг энг ёвуз душмани бўлган – Гуяк уларни бошлиғи эди. Бир нарса қизиқки, Гуякни ўзи христиан эмасди. Аммо XIII - асрда сиёсий қарашлар билан диний эътиқод ўртасида ўзаро қизиқишлар бир-бирига мос келган давр эди [12].

Христианликни несториан оқими, Марказий Осиёга VII-VIII асрларда кириб келиб, XIII - асрларда у ўзининг энг гуллаган палласига чиққан даври ҳисобланарди. Ўша пайтларда ушбу оқимга асосан кэриетлар кирган бўлиб, аста-аста у ўз домига уйғурларни, босмалиларни ҳам жалб қилади. Христианлик ғояси найманлар билан қоракиданларни ҳам четда қолдирмайди. Чингизхон томонидан забт этилган ўлкалардаги кўплаб кўчманчилар христиан динига кира бошлашган эди. (Несториане упоминаются Рубруком неоднократно. Например, в Кульдже («Путешествие в восточные страны Плано Карпини и Рубрука», М., 1957, стр.127), у найманов

(стр.115), у меркетов (стр.116), в ставке Батыева сына Сартака (стр. 117) и Мэенгу Хана (стр.117) и др. Старый обычай моления у монголов состоял в том, что они складывали большой, указательный и средний пальцы, прикладывали их ко лбу и наклоняли голову (Д. Банзаров, Черная вера, СПб, 1891, стр. 43). Смысл этого обычая был самым монголам непонятен, так как ещё в 13 в. Христианство в Монголии стало одиозным. Иоанн Мандевильский замечает, что у монголов хан и князья по религии отличались от народа (Д.Банзаров, Черная вера, стр. 17), и действительно Койяк сказал Рубруку про Сартака, что «он не христианин, а моал» («Путешествие...», стр. 114) противопоставив два существовавших одновременно и боровшихся между собою мировоззрения-языческое и христианское) [13].

Биз энди «Мўғулларнинг сирли тарихи» муаллифининг келажакдаги тақдири ҳақида бирон нима дейишимиз қийин у, бизнингча, сарой аёнларидан бири бўлган бўлиши мумкин. 1242 йилги давлат тўнтариши вақтида, яъни ўша йили, Отчигинни тахтдан ағдариб ташланган йили, бир қанча саройдагилар қаттиқ шикастланишди, кўплари Хонларининг аҳмоқона ҳаракати ҳамда кўрқоқлиги боис бошларидан айрилишганди [14]. Агарда «Мўғулларнинг сирли тарихи»да расман Тэмучин шахсини ёмон томонларини кўрсатиш учун олиб борилган баҳслардан иборат бўлса, бунга қарши ушбу шахсининг ижобий ҳислатларини ҳам очиб бериш учун олиб борилган мунозарали тортишувлар ҳам кимгадир қаратилган эди. Шунини яхши билиш жоизки, Тэмучин ва унинг каллақесар сафдошларига ҳар қандай ташқи давлат ҳудудларини босиб олишдан кўра, ўз юртларидаги қабилаларни бирлаштириб ягона империяни барпо этиш учун қилган сайи ҳаракатларига қабиладошларининг ишончсизлик билдирганликлари, ушбу буюк давлатни барпо этиш жуда ҳам қийин ва жуда ҳам кўп кучни талаб қилиш билан бирга мисли кўрилмаган қурбонларни талаб қилганлиги аниқ маълумотли манбадир. Бу ҳаракатлар олдида бир қанча, қабилалар, яъни қайсиқим, найманлар, кэриетлар, татарлар, ойратлар ва бошқалари талон-тарож қилиндилар, қатл этилдилар ва энг ёмон инсонийлик кадр-қимматлари ер билан яксон қилинди, ушбу қаби маълумотларга тўла воқеалар «Мўғулларнинг сирли тарихи» асарида ўз ифодасини топмасдан қолмади. Уларнинг бу ҳаракатларига қарши иккинчи тенденцияли куч, яъни адолат қарор топишини, Мўғулистонга тартиб интизомни олиб келувчи, ҳаммани жипслаштирувчи донишманд Хон ўртага чиқади [15].

Бу ердаги зўрма-зўракилик яққол кўриниб турибди: асирага олинган чиройли аёллар «тартиб» бўйича, голибларга, яъни умидсизликка тушган уларнинг эрлари ва оталарига (А.С. Козин, Сокровенное сказание, пар 241.) қарши қўйилган жазолаш гуруҳига насиб этарди. Мўғулистонни ўзи ҳам «бирлашиш» жарёнида Ўрта Осиё, Русия ва Манчжурия давлатларидаги халқлардек зиён заҳмат чекишганди, улар бу ерда нафақат қонли тўқнашув, ўлим борлигини балки тинчлик, фаровонлик ҳам бўлади деб, ишонтира олишганмикин [16].

Мана шу борада Мўғул хонлари ва мўғул фахрийларининг қарашлари бир-бирига монанд келди. 1240 йилда ҳали яқдиллик, бирдамлик бузилмаган ҳолатлари бизнинг ушбу асримизда ўз аксини топган.

Ҳамма айтилганлардан шунини кўриш мумкинки, Чингизхонни юқори даражага кўтарилиш даврини баҳолаш ва социологик таҳлиллар, қатъий равишда тарихий танқидчиларнинг назорати остида бўлиб, манбалар берган маълумотлар кучли тартибда ички ва ўзаро солиштиришлар таъсирида бўлган. Мўғул баҳодирларидан кимлар феодал муносабатлар ўрнатилиши учун кураш олиб боргану, кимлар унга қарши бўлган. Биз буни фақатгина унинг асл фаолиятининг асослари очилгандагина билишимиз мумкин, аммо буни муаллиф ва унинг манбалари томонидан яширинган ҳолда маълум қилинган [17].

«Мўғулларнинг сирли тарихи»даги маълумотлар қай даражада ишонарли эканлигини аниқлаш мўғул филологлари зиммасида. Аммо охириги 1920 йил ичида, С.А. Козин асарининг таржимаси дунёга келгани бери ҳам ҳеч қандай иш олдинга силжимасдан кўрилмасдан келмоқда. Ажойиб тарихчи берган маълумотлар илмий изланишларга киритилишда ундаги баъзи бир сўзларнинг деталлари нотўғри таржима қилиниб, асл маъносини йўқотиш билан, ўз кашфиётини топмасдан қолмоқда. Қўшни давлатлардаги тарихчи олимлар Чингизийлар муаммосини ўрганишни ўзлари билган тасаввур бўйича ҳаракатда бўлиб туришибди. Воқеалар логикасини тўғри баҳолаш ва уларни бир-бирига тўғри боғлаш орқали ягона ва ишончли ҳаракатларни амалга ошириш орқали воқеалар тафсилотини тўғри талқин қилиш имкони туғилади.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Татар-монғоллар в Азияи и Европе. Издательство “Наука” главная редакция восточной литературы. Москва. 1970. С-473.
2. “История Монгольской Народной Республики”, изд: 2, М., 1967.
3. Хань, Жу-линь, Лунь Чанцзисы-хань (О Чингисхане), “Лиши яньцзю”, 1962, №-3,
4. В.В. Бартольд. Образование империя Чингис-хана,- ЗВОРАО, Т. X вып, I-IV, 1897, стр. 105-119.
5. В.В.Бартольд. Туркестан в эпоху монгольского нашествия, ч.II, СПб., 1900.
6. Б.Я.Владимирцев, Чингис-хан, Берлин-Пг.-М., 1922.
7. Рашид ад-дин, Сборник летописей, т.1, пер. Л.А.Хетагурова, М-Л., 1952.
8. Б.Я.Владимирцев. Общественный строй монголов. Монгольский кочевой феодализм, Л., 1934, стр. 7-8.
9. Сокровенное сказание. Монгольская хроника. Том 1. Пер. С.А.Козина. М-Л, 1941, стр. 84.
10. П.Карпини. История монголов. Путешествие в восточные страны. СПб, 1910, стр. 221.
11. Н.Я.Бичурин. История первых четырех ханов из дома Чингисова. СПб, 1829, стр. 40.
12. Комментарий архимандрита Палладия Кафарова на путешествие Марко Поло по Северному Китаю. СПб, 1902, стр. 21-22.
13. Дай Си-Чжан. Си Ся цзи. (Записки о Си Ся), гл. 26. Бейпин, 1924, стр. 96.
14. К.Д.Оссон. История монголов. Том 1, Иркутск, 1937.
15. Е.И.Кычанов, Шавкунов Э.В. Дальний Восток в XIII-XVI веках. – «История Сибири» (Макет), (Новосибирск), 1965, стр. 639.
16. В.В.Бартольд. История культурной жизни Туркестана. Ленинград, 1927, стр. 85.
17. Д.И. Тихонов. Хозяйство и общественный строй Уйгурского государства. X-XIV вв., М-Л, 1966, стр. 58.

ХІХ АСРНИНГ 70-ЙИЛЛАРИДА РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА ИРРИГАЦИЯГА ОИД ТАДҚИҚОТ ИЗЛАНИШЛАРИНИНГ ОЛИБ БОРИЛИШИ (ЎРТА ЗАРАФШОН ВОҲАСИ МИСОЛИДА)

Бободустов Бобир Мирзобоевич
Самарқанд давлат университети
таянч докторанти

Аннотация. Ушбу мақолада Россия империясининг XIX асрнинг 70- йилларида ўрта Зарафшон воҳаси ирригацияси бўйича ташкил қилган тадқиқот ва изланишлари таҳлил қилинган. Бунда Зарафшон дарёси атрофидаги обикор ерларнинг суғорилиш ҳолати, экилаётган асосий экин турлари, ўрта Зарафшон ҳудудида суғориладиган ерларни кўпайтириш бўйича империя маъмурияти томонидан ишлаб чиқилган дастлабки чора-тадбирлар ҳамда уларнинг аҳамияти ўрганиб чиқилган.

Калит сўзлар: Россия империяси, Туркистон ўлкаси, ўрта Зарафшон воҳаси, Зарафшон дарёси, А.П.Федченко, Л.Н.Соболев, ирригаторлар, ирригация тизими, экин турлари, суғориш иншоотлари.

Аннотация. В данной статье анализируются изыскания и исследования, организованные Российской империей в 70-х годах XIX века по орошению Средне-Зарафшанского оазиса. При этом изучались состояние орошения плодородных земель вокруг реки Зарафшан, основные виды возделываемых культур, первоначальные меры, разработанные администрацией империи для увеличения орошаемых земель в районе среднего Зарафшана, и их значение.

Ключевые слова: Российская империя, Туркестанский край, Средне-Зарафшанский оазис, река Зеравшан, А. П. Федченко, Л. Н. Соболев, ирригаторы, оросительная система, виды культур, оросительные сооружения.

Abstract. This article analyzes the researches and studies organized by the Russian Empire in the 70s of the 19th century on the irrigation of the middle Zarafshan oasis. In this, the state of irrigation of

the fertile land around the Zarafshan river, the main types of crops being cultivated, the initial measures developed by the empire's administration to increase the irrigated land in the middle Zarafshan region and their importance were studied.

Key words: Russian Empire, Turkestan region, middle Zarafshan oasis, Zarafshan river, A.P. Fedchenko, L.N. Sobolev, irrigators, irrigation system, types of crops, irrigation facilities.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия империяси Ўрта Осиёни босиб олишга ҳаракат қилганда рус буржуазияси ва помещик табақаларининг манфаатларини ҳисобга олиб савдо-сотиқ ишларини ривожлантириш ва рус газлама саноати учун арзон хомашёга эга бўлишни назарда тутган эди. Шунинг учун Ўрта Осиё босиб олингач, империя ҳукумати Туркистон ўлкасини шунингдек, унинг серҳосил водийларидан бири Самарқанд воҳасини арзон хомашё пахта манбаига айлантиришга, кейинчалик бу ўлкага ўз мустамлакачилик сиёсатининг таянчи бўлган аҳолини кўчириб келтиришга ва уларнинг хўжаликларини кучайтиришга катта эътибор берди. Шунингдек, 1861–1865 йиллардаги АҚШда бўлган бўлган фуқаролар уруши Америкадан олинган пахта нархини ошириб юборди. Натижада рус тўқимачилик фабрикаларида юз берган иқтисодий вазият ва бунинг устига саноат ва корхона эгаларининг тазйиқи қўлга киритилган янги ўлка иқтисодини айниқса унинг деҳқончилик хўжалиги ва бу хўжалиkning асоси ҳисобланган ирригациясини имкон қадар кенгроқ ўрганишни талаб этди.

Империя маъмуриятининг кўрсатмаси билан XIX асрнинг 70-йилларидаёқ бир қатор олимлар ва мутахассислар Туркистонда, шу жумладан Самарқанд воҳасида ҳам дастлабки тадқиқот изланишларни бошлаб юбордилар.

XIX асрнинг II ярмида Зарафшон водийсида рус мутахассислари томонидан олиб борилган тадқиқот изланишларнинг характери ва олдига қўйган вазифаси жиҳатдан 2 даврга бўлиш мумкин:

1. XIX асрнинг 70 - йилларида олиб борилган изланишлар;
2. XIX асрнинг 80-90 йилларида бажарилган тадқиқотлар.

Биринчи давр водийни Туркистон генерал-губернаторлиги томонидан сиёсий жиҳатдан узил-кесил бўйсундириш даврига тўғри келиб бу вақтда Самарқанд воҳаси ва унинг хўжалигини топографик, статистик ва чегара жиҳатдан ўрганиш асосий вазифа қилиб қўйилган эди. Маълумки, 1868 йилнинг май-июнь ойларида Бухоро амирлигининг шарқий қисми: Самарқанд, Ургут ва Каттакўрғон ва унинг атрофлари: Челак, Янгикўрғон, Пайшанбалар ишғол этилиб, июлнинг охирида бу ерда Зарафшон округи ташкил этилди. Шу йилнинг охирига келиб эса Панжикент шаҳри ва унинг атрофларидаги қишлоқлар босиб олинди.

1868–1871 йиллар давомида эса юқори Зарафшонда жойлашган Фалғор, Мастчоҳ, Фан, Яғноб, Қиштут ва Моғиён бекликлари Зарафшон округи таркибига киритилади. Қўлга киритилган ҳудудларни ҳар жиҳатдан кўпроқ ўрганиш мақсадида Зарафшон водийси бўйлаб турли хил экспедициялар ташкил этилди. 1870 йилнинг апрель-июнь ойларида Зарафшон юқори оқимига Искандарқўл экспедицияси уюштирилди. Бу экспедиция таркибига табиатшунос А.П.Федченко, инженер Д.К.Мишенков, шарқшунос А.С.Кун, самарқандлик мироб ва экспедицияда таржимон бўлиб хизмат қилган Абдурахмон ибн Муҳаммадлатиф ва бошқалар қатнашдилар. Искандарқўл экспедицияси туфайли Зарафшон дарёсининг энг кам ўрганилган қисми: Мастчоҳ, Фалғор, Қиштут, Моғиён ва Яғноб дарё водийлари рус тадқиқотчилари томонидан ўрганилди [1].

XIX асрнинг 70-йилларида Зарафшон водийсининг, айниқса, қишлоқ хўжалигини ўрганишда эришилган дастлабки ютуқларни 1889 йил 4 сентябрда А.П.Федченконинг Бутунроссия манафактура кўргазмасининг Туркистон ўлка бўйича ташкил этиш комиссиясининг раиси А.И.Гулуховга ёзган мактубида келтирилган маълумотларидан билиб олиш мумкин. А.П.Федченконинг ёзишича кўргазма учун тайёрланган материалларда Зарафшон водийсининг лалмикор ерларида шу жумладан, Оқдарё билан Оқтоғ оралиғида жойлашган тоғолди ерларида унумдор ғалла ҳосили обикор ерларда эса шоли, пахта ва полиз экинлари етиштириш кераклигини алоҳида таъкидлайди [2].

Ўрта Зарафшон водийсида XIX асрнинг 70-йилларида ўтказилган текширувларда рус ҳарбий муаллифлари В.В.Радлов, Г.Арендаренко, А.Гребенкин, Л.Н.Соболев ва бошқалар иштирок этишган. Улар Зарафшон дарёси сув сатҳи, воҳа ирригация хўжалигининг умумий

ҳолати, суғорма деҳқончилик ер майдони, экин навлари, уларнинг сувга бўлган эҳтиёжини аниқлаш каби қатор масалаларни ўрганишга киришдилар. Бу шубҳасиз, империя маъмурияти учун водий ирригацияси ва қишлоқ хўжалигини илмий асосда текшириш йўлидаги дастлабки муҳим қадам эди.

Зарафшон водийсининг қишлоқ хўжалик ва ирригацияси тўғрисида XIX асрнинг 70-йилларида тўпланган анчагина салмоқли материаллар ўша давр матбуотида нашр этилган қатор мақолаларда [3] ҳамда В.В.Радлов асарларида[4] умумлаштирилган.

Бу давр тадқиқотчилари орасида, айниқса, Л.Н.Соболевнинг хизмати катта. 1868–1873 йилларда Л.Н.Соболев рус географик ташкилотининг топшириғига биноан бутун Зарафшон округининг умумий ҳолатини ва ирригациясига оид жуда бой статистик ва географик маълумотлар тўплади. Айниқса ҳозирги Самарқанд, Панжикент ва Нарпай ҳудудларининг суғориш тармоқлари уларнинг топографик жойлашиши, катта-кичиклиги, сув сарфи, қайси туман ва қишлоқларни сув билан таъмин этиши, қўш ер ҳисобида суғориш майдони, суғориш тўғрисида қимматли маълумотлар йиғади[5]. Бундан ташқари, у Панжикент Самарқанд ва Каттакўрғон уездларида Зарафшон дарёсидан чиқарилган асосий йирик каналларнинг тарихига оид этнографик маълумотлар билан қизиқади. Л.Н.Соболевнинг олиб борган текширувлари ва уларнинг натижалари ўз даврида юқори баҳога сазовор бўлиб, унинг ёзиб қолдирган асарлари ҳозирги вақтгача ўзининг илмий аҳамиятини йўқотган эмас.

Туркистон генерал-губернаторлиги томонидан Самарқанд вилоятида суғориш ишларини яхшилаш ва уни назорат қилиш мақсадида “Зарафшон округи ирригацияси мудир” лавозими жорий этилди. Бу ҳолат Россия империясига водийнинг сув ресурслари ва ирригация тизимини илмий ва техник жиҳатдан ўрганишда, айниқса, муҳим аҳамият касб этди. Эндигина барпо этилган бу маъмурият учун, аввало, воҳа ирригациясининг умумий аҳволи ва сувдан фойдаланиш тажрибаларини аниқлаш лозим эди. Шунинг учун иш водийнинг асосий сув манбаи Зарафшон дарёсининг оқим режими ва ундан бошланган йирик каналларининг сув сарфини белгилаб беришдан бошланади. Даставвал, Панжикентдан Бухоро амирлиги чегарасигача бўлган масофада Зарафшон ва унинг ҳар икки соҳилидан чиқарилган Дарғом, Ём, Қозон, Туятортар, Нарпой каби энг йирик суғориш тармоқларининг ўзанлари илмий ўрганилди. Сўнгра Самарқанд воҳасининг деярлик барча катта-кичик суғориш иншоотлари текширилиб, харитага туширилади. Натижада бу каналларнинг узунлиги, суғориш имконияти, суғориладиган ҳудудлар ҳамда ҳар бир ирригация тизими бўйича суғорма деҳқончилик ер майдонининг умумий ҳажми аниқланди.

Л.Н.Соболевнинг маълумоти кўра, бу даврда Самарқанд воҳасида Зарафшон дарёсидан бош олган 56 канал бўлиб, уларнинг 42 таси Панжикент ва Самарқанд бўлимларини, 14 таси Каттакўрғон бўлимларини сув билан таъминлаган. Самарқанд воҳасида Зарафшондан бош олган 56 каналдан суғорилган ер майдонининг умумий ҳажми 9893,79 қўш ёки 128 818,75 десятинага тенг бўлган. Шу жумладан, Самарқанд бўлимида 7410,25 қўш ёки 96489,5 десятина ва Каттакўрғон бўлимида 2483,53 қўш ёки 32311,25 десятина ер майдони суғорилган [6].

Зарафшон округи ирригация мудирининг топшириғига биноан ирригация тармоқларининг ариқ оқсоқоли ва мироблари томонидан водийда етиштирилидиган экинларнинг нархлари, экиладиган ҳудудлари, экиш ва суғориш давлари аниқланади. Экиш даврига қараб Зарафшон водийсига икки хил экин навлари: кеч кузда экиладиган зироатлар (арпа, бугдой, зиғир, ва бошқалар); баҳорда экиладиган зироатлар (жўхори, шоли, тарик, мош, нўхат, қўноқ, сабзи, пийёз, тамаки ва бошқалар). Шу билан бирга водийда гўза, беда, себарга ўти ҳашак учун ва бошқалар экилган. Шу жумладан, бугдой, жўхори ва шоли Самарқанд уездида кўпроқ, бугдой асосан сентябрь-ноябрь ойларида экилиб апрель ойида бир марта, май ойида икки марта суғорилган шоли май ойида экилиб 90 кун давомида муттасил суғорилган. Асосан, шоли навлари Зарафшон округи Самарқанд ва Каттакўрғон уездларининг Шавдор, Широш, Офаринкент, Суғд, Каттакўрғон, Янгикўрғон ҳамда Пайшанба туманларида етиштирилган.

XIX асрнинг охири чорагида Самарқанд вилояти узумчиликнинг асосий маркази бўлиб, Хўжанд, Ўратепа ва бошқа ҳудудларда йирик узумзорлар ва узум бозорлари бўлган [7]. Айнан виночилик соҳасининг ўрта Зарафшон ҳудудида кенг ривожланиб бориши, ўз навбатида, ирригация ишларига бўлган эътиборни ҳам кучайтирди.

Бу даврда Зарафшон водийсида жами 32 хил экин нави етиштирилган. Самарқанд воҳасида

суғоришни кўпроқ талаб қиладиган экин навлари етиштирилиб сувга муҳтожлик апрель-август ойларига тўғри келган. Апрельда кўк экинларни экиш ва оқ экинларни суғориш учун, май-июнь ойларида у шолиторлик учун сарф этилган. Август ва сентябрь ойларида эса кузги экинларни экиш олдидан ерни суғориб ҳайдаш учун берилган.

Ирригация соҳасида олиб борилган дастлабки тадқиқотларга асосланиб Зарафшон округининг ҳарбий губернатори Абрамов 1878 йил 19 июлда махсус фармон чиқариб Самарқанд воҳасида дарё сувини ирригация тизимлари ўртасида одат бўйича тақсимлаш, ниҳоят суғоришни ҳақиқий талаблари ва Зарафшондаги сувнинг миқдори тўғрисидаги маълумотларга асосланган бирмунча рационал тақсимотга ўз ўринини бериши керак деган вазифани Самарқанднинг сув хўжалиги маъмуриятига юклайди. Шундан сўнг Самарқанд ирригаторлари дарё сувидан фойдаланишни тартибга солиш масаласи билан шуғулланишга киришдилар. Буни бир томондан Бухоро билан Зарафшон дарёси оқимини тақсим қилиш масаласини ҳал этиш тўғрисида Бухоро амири билан муносабатлар тақозо қилмоқда эди. Чунки водийнинг юқори қисмига жойлашган ўрта Зарафшон воҳасида сувга бўлган эҳтиёжини аниқлаб, ундан фойдаланишни тартибга солмасдан туриб, Самарқанд ва Бухоро воҳалари ўртасида сув тақсимои масаласини тўғри ҳал этиш мумкин эмас эди.

Хуллас, XIX асрнинг 70 - йилларидаёқ рус олимлари ва ирригатор мутахассислари ўрта Зарафшоннинг ирригация хўжалиги умумий ҳолатини, айниқса, Зарафшон дарёси сув тартиби, обикор ерларнинг майдони, экин навлари ва уларнинг сувга бўлган эҳтиёжини аниқлаш каби масалаларни билиб олишга киришдилар. Бироқ ирригация тизимида ҳам қилинган ўзгаришлар мустамлакачилик моҳиятидан келиб чиқиб амалга оширилди ҳамда тўла равишда метрополия манфаатларига хизмат қилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Федченко А. Топографической очерк Зарафшанской долины / Протоколь заседаний императорского общества любителей естествознания, антропологии и этнографии. Т. VIII. Вып. I. – Москва, 1870. – С. 26.
2. Азатьян А. А.П. Федченко – географ и путешественник. – Москва: Гос. изд-во географической литературы, 1956. – С. 69.
3. Ирригационная система реки Зерафшан // Туркестанский сборник. Т. 152.; Гребенкин А. Причины неурожая в Бухарском ханстве // Туркестанские ведомости. – № 18. – 1872.; Арендаренко Г. Заметка об ирригации в нагорных туманах Зерафшанского округа // Туркестанские ведомости. – № 51. – 1876.
4. Радлов В. Средняя Зерафшанская долина. Записки русского географического общества, по отделению этнографии. Т. VI. – СПб., 1880.
5. Соболев Л. Записка о долине реки Зерафшан и ее ирригационной системе. – Самарканд, 1872. – С. 19.
6. Соболев Л. Долина реки Зерафшан и ее ирригационной системе // Туркестанские ведомости. – № 15. – 1874.
7. Ўз МА, И-103-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 6-8-варақлар.

ЭТНОГРАФИЯ

ЎРТА ОСИЁ САКЛАРИ (ТАРИХИЙ-ЭТНОГРАФИК МАЪЛУМОТЛАР)

Абдуллаев Улугбек Сайданович
Андижон машинасозлик институти
тарих фанлар доктори, профессор

Аннотация. Мақола Ўрта Осиё халқларининг қадимги аجدодларидан бири-сакларни тарихий-этнографик жиҳатдан ўрганишга бағишланган. Муаллиф дастлаб ушбу мақолада сакларни тарихий манбаларда акс этиши ҳақидаги маълумотларни берган. Хусусан “Авесто”, қадимги юнон ва хитой манбаларидаги саклар ҳақидаги маълумотлар ва фикр-мулоҳазалар таҳлил қилинган. Мақоланинг энг асосий жиҳатларидан бири унда сакларни ижтимоий турмуши, урф-одатларига оид қизиқарли маълумотлар ўз аксини топган. Муаллиф мавзуга оид кўплаб манба ва адабиётларни илмий таҳлилга тортган.

Калит сўзлар: Ўрта Осиё, сак, “Авесто”, Қадимги Эрон, Ҳиндистон, Юнон-Рим, Хитой, деҳқон, чорвадор халқлар.

Аннотация. Статья посвящена историко-этнографическому изучению одного из древних предков народов Средней Азии саков. В данной статье автор изначально представил сведения о саках, отраженные в исторических источниках. В частности, анализируются сведения и мнения о саках в «Авесте», древнегреческих и китайских источниках. Один из главных аспектов статьи отражен в интересных сведениях об общественной жизни и обычаях саков. Автор привлек множество источников и литературы по теме для научного анализа.

Ключевые слова: Средняя Азия, сак, «Авеста», Древний Иран, Индия, греко-римляне, Китай, крестьяне, скотоводческие народы.

Abstract. The article is devoted to the historical-ethnographic study of one of the ancient ancestors of the peoples of Central Asia, the Saks. In this article, the author initially provided information about the Saks as reflected in historical sources. In particular, information and opinions about Sakas in «Avesta», ancient Greek and Chinese sources are analyzed. One of the main aspects of the article is reflected in interesting information about the social life and customs of the Sakas. The author has drawn many sources and literature on the topic for scientific analysis.

Key words: Central Asia, Sak, «Avesta», Ancient Iran, India, Greco-Roman, China, peasant, herding peoples.

Маълумки, ўзбек халқи Ўрта Осиёнинг бошқа халқлари каби узоқ давом этган этник шаклланиш жараёнини босиб ўтди. У кўп минг йиллик этногенетик жараёнлар натижасида ҳозирги Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудларда аввал элат, сўнгра миллат даражасида шаклланди. Ўзбекларнинг илк аجدодлари туб жойли деҳқон ва чорвадор халқлар бўлиб, улар ҳақида тарихий манбаларда бир қатор маълумотлар сақланиб қолган. Хусусан, “Авесто”, қадимги Эрон, Ҳиндистон, Юнон-Рим ва Хитой манбаларида тур, орий, сак (скиф), массагет, хунн, усун, юэчжи-тохар, сўғдий, хорасмий, бахтарий каби этнонимлар остида Ўрта Осиё ҳудудида яшаган қадимги этник жамоалар тилга олинади [1].

Бугунги кунгача тадқиқотчилар қадимги аجدодларимизнинг турмуш тарзи ва маданияти ҳақида илк ёзма манбалар ва археологик материалларнинг таҳлили асосида ўз ишларида бир қанча фикр-мулоҳазалар билдирганлар.

Ушбу мақолада биз ҳам ўзбек этногенезида фаол иштирок этган, форс манбаларида “сак”, юнон-рим манбаларида “скиф” номи билан қайд қилинган халқ ҳақидаги маълумотларни келтириб ўтамиз.

Қадимги тарихимизнинг илк ёзма манбаси ҳисобланган “Авесто”нинг илк қисмида “тур”, “тез чопар отли турлар”, “данай турлари”, деб аталувчи этнонимлар учрайди.

Шарқшунос В.В. Бартольд турларни Ўрта Осиёда яшовчи эрон тилида гаплашувчи халқлар

[2. 231], деб ҳисоблаган эди. Бошқа бир олим В.И.Абдаев эса “Авесто”да тилга олинган турларни Ўрта Осиё саклари билан тенглаштиради, “данай турлари”ни эса Сирдарё бўйларида яшовчи саклар [3] дейди.

Академик А. Асқаровнинг фикрича ҳам “Авесто”да турлар деб номланган қабила аслида саклар эди [4.59].

Илмий ва ўқув адабиётларда сак(скиф)ларнинг барчаси кўчманчи бўлганлиги айтилади. Бироқ, бу фикр унчалик асосли эмас кўринади. Гап шундаки, бир қатор тадқиқотчилар аввал ҳам, ҳозирда ҳам сак(скиф)ларнинг бир қисми ўша антик ва ҳатто ундан олдинги даврлардаёқ ўтроқ турмуш тарзида ҳаёт кечирганлигини таъкидлайдилар. Масалан, Б.А. Литвинский сакларнинг баъзи бир уруғ жамоалари маҳаллий деҳқон жамоаларнинг таъсирида анъанавий турмуш тарзини ташлаб, зироатчилик қилишга ўтганлигини таъкидлаган эди [5.150-156]. Бошқа бир олим В.В. Григорьев ҳам ўз даврида сакларнинг бир қисми ўтроқ ҳолда яшаган, деган фикрни айтган [6].

Таниқли археолог, академик А.Асқаров бу фикрни қўллаб-қувватлаб, “Қадимги Фарғона саклари бронза давридаёқ булоқ сувлари асосида таркиб топган Қорадарё тармоқлари ҳавзаларида суғорма деҳқончилик маданиятини кашф этадилар”, деб ёзади [7.188].

Саклар ҳақидаги дастлабки ёзма маълумотлар Эрон Аҳамоний подшоларининг қоятошларга битилган китобларида ҳам учрайди. Форс манбаларида саклар уч гуруҳга ажратиб кўрсатилади. Улар сака-хамуварга (хаумаварга саклари), сака-тиграхауда (чўкки қалпоқли саклар) ва сака-тиай-тара-дарайа (яксарт орти саклари).

Аҳамонийлар подшоси Доро I буйруғи билан битилган Беҳистун ёзувларида подшо тилидан саклар ҳақида қуйидаги хабарлар келтирилган: “Бундан сўнг мен сакларга қарши сак юртига бостириб бордим, уларнинг ўзлари чўкки қалпоқ кийиб юрадилар. Мен дарёга етиб келдим. Дарёда кемалардан кўприк қилиб, сакларни тор-мор қилдим... Мен ўз хоҳишим билан саклар юртига янги бошлиқ тайин қилдим...”. “Бу саклар Ахурамаздани қадрлаганлар, мен Ахурамаздани улуғлайман. Ахурамазда иродаси ва ўз хоҳишим билан мен уларни тинчитиб қўйдим” [8.31].

Тадқиқотчилар манбалар таҳлили асосида юқоридаги сак қабила уюшмаларини Ўрта Осиё бўйлаб қуйидагича жойлаштирадилар: сака-хамуваргалар Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқий қисмида-Мурғоб водийсида, Амударёнинг юқори оқимларида, Олой ва Фарғона водийларида ҳамда Шарқий Туркистонда; сака-тиграхаудалар (чўкки қалпоқли саклар) ҳозирги Қозоғистоннинг жануби-шарқий қисмларида, сака-тиай-тара-дарайалар эса Сирдарёнинг қуйи оқими, Орол ва Каспий денгизи шимолида яшаганлар [9.113-115].

“Сак” атамаси “қудратли”, “идрокли”, “эпчил бўлиш” ёки “кучли”, “азамат”, “мард” деган маъноларни англатади [10].

Антик давр тарихчи ва географларининг асарларида ҳам сак қабилаларининг жойланиши, уларни ўша давр сиёсий жараёнлардаги иштироки, турмуш тарзи ва урф-одатлари ҳақида бир қатор маълумотлар келтирилади.

Юнон тарихчилари сакларни жойлашув чегарасини дарё бўйича ажратиб кўрсатадилар. Масалан, Дионисий Перигет “... сўғдийлардан кейин, Яксарт (Сирдарё) бўйлаб саклар яшайдилар” деб маълумот берса, Клавдий Птолемей “Сўғдиёна шарқда Яксарт яқинида яшовчи саклар билан чегарадош” деб ёзади. Бошқа бир юнон олими Страбон эса саклар ҳақида гапириб, “Сакларни сўғдийлардан Яксарт (Сирдарё) ажратиб туради” деб кўрсатади [8].

Маълумки, юнон муаллифлар Ўрта Осиё ва унга туташ ҳудудларда яшовчи сакларни скифлар, деб атаганлар. Улар ушбу ҳудудларда яшайдиган массагетлар, дебритлар, ассианлар, тохарлар (дахлар), усунлар ва бошқа ном билан аталувчи этник жамоаларни барчасини сак-скиф қабилалари иттифоқига киритганлар.

Юнон тарихчиларининг отаси Геродот “Саклар скифларнинг ўзгинасидир” деб ёзган эди.

Сак (скифлар) қайси тилда гаплашганлиги ҳақидаги масала анча баҳсли масаладир. Совет тарихшунослигида ушбу қабилалар эрон тилларида сўзлашганлар, деган бир томонлама хулоса қилинган. Уларнинг қайсидир гуруҳлари туркийзабон бўлганлигига эътибор қаратилмади. Негаки, Совет тарихшунослигида сак (скиф)лар тарихини туркийлик билан боғлаб ўрганишга катта тўсиқлар қўйиб келинди. Сак (скиф) қабилалари ичида туркийзабон прототурк этник жамоаларнинг ўрни салмоқли бўлганлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Буни археологик ва

этнографик маълумотлар ҳам тасдиқламоқда. Далилларни келтириб ўтадим.

Ўрта Осиёнинг дашт ва тоғлик ҳудудларида яшаган сакларнинг ҳўжалиги асосан чорвачилик бўлган. Қуйи Зарафшон, Амударё, Орол денгизи атрофида, Помир ва Тяньшан (Тангритоғ) тоғлари ҳудудидан сакларга тегишли мазор-қўрғонлар археологлар томонидан очиб ўрганилган. Ушбу мазор – қўрғонлардан сакларнинг темир ва бронзадан ясалган ҳарбий қуроллари, зеб-зийнат буюмлари, меҳнат қуроллари ва сопол идишлари топилган.

Топилмалар ичида кўплаб от анжомлари учрайдики, бу ҳолат от қадимги сак (скиф) қабилалари ҳаётида ҳамда диний эътиқодий қарашларида катта аҳамият касб қилганлигидан далолат беради.

Маълумки, отни худо йўлида қурбонлик қилиш, кўпроқ от гўштидан таом тайёрлаш қадимги ва илк ўрта асрлардаги туркий халқларда кенг тарқалган одат эди. Бу факт эса фанда мавжуд бўлган “скифлар туркийларнинг аجدодлари” деган қарашга далил бўлиб хизмат қилади. Тўғри, сак (скиф)ларнинг бир қисми эронзабон бўлиши мумкин, лекин ҳаммаси эмас.

Юнон тарихчиси Геродотнинг “Тарих” асарида саклар (скифлар)га оид тарихий-этнографик материаллар, хусусан, уларнинг моддий маданияти (ҳарбий анжомлари, кийимлари, таомлари) ва урф-одатлари ҳақидаги маълумотлар аниқ келтирилган.

Геродот шундай ёзади: “Саклар (скиф қабиласи) узун чўққили қалпоқ кийиб, қалқон ва ханжарлар билан қуролланганлар, яна уларда икки қиррали ҳарбий болталар-сагарислар бўлган. Ушбу қабила (айнан скиф қабиласи) амиргей саклари деб номланган. Форслар скифларни ҳаммасини саклар деб атаганлар...” [11].

Уларнинг кийимлари ҳақида Геродот ёзади: “Скиф қабиласи бўлмиш сакларнинг қалпоқлари учли бўлиб, пишиқ наमतдан тикилган ва тик кийилади. Иштонлари, камонлари, ойболталари ўзига хос...” [12].

Тарихчи сак (скиф)ларда таом тайёрлашнинг ўзига хос усули ҳақида ҳам маълумот беради: “Скифияда дарахт (ўрмон) кам бўлганидан эт пишириш учун қуйидаги усул ўйлаб топилган. Териси шилинган ҳайвоннинг гўштини суякдан ҳам ажратишиб, қозонга ташлашади. Уларнинг қозонлари либосликларнинг вино аралаштирувчи идишларига айнан ўхшайди-ю, бироқ анча катта бўлади. Гўштни қозонга солгач, суякни ўтин сифатида ёқишади. Агар қозон топилмаса, гўштни молнинг ошқозонига тикиб устидан сув солишади-да, тагидан суякларни ёқишади. Суяк яхши ёнади, молнинг ошқозонига суякдан тозаланган гўшт бемалол сиғади. Яъни, буқами ёки бошқа қурбонлик жониворми, ўзини ўзи пиширади. Емак тайёр бўлганда худойининг эгаси гўшт ва ичак-чавокнинг бир қисмини худога атаб оёғи остига, ерга ташлайди. Худойига бошқа ҳайвонлар ҳам, кўпроқ эса от аталади” [11].

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, кейинги йилларда қадимги Хитой ёзма манбаларини атрофлича ўрганиш натижасида Марказий Осиё ҳудудидаги саклар ҳақида бир қатор янги маълумотлар аниқланмоқда. Масалан, хитойшунос олим Аблат Хўжаев кейинги йилларда Хитой ёзма манбаларидаги ва мавжуд адабиётларидаги маълумотларни таҳлил қилиб, улар асосида қадимги даврда Марказий Осиё ҳудудида яшаган бир қатор этносларнинг турмуш тарзи ва маданиятига доир маълумотларни ўз ишларида эълон қилди. Унинг бу ишларида сак қабилалари ҳақида ҳам яхши маълумотлар келтирилган. Чунончи, олим ўзининг “Фарғона тарихига оид маълумотлар” номли асарида қадимги Хитой манбаларидаги ва улар асосида ёзилган адабиётлардаги маълумотларга таяниб, “... ҳозирги хитой тилида “сай” ва “сайжунг” деб талаффуз этиладиган тарихий атамалар “сак” ва “саклар” сўзининг хитойча транскрипцияси эканлиги шубҳасиздир” [12.209] – деб ёзади.

А.Хўжаевнинг ушбу ишида сакларнинг этнографиясига оид қуйидаги маълумотлар келтирилган: “Саклар жуда қадимий халқдир..., улар асосан чорвачилик билан шуғулланган, айниқса от, қўй, қорамол ва туя боқиш асосий ўринда турган. Саклар чуқур кўзли ва қирра бурунли бўлганлар. Или дарёси атрофида яшаган саклар учли қалпоқ кийганлар. Бундай қалпоқлардан айримларининг учи бир томонга эгилган.... Кўп ҳолларда саклар қалпоғи тилла буюмлар ва бошқа қимматбаҳо нарсалар ҳамда қуш патлари билан безатилган” [12.208].

Тадқиқотчи яна 1987 йилда Урумчи шаҳрида нашр этилган “Хасакэзу жанши” (“Қозок халқининг қисқача тарихи”) номли асардаги қуйидаги маълумотларни ҳам келтиради “... милoddан аввалги VI-IV асрларда ҳозирги Қозоғистон ҳудудида сакларнинг шимолий тармоғи яшаган ва улар турк тилида сўзлашган, жануб томонда яшаган саклар эса эрон тилидан

фойдаланишган” [12.208].

Қадимги Фарғона саклари ҳақида нима дейиш мумкин? Аввало шуни таъкидлаш керакки, Фарғона водийси ҳам Ўрта Осиёнинг бошқа тарихий-этнографик вилоятлари каби қадим даврлардан бошлаб аҳолисининг этник таркибини ранг-баранглиги билан ўзига хослик касб қилган. Бу ҳудудда ўша қадим даврларда турли этник жамоаларга мансуб халқлар, уруғ-қабилалар яшаган.

Водийнинг текислик қисмидаги деҳқончилик воҳаларида ўтроқ аҳоли яшаса, унинг теварак-атрофидаги ҳудудларда кўчманчи чорвадор қабилалар истиқомат қилганлар. Бу икки ҳўжалик-маданий типга мансуб ўтроқ ва кўчманчи этник жамоалар бутун тарихий тараққиёти давомида иқтисодий-маданий алоқада яшаганлар.

Қадимги Фарғонанинг чорвадор аҳолисининг этник таркиби ҳам турлича бўлиб, улар манбаа ва адабиётларда қайд қилинган.

Фарғона водийси ҳудудида қадимда сак қабилалари ҳам яшаган. Бир қатор фарғонашунослар ушбу этнос ҳақида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирганлар. Масалан Б.А. Литвинский ўзининг “Сўғд ортидаги саклар” номли асарида “Қадимги Фарғона ҳудудида сак қабилалари яшаган ва улар “сака-хаумоварга” қабилла уюшмасига бирикишган, милоддан аввалги VI-IV асрларга оид Қайроққум манзилгоҳи айнан сакларга тегишли” деб ёзади [13].

Бошқа бир фарғонашунос Ю.А. Заднепровский эса ўз даврида ёзма манбаларда Фарғонада саклар яшаганлигини тасдиқловчи маълумотлар йўқлигини айтиб, “сак қабилаларининг Фарғона ҳудудида яшаганликлари ҳақидаги масала очиқ қолади”, деб ёзган эди [14].

Ю.А. Заднепровскийнинг шогирди Б.Матбобоев ҳам Фарғона саклари хусусида шундай ёзади: “... энг йирик ёдгорлик Эйлатонни баъзи олимлар (Литвинский Б.А. Горбунова Н.Г.) сак қабилалари билан боғлашга уринадилар. Бунга эътироз билдириб айтмоқчимизки, бу шаҳарни бунёд этишда фойдаланилган минг йиллик қурувчилик тажрибаси (пахса, гувала, ғишт) кўчманчи халқлар (саклар) учун тезда ўзлаштирилиши қийин бир жараён эди. Сак учлиги (сакская триада) предметлари: от-улов абзаллари, қурол-яроғлар, хайвонлар тасвири солинган буюмлар Эйлатонда ҳам, Фарғонада ҳам топилгани йўқ. Қолаверса, водийнинг текислик қисмида сакларга оид биронта ҳам қабр ёки мазора аниқлангани йўқ, демак, улар бу ерда бўлмаган” [15.12].

Агар юқоридаги тадқиқотчилар сак қабилаларини водийнинг текислик қисмида яшамаганликларини назарда тутган бўлсалар, у ҳолда ушбу олимларнинг фикрига қўшилиш мумкин. Лекин, ўша қадим даврдаёқ водийни ўраб турган тоғ ва тоғолди ҳудудларда сак қабилаларини яшаганликларини ҳам инкор этиб бўлмайди.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, водийнинг деҳқончилик воҳаларини теварак-атрофида яшаган кўчманчи қабилалар (саклар ҳам) асрлар давомида аста-секин ўтроқ турмуш тарзига ўтиб борганлиги ҳам тарихий ҳақиқатдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бартольд В.В. Иран. Исторический обзор. Сочения. Т. VII. М.: 1971.
2. Абаев В.И. Скифский быт и реформа Зароастра. // “Археологические открытия” часть XXIV/№1. 1956.
3. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Т.: 2015.
4. Литвинский Б.А. Древние кочевники “Крыша мира.” М.: 1972.
5. Григорьев В.В. О скифском народе саках. СПб.:1971.
6. Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи (ўқув қўлланма). Т.: 2007.
7. Сагдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Т.: 1996.
8. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Т.: 2001.
9. Bailay H.W. Languages of the Sake “Hondbueh Orientalistis. 1.4.I. Linguistik, Keiden. 1958.
10. Геродот. Тарих. VII китоб. 64.
11. Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар. “Фарғона нашриёти” 2013.
12. Литвинский Б.А. “Саки, каторие за Согдом” //труды АН Тадж.ССР Т. 120. Сталинобод. 1960; Литвинский Б.А., Окладников А.Н. Ранов В.А. Древност Кайрак-Кумов. (Древнейшая истории Северного Таджикистане) -Душанбе, 1962.

13. Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы//МИА-М. 1962. №118.
14. Матбобоев Б.Х., Хошимов Х.Б. Фарғона водийси қадим ва илк ўрта асрлар тарихини даврлаштириш масалалари//Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Андижон. 2015.

ЭТНОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ НАМУНАЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ (ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

Жумаева Шоира Бердияровна

Чирчиқ давлат педагогика университети
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Email: shairajumayeva@mail.ru

Мардонова Рисолат Рустамжон қизи

Чирчиқ давлат педагогика университети
тадқиқотчиси

Аннотация. Мақолада бугунги кунда барқарор ривожланаётган туризм соҳаларидан бири этнотуризмни ривожлантиришда халқ оғзаки ижоди намуналари - афсона ва ривоятларнинг аҳамияти Тошкент вилояти мисолида таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Туризм, афсона, ривоят, этнотуризм, муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳ, зиёратчи, сайёҳ, халқ оғзаки ижоди.

Аннотация. В статье на примере Ташкентской области анализируется значение образцов народного устного творчества - мифов и легенд в развитии этнотуризма, одной из отраслей туризма, стабильно развивающейся на сегодняшний день.

Ключевые слова: Туризм, миф, легенда, этнотуризм, святое место, святыня, паломник, турист, фольклор, культурное наследие.

Absract. In the article, on the example of the Tashkent region, the importance of samples of folk oral art - myths and legends in the development of ethnotourism, one of the tourism industries that is steadily developing today, is analyzed.

Keywords: Tourism, myth, legend, ethnotourism, holy place, shrine, pilgrim, tourist, folklore, cultural heritage.


Сўнгги йилларда туризм соҳаси жаҳонда энг сердаромад соҳалардан бири сифатида қаралмоқда. Ўзбекистон Республикаси бу соҳада ўзига хос имкониятлар ва устуворликка эга мамлакатлардан бири бўлиб, халқимизнинг бой тарихий-маъданий мероси, ватанимизнинг бетакрор ва жозибador табиати, табиий ресурслари нафақат ички туризмни балки, халқаро туризмнинг барча соҳаларини ривожлантириш имкониятини беради. Сўнгги йилларда туризм соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида, юртимизга ташриф буюрувчи сайёҳлар сони ҳам йилдан йилга ошиб бормоқда. Айниқса, машҳур тасаввуф таълимоти номоёндалари дафн этилган муқаддас масканларга бўлган қизиқиш кундан-кунга ошиб бормоқда. Шу боис муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳлар тарихини ўрганиш, тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш орқали мамлакатимизга зиёратчиларни жалб этиш муҳим ва долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, тиббиёт туризми, зиёрат туризми ва эко туризмни ривожланиши нафақат иқтисодиёт, балки ижтимоий соҳалар ривожига ҳам катта туртки беради” [1.2].

Бу борада Тошкент вилояти улкан салоҳиятларга эга ҳудудлардан бири ҳисобланади. Тошкент воҳаси ғарбдан Тянь-Шань шарқдан Угом, Писком, Чотқол тоғ тизмалари билан ўралган бўлиб, бу тоғлар бағридан оқиб чиқувчи ирмоқлар Чирчиқ дарёсини ҳосил қилади. Вилоятнинг антропоген ландшафти ва табиий географик шароитининг қулайлиги сабабли одамзот унинг ҳудудини қадимги тош давридан бошлаб (Кўлбулок, Обираҳмат, Хўжакент) ўзлаштиришган [2.13].

Тарихда Илоқ, Бинкент, Чоч, Шош номлари билан машҳур Тошкент воҳаси қадимдан Европа ва Осиёни боғлайдиган йўллар чорраҳасидаги муҳим савдо маркази бўлиб, Осиёнинг дарвозаси

бўлиб хизмат қилганлиги боис “Шарқ дарвозаси”, қулай табиий-географик жойлашуви, тарихи, бетакрор меъморий обидалари билан дунёга “Шарқ гавҳари” деб номлари билан танилган. Шу сабабли Тошкент воҳасига ташриф буюрувчилар, қадим ва навқирон воҳани зиёрат этувчилар доимо кўпчилиكنи ташкил этган.

Бугунги кунда Тошкент вилояти – мамлакатнинг юксак ресурс, ишлаб чиқариш, инфраструктура ва инсон салоҳиятига эга бўлган йирик ҳудудларидан бири ҳисобланади. Аҳоли сони жиҳатидан бешинчи ўринни эгаллаган ҳолда Ўзбекистонда ҳудудий жиҳатдан саккизинчи, саноат ишлаб чиқариш бўйича иккинчи, ялпи ҳудудий маҳсулот ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича учинчи ўринни эгаллайди [3.5]. Туризм соҳасида юқори салоҳиятга эга. Жумладан, Тошкент вилоятидаги ҳар бир туман ўзига хос бўлган туристик маҳсулотларга эга бўлиб, сайёҳликнинг алоҳида йўналишларига ихтисослашади. Масалан, Бўстонлиқ тумани “Чорвоқ” эркин туристик зонаси, Угом - Чотқол миллий боғи, “Чорвоқ” сув омборига эга бўлиб, ҳудудда туризмнинг айниқса, экотуризмнинг барча йўналишларини, зиёрат ҳамда тиббиёт туризмининг ривожлантириш имкониятлари мавжуд. Паркент тумани эса тоғолди ҳудуд бўлиб, гўзал табиати, зиёратгоҳлари, агротуризм масканлари, хуштаъм таомларга бой овқатланиш шохобчалари бисёр бўлиб, туманда гастрономик туризмни ривожлантириш имконияти юқори. Зангиота тумани машҳур Зангиота зиёратгоҳи ҳамда ҳунармандчилик марказлари, савдо мажмуалари туфайли туманда зиёрат туризмининг ривожлантириш борасида улкан имкониятга эга. Жумладан, Зангиота зиёратгоҳи Марказий Осиё минтақаси халқлари учун ғоятда муқаддас қадамжо ҳисобланади. Бу тарихий-меъморий мажмуани ҳар куни 5 минг нафар зиёратчи ва сайёҳлар зиёрат қилгани бунини яққол тасдиқлайди. Зиёратчиларнинг турли мамлакатдан эканлиги ҳам эътиборга моликдир [4.295]. Тарихда Илоқ номи билан машҳур бўлган Оҳангарон тумани қадимий манзилгоҳлар, маданий мерос объектларига бой, қолаверса, бу ерда саноат туризми йўналишининг муваффақиятли амалга ошириш мумкин. Бўка туманида гастрономик туризмни барқарор ривожлантириш учун шароитлар жуда қулай. Чиноз - Тошкент ва воҳани боғловчи асосий магистрал йўл бўйида жойлашгани туфайли агротуризм, гастрономик туризм ва сайёҳликнинг бошқа турларини ривожлантириш салоҳияти билан бошқа туманлардан устунликка эга. Ангрен - саноат шаҳри бўлиб, Янгиобод ва Лашкарак ҳудудларининг бетакрор табиати, сайёҳларга хизмат кўрсатувчи йўл бўйидаги овқатланиш шохобчалари билан туризмни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.



1-расм. Тошкент вилоятининг замонавий туризм турлари

Бугунги кунда вилоят миқёсида экотуризм, зиёрат туризми, гастронимик туризм, таълим туризми, тиббиёт туризми, этнотуризм каби туризм йўналишлари ривожланган бўлиб, Бўстонлиқ, Оҳангарон ва Паркент туманларида туристик зоналарни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Паркент тумани Кумушкон қишлоғида ташкил этилган этнотуристтик қишлоқда вилоят аҳолиси миллий анъана ва қадриятлари, урф – одат ва турмуш тарзи билан сайёҳлар яқиндан танишиш имкониятига эга бўладилар. Шунини таъкидлаш жоизки, сайёҳларни жалб этишда асрлар давомида шаклланиб, бугунги кунга қадар яхши сақланиб қолган халқ оғзаки ижоди намуналари муҳим аҳамиятга эга.

Тарихий обидалар, ўрта асрларга оид муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳлар тарихини, авлиёлар ҳамда маҳаллий қаҳрамонлар ҳаётини сўзловчи афсона ва ривоятларни сайёҳлар катта қизиқиш билан тинглайдилар. Жумладан, нафақат Тошкент вилояти, балки Марказий Осиёда машҳур бўлган Занги ота зиёратгоҳига келган ҳар бир зиёратчи машҳур тасаввуф таълимоти намоёндаси, халқ орасида авлиё даражасида улуғланган Занги ота ва ўзбек аёллари ҳомийси сифатида эъзозланган Анбар она билан боғлиқ ривоятларни, Соҳибқирон Амир Темур номи билан боғлиқ зиёратгоҳнинг бунёд этилиши тарихини катта қизиқиш билан эшитадилар [5.75].

Шунингдек, Тошкент вилояти табиат култи билан боғлиқ муқаддас қадамжоларга бой бўлиб, ҳар бирининг ўзига хос афсона ва ривоятларга бой тарихи бор [6.18]. Жумладан, Пискент туманида жойлашган Қирқ қиз зиёратгоҳига нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё республикаларидан ҳам зиёратчилар ташриф буюрадилар. Умуман олганда “Қирқ қиз”лар билан боғлиқ афсона ва ривоятлар дунё халқлари орасида кенг тарқалган бўлиб, асосан, аёлларнинг садоқати, жасорати ва ор-номус йўлида ўз жонларидан воз кечиб, тошларга, булоқ ёки кўл сувларга айланиб қолишлари ҳикоя қилинади.

Халқона қарашларга кўра, Пискентдаги “Қирқ қиз” зиёратгоҳи шу заминда ҳукм сурган одил подшоҳнинг гўзалликда тенги йўқ бўлган қирқта қизи тақдири билан боғлиқ тарзда талқин этилади. Душманлар ҳужуми оқибатида қирқ малика асирликка тушишдан кўра, таслим бўлмасдан ўзларини кўл қаърига ташлайдилар. Ва шу заҳотиёқ қирқта гўзал фаввора бараварига кўкка отилиб, кўл қайнаб, рақсга туша бошлайди, гўёки қирқ соҳибжамол жасоратига таҳсинлар ўқигандек, гўёки уларнинг бевақт ўлимига қалби туғён ургандек. Афсонавий кўл бағридан қирқта кумушранг балиқлар абадий макон топади. Балиқларга айланган маликалар тўғрисидаги афсонага кўра қизларнинг кўз ёшларидан булоқлар пайдо бўлиб, маъсума қизлар иффи ва ҳурлиги рамзига айланган [7.90]. Шу сабаб, қадимдан бу жой муқаддас қадамжолга айлантирилиб, кўплаб инсонлар асрлар давомида ўз дардларига шифо истаб, орзу-умидлари руёбга чиқишини сўраб зиёратга келганлар. Қирқ қизлар билан боғлиқ яна бир машҳур тарихий ёдгорлик, Сурхондарё вилояти Термиз туманида жойлашган бўлиб, “Қирқ қиз қалъаси” деб номлади. Мазкур ёдгорлик тарихи билан боғлиқ бир қанча ривоят ва афсоналар мавжуд.

Шунини таъкидлаш лозимки, Тошкент вилояти муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳлари билан боғлиқ турли афсона ва ривоятлар, асосан, тош, ғор, булоқ, дарахт, балиқ ва авлиё култилари билан боғлиқ бўлиб, мазкур афсона ва ривоятлар бадиий жиҳатдан бойлиги билан бир қаторда, тарихий маълумотларни, маҳаллий аҳолининг диний тасаввурлари, турмуш тарзи, табиатга бўлган муҳаббати акс этганлиги билан ҳам катта аҳамиятга эга. Афсуски, кўплаб халқ оғзаки ижоди намуналари бугунги кунга келиб унитилиб бормоқда. Жумладан, 1870 йил 28 апрелдан бошлаб 1917 йил охирига қадар нашр этилган “Туркестанские ведомости” газетасида бугунги кунда унитилган Тошкент вилояти зиёратгоҳларига оид кўплаб афсона ва ривоятлар нашр этилган. Газетанинг 1875 йил 26 август сонидан Анбар она тўғрисида, 1878 йил 34-сонидан Занги ота зиёратгоҳи, 1887 йил 48-сонидан Тошкент вилоятидаги Хўжакек қишлоғи ҳамда Ҳазрати али ва унинг Дул-дул оти излари билан боғлиқ қадамжол тўғрисида, 1904 йил 37-сонидан Анбар онанинг қизи билан боғлиқ “Қиз Авлиё” зиёратгоҳи ҳақида мақолалар чоп этилган [8.168]. 1897 йил “Туркестанские ведомости” газетасида С.Лидский Тошкент вилоятидаги Хўжакекнинг диққатга сазовор жойлари тўғрисидаги йўл эсдаликларида Бўстонлиқ тумани Хўжакек яқинидаги Ҳазрат Али билан боғлиқ қадамжол тўғрисидаги қуйидаги ривоятни келтириб ўтган: Қишлоқ атрофида халифа Али ташриф буюрган жой бўлиб, маҳаллий аҳоли қадамжол сифатида улуғланади. Бу ерда Халифа Али чопонини қўйган қоя, унинг машҳур Дул-Дул оти туёқ излари, қоятошлардаги Зилфиқор қиличи излари, алоҳида ётган улкан тошни кўриш мумкин. Мазкур яқин ҳолда ётган тошни ривоятга кўра Али қўлида кўтариб ўйнаган.

Шу пайт ёнидан гўзал қиз ўтиб кетади. Йўловчи қизнинг гўзаллигини кўрган Али қўлидаги улкан тошни шу ерда тушириб юборган. Якка ҳолда ётган улкан тош тарихи маҳаллий аҳоли тамонидан мана шундай изоҳланган.

2019-2022 йиллар давомида Тошкент вилояти муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларини ўрганиш юзасидан олиб борган тадқиқотларимиз натижасида шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кунда халқ оғзаки ижоди намуналарини йиғиш, архивларда тўплаш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Акс ҳолда халқимизнинг ноёб маънавий мероси йўқолиб кетиши мумкин. Чунки, халқ оғзаки ижоди намуналарини, зиёрат маросимлари ва урф-одатларини, зиёратгоҳлар тарихи улар билан боғлиқ афсона, ривоятларни билган оқсоқоллар ва кайвони оналаримиз сони йилдан йилга камайиб кетмоқда.

Яна бир муҳим жихати шуки, тарихий обидалар ва зиёратгоҳларга сайёҳларни олиб боровчи экскурсия етакчиси аввало ҳудуд географияси, ўзига хослиги, маданий мерос объекти тарихини ҳикоя қилиш билан бирга афсона ва ривоятларни ҳам маромида сўзлаб бериши сайёҳларда қизиқишнинг ортишига, зиёратга келганлар инсонларнинг диний ҳиссиётларининг кучайишига хизмат қилади. Шу билан бирга, мазкур ривоят ва афсоналарнинг бошқа халқларга етиб бориши мамлакатимиз тарихига, халқимизнинг маданияти ҳамда кадриятларига бўлган қизиқишларнинг ортиб боришида муҳим рол ўйнайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи. №271-272 (7229-7230) 29.12.2018.
2. Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганиш бўйича материаллар (“Тафаккур сарчашмалари” туркумидан). Тўплам № 3, Т.-2009. 13-бет.
3. Тошкент вилояти тамаддун тарихи.-Т. 2014. 5-бет.
4. Эралиев Б., Остонакулов И., Абдулахатов Н. Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари. 3-жилд. Т. -2015 й. 295-б.
5. Мамметова Б.И., Шааббасова Н.Х., Жобборова М.А., Жумаева Ш.Б. Зиёрат туризми ва одоби. -Т. 2022. 75-бет.
6. Jumaeva Sh.B. Images about the Tree Cult at Uzbek People’s Pilgrimage Rituals//Journal of Ethics and Diversity in International Communication. / e-ISSN: 2792-4017/ www.openaccessjournals.eu / Volume: 2 Issue: 2.P.p.18-25.
7. Эшмирзаева З.А. Шош ва Илоқ йўлларида: Тошкент вилояти зиёратгоҳлари ва қадамжолари. Т.-2020 й. 9-б.
8. Туркестанское ведомости 26-го Августа 1975 г.-С.110-111; Казбеков Ю. Праздник в Зенги-Ата. Туркестанские ведомости. 1878, №34. -С.57; Галий Аскар Казинин. Айша Биби. Туркестанские Ведомости 21 марта 1904 года. №37, -С.168.

Кўҳитангтоғ қишлоқларида халқ табобати билан боғлиқ удумлар

Умаров Икромжон Ибрагимович
Термиз Давлат университети
Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси
Email: lochin-umarov@mail.ru

Аннотация. Қадимги замонлардан бошлаб, одамлар ўзларини турли касалликлардан сақлаш мақсадида табобат билан шуғулланиб келганлар. Бу соҳада ўз даврининг йирик олимлари тиббиётга доир кўплаб асарларни ёзиб қолдирганлар. Табобат илми бўйича махсус мактаблар очилиб, табибларни тайёрлаш йўлга қўйилган. Уни битирган табиблар элни даволашдан ташқари, касалликлардан сақланиш йўллари ҳам ўргатиб бораверганлар. Ушбу мақолада Кўҳитангтоғ қишлоқларида халқ табобати билан боғлиқ удумлар ёритилади.

Калит сўзлар: домла, қушноч, табиб, қайтарма, китоб очириш, алас.

Аннотация. С давних времен люди занимались медициной, чтобы защитить себя от различных болезней. В этой области великие ученые своего времени написали множество трудов по медицине. Были открыты специальные медицинские школы и подготавливались табибы. Табибы, окончившие ее, помимо лечения людей, обучали и способам профилактики болезней. В данной статье освещаются обряды, связанные с народной медициной в селах Кухитангтога.

Ключевые слова: домла, кушноч, табиб, кайтарма, китоб очирш, алас.

Abstract. Since ancient times, people have been practicing medicine to protect themselves from various diseases. In this area, the great scientists of their time wrote many works on medicine. Special medical schools were opened and tabibs were prepared. Tabibs who graduated from it, in addition to treating people, also taught ways to prevent diseases. This article highlights the rituals associated with traditional medicine in the villages of Kuhitangtog.

Keywords: domla, kushnoch, tabib, kaytarma, kitob ochirish, alas.

Кўхитангтоғ қишлоқларида замонавий тиббиёт кириб келгунига қадар аҳоли касалликларни даволашда эмчилар, табиблар ва муллаларга мурожаат қилишган. Таъкидлаш жоизки, ҳар ким одамларни даволамоқчи бўлса, олдинга бирон устозга шогирд тушиши, сўнгига дуо олиши шарт бўлган. Бу маросим *қўл олиш* дейилади. Ундан кейингина одамларни даволашга рухсат берилган. Соғлиқни сақлаш билан шуғулланган кишилар куйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Домлалар - ўқимишли кишилар бўлиб, Қуръони Карим суралари билан одамларни даволашади. Бунда муайян суралар асосида даволашга киришишдан олдин устознинг дуоси ва рухсати билан чиллага ўтириши шарт бўлган. Чиллада абжад ҳисобидан келиб чиқиб вазифа берилади. Масалан, Фотиҳа сураси билан даволамоқчи бўлган одам абжад бўйича 25 минг марта ушбу сурани қайтариши керак. Чунки Фотиҳа сураси 9 оятдан иборат бўлиб, унинг ҳар бир ҳарфи абжад бўйича маълум бир сонга тенг бўлади. Чилла одамнинг имкониятига қараб, 5 кундан 25 кунга қадар давом этади. Агар 5 кунга ўтирадиган бўлса, кунига 5 минг марта, 25 кунга ўтирувчи эса 1000 мартадан Фотиҳа сурасини қайтаради. Чилла пайтида ҳеч ким кирмайдиган хонада ўтиради. Кунига бир пиёла сув, бир сиқим майиз, ярим бўлак нондан бошқа ҳеч нарса емайди ва ичмайди. Чилла муддати тугагач, устоз ўз шогирдига дуо бериб, унга Фотиҳа сураси билан даволашга рухсат беради. Агар бошқа суралар бўйича даволамоқчи бўлса, юқоридаги тартибда, ўша сураларни абжадга қўшган ҳолда чиллага ўтиради.

Чилладан чиқиб, даволашга рухсат олган киши суралар асосида одамларга дам солади, ёки абжадга солиб, қоғозга ёзади, уни қайноқ сув ёхуд булоқ сувига ботириб, касалга ичиради. Мавжуд бўлган тушунчага кўра, агар абжад нотўғри ҳисобланган бўлса, қилинган муолажалардан натижа олинмайди [1].

Илон, чаён, ўргимчак чаққанларни даволамоқчи бўлган муллаларнинг чилласи анча осон. Улар ўзларига берилган вазифани 1 ёки бир неча кун ичида ўқиб тугатиши ва шу вақт оралиғида бемалол эл ичида юриши мумкин. Шундан кейингина уларга тиббиёт йўлига киришга рухсат берилади. Бундай муллалар битта дуони бир нафасда энг камида 11 марта, кўпи билан 33 мартагача ўқиб, кейин дам солади. Улардан доимий таҳорат ва парҳез талаб қилинади. Илитма овқатлар, маърака ошлари, кўча овқатлари, хом пиёз, саримсоқ пиёз емайди. Ҳар куни идда сақлайди. Бунда вазифа қилиб берилган дуоларни муайян сонда айтиб туради. Вазифанинг ичида турли ҳашаротлар ва илонларнинг захрига қарши ўқиладиган дуолар бўлганлиги учун доимий равишда бажариб боради. Идда ичида кўк чаён ва бузукбоши чакқанда, шунингдек, сариқ касал ва пашшахўрдага қарши қайтарма дуолари бўлмаганлиги учун муллалар бундай касалларни кўришга қийналишади. Шу боис, кўпинча, касалларни врачларнинг олдига юборишади. Сариқ касалдан соғайиб чиққанларни эса, жигаридаги бодини йўқотиш учун қайтарма қилиб ўқиб ташлашади [2].

Кушночлар - аҳоли энг кўп мурожаат қиладиган эмчилар бўлиб, бу етти пуштдан келадиган амал саналади. Уларни баъзан *чилтонкаш* ёки *мома* деб ҳам аташади. Шаклланиб келган анъанага кўра, бирон кишининг уруғида кушноч ўтган бўлса, ўша киши ушбу амални бажариши керак. Бўлмаса, тентак ёки касал бўлиб қолади деб тушунилади. Агар кушноч касал бўлиб қолса унга: *орқангда чироқ ёқадигани борми?* деб сўралади. Шунинг учун ҳам кушночлар тириклик пайтида ўз қизи ёки неварасини шу ишга тайёрлашади. Унга қўл бериб одамларни кўришга рухсат беришади [3].

Кушночлик билан фақатгина наслий чилтонкашлар шуғулланишмаган. Мабодо бирон кишида кушночлик қилишга қизиқиш бўлса, унга устози ўргатиб, қўл бериши билан одамларни кўра бошлайди.

Табиблар - бу гуруҳдаги эмчилар муолажа қилишда турли ўтлар, сувлар, ҳайвон ва ўсимлик ёғларини ишлатишади. Юқори малакага эга бўлганлари синган, чиққан суякларни солиш ва тиклаш, кичикроқ ва нисбатан мураккаброқ жарроҳлик амалиётларини ўтказиш, кўз касалликларини даволаш билан шуғулланишади.

Муллалар ва кушночлар аҳолини даволашда *қайтарма қилиш, аласлаш, китоб очиш, уқалаш, томоқ босиш, боқин, қоқин* сингари усуллардан фойдаланишади. Қуйида улар ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Қайтарма - бу усул билан шамоллаган, оғир касалликка чалинган, иши юришмаган, кинна кирган, суқланган, эси кирди-чикди бўлиб қолган, кўркқан, кўзига ҳар нарса кўринадиган, сеҳр-жоду таъсиридаги кишилар даволанади. Уни ўқийдиган киши хат-саводли, чиллага ўтирган, устозидан дуо олган бўлиши керак. Қайтармани ўқишдан олдин касаллик турига қараб мулланинг олдига сув, мол чарвиси, игна, кир совун ва шу кабилар қўйилади. Ўртага қўйилган сувга дам солинса, у шифобахшлик хусусиятига эга бўлади. Чарви муаккаллар ҳақида берилади. Игнанинг сони 41 та бўлиб, унга одамга зиён берадиган 41 та нарсанинг исми ёзилиб кир совунга қадалади. Шундан кейингина қайтарма қилишга киришилади. Шамоллаш ва суқланиш каби касалликларни қайтарма қилишда бу нарсалар ишлатилмайди.

Қайтарма ўқишда кўпинча Ёсин сурасидан фойдаланилади. Айрим оғир касалларга 4 нафар мулла томонидан *чилёсин* ўқилади. Бунда Ёсинни 40 марта ўқиш назарда тутилади. Бунда, агар оғир касал бўлса тезроқ соғайиб кетиши, ёки жони чиқолмай қийналаётган бўлса, тез ва осон узилиши кўзда тутилади.

Аласлаш - бунга касалнинг бўйи баробарида пахтадан ёки ҳар хил матодан чилвир ясаб, ўшани ёқиб, оловини одам устидан айлантериш, оловдан ўтказиш ёки унинг устидан сакратиш киради. Бу усулни фақат авлодида чилтонкаш ўтган кушночларгина қўллашади. Алас - халос деб айтишади [4].

Китоб очириш - касалларни даволашда қўлланиладиган усуллардан бири. Бу усулда абжад ҳисоби бўйича ёзилган «Канзул ҳусайний» номли китоб ёрдамида одамнинг касали аниқланади. Мазкур китобда одамларнинг касали ва уни даволашда қўлланиладиган дуолар ёзилган бўлади. Олдин касалнинг кўзи бойланиб, бармоғи билан китобга қўйиш буюрилади. Кейин кўзини очиб, бармоғи тушган жойи ўқилади. Қандай касал ёзилган бўлса ўшани даволайдиган шифобахш дуолар асосида дам солинади. Ушбу иш билан азайимхон мулалар ва фолбинлар шуғулланишади. Азайимхон деганда чиллага ўтиришига қарамай, ёмон ишларни қиладиган кишилар тушунилади. Фолчилар эса икки гуруҳга бўлинган. Биринчи гуруҳига эмчилар кириб, улар одамнинг тақдири, туғилиши ва ўлими тўғрисида башорат қилмай фақат касаллигини топиш билан шуғулланишади. Иккинчи гуруҳга эса, келажакни башорат қилувчилар киради.

Баъзан касал кишиларни *боқин ва қоқин* усуллари ёрдамида даволашади. Боқин - Кўҳитанг минтақасида кенг тарқалган қадимий маросим бўлиб, кушночлар ва дарвешлар томонидан амалга оширилган. *Боқин* сўзи қадимги туркийча «боқмоқ» сўзидан келиб чиқади. Кушночлар касал бўлган кишиларни аласлагач, чиллага солишади. Чилла муддати бир ҳафта ёки ундан кўпроқ чўзилиши мумкин. Боқинда ўтирган киши белгиланган муддат ичида кўчага чиқмаслиги, мойли овқатлар емаслиги лозим. Шунингдек, устига бировнинг кириб келмаслиги шарт қилиб қўйилади.

Боқинда сақланган одамларни *жаҳри зикр (жаҳар)* қилиш йўли билан ҳам даволашган. Унда бир гуруҳ дарвешлар (ёки сўфийлар, мулалар) тўпланиб олишиб беморни ўртага, кўрпага ўтирғизиб, бетига оқ матони ёпиб қўйишган ва унинг атрофида ҳассаси билан айланиб, Аллоҳни зикр қилишган. Зикр чоғида керак бўлганда касални қамчи билан уриб қўйишган. Агар бирон аёлнинг боласи ўлаверса, аввал мол сўйиб, тўртта-бешта қариларни чақириб шўрва пиширишган. Хотини бир уйга кириб ўтирган. Шўрвани ичиб дуо қилишгач, ўша аёлни кўрпага ўтирғизиб, устига желакни ёпиб, *жаҳр* маросимини ўтказишган. Шундан кейин аёлнинг зиёни кетиб бемалол бола кўришига умид қилинади [5].

Кампиртепа қишлоғида жаҳр маросими ўтказилмайди. Унинг ўрнига Мечилидаги Азимқул халфанинг чиллахонасига олиб бориб даволашади. Эси оғиб қолган кишилар, кўпинча аёллар

1 кундан 40 кунга қадар ўша ерда боқинда сақланади. Чиллахона эшиги олдида касалнинг отаси, акалари ёки бошқа яқин қариндошлари туришади [6]. Хўжанқон ота мазоротида эса, ҳатто руҳий касаллар ҳам олиб келиниб, шу ерда боқилган ва даволанган [7].

Қоқин - қушночлар (фолчилар) томонидан ўтказилиб, унинг ичига *аласлаш, қора товукнинг қонини олиб, пахта билан касалнинг бошини силаш, қора момолар, сариқ момоларга сизиниб чироқ ёқиш* киради. Қоқинни баъзан *қоқин-соқин* деб ҳам аташади. Айрим қушночлар бола кўрмаётган кишиларни даволаш учун олиб келинган қора товукни сўймай, шунчаки, тожидан қон чиқариб, пахтага булатади. Кейин ўша пахтани йигириб ип қилади. Сўнгида эр-хотинни бирга ўтирғизиб аласлаш маросимини ўтказади. Аласлаш пайтида оловни бошидан айлантиради, касалнинг бошига секингина «қоқиб» қўяди. Олов бошга зиён келтирмаслиги учун эр-хотиннинг устига қалин сурп ёпиб қўйилади. Маросим тугагач, қушноч дуо қилади, яратгандан бу оилага бахт-саодат ва бола беришликни сўрайди.

Агар аёл эрга тегиб бола кўрмаса, унга мушукнинг ичаги едирилган, деган тушунча бор. Негаки, мушукнинг ичагини билдирмай едирилган аёл боласиз ўтади деб ҳисоблаганлар. Бундай аёллар қушночларга боришади. Қушночлар турли ирим - сиримларни бажаришади.

Қушночларнинг дам оладиган кунлари ҳам бор. Улар душанба куни тушдан сўнг то сешанба куни пешин намозигача, ҳамда пайшанба куни пешиндан то жума куни тушга қадар умуман одам кўрмаганлар. Бунинг ўзига яраша сабаблари бўлган. Душанба куни жаноб пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) ҳижрий 11 йил, 14 рабиул аввал, душанба (милодий 632 йил 8 июн) куни вафот этганлиги [8] сабаб у кишининг ҳурмати учун ана шу вақтлар орасини ирим қилишади. Мусулмончилик удумларига кўра, жума куни одамлар дам олиб, жумъа намози ўқилади. Пайшанба куни тушдан сўнг жуманинг арафаси бўлганлиги боис, шу вақтда одам кўрилмайди. Негаки, жума куни ва унинг арафаси улуғ кун бўлганлигидан қушночларга оғирлик қилиши мумкин деб ҳисоблашади.

Барча қушночлар ва домлалар вақти-вақти билан ўзларини ўқитиб туришади. Ўқитганидан кейин 1-3 кунгача ўзларини чиллада сақлашади. Шундан кейин яна ўз ишларини давом эттираверишади.

Муллаларнинг дам солишида маълум даражада фарқлар кузатилади. Масалан, оддий мулла касал одамни ярим соатдан 1 соатгача ўқиса, авлиё даражасига етганлар 1-2 дақиқа ўқишади. Кўп ҳолларда авлиёлар суқ, кўз, кинна каби касалларни даволашда қамчини ишлатишади. Бунда касалнинг бошига дўппи кийдириб, устига уч марта қамчи билан уриб қўйишади.

Тоғ кишлоқларида туғруқ билан боғлиқ бир қатор маросим ва удумлар шаклланган. Одамлар ҳомиладор аёлни «оёғи оғир бўлиб қолибди», «иккиқат бўлибди» дейишган. Тўлғоқ тутган вақтларда аёлнинг эри ва қайнотаси қўлига милтиқ олиб, уй атрофини турли «жинлардан» қўриқлаганлар. Таркиб топган тушунча бўйича, тўлғоқ тутган аёл қўриқланмаса жин келиб аёлни ёки унинг боласини олиб кетар эмиш, агар милтиқ отилса, жин қочади деб ҳисоблаган.

Келинни дард тутганда ҳамма тек туради. Тўлғоқ келганини бирон бегона киши билмаслиги лозим эди, негаки келинчакка келган дард ўша одамга кетиши мумкин экан. Ўша одамни олиб келсагина, дард яна келинчакка қайтади деб ўйлаган [9].

Аёлни эсон-омон туғдириб олиш учун икки доя кампир ёки қушноч яхшилаб ювиниб, оппоқ кийиниб унинг олдига кириб кетади. Бола дунёга келаётган уйга ҳеч ким киритилмайди. Бир офтобада иссиқ сув, киндик кесадиған поқу, совун ва пичоқ тайёрлаб қўйилади. Икки ёстиқни буклаб устига аёлни ўтирғизишади. Битта кампир орқадан туриб аёлнинг белидан маҳкам қисиб туради, иккинчи кампир эса, дунёга келган чақалоқни ушлаб олади. Нафас олган чақалоқ йиғлайди. Киндигини ҳали кесмасдан уни тоғорадаги илиқ сувга солиб ювинтирадилар. Чақалоқни оппоқ доқага ўраб, кейин киндигини кесиб, устига ёнган пахтанинг куясини қўядилар. Шундан сўнг онани ўрнидан турғизмасдан кўтариб бошқа жойга ўтқазишади. Шундай қилинмаса, онадан қон кетиши тўхтамаслиги ва у ҳалок бўлиши мумкин. Аёл чалқанча ётқизилади. Бу шевада *апарқон* қилиб ётқизиш дейилади. Бошининг тагига иккита ёстик қўйилади ва чақалоқ йўргакланиб она қўлига берилади. Болани дунёга келтиришда хизмат қилган доя кампирларга бир кийимлик матолар берилади [10].

Бола туғилиши билан дарров бир чинни косага новвот суви солиб аёлга ичиришади. Бу аёлнинг қувватланиши учун керак. Бир соатдан кейин атала беришади. Туғилган чақалоқни бирданига эмиздиришмайди. Эмизишдан олдин унга хом қаймоқ ялатилади. Бироз вақтдан

кейин она чақалоқни эмиза бошлайди. Онанинг биринчи сути боланинг бутун танасига сингиб кетади. Шунинг учун ҳам, она меҳри чақалоққа она сути орқали ўтади, деб айтишади.

Аёл эсон-омон туғдириб олинганидан кейин доялар чақалоқнинг суви ва қонларини матоси билан олиб уйнинг ўнг ёнбошида, тахминан, икки метр чуқур қазиб кўмиб қўйишади. Бу билан мушук ёки кучук уни қазиб олишига имкон қолдирилмайди. Чақалоқнинг киндик қони ва сувини дуч келган жойга, оқар сувга, айниқса, ҳожатхонага ташлаш мумкин эмасди. Сабаби, агар чақалоқнинг киндик қони ерга кўмилса, у ўз ери, юртига содиқ, халқига меҳрибон бўлар экан. Мабодо дуч келган жойга ташлаб юборилса ёки сувга оқизилса, у ҳолда, бола меҳрсиз, оқибатсиз бўлиши мумкин деб саналган.

Чилла вақтида чақалоқнинг онасига қайирма нон, тухум ва атала сингари пишиқ овқатлар берилади. Унга оғир иш қилдирилмайди, совуқдан асралади. Қўй сўйиб, қайнатма ва қовурма қилиб бериб аёлни парвариш қилишади. Бутун қишлоқ туққан аёлга бир жуфт қайирма нон, бир косадан атала ёки буламоқ беради. Қайирмадан бошқа нон ейдиган бўлса ичини оғритиши мумкин. Туққан аёл ичи оғримаслиги учун чилла ичида баъзи овқатлар, жумладан гуручли овқатлар ва паловни емайди. Хуллас, оналар болани сутдан айиргунларига қадар ҳар қандай овқатдан парҳез сақлайдилар.

Келинлар ўз чақалоқларини кечаси, айниқса, шом вақтида олиб юрмайдилар. Эмизикли келинчак *учинаман* деб, ўликка бормаиди, кечаси тўйга чиқмайди, кулхона, ўт-ўлан орасидан ёки чорбоқнинг ичидан юрмайди. Сийнаси шишиб оғриган аёлларни «учинибди» дейишади. Бундай ҳолатларда қушночларга олиб боришади. Кўп ҳолларда ўлган одамнинг кийимидан тикилган махсус қўлқоп билан аёлнинг сийнаси соғиб олинади.

Чақалоқ кечаси билан йиғлаб чиқса, *бунинг момалиги тутди* ёки *томири тутди* деб қушночларга олиб борилади. Қушноч болани енгилгина уқалаб, охирида томоғини босиб қўяди. Ота ёки она касални кўргани учун момага ҳақ бериб чиқиб кетади.

Учинган болани даволаш учун момолар бир тоғорага исирик солиб дудлашади. Бу иш яқунланганидан кейин сув солинадиган тоғорага исирикни солиб қайнатишади. Сўнг сувни докадан уч марта сиздириб тозалаб олишади. Бирон момо ёки мулла келиб исирик сувига дам солиб қўяди. Шундан кейин болани исирик сувига чўмилтиришади. Агар бола шамоллаган бўлса, иссиқ исирик суви боланинг дардига даво бўлади.

Агар бирор аёл ўз боласини қийналиб дунёга келтирса ёки кўп касал бўлса, келиннинг ота-онаси, қайнота ва қайнонаси дуо қилар эканлар: *Илоҳо, шу бола эсон-омон онасининг танасидан чиқиб олсин, онаси уни ўз қўлига олса кокилини остоналарга бағишладим*, дер эдилар. Кокилни боланинг изи ўчмаслиги, авлоди худди кокилдек узун бўлиши учун қўйишган. Чақалоқ дунёга келганидан сўнг унинг ўнг томонига кокил қўйилади. Бола уч ёшга тўлганидан сўнг уни айтилган остонага, кўпинча, Хўжанқон ота макбарасига олиб бориб, бирор мол сўйиб, одамларни чақириб меҳмон қилганлар. Дуо ўқиган уламога битта тўн ва салла совға қилганлар. Шундан кейин боланинг кокилини олишган. Имконияти етмаган кишилар боласи ўн ёшга тўлган вақтда кокил тўйини қилиб беришган.

Айрим кишилар оғир касал бўлиб қолганида *азбарайиллоҳ* деган маросимни ўтказадилар. Унда қўй ёки эчки, иложи етганлар от, хўкиз, туя сўйиб, Аллоҳ йўлида қурбонлик қилинади. Бунда ҳам *жонга жон*, *қонга қон* тамойили асосида иш қўрилади. Маросимда Қуръон ўқитилиб, Аллоҳдан касалнинг дардига шифо беришлик сўралади.

Хулоса қиладиган бўлсак, Кўҳитангтоғ қишлоқларида аҳоли касалликларни даволашда дуохон муллалар, қушночлар ва табибларга мурожаат қилишган. Лекин юқумли касалликлар, саратон, кучли жароҳатлар, жарроҳлик билан боғлиқ касалликларда уларнинг муолажалари фойда қилмаган. Фақат замонавий тиббиёт кириб келиши билан юқумли касалликларни самарали даволаш йўлга қўйилди. Шунга қарамай, анъанавий халқ табobati ўз аҳамиятини йўқотмади. Аҳоли бугунги кунга қадар ўз касалларини даволашда маҳаллий табибларнинг хизматларидан фойдаланиб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Дала ёзувлари, Термиз шаҳри, 1998 йил.
2. Дала ёзувлари, Шеробод тумани, Зарабоғ қишлоғи, 2022 йил.

3. Дала ёзувлари, Термиз тумани, Намуна ҳўжалиги, 2000 йил.
4. Турсунов С., Пардаев Т., Қурбонов А., Турсунов Н. Ўзбекистон тарихи ва маданияти - Сурхондарё этнографияси. –Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. –Б. 182.
5. Умаров И., Раҳмонов Ҳ., Худойбердиев Э. Сурхон воҳасида этник тарих ва этномаданий жараёнлар (хатакилар уруғи мисолида). –Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2014. –Б. 202.
6. Дала ёзувлари, Шеробод тумани, Кампиртепа қишлоғи, 2022 йил.
7. Дала ёзувлари, Шеробод тумани, Хўжанқон қишлоғи, 2014 йил.
8. Ҳижрий 1435 йил учун тақвим. –Тошкент, 2013. –Б. 31.
9. Дала ёзувлари, Ангор тумани, Қорасув қишлоғи, 2002 йил.
10. Дала ёзувлари, Ангор туман маркази, 2014 йил.

ОИЛАДА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИДА БЕШИК ТўЙИНИНГ ўРНИ

Нафиддинова Ҳосият Равшановна

Бухоро давлат университети

Миллий ғоя, маънавият асослари ва

ҳуқуқ таълими кафедраси ўқитувчиси

Email: xosiyatnafiddinova46@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада оиладаги муҳим вазифалардан бири фарзанд тарбияси борасидаги фикрлар келтирилган. Бухоро воҳаси аҳолисининг оилада ота-онага ҳурмат, исломий тарбия, ўғил ва қиз болалар тарбияси тўғрисидаги маълумотлар этнографик таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: тарбия, исломий тарбия, ахлоқий тарбия, бадан тарбияси, ақлий тарбия, иззат-ҳурмат.

Аннотация. В данной статье рассматривается самая важная задача в семье по воспитанию ребенка. Этнографический анализ населения Бухарского оазиса по почитанию родителей в семье, исламскому воспитанию, воспитанию мальчиков и девочек.

Ключевые слова: воспитание, исламское воспитание, нравственное воспитание, физическое воспитание, умственное воспитание, уважение.

Abstract. This article discusses the most important task in the family to raise a child. Ethnographic analysis of the population of the Bukhara oasis on respect for parents in the family, Islamic upbringing, upbringing of boys and girls.

Keywords: upbringing, Islamic upbringing, moral upbringing, physical upbringing, mental upbringing, respect.

Тарбия - шахсда муайян жисмоний, руҳий, ахлоқий, маънавий сифатларни шакллантиришга қаратилган жараёндир. Инсоннинг жамиятда яшаши учун зарур бўлган хусусиятларга эга бўлишини таъминлаш йўлида кўриладиган чора-тадбирлар йиғиндиси ҳам тарбия дейилади. Тарбия инсоннинг инсонлигини таъминлайдиган энг қадимий ва абадий қадриятдир. Тарбиясиз алоҳида шахс ҳам, кишилиқ жамияти ҳам мавжуд бўла олмайди. Чунки одам ва жамиятнинг мавжудлигини таъминлайдиган қадриятлар тарбия туфайлигина бир авлоддан бошқасига ўтади. Халқимизда “таълим ва тарбия-бешиқдан бошланади”, деган ҳикматли сўз бор [1.224].

С.П.Поляковнинг 1989-йилда чоп этилган “Традиционализм в современном среднеазиатском обществе” асарида ҳам оилавий муносабатлар ва бола тарбиясига оид маълумотлар келтирилган. Жумладан, муаллиф демографик ҳолат, оила, анъанавий бола тарбияси масалаларини ёритганда ўзбекларга тегишли маълумотларга ҳам тўхталиб ўтади. У ўзбек оилаларида ўғил ва қиз бола тарбиясидаги фарқли хусусиятлар ва уларга бўлган муносабатларнинг ўзига хос жиҳатларига тўختалади [2.109].

Таникли этнограф Т.А.Жданконинг Марказий Осиё халқлари оилавий муносабатларига бағишланган тадқиқот ишларида оила аъзолари орасидаги муносабатлар билан бир қаторда

бола тарбияси хусусида ҳам айрим маълумотлар келтирилган [3.489-506].

“Мени доимо ўйлантирадиган, ташвишга соладиган яна бир долзарб масала бу-ёшларнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, маданий савияси, бир сўз билан айтганда, тарбияси билан боғлиқ” [4.257],- деб айтган давлат раҳбарининг сўзлари бу масаланинг нечоғлиқ муҳимлигини кўрсатади.

Этнограф А.Ш.Жумаев Бухоро ўзбеклари ва тожикларининг бола туғилиши ва тарбиясига оид урф-одат ҳамда маросимлари, турли ёш босқичларида бериладиган тарбия анъаналари, Бухоро воҳаси ўзбек ва тожиклари оилада фарзанд тарбиясига катта аҳамият бериши хусусида маълумот берган [5]. Тарбиянинг қарор топишида оила ва оилавий маросимларнинг ҳам ўрни алоҳида. Оилавий маросимлар жараёнида фарзандлар ўзига хос одоб-ахлоқ тизимини ўрганади. Фарзандни катта қилиш эмас, камолга етказиш муҳим. Жуда қийматли, нозик бир гулни етиштириш учун қанчалик ҳаракат, меҳнат лозим бўлса, гўзал хулқли болани тарбиялаш учун ҳам шунчалик ғайрат ва сабр-бардош керак.

Жадидлардан Абдурауф Фитрат ҳам оилада тарбияга алоҳида аҳамият бериш лозимлигини уқтирган. У “оиладаги энг оғир вазифа бу фарзанд тарбияси” [6.55] деб ҳисоблаган. Айнан инсоннинг оилада болаликда олган тарбияси бутун келажақ ҳаётини белгилашда асосий рол ўйнайди. Фитрат тарбияни уч қисмга бўлган. Булар: бадан тарбияси, ақлий тарбия ва ахлоқий тарбиядир. Уларнинг қайси бирида камчилик бўлса, бошқаларига ҳам путур етади. Уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Тарбияни ёшга қараб ҳам турли босқичларга бўлиш мумкин. Биринчи босқич туғилишдан етти ёшгача-бу давр ота-она зиммасига тушади, иккинчи давр саккиз ёшдан йигирма ёшгача-мактаб ва мадраса зиммасига, учинчи босқич умрининг охиригача инсоннинг ўзининг зиммасига тушади. Фитрат ўзининг “Оила ёки оила бошқариш тартиблари” асарида тарбиянинг ҳар бир қисмига ва элементларига жуда катта аҳамият бериб, бу жараён асосан оилада қарор топишига урғу берган [7.55-92].

Жумладан, бунини биз оилавий урф-одатларимиз мисолида кўришимиз мумкин. Халқимизда “чилла” тушунчаси мавжуд. Бугунги кунда ёшларнинг баъзи бир тоифаси бу каби тушунчаларни бидъатга йўйиб, йўқотиш керак деган фикрлар билан чиқишмоқда. Лекин этнографик урф-одат ва анъана сифатида биз бу каби тушунчаларни рад эта олмаймиз. Қолаверса, айнан “чилла” даври чақалоқ учун муҳим бўлиб, шу даврда амалга ошириладиган баъзи ҳатти-ҳаракатлар ва қадриятлар фарзанднинг келажаги учун аҳамиятли ҳисобланади. Мисол учун, чақалоқни ҳар ўн кунда мукаммал тарзда чўмилтириш болани ёшликдан гигиена қоидаларига риоя қилишга ўргатади. Чўмилтириш тизимли жараён ҳисобланади. Абдурауф Фитрат келтирган маълумотларга кўра, “болани чўмилтирадиган тоғора ва барча жиҳозлар тоза бўлиши керак. Шу учун ҳам одатда болага янги жиҳозлар ишлатилади. Болани чўмилтирадиган сув қайнатилган бўлиши керак. Боланинг бадани ҳар доим иссиқ ва қуруқ бўлиши лозимлигига аҳамият берилган” [8.63]. Фарзанд кўрган аёл ва унинг чақалоғи чилла даври давомида махсус шароитда сақланиб, турли инс-жинс ва касалликлардан ҳимоя қилинган. Чилла даврида турли шаклда бахтсизликлар содир бўлмаслиги учун она ва бола ёлғиз қолдирилмаган. Кечки пайт доим хонада чироқ ёкиб қўйилган. Бундан ташқари ҳар куни намозшомда исирик тутатиш одати бўлган. Унинг ёнига кечки пайтда бегоналарни киришига йўл қўйилмаган. Бу ҳам болани турли бало-қазолардан асраш учун амалга оширилган тадбир ҳисобланади. “Чилла” даврида онани ҳам, болани ҳам яхши парвариш қилишга алоҳида эътибор берилади. Чиллани чақалоқ хонасига фарзандсиз аёллар ҳам киритилмаган. Чунки шундай ҳолат кузатиладиган бўлса, фарзандсиз аёл оилага бахтсизлик олиб келади, деб ирим қилишади.

Одатда, “чилла” даври маросимларидан бири болани бешикка белашдир. Бешик – бола оёққа турганча ётадиган, яшайдиган жойи, бошпана уйдир [9.7]. Бешик ота боболаримиз кашфиётлари орасида алоҳида ўринга эга. Аксар ҳолларда бешик оилада биринчи фарзанд туғилганда сотиб олинади ва кейинги фарзандлар учун ҳам ишлатилади. Халқимиз орасида бешик мевали (тут, ёнғоқ) дарахтларининг таналаридан ясалган. Бу албатта, рамзий маънога эга. Яъни бешикда ётган чақалоқ келажақда мевали дарахтга ўхшаб серфарзанд бўлишига ният қилинган. Бешик учун ёзда нисбатан юмшоқ ва ҳаво ўтадиган матолар, қишда эса қалин ва иссиқ матолардан ёпинчиклар ёпилган. Шунингдек, бешикнинг ҳам ёзги шакли бўлган. У беланчак деб аталади. Беланчак бешик бажарган ҳамма вазифани бажармаса ҳам ёз кунларида аёлларнинг юмушини енгиллатган. Бешик ўзбеклар оиласи учун муқаддас ҳисобланади.

Бешик тўйи воҳада кенг тарқалган маросимлардан бири. Бешик тўйи воҳада “гаворабандон” номи билан юритилади. Қадимда бу маросим чақалоқ туғилишининг 7, 9, 11- кунлари ўтказилади. Оиланинг моддий таъминланганлик даражасига боғлиқ ҳолда ўзига тўқ оилалар одатда бу маросимни дабдабали, камбағал оилалар эса уни камтарона ташкил этадилар.

Чақалоқни бешикка белашда бир қанча урф-одат ва ирим-сиримларга дуч келамиз. Чақалоқни бешикка белаш билан боғлиқ ишончли вазифани қариндош-уруғ ёки қўни-қўшнилар орасидан ҳурмат-эътиборли, ували-жували, энг асосийси, бир никоҳли буви ва момоларга ишониб топширилган. Халқимизда болани бешикка белаш учун кўпроқ муродбахш кунларга эътибор қаратилган. Бу кунлар кўпроқ душанба, чоршанба ва жумъа деб танланган.

Маросимда шунингдек, қўчқор сўйиш анъанаси ҳам мавжуд. Ҳатто ёш болали уйларда доимий равишда қўчқор боқилган. Бундан кўзланган мақсад болани ва хонадонни ёмон кўзлардан, суқ-ҳасудлардан асраш эди. Болаларнинг тишлари чиройли ва соғлом чиқиши учун қозонда пиширилган қўчқор калласини бола боши устига иккига ажратганлар. Бухоронинг айрим жойларида кишилар ҳатто ҳовлиларда қўчқор калла суягини осиб қўйганлар. Воҳа ҳудудида сўзана, гилам ва кигизлар қўчқор шохи (тагалак) гуллари билан безатилган. Буни яхшилик гули деб ҳисоблаганлар [10.24].

Бу маросимда бешик ва чақалоқ учун зарур бўлган барча анжомлар келин онаси ва унинг яқин қариндошлари томонидан совға тариқасида олиб келинган. Дастурхонларда нон, патир, ширинликлар, чақалоқнинг ота-онасига, унинг бобо-бувиларига сарполар, чақалоқ учун совғалар лаълиларга териб чиқилган ва дастурхонларга ўраб, маросим ўтказиладиган хонадонга олиб борилади. Бу лаъли-дастурхонлар сони оиланинг иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиб, тўрт, олти ёки саккизтагача бўлиши мумкин. Ҳар бир дастурхоннинг устига бир хил қилиб зардўзи лаълипўшлар ёпилади. Ўз навбатида, куёвнинг ота-онаси ҳам келин томон меҳмонлар учун махсус тайёрлаб қўйган совғаларини улар олиб келган лаъли-дастурхонларга ўраб қайтаришади.

Анъанага кўра, чақалоқ учун олиб келинган янги бешикни аввал чақалоқнинг ота томонидан бобоси ўнг елкасига қўйилади, бобоси эса бешикни ўғлининг ўнг елкасига узатади. Келин томон қариндош-уруғ меҳмонларни хонадон дарвозасидан киришлари билан уларнинг юзларига пахтани ун-урвоққа булаб суртиш одати бажарилади. Меҳмонлар меҳмонхонага ясатилган дастурхонга таклиф этилади, улар овқатланиб, созандалар базми давом этиб турганда қўшни хонада кекса онахонларнинг иштирокида болани йўргаклаш ва бешикка солиш удуми бажарилади. Бешикнинг устига дастурхон тўшаб, ширинликлардан парварда, қанд, ёнғоқ кабиларни сочилади. Буларни ёш болалар ва меҳмонлар териб олишади. Дастурхон атрофида болага бағишлаб дуолар қилинади. Маросим охирида меҳмонлар чақалоқни кўриш мақсадида унга ўз совғаларини берадилар.

Бухоро воҳаси аҳолиси орасида бешикнинг ўзи билан боғлиқ бир қанча ирим-сиримлар ҳам мавжуд. Жумладан, ишлатилган бешикни сотиш, бўш бешикни тебратиш таъқиқланган. Бешик авлоддан-авлодга мерос тариқасида ўтиб, унда оиланинг кейинги фарзандлари ҳам катта бўлишган. Ушбу тақиқларга риоя қилинмаса оила учун ёмонлик келтиради деб тушунилган [11].

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Бухоро воҳасида оилавий маросимлар жараёнида фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор қаратилиши очиб берилди. Хусусан, бу масала бешик тўйи маросими мисолида кўриб чиқилди. Фарзанд тарбиясида бешик тўйи маросимининг муҳимлиги маълум бўлди. Ушбу оилавий маросимни ташкил этишда жамоанинг ўрни, ўзига хослиги ўрганилди. Бундан ташқари, оилавий маросим жараёнида иштирокчиларнинг оилани, маросимни қадрият сифатида авайлаши кузатилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси.-Тошкент: Ўзбекистон, 2021.-Б.-224.
2. Поляков С.П. Традиционализм в современном среднеазиатском обществе. – Москва: Наука, 1989. – С. 109.
3. Жданко Т.А. Семья: Внутрисемейные отношения // Семейный быт народов СССР. – Москва: Наука, 1990. – С. 489-506.

4. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2021.-Б.-257.
5. Жумаев А.Ш. XIX аср охири - XX аср бошларида Бухоро воҳаси ўзбек ва тожикларида боланинг туғилиши ҳамда тарбияси билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар: Тарих фан. ном.... дис. –Тошкент, 1991. - 212б; Жумаев А.Ш. Бухоро воҳаси ўзбек ва тожикларининг анъанавий урф-одат ва маросимлари. Ўрта мактаб ўқитувчилари ва гуманитар факультет талабалари учун методик қўлланма. Бухоро, 1992. – 27б.
6. Абдурауф Фитрат. Оила ёки оила бошқариш тартиблари.- Тошкент: Маънавият, 2000.-Б.-55.
7. Абдурауф Фитрат. Оила ёки оила бошқариш тартиблари.- Тошкент: Маънавият, 2000.-Б.-55-92.
8. Абдурауф Фитрат. Оила ёки оила бошқариш тартиблари.- Тошкент: Маънавият, 2000.-Б.-63.
9. Махмуд Саттор. Ўзбек удумлари. Тошкент: “Фан”, 1993. Б.-7.
10. Йўлдошев Нарзулла. Бухородаги айрим авлиёлар тарихи.- Бухоро: Бухоро, 1993.-Б. -24.
11. Дала маълумотлари. Бухоро шаҳри, Бухоро, Жондор, Когон туманлари, 2021-йил, январ.

ЛЎЛИЛАР ЭТНИК УРФ-ОДАТЛАРИДАГИ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАР

Рўзиева Машхура Абдимўминовна

Термиз давлат университети
Фуқаролик жамияти кафедраси
ўқитувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада Сурхондарё вилоятида олиб борилган дала тадқиқотлари даврида амалга оширилган кузатувларга асос қилиб Жарқўрғон тумани манба сифатида алоҳида ўрганилган. Этник табиий географик жойлашувида лўлилар илмий тадқиқотлар жараёнидаги дала кузатувлари асосида ўрганиш муҳим аҳамиятга эга маълумотларни тақдим этган ва лўлиларни этник урф-одатлардаги ўзига хос жиҳатлар ҳақида фикрлар юритилган.

Калит сўзлар: дала тадқиқотлари, географик жойлашуви, илмий тадқиқотлар, этник урф-одатлар, келин-куёв.

Аннотация. В данной статье на основе наблюдений, сделанных в ходе полевых исследований, проведенных в Сурхандарьинской области, Жаркурганский район исследуется отдельно как источник. Изучение на основе полевых наблюдений в процессе научных исследований цыган в этноприродно-географическом пространстве позволило получить важную информацию и обсудить особенности этнических обычаев цыган.

Ключевые слова: полевые исследования, географическое положение, научное исследование, этнические обычаи, жених и невеста.

Abstract. In this article, based on the observations made during the field research conducted in the Surkhandarya region, the district of Zharkurgan is studied separately as a source. Studying on the basis of field observations in the process of scientific research of Gypsies in the ethno-natural geographical location provided important information and discussed the specific aspects of Gypsies' ethnic customs.

Keywords: field research, geographical location, scientific research, ethnic customs, bride and groom.

Этник табиий географик жойлашувида лўлилар илмий тадқиқотлар жараёнидаги дала кузатувлари асосида ўрганиш муҳим аҳамиятга эга маълумотларни тақдим этди. Сурхондарё вилоятида олиб борилган дала тадқиқотлари даврида амалга оширилган кузатувларга асос қилиб Жарқўрғон тумани манба сифатида алоҳида ўрганилди. Жумладан, Жарқўрғон туманида олиб борилган дала кузатувлари давомида 3 мингга яқин лўлилар 8 та қишлоқда яшаб истиқомат қилиши аниқланди. Ушбу қишлоқлардаги лўлилар Эшони, Примы, Хазратқули, Қоровули, Улиғи уруғларини ташкил этади. Булар:

1. Эшон бобо

2. Қоравулбобо
3. Прим бобо
4. Ҳазратқул бобо
5. Улуғ бобо авлодлари [1].

Ушбу уруғларнинг пирлари Самарқандда яшаб, бу даҳа уруғлари қуда-анда бўлиб, бошқа уруғларга қиз бермаганлар. 1960-1970 йиллардан қуда – андачилик муносабатлари ўрнатилган. Ёши катталарнинг ҳаммасининг пешонаси, юзига Ҳиндистондан келиб чиққанликларининг белгиси сифатида сунъий (яшил) хол қўйилган. Епа бу ҳар уруғ одамига қўйилган. Жарқўрғон тумани “Октепа” маҳалласи “Чўлобод” қишлоғига 1978-79 йилларда Шўрчининг “Култепа” маҳалласидан 8 хўжалик кўчиб келган. Қумқўрғон тумани Жалойир қишлоғида эшонлари бўлган. Қабрлар ўша қишлоқ қабристонига қўйилган [2].

Уруғларга вояга етган 12-13 ёшли қизлар турмушга берилган, ҳозир никоҳ ҳолати тартибга олинган бўлсада, қизлар лўлилар урф-одатлари бўйича 15-16 ёшдан олиб қочиш одати ҳозиргача сақланиб қолган.

Совчиликка дастлаб 4 та эркак борган, сўнгра аёллар йигитнинг онаси, амма, холалари совчиликка боришган. 4 миллион сўм қалин берилади. Нон синдиришда ўртада далоллар бўлган. Катта пулни қиз томон сўрайди. “Худо учун кечинг”, “Пайғамбар учун кечинг” ...охирида эл қатори пул беришга келишилган [3]. Нон, қатлама, патир, 2 кийимлик мато, оёқ кийими олиб бориб нон синдирилган. Ўзбек тўйларида анъанага айланган кийимликлар, кўрпаликлар, пахта, ун, ёғ, гуруч берилмайди. Тўйдан 2-3 кун олдин қизнинг уйида никоҳ ўқитилган. Қуёв томон тўйда келин учун атаган сарполар, кўрпа-тўшаклар, сандиқ, гиламлар билан уйни безатиб қўяди. Қизнинг ота – онаси ҳам 2 сандиқ кўрпа – тўшак, кийимликлар қилиб қизларини узатишади. Ёши улуғ, ўзидан кўпайган аёл чимилдикни боғлайди. Чимилдикдан кейин яна ип тортилиб кийимлик матолар илиб қўйилади. Чимилдик 2 ой давомида осилиб турган. Олинадиган кун 5-6 аёл чақирилиб ош дамлаган. Сўнгра чимилдикни боғлаган аёл уни ечган. Тўйдан кейин 40 кун чилла сақлашган, Яъни келин-қуёв ёлғиз ётмаган. Тўйдан кейин 40 кун чилла сақлашган, яъни келин-қуёв ёлғиз ётмаган. Тўйлар кундуз кун ۈтказилади. Қизнинг отаси қўй сўйиб элга тўй қилиб беради. Агар имконияти етса қуёв томон узук-сирға берган. Олдинлари қудалар бир-бирига сарпо кийдирганлар. Ҳозир бу одат бекор қилинган. Қизнинг уйида ҳам, қуёвнинг уйида ҳам тўй кундуз кун ۈтказилади. Қизнинг отаси, акалари тўйга боришмайди [4]. Тўй эгасининг ўзи уйма-уй юриб тўйга чақириб чиқиши шарт. Акс ҳолда мени чақирмади тўйга деб тўйда қатнашишмайди. Тўйда соврунлар ёздирилади. Кимдир қўй, кимдир пул, кимдир гилам ёки материал берган. Тўйда меҳмонлар давра қуриб ерда ўтиришади. Тўй бошлангандан кейин давра ўртасига катта гилам ёйилган. Микрофон орқали сарпо берган кишилар эълон қилинган. Улар ўртага чиқиб совунни элнинг олдида тўй эгасига тақдим этган. Бу одат ҳозир ҳам сақланиб қолган. Лўлилар кўп болали элат ҳисобланишган. 10-20 тадан болали бўлиш талаб қилинади. Аборт қилиш гуноҳ ҳисобланади. Тўйдан кейин келин қиз чиқмаса, ўша кечаси отасининг уйига қайтариб юборилади. Аёллар (келиннинг қариндош-уруғлари) қизнинг пок эканлигини билишгач тарқалишади. Момо келинни чўмилтиради.

Лўли аёллари эридан сўрамай кўчага чиқишмайди. Авваллари чақалоклар уйда туғилган. Бу ҳолат баъзи бир оилаларда ҳозир ҳам сақланиб қолган. Яқин-яқин вақтгача болаларнинг қулоғига азон айтилмаган. Чақалокқа чилла қилинади. Момолар бешикка белаб беришади. Ўзбек халқидаги чиллагузарон одати бу элатда йўқ. Тукқан аёлга 20 кун атала қилиб берилган. Палов ва пиёз истеъмол қилинмаган.

Қизлар кўп ҳолатларда қочиб кетишади. Қуёв томон 4 миллион қалинни бергач қизнинг ота-онаси қизини кечиришади. Лекин уйда тўй ҳам қилиб беришмайди. Ор қилиб қуёвникида ўтказилаётган тўйда қатнашишмайди. Келинлар ота уйига камдан – кам ҳолатларда боришади. Қудалар ҳам 5-6 ойда бир-бириникига меҳмонга боришади.

Олдинлари камишдан уй қуриб яшаган. Том усти ҳам камишдан бўлган. Том устига лой қўйиб сувалган. Қишда иситиш учун уйнинг ўртасида чуқур ковлаб сандал қўйилган. Кўпинча қуёвлар ичқуёв бўлиб яшаган. Улар учун алоҳида қапа қурилган. Ҳар йили худо йўлига Дарвешона ўтказилади. Имкониятидан келиб чиқиб бутун эл пул йиғади. Одатда бу тадбир Наврўз олди ўтказилади. Қишлоқ аҳли бир жойга тўпланади. Ош қилиб элга тарқатилади. Дуолар оқсоқоллар томонидан ўқилади. Қадимда бу элда хунармандлар кўп бўлган. Улар мис

ва кумушдан летва (бурунга тақилади), панчо, мошак (қўлга тақилади), бешайка (қўкракка тақилади), сирға, узуклар ясашган. Объектив ва субъектив сабаблар билан бу ҳунарлар йўқолиб кетган. Зиёдулла Шоймардоновнинг опаси Хадича момо “Шох” ҳунари билан шуғулланган. Яъни мол шоҳи орқали харом қонларни олиш орқали аҳоли қатор касалликлардан даволаган. Турмушга чиққан жувон билан қиз боланинг фарқи билинади. Қиз болалар бош яланг, калтароқ қўйлак кийиб, бўяниб ўзларига оро бериб юришади. Турмушга чиққанлар доим бошларида рўмол, тўпиғигача узунликда бўлган қўйлак кийиб юришади. Бўянишмайди. Суннат қиладиган уста ўзбеклардан бўлади. Имкониятларидан келиб чиқиб 6-7-9 ёшда хатна қилдирилган.

Қадимда келин келганда 7 жойга олов ёқилган. Келин-куёв ундан сакрашган. Ҳозир ҳовли олдида уч жойда олов ёқилади. Келин-куёв ундан биргаликда айланишади. Агар оилада кетма-кет қиз туғилса Қизларбас, Ўғилой каби исмларни қўйишади. Ой билан боғлиқ исмлар Рўзигул, Рўзихол, Рўзибой фарзандга қўйилган. Бобо ва момоларнинг исмлари қўйилган ва ўша исм билан чақирилади. Ўзбек ва тожик халқларида фарзандга бобо ёки момо исми қўйилган болани Бобожон, Бобош, Катта, Момиш, Моможон деб аташган. Катта ёшлиларда Ноиб, Болта, Теша, Тўхли, Кетмон, Узоқ, Яхшибой, Ином, Тўқсон, Қоржов каби исмлар кўп учрайди. Агар бола хириллаб туғилса болага Нортой деб исм қўйилган.

Қадимда кўчманчи бўлиб яшашган. Бошлиқлар қаерга, қачон кўчишни ҳал қилган. Бўйсунмаганларни элдан ажратишган. Кўчиб борган жойларида одамларнинг хўжалик ишларини қилиб нон топишган. Эрига хиёнат қилган аёлларни яланғоч қилиб мушук билан бирта қопга солишган. Бигиз тикиб мушукнинг ғашини келтиришган, мушукка талатишган.

Инсон вафот этса садр айтиб йиғлашади. Майитнинг хотини сочини кесиб ташлаган, юзларини юлиб қон чиқаришади. 2-3 йил кўм-кўк кийим кийишган. Тақинчоқлар (узук, сирға) ни азадорлар тақиши мумкин эмас деб ҳисобланади. Ҳозир энг яқин кишилар аза қилишади. 60 ёшдан ошганлар учун кийимлар оқ рангда, ёшлар учун тутилган аза кийими кўк рангда бўлади. Аёлнинг ёки эркакнинг қариндошлари вафот этса 40 кун бир-бирларига яқинлашмайди. Майит кийими 3 кунда ювилади. Ўзбекларда бўлгани сингари улар тарқатилмайди. Кийимлар бир сира олиб қолинади. Қолганлари кўмиб ташланади. Ўлган куни яқин қариндошлари 100 лаб кишига пул тарқатади [5].

Ўликни ўз суягидагилар ювади. Агар майит аёл киши бўлса ювган кишиларга 3 метрдан мато, янги калиш, кир совун берилади. Майит эркак киши бўлса ювишда иштирок этганларга янги желак ва калиш берилади. Қабр тўрт бурчак бўлиб киндиккача қазилади. Ичкари уй думалоқ ковланади. Аёлни қабрга тоға қўяди. Бегона кўздан асраш учун қабр устини мато билан тўсиб туришади. 7 белдан тупроқ ташланади. Эркаклар соч-соқолини олдириб ташлашади. Ўлик чиққан уйда олов ёқиш харом ҳисобланган. Етти берилган куни олов ёқилади. 60 ёшдан ошганлар учун 40 кун оқ, ёшлар учун йилгача кўк кийим кийилади. Рамазон ойида олдинлари бошида 3 кун сўнгида 3 кун рамазон қўшиғи айтилган. Ҳозир тўлиқ ё ой давомида рамазон айтиб уйма-уй юрилади. Рўзада фитр садақа берилмайди. Кечаси тикиш қилинмайди.

Уйлар имкониятидан келиб чиқиб қурилади. Уй деворларини оқлашда кўпинча тўқ қизил, тўқ яшил, кўк ранглардан фойдаланишади. Қадимда кўчманчи бўлиб яшаганликларининг ҳисобига қилишмаган. Аччиқ қалампир, чеснокни жуда кўп истеъмол қилишади. 63 ёшга етганда пайғамбар тўйи қилинади. 20-30 кишига тўп, 20-15 кишига желак тарқатилади. Элга ош берилади.

Тирикчиликлари фермердаги иш, Россиядаги иш, Экологиядаги иш ва “дай-дай” ҳисобланади. “Дай-даини” етти пуштидан қолган касб дейишади [6].

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Дала ёзувлари. Зиёдулла бобо Шоймардонов (76 ёш Жарқўрғон тумани (Араб қишлоқ)).
2. Дала ёзувлари. Бариса момо Хаиталиева (65 ёш Жарқўрғон тумани (Чўлобод қишлоқ)).
3. Дала ёзувлари. Эргашев Яхшибой бобо (65 ёш Жарқўрғон тумани Чўлобод қишлоқ).
4. Дала ёзувлари. Тўраев Фахриддин (65 ёш Жарқўрғон тумани Чўлобод қишлоқ).
5. Дала ёзувлари. Жайловов Узоқ бобо (75 ёш Жарқўрғон тумани Оқтепа маҳалласи).
6. Дала ёзувлари. Ҳасанов Урал бобо (80 ёш Жарқўрғон тумани Араб қишлоғи).

КЎХИТАНГ ТОҒ ҚИШЛОҚЛАРИ АҲОЛИСИНИНГ ИНСОНПАРВАР ҚАҲРАМОНЛИКЛАРИ ХУСУСИДА

Кичкилов Шерхон Хамзаевич

Ўзбекистон Республикаси

Инновацион ривожланиш вазирлигининг

Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи

Аннотация. Мақолада Кўхитанг тоғ қишлоқларидан бири бўлган Хомкон қишлоғи аҳолисининг совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаги оғир иқтисодий қийинчилик ва иккинчи жаҳон уруши даврида халқнинг юксак инсонпарварлик туйғуси ва қалб амри ила ғамхўрликлари, фронт олди ҳамда меҳнат соҳасида мислсиз қаҳрамонликлари ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: Кўхитанг тоғ қишлоқлари, Хомкон, чорвачилик, лалмикор деҳқончилик, Совет давлати, зўравонлик сиёсати, колхозлаштириш кулоқ қилиш, сургун қилиш, иккинчи жаҳон уруши, меҳнат жасорати.

Аннотация. В статье рассказывается о тяжелых экономических трудностях жителей в первые годы советской власти, села Хомкон, одного из горных селений Кохитанга, а в годы Великой Отечественной войны, о высоком человеколюбии и заботливости людей, беспримерном героизме при фронте и на ниве труда.

Ключевые слова: Кохитангские горные аулы, Хомкон, животноводство, богарное земледелие, Советское государство, политика насилия, колхозное хозяйство, ссылка, Великая Отечественная война, трудовое мужество.

Abstract. The article talks about the severe economic hardships of the residents of Khomkon village, one of the Kohitang mountain villages, in the early years of Soviet power, and the people's high humanitarianism and care, unprecedented heroism in the front and labor spheres during the Second World War.

Keywords: Kohitang mountain villages, Khomkon, animal husbandry, dry farming, Soviet state, the policy of violence, collective farming, exile, World War II, labor courage.

Кўхитанг тоғ қишлоқларидан бири бўлган Хомкон қишлоғи аҳолиси қадимдан чорвачилик, лалмикор деҳқончилик, боғдорчилик, темирчилик, каштачилик, дурадгорлик, косибчилик, кончилик билан шуғулланганлар ва бугун ҳам бу анъаналар қадрият даражасига кўтарилиб, нафақат мамлакатимиз, балки вилоятимизнинг бошқа ҳудудларидан анъанавий турмуш тарзи, маданияти билан ўзига хос ўринга эга бўлиб, ота-боболар, ўтмишдошлар тарихга муҳрлаб кетган воқеаларни билиш ҳозирги авлод учун ҳам муҳимдир.

Хомкон (Хомкон асли туз кон демакдир) - Шеробод туманидаги қишлоқ. Жанубий Ўзбекистоннинг икки тилли шеваларида *тоғ бағирларида чуқур жой, кам, камар, ботиқ жой*. Кон (ком) *сув ўзани, анҳор, йирик ариқ, қазиб оқизилган сув*. Хомкон чуқур сув ўзани, чуқурликдан оқадиган сув, сувли чуқурлик маъноларини англатади.

Туз кон ўрнида, жуда катта майдонни сув билан эгаллаб турган Канбешбулоқ кўли пайдо бўлган. Бу кўл Сурхондарё вилоятидаги кўзга кўринган кўллардан бири бўлиб, давлат муҳофазасига олинган. Канбешбулоқ кўлининг сув сатҳи майдони 200 гектарни ташкил этади. Канбешбулоқ кўлини ёнидаги кўлчалари ва жарликлари билан қўшиб ҳисобласак, қарийб 400 гектарни ташкил қилади.

Хомкон кўлининг пайдо бўлиш тарихига тўхталадиган бўлсак, Канбешбулоқ кўли бундан 200 йиллар олдин пайдо бўлган. Кўлнинг жойида дастлаб майдароқ туз кони ҳамда Саидхон Эшонбобонинг ҳовлиси бўлган. Саидхон Эшонбобо кўчиб келган йилларидан бошлаб туз кони чўкиб, унинг ичида сув пайдо бўла бошлаган. Йиллар ўтиши натижасида кўл анча кенгая борган. Кўл пайдо бўлишидан олдин ва ундан кейин ҳам туз конидан туз қазиб олиб ундан фойдаланишган. Иккинчи жаҳон урушига қадар хомконликлар кўл қирғоқларидан туз қазиб олиб, эшаклар ёрдамида Денов, Узун, Сарисийё, Бойсун ва шу каби кўплаб жойларга олиб бориб сотишган ёки айирбош қилишган. Масалан, заҳматкаш халқнинг эслашича, аҳолининг машаққатли меҳнатини биргина Кичкилхон Эшонбобо мисолида айтадилар: у киши жуда меҳнаткаш ва жисмонан бақувват бўлиб, 2-жаҳон урушига қадар доим туз чопган ва 80-90

кг тузни орқалаб, Денов, Олтинсой, Сариосиё туманларигача олиб борган. У киши колхоз ишларида фаол меҳнат қилганликлари учун 1947 йил 22 февралда “Шавкатли меҳнати учун” медали билан собиқ СССР олий совет президиуми фармонида асосан мукофотланган, деб эслайдилар.

Кондан олинган тузнинг тотими, яъни эрувчанлик даражаси жуда юқори бўлиб, тузга бошқа жинслар аралашмаган ҳамда соф ҳолда қазиб олинган. Кон Хомкон аҳолисига бебаҳо бойлик сифатида фойда келтирган. Унинг тош тузи, ҳатто машҳур Лайлимкон туз кони атрофида яшовчилар учун кадрли бўлган. Кўхитангдан тортиб Синагача, Белибойлидан Термизгача хомконликлар туз ортиб бориб сотганлар, қимматчилик йилларида ортиқча қийинчиликларсиз кун кечиришган.

Хомконда аввал ҳам туз олинадиган жойлар бўлган, аммо у тузларни кишилар истеъмол қила олмаган. Чунки у тузларга бошқа жинслар аралашган ва тотими ҳам кам бўлиб, фақат чорва моллари учун яроқли бўлган. Шу сабабли “хом кон”, яъни “пишиб етилмаган кон” маъносида у жойларни Хомкон деб номлашган. Хомкон деб аталишининг асосий сабаби бу жойлар атрофи шўр бўлиб, Жийдалисойдан Панжоб дарасига киравериш жойигача давом этади. Туз конининг Бешбулоқ яйлови текислигидан чиқиши хомконликлар учун бебаҳо хазина бўлган. Коннинг ўрни аввал текис жой бўлиб, сел сувлари Окжар дарасига кириб, гоҳо кўриниб оқар, гоҳо кўринмай оқар, баъзи жойларида тошлар ковагига кириб кўринмай оқиб ўтиб, Хаччадан бориб чиқар эди.

Канбешбулоқ суви кейинги йиллар ичида кескин баландга кўтарилиб, кенгайиб бормокда. Кўлдан чиқаётган сув апкандага (ўпкон) кириб кетмокда. Бунинг исботи сифатида, Қизирик тумани Хомкон қишлоғида истикомат қилувчи Анваров Ҳамрохоннинг хотирлашича, Совет Иттифоқи даврида Хомконга келган гидрогеологлар кўл сувини ўрганиш мақсадида балиқ думига халқа боғлаб ташлайдилар. Балиқ бошқа бир кўлдан, яъни Кўхитанг қишлоғида мавжуд бўлган кўлдан чиқиб келади. Бу нарса Хомкон кўли ер ости сув йўллари билан туташганлигини англатарди. Гидрогеологлар янаям ишонч ҳосил қилиш учун Хомкон кўлига ранг ҳам қуйиб кўрганларида ранг ҳам бошқа жойдан чиқиб келади.

ХІХ асрнинг охири - ХХ аср бошларида Бухоро амирлигининг шарқида жойлашган Шеробод беклиги амирликнинг сиёсий-маъмурий жиҳатдан йирик беклиги ҳисобланган бўлиб, ҳудуд жиҳатдан ва аҳоли сони жиҳатидан ўзига хос ўринга эга бўлган. Шеробод ҳудудидаги тоғли қишлоқларидан бўлган Хомконда ҳам аҳоли сони ошиб боради. Совет давлатининг Ўзбекистонда 1920-30 йилларда зўравонлик сиёсати билан ўтказилган колхозлаштириш ва у билан боғлиқ тарзда кулоқ қилиш, сургун қилиш жараёни ҳамда унинг фожиали оқибатлари тарих саҳифаларида ўз аксини топди. Марказдан келган иш ўргатувчилар, колхоз тузумини назоратга олувчилар маҳаллий халқни қириш, бўйсунмаганлардан ўч олиш, урф-одатларни камситиш билан сиёсат юритдилар. Замон нотинч, очарчилик бўлган. Жамоа хўжалиги ташкил этилган йилларда кўп ишлар бўлиб ўтган. Кўпчилик одамлар бадарға қилинган. Қамалган даврлар бўлган экан. Одамлар бир-бирларидан шубҳаланиб яшаган замон бўлган экан. Қизирик туманининг Гулобод маҳалласида яшовчи оқсоқол Абдурахмонов Зулфиқор бобонинг хотирлашича, Хомкон қишлоғи аҳолиси ҳам бу қатағондан четда қолмади. Илмли одамларнинг кўпчилиги узоқ ўлкаларга сургун қилинди: Иброҳимхон Умбаров Бухоронинг Когон туманига, Холиёр Узун деган бой Қирғизистонга, ундан сўнг Фарғона водийсига, Мустафақулбойнинг ўғли Ашурқулбойни узоқ Ёқутистон ўлкасига кон қазиш ва бошқа шу каби жойларга сургун қилганлар. Мустафақулбойнинг 5000 га яқин чорва моллари давлат ҳисобига мусодара қилингандан кейин, етмаганига фарзандларини ҳам ўз оилалари билан кулоқ қилиб юборилади [1].

Ўзбекистон Республикаси ташкил этилгач, 1925 йилда Шеробод округидаги барча қишлоқлар Калламосор, Лайлаган, Хўжанқо, Хўжаулкан, Хомкон, Хатак ва бошқа қишлоқ советларига бўлинади. 1926-йилги аҳоли рўйхати чоғида Хомкон қишлоқ советида 202 хўжалик, шундан, Қизилбулоқда 20 хўжалик, Патталида 62 хўжалик, Хомконнинг ўзида 120 хўжаликдан иборат эканлиги ва уларнинг барчаси ўзбек-қўнғиротлар миллатига мансублиги қайд этилган [2]. 1930 йилги колхозлаштириш сиёсатида Хомконнинг Сталин, Ленин, Қаҳрамон, Қизилой хўжаликларида етиштирилган ғалла от-улов билан Шерободга, ҳатто, Термизгача ташиб келтирилган. Кунига 150 уловда (халқ тилида “эшак карвонда” дейилган)

Термизгача олиб келинган. Шу тўрт колхознинг катта чорваси ҳам бўлган. Мирзаев Курбон сингари катта чўпонлар бўлиб, меҳнаткаш одамларнинг сазй-ҳаракатлари билан Хомконда очарчилик йилларида ҳам бирор одам очликдан ўлмаган экан.

Қизириқ туманининг ҳокимиятда тарғибот-ташвиқот бўлимида ишлаган, келиб чиқиши хатаки уруғларидан бўлган Ҳасан Мардоновнинг ҳикоя қилишича, дўстларига: - “Рустамжон, юринг, момом чақирган” - деб, Ангор туманининг Коммунизм колхозига олиб боради. Момо, бегона йигитлар билан қўл учида кўришиб, қўя қолади. Момо: - “Ҳасанжон, болам, бу йигитларни танимадим”, дейди. - “Бу йигитлар Хомконлик йигитлар, Умир раиснинг ўғли бўлади”, - деб жавоб берса, момо ўрнидан туриб, - “Айланайин, Хомконжонимнинг болалари экан, бизни Хомконнинг қурути очликдан сақлаб қолган”, - деб қучоқлаб кўришади. Ахир, илгари сут, қатик, қурут сингари маҳсулотлар сотилмаганда[3]. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаги оғир иқтисодий қийинчилик, сиёсий қатағонлик, миллий камситиш, маҳаллий аҳоли ўртасида оммавий касаллик ва қашшоқлик туфайли минглаб одамлар турли хил касалликлар ва очлик туфайли ҳалок бўлаётган йилларда Хомкон халқи ҳам юксак инсонпарварлик туйғуси, қалб амри орқали ғамхўрлик қилиб, моддий ёрдам улашганлар.

Иккинчи жаҳон урушининг дастлабки кунлариданоқ барча аҳоли Ватан мудофаасига отланиб, фронт олди ҳамда меҳнат соҳасида мислсиз қаҳрамонлик кўрсатдилар. Жумладан, Қажумов Иброҳим, Чориев Холсаид, Қодиров Худоёр каби азаматлар урушдан лейтенант унвонига эга бўлиб қайтдилар. Тўрақулов Ҳазратқул, Ҳасанов Абрамат, Одилов Асад, Эшдавлатов Абдурахмон, Анваров Сайдиллахон, Анваров Абдуллахон, Қодиров Курбонхон, Ибрагимов Ботирхон, Шайманов Оллоназар, Расулов Маҳмуд, Мирзаев Курбон, Турдиқулов Омон, Холиёр бобонинг укаси каби юзлаб йигитлар урушга кетдилар. Уларнинг кўпчилиги жанггоҳларда қолиб, қайтиб келмадилар [4]. Қишлоқ меҳнаткашларининг армия ғалабасига ёрдам фондининг ташкил этилиши муҳим воқеалардан бири бўлиб, озгина нарсаларни ҳам фронтга юбордилар ва иқтисодий қашшоқликка қарамай фронтнинг оғир жойларига моддий ёрдамни ўз ҳисобидан уюштирдилар. Аёллар “эрим бўш қўл билан кетди” деб, узук, сирға, летиба каби тақинчоқларини, сариёғ, қурут, пул, заёмгача топширдилар.

1943 йил 5 июнда шерободликлар 5 миллион 913 минг сўм заёмга ёзилди ва 4 миллион 293 минг сўмлик нақд пул, 5119 дона қорақўл тери, 5000 кг жун ва 70 та совға жўнатдилар. 1943 йил 29 октябрда Шеробод тумани меҳнаткашлари 2600 сўмлик заём олдилар. 1943 йил 23 ноябрда Сталинград қамали тугатилиши муносабати билан Шеробод тумани меҳнаткашлари йиғилиши бўлиб, унда ушбу ютуқларни мустаҳкамлаш мақсадида ҳаммамиз немис фашист босқинчиларини мажаклаб ташлаш учун тайёр эканлигимизни билдирамиз деган эди. 1943 йилги қишлоқ хўжалик солиғи ва мажбурий суғуртани Хўжаулкан ва Хомкон қишлоқ советлари 100 фоиз вақтида бажарди ва бу қишлоқ совети раислари Сатторов Юсуф ва Турдиевлар алоҳида тақдирланди. 1944 йил Гегирдак қишлоқ Советидаги Когонович, Ленин, Такия қишлоқ Советидаги Ворошилов, Гилямбоб қишлоқ Советидаги Калинин, Истара қишлоқ Советидаги Кун чиқиш, Хуррамшо Деҳқонобод, Қизил Октябрь, Хомкон, Ленин номли колхозлардаги 1404 бош биядан 605 бош қулун, 1021 бош сигирдан 575 бош бузоқ, 34283 бош қўйдан 30976 қўзи, 11225 бош эчкидан 9231 та улоқ олиниб боқишга қолдирилди. 1944 йил урушнинг ҳал қилувчи даврига келиб, Шеробод тумани давлатга 6500 кг жун, 31,0 тонна металл топшириб 560 гектар ерга деҳқончилик қилдилар. Шунингдек, Фарҳод ГЭСи қурилишига Шеробод ноҳияси бўйича 132 минг сўм пул топширилиб, бунга қишлоқ советларидан Сеплон 12 минг сўм, Истара 20 минг, Хомкон 10 минг, Таллашқон 8 минг, Зарабоғ 9 минг, Хуррамшо 8 минг сўм пул топширдилар [5]. Шерободликлар уруш йилларида меҳнат жасоратини доимий кучайтириб бордилар ва бунда Хомкон қишлоғи меҳнаткашлари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшиб борди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бир тану-бир жон бўлиб кетган бағрикенг, меҳнаткаш, дилкаш, содда халқи бахшичилик, фольклоршунослик, санъат соҳасида ўзига хос мактаб яратган. Бетакрор табиатга эга жаннатмонанд гўзал маскан тоза ҳавосидан симириб катта бўлган қишлоқ аҳолиси орасидан иқтидорга бой, ўткир заковат эгалари бўлмиш фидоий инсонлар давлат ва жамоат ҳаётида алоҳида хизматлари билан халқнинг қалбидан жой олган. Хомконликлардан донг таратган бахшилар, элнинг орини олиб келган ўнлаб машҳур полвону - чопагонлар ҳамда кўплаб олим - фузалолар етишиб чиққан. Жисмонан бакувват, ор-номус

учун курашадиган, полвонликни ватан мустақиллиги, тинчлиги, оилага муҳаббат, ота-онага ҳурмат, ёрга вафодорлик тимсоли сифатида қабул қилган полвону - чобагонларни элга танитди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Дала ёзувлари. Қизирик тумани, Гулобод маҳалласи, 2021 йил.
2. Турсунов С. ва бошқ. Шеробод тарихидан лавҳалар. Т.: “Yangi nashr”, 2014. – Б. 196.
3. Дала ёзувлари. Анваров Ҳамроҳон маълумоти. Қизирик тумани, Хомкон маҳалласи. 2021 й.
4. Дала ёзувлари. Анваров Ҳамроҳон маълумоти. Қизирик тумани, Хомкон маҳалласи. 2021 й.
5. Турсунов С. ва бошқ. Шеробод тарихидан лавҳалар. Т.: “Yangi nashr”, 2014. – Б. 206.

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЁМҒИР ВА ШАМОЛ ЧАҚИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МАРОСИМЛАРИ

Ҳайдаров Одил Эргашевич

Термиз давлат университети тадқиқотчиси

Аннотация. Ушбу мақолада ўзбек халқининг табиат ҳодисалари билан боғлиқ маросимлари, хусусан ёмғир ва шамол чақириш билан боғлиқ магик тасаввурлари юзасидан маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: ёмғир, шамол, маросим, урф-одат, Тиштирия, сув, иқлим, қурғоқчилик, суштотин, чой момо, кўсам-кўсам, табиат.

Аннотация. В данной статье представлены сведения об обрядах узбекского народа, связанных с природными явлениями, в частности, магическими фантазиями, связанными с вызовом дождя и ветра.

Ключевые слова: дождь, ветер, обряд, традиция, Тиштирия, вода, климат, засуха, ленивая жена, чай момо, косом-косам, природа.

Abstract. This article provides information on rituals of the Uzbek people related to natural phenomena, in particular, magical imaginations related to summoning rain and wind.

Keywords: rain, wind, ceremony, tradition, Tishtiriya, water, climate, drought, lazy wife, tea momo, kosom-kosam, nature.

Дехқончилик халқимизнинг энг қадимий машғулотларидан бири ҳисобланади. Шу боис, аждодларимизнинг табиат ҳодисалари билан боғлиқ мифологик қарашлари ҳамда баҳор фаслига оид маросим фольклори силсиласида йил қурғоқ келганда ёмғир ёғдириш маросими алоқадор эътиқодий қараш ва айтимлар алоҳида ўрин тутди.

Этнограф Е.М.Пешчерева Зарафшон водийси аҳолиси орасида «Бобо Қамбар» номини тилга олиб ёмғир сўраш маросими мавжудлигини аниқлаган. Унинг ёзишича, қурғоқчилик бўлганда дарахтларда тумор осганлар ва унинг тагидан ёмғир чақириш мақсадида сув сепганлар. Болалар тупроқ уюмидан чуқур қовлаб, уни сув билан тўлдирганлар. Сўнгра ана шу чуқурчалардаги сувга тошларни ташлаганлар. Натижада момақалдиروққа ўхшаш товуш чиқиб, атрофга сув сачраган. Болалар тош ташлаётган пайтда:

Қамбар, Қамбар сув қўйворгин,
Сигирларга сут қўйворгин! -
деб қўшиқ, айтганлар [1].

Бундан ташқари, агар йил қурғоқ келса, Навоий вилоятининг Навбаҳор туманида сумалак пишириб, туппасини сувга оқиздилар, ийирма юпка қилиб, у ҳам сувга оқизилади, ис қилиб тарқатилади, Шофиркон туманидаги Талижа қишлоғида сумалакка ҳар хил тошларни солиб, сумалак пишгандан кейин ўша тошларни териб олиб бирор рутнинг бўйига қон чиқариб қўмишган. Навоий вилоятининг Навбаҳор туманидаги Арабсарой қишлоғида қурғоқчилик бўлса, ариқнинг бўйига қозон қуриб бўғирсоқ пишириб, «ёмғир ёғсин» деб ирим қилинар экан. Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманида сумалак пиширилган қозонни ювиб, суви дарёга

оқизилган ёки сумалак пишириш вақтида ўстирилган майсанинг сувини сиқиб олишган-да, шу майса қолдигини ариққа, дарёга оқизишган. Шундай қилинса, мўл-кўлчилик бўлади деб ирим қилишган.

Пахтачиликлар баъзан ёмғир ёғмаса, шўраларни териб, уни чопиб, сувини сиқиб олиб қибла томонга қараган деворга сепишган ёки тошбақани чаппа қилиб тагига тупурганлар ёки тошбақани сувга ташлаганлар. Навбахор туманидаги Учтут қишлоғида қурғоқчилик бўлганда ариқдаги бақани ушлаб, оёғидан дарахтга осиб қўйганлар, сумалакнинг туппасини ариққа тўкканлар, тошбақани ағдариб қўйганлар, кексалар «Бурай, бурай, буралайни курай» деб эсмонга қараб қўшиқ айтганлар.

Ўратепа туманида ёғингарчилик бўлмаса оиладаги ёлғиз қиз тарновнинг тагида туради ва унинг устидан сув қуядилар. Қорақўл туманидаги Сайёд қишлоғида илгарилари қурғоқчилик бўлганда ёмғир ёғдириш учун қишлоқ қариялари тўпланишган. Уларнинг ҳаммасида сув бўлган. Бир аёлни эшакка миндириб устидан сув сепганлар. Унинг кийимлари қуригач, ёмғир ёғади деб ирим қилганлар.

Бойсун шаҳридаги Кўктепа маҳалласида яшовчи Холиқ бува Рахмоновнинг айтишича, агар баҳорда ёмғир кўп ёғса, “бош боланинг кетини куйдириш” удуми бажарилади. Бунинг маъноси шундаки, ёмғир бир неча кун тинмаса, бир чўпнинг бошига латта ўрайди-да, оиладаги бош боланинг кетини ялонғочлаб, ҳалиги латтага ўралган чўп билан унинг кетига уч марта уриб, сўнгра ўша латтани куйдиради. Кейин ўша ёнаётган латтали чўпни ерга суқиб қўяди.

Ўтмишда айниқса, лалми экинзорларидан мўл ҳосил кўтаришда биринчи галда миришкор деҳқонлар меҳнати ҳамда йиллик ёғин-сочин миқдори муҳим аҳамият касб этган. Шунинг учун ҳам лалмикор ерларда деҳқончилик қилган боболаримиз йил қурғоқ келганда ёмғир ёғдириш мақсадида Ўзига хос маросимларни ўтказганлар. Бу маросимлар “Суст хотин”, “Сус хотин”, “Сув хотин”, “Сут хотин”, “Суз хотин”, “Чала хотин”, “Чайла қозоқ”, “Туз хотин” каби номлар билан аталган.

Ёмғир чақириш билан боғлиқ маросимларнинг кенг тарқалган кўриниши «Суст хотин» деб аталган бўлиб, бу маросимга оид илк илмий қайд муаллифи ўлкашунос Г.Арандаренкодир. У ўзининг 1877 йилда ёзилган Зарафшон воҳаси аҳолисининг метереологик қарашларига оид бир мақоласида ёмғир ёғдириш маросими билан боғлиқ «Суст хотин» маросими қўшиғининг бир намунасини келтирган. Унга кўра, мазкур маросимда қуйидаги қўшиқ ижро этилган:

*Ёмғир ёғсин, сус хотин,
Арпа пишсин, сус хотин,
Сигир ийсин, сус хотин*

Ўтган асрнинг 40-50-йилларида тожикларнинг сув билан боғлиқ қадимий эътиқодларини ўрганган А.К. Богомоллова Сурхондарё ва Самарқанд вилоятларида қайд этилган «Суст хотин», «Сув хотин», Ўратепа туманида ўтказилиб келинган «туйи Суст момо», шунингдек, ёмғир чақириш мақсадида ташкил қилинадиган «дарвешона» удуми тўғрисида этнографик маълумотларни келтирган [2].

Этнограф олим В.Н.Басилов ёвмит туркманлари орасида қайд этилган «Суйт газан» маросими ва унда ижро этиладиган халқ қўшиқларини таҳлил қилиб, ёмғир чақириш маросимининг бу типи ўзбек ва тожик фольклоридаги «Суст хотин» маросими билан тарихий-генетик жиҳатдан муштаракдир деган хулосага келган [3].

Фольклоршунос М.Алавия ўзбек халқ маросим қўшиқларининг турларини тавсифлар экан, «Суст хотин» жанрини ҳам эслатиб ўтган [4].

Ўзбекларнинг ёмғир ёғдириш маросими фольклори Б.Саримсоқов томонидан нисбатан кенг қамровда ўрганилган бўлиб, у мазкур маросимнинг ўзбеклар орасида тарқалган тўрт локал типини илмий тавсифлаган [5]. Санъатшунос Р. Абдуллаев Ўрта Осиё халқлари маросим мусиқаси тадқиқи оид ишларида ёмғир чақириш маросими қўшиқлари хусусида ҳам тўхталиб ўтган [6]. Биз 1982 йилнинг жавзосида лақай ўзбекларининг фольклорини ўрганиш мақсадида Жанубий Тожикистонда бўлганимизда, Ёвон туманининг Султонобод қишлоғида яшовчи Бобо Муслимов, Улдона Розикова, Галабулоқ қишлоқлик Тошгул Жумаева, Кулбулоқ қишлоғида яшовчи Саъдулла Мирсапаровлардан ёмғир ёғдириш мақсадида илгарилари ўтказилган «Суст хотин» маросими ҳақида қуйидаги материалларни ёзиб олдик: Кўклам қурғоқ келиб лалмига экилган бугдой ўсмай қолса, ўн-ўн беш чоғли йигит-яланглар йиғилишиб, бир болани эшакка

тескари миндириб, қўлига сув тўлғазилган кадини тутқазиб қўйишади. Иккита тошбақани тутиб келиб, оёғига ип боғлаб, эшакка осишади. Жони оғриган жониворлар зорланиб овоз чиқаради. Эшак устидаги бола эса қўлидаги кадига солиб қўйилган найчани айлантриб, тошбақа овозига монанд ҳолда «Гурр-Гурр» деб бакиради. Шундай қилиб, йигитлар уйма-уй юришар, ҳар уйга борганда эшак минган бола: «Вой, жоним! Қуйдим-эй! Қуйдим-эй!» - деб кичкиради. Хонадон соҳиби бўлса бир челақ сув чиқариб ҳалиги боланинг устига сепади.

Кулбулоқлик Саъдулла Мирсапаровнинг хотирлашича, «Суст хотин» маросимини ўтказиётганда деҳқонлар омочларининг учини тепага қаратиб қўйишган. Омочнинг тигага битта тошбақани осиб қўйиб қийнаганлар. Гўё жониворнинг қийналганини кўриб раҳми келган худо ёмғир юборади деб умид қилганлар. Аёллар эса уйма-уй юришиб, «Суст хотин» қўшиғини айтишган. Уй эгаси буғдой чиқариб берса, хотинлар: «Оллоҳу акбар! Гулдур момо, Жалдир момо келсин. Ёмғир ёғсин, ҳаммамиз серобликка чиқайлик» - деб ният қилишаркан. Маросим ниҳоясида йиғилган дон-дундан ош пишириб, элга тарқатадилар. Султонободлик Бобо Муслимовнинг айтишича, «Суст хотин» маросимини ўтказишда бир қиз билан болани эшакка миндириб, ҳар бирининг икки путига иккитадан - тўртта тошбақани осадилар. Аёллар эшак минган қиз билан боланинг устидан сув қуйиб турадилар. Олдинда бораётган хотин эса «Суст хотин» қўшиғини айтади.

Жиззах вилоятининг Бахмал туманидаги Новка қишлоғида қайд этилган ёмғир ёғдириш маросими ҳам «Суст хотин» деб аталган бўлиб, уни ўтказишда, уч киши битта куракчага қўйлак кийдириб, уни кўтарганча эшикма-эшик юрадилар ва ана шу қўшиқни айтадилар. Уй эгалари берган эҳсондан махсус таом пишириб, бугун қишлоқ аҳли биргалашиб тановул қиладилар.

Сус хотин, сус хотин,
Ҳаволар ёғсин далага.
Сус хотин, сус хотин,
Ўралар тўлсин буғдойга,
Сус хотин, сус хотин,
Сус хотинга сув керак,
Сус хотин, сус хотин,
Он қолганда нон керак.
Сус хотин, сус хотин,
Тандир тўла нон бўлсин,
Қозон тўла ош бўлсин,
Сус хотин, сус хотин,
Аллопнинг уйи куйсин [7]

Қашқадарё вилоятининг Чирокчи туманида эса ёмғир чақириш маросимини ўзидан тиниб-тинчиган, серфарзанд, кут-баракали ва албатта, онасидан тўнғич фарзанд бўлиб туғилган момо ўтказган. У уч-тўртта хотинни эргаштириб олиб, бошига эски тўн ёки чакмон ёпинганча, уйма-уй юриб қуйидаги қўшиқни қўйлаган:

Шамол елди, билмадингми, сус хотин,
Қорлар кетди, билмадингми, сус хотин,
Ўт-уланлар қувраган далаларда-
Қир-адирда кезмадингми, сус хотин,
Арпа-буғдой тўлиқ бўлсин, сус хотин,
Катта-кичик кўнгли тўлсин, сус хотин

Ёмғир ёғдириш маросимининг турли хил намуналарида «тошбақа» деталига алоҳида эътибор қаратилиши бежиз эмас. Бойсун туманидаги Робот қишлоғида яшовчи 76 яшар Нурмамат бува Бадаловдан профессор Т.Мирзаевнинг 1973 йил 27 июлда ёзиб олган маълумотига қараганда, ёмғир ёғмаса, тошбақани тўнтариб қўядилар. Роботликлар эътиқодича, тўнтарилган тошбақанинг ўзи ўнгланиб юриб кетолмайди. Шунинг учун ҳам жониворга раҳми келган худо ёмғир ёғдираб эмиш.

Ёмғир чақириш маросимининг “Суст хотин” номи билан аталган бир кўриниши Қашқадарё вилоятининг Қамаш туманидаги Қирғизсарой қишлоғида этнограф олим Ф.Рахмонов томонидан ҳам аниқланган. Бу қишлоқ удумича, ёмғир ёғдириш учун йигитлар баҳор қурғоқ келганда бир қўғирчоқ ясаб, унга аёлларнинг эски-туски кийимларини кийгизиб, “безатишган”. Қўғирчоқнинг бош қисмига эса битта тошбақани ип билан боғлаб осиб қўйганлар. Кейин ана

шу қўғирчоқни баланд кўтариб, уйма-уй юришган ва қуйидаги қўшиқни айтишган.

Пахтачи туманидаги Боғолон қишлоғида яшовчи 50 яшар Мастура Бобомуродовадан 1991 йилда ёзиб олинган маълумотга кўра, қурғоқчилик бўлса, тошбақани ялангликка олиб чиқиб, тескари ётқизиб қўйиб, устидан сув қуйишар экан. Ёмғир тилаш маросимида тошбақанинг табиатга сирли йўсинда таъсир ўтказа олиш қудратига ишониш анъанаси аجدодларимизнинг «ерни тошбақа кўтариб туради» деган мифологик тасаввурларига боғланади. Нурота туманининг Қоракиса қишлоғида яшаган Рахматулла Юсуф ўғли ёмғир камчил бўлса ёки ёгин-сочин бўлмай йил қурғок келса бир тошбақани топиб, оёғидан ип боғлаб дарахтга илиб қўйиш удумининг сабабини изоҳлайдиган қуйидаги афсонани ёзиб олган. Унда айтилишича, инсон яшайдиган рўйи заминни бепоён уммонда сузиб юрувчи бир улкан тошбақа кўтариб турар эмиш. Бирор сабаб билан худо ер юзига ёмғир юбормай қўйса, одамлар тошбақани ё тўнтариб қўйишар, ё бўлмаса, оёғидан ип боғлаб дарахтга осиб қўйишаркан.

Тошбақани тўнтариб қўйиш удуми халқимизнинг ёгин-сочин руҳларидан ёмғир тилаш маросимлари, ёгингарчилик ва қурғоқчиликнинг мифологик тимсоллари тўғрисидаги асотири ҳамда эътиқодий қарашларга бориб тақалади. Дунё халқларининг кўхна асотириларидан бирида айтилишича, рўйи замин бепоён уммон ичида сузиб юрган улкан тошбақа устига ўрнатилган эмиш. Қадимги мифологияда тошбақа оламдаги жамики сувларнинг «эгаси», ёгин-сочин тартиботини назорат қилиб турувчи маъбуд сифатида ҳам тасаввур қилинган. Баъзан у ер юзидаги жами сувларни ичиб қўяр, натижада қурғоқчилик бўлар эмиш. Шу боис, тошбақа (айрим афсоналарда қурбақа) серҳосиллик, кут-барақа ва мўл ҳосил бахш этувчи эзгулик рамзи сифатида тасаввур қилинган. Ёгингарчилик ва қурғоқчиликка ҳам тошбақа сабабчи деб ўйлаган қадимги одамлар ёмғир ёғдириш ва уни тўхтатиш билан боғлиқ мифологик ритуалларда бу жониворнинг магик қудратидан мадад тилашга қаратилган турли ирим-сирим ва айтим-аломатларни яратишган).

Демак, дунё уммони ва ёгин-сочин манбаи билан алоқадор деб тасаввур қилинган тошбақанинг магик хусусияти борлигига ишониш бу жонивор тўғрисидаги мифологик тасаввурларнинг асосини ташкил этади. Ёгин-сочин тилаш ёки бемаврид ёққан ёмғирни тўхтатиш мақсадида ўтказиладиган маросимларда тошбақа билан боғлиқ ҳолда бажариладиган амаллар бу жонивор ҳақидаги мифларнинг эътиқодий ишонч шаклида халқ орасида сақланиб қолган рудиментларидир.

Фольклоршуносликда «Суст хотин» атамасининг этимологияси ва тарихий асослари масаласида ҳам муайян илмий қарашлар мавжуд. Жумладан, Б.Саримсоқов «Авесто» нинг 8-яштида келтирилган Тиштрия (Сириус) юлдузи ёмғир сувлари тангриси сифатида тасаввур қилинганлигига ва ушбу астрал культ шарафига бағишлаб муайян маросимлар ўтказилганлигига асосланган ҳолда «Суст хотин» атамасидаги «Суст» компоненти «Тиштрия» космонимининг фонетик ўзгаришга учраган шакли деган хулосага келади. Унинг ёзишича, «Тиштр сўзи халқ ўртасида узоқ вақтлар қўлланилиб Туштр шаклига келиб қолган. Бизнинг тахминимизча, Туштр сўзи халқ ўртасида фонетик ўзгаришларга учраган Туштр //Тустр// Сустр ҳолда бизгача етиб келган кейинчалик «Сустр» сўзи охиридаги «р» товушининг тушиб қолиши натижасида атоқли от «Суст» шаклида бизгача етиб келган» [8].

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Пещерева Е.М. Праздник тюльпана (лола) в селе Исфара Кокандского уезда // Сборник В.В.Бартольд. - Ташкент, 1927. С. 374-384.
2. Богомоллова К.А. Следы древнего культа воды у таджиков // Известия Отделения общественных наук АН Таджикистана. 1952. №2.
3. Басилов В.Н. Хозяйство западных туркмен-ёмудов в дореволюционный период и связанные с ним обряды и верования // Очерки по истории хозяйства народов Средней Азии и Казахстана. - Л., 1973.
4. Алавия М. Ўзбек халқ, маросим қўшиқлари.- Тошкент: Фан, 1974.
5. Ўзбек фольклори очерклари. 1-том. - Тошкент. 1989.
6. Абдуллаев Р. Обрядовая музыка Центральной Азии. - Ташкент, 1994.
7. М.Мадрахимова ёзиб олган «ЗУФА». Инв.№1713/13. 1971 йилда ёзиб олинган.
8. Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. - Тошкент: Фан, 1986.

MARKAZIY OSIYO XALQLARINING TURMUSH TARZIGA IJTIMOYIY MUNOSABATLARNING TA'SIRI

Umurqulov Kamoliddin Chori o'g'li
Termiz davlat universiteti ilmiy tadqiqotchisi

Annotatsiya. Maqolada Markaziy Osiyo xalqlarining asrlar davomida shakllanib kelayotgan turmush tarzi va milliy qadriyatlari mushtaraklik asosida qurilgan do'stlik hamda o'zaro ijtimoiy munosabatlarga ta'siri manbalar asosida tarixiy tahlil etilgan.

Kalit so'zlar: Markaziy Osiyo mintaqasi, turmush tarzi, ijtimoiy munosabatlar, Stiftung Weltbevölkerung, kishilik jamiyati, qadimiy markaz, tarixiy o'tmish, ajdodlarimiz, madaniyat, rivojlanish.

Аннотация. В статье на основе исторических источников анализируется образ жизни народов Средней Азии, формировавшийся веками, и влияние национальных ценностей на дружбу и взаимные социальные отношения, построенные на основе общности. .

Ключевые слова: центральноазиатский регион, образ жизни, социальные отношения, Stiftung Weltbevölkerung, человеческое общество, древний центр, историческое прошлое, наши предки, культура, развитие.

Abstract. In the article, the lifestyle of the peoples of Central Asia, which has been forming for centuries, and the influence of national values on friendship and mutual social relations, built on the basis of commonality, is analyzed based on historical sources.

Keywords: Central Asian region, lifestyle, social relations, Stiftung Weltbevölkerung, human society, ancient center, historical past, our ancestors, culture, development.

Markaziy Osiyo – Osiyo materigining ichki qismidagi tabiiy hudud bo'lib, maydoni 6 mln. km²dan iborat. Shim, va g'arbiy chekkasi Mongoliya va XXR bilan Rossiya Federatsiyasi o'rtasidagi davlat chegarasigacha bo'lib, sharqiy qismi Katta Shinjon, janubiy tomoni esa Tibet hududidagi Sangpo (Brahmaputra) va Hind daryolarining yuqori qismi bilan o'ralgan. Markaziy Osiyo dengiz sathidan ancha baland joylashgan. Relefi kenglik bo'ylab cho'zilgan tog' tizmalari (Mongoliya Oltoyi, Xangay, Xentey, Tyan-shan, Nanshan, Kunlun) va keng hamda ancha chuqur botiqlar (Jungoriya va G'arbiy Mongoliyadagi Katta Ko'llar soyligi, Tarim hamda Saydam)dan iborat. Ayrim joylarida mutlaq balandlik dengiz sathidan past (mas., Turfon botig'i - 154 m). [1.319] Qum va shag'alli baland tekisliklar, kichik tog' ko'p. Iqlimi - hamma yerda keskin kontinental, cho'l iqlimi. Yog'in kam, yiliga o'rtacha 100-200 mm, markaziy qismlarida 10-30 mm, chekkalarida 300-400 mm, jan.sharqida, Tibet tog'larining chetlarida 1000 mm va undan ham ko'proq. Qishda antisiklon ta'sirida qattiq sovuq bo'ladi, yanvarning o'rtacha temperaturasi – 10, – 25, eng past temperatura – 50, – 52. Tangritog' Nanshan va Qoraqurum tog'larida muzliklar mavjud. Selenga, Irtish, Xuanxe, Yanszi, Brahmaputra, Hind, Mekong, Tarim, 26 Xaydikgol, Kobdo, Tes, Manas, Urungu va Edzin-gol daryolari tog'lardan boshlanadi. Chuchuk suvli eng katta Xubsugul oqar ko'lining maydoni 2620 km², eng chuqur joyi – 238 m. Markaziy Osiyoning kattagina qismini Gobi, Taklamakon, Alashan va boshqa cho'llar egallagan. Cho'l va chala cho'Har baland tog'largacha ko'tarilib boradi. Balandlik mintaqalari asosan, Tangritog'ning sharqiy qismi, sharqiy Tangritog'ning shimoliy yon bag'irlari va Mongoliya Oltoyining janubiy-g'arbiy yon bag'irlarida uchraydi. Xangay va Xentey tog'lari hamda Tibet tog'ligining janubiy-sharqiy qismida anchagina o'rmonlar mavjud. Markaziy Osiyo deganda, Sovet Ittifoqi parchalangandan keyin mustaqillikka erishgan beshta Respublika: Qirg'iziston, Qozog'iston, Tojikiston, Turkmaniston va O'zbekiston nazarda tutiladi. Sovet davrida ushbu hududga "O'rta Osiyo va Qozog'iston" atamasi (O'rta Osiyo va Qozog'iston iqtisodiy regionini) qo'llanilgan. Lekin, 1991-yilda mustaqillikka erishilgandan keyin ham ushbu davlatlarda, ham xorijiy mamlakatlarda "Markaziy Osiyo" atamasi qo'lanila boshlandi. 1992-yil yanvarda beshta davlat rahbarlari rasmiy uchrashuvida "Markaziy Osiyo" atamasini qabul qilindi.



1-rasm (Markaziy Osiyo xaritasi)

Hozirda ushbu atama dunyo hamjamiyati tomonidan qabul qilindi, natijada aksariyat xalqaro tashkilot va ilmiy tadqiqot institutlarida Markaziy Osiyo bo‘limlari ochildi. Lekin, geografik nuqtai nazardan yondashilsa, Markaziy Osiyoga Afg‘oniston, Mo‘g‘uliston va Xitoyning Shinjon-Uyg‘ur avtonom viloyatlari ham kiradi. Bundan tashqari, “Greater Central Asia” yoki “Kengroq Markaziy Osiyo” atamasi mavjud. Ba’zi siyosatchi va tadqiqotchilar ushbu hududga yuqorida zikr etilgan davlatlardan tashqari Eron, Ozarbayjon, Turkiya va hatto Hindistonning ayrim qismlarini ham qo‘shadilar.

Jahon xalqlarining ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyoti mislsiz darajada rivojlanib, globallashuv jarayonlari tobora kengayib borayotgan hozirgi davrda insoniyatni kelgusi hayoti, ayniqsa, jahon sivilizatsiyasining taqdiri va barqarorligi ulug‘ ajdodlarimiz tomonidan yaratilgan bebaho tarixiy qadriyatlarning keng ko‘lamda o‘rganish va targ‘ib qilish bilan bevosita bog‘liqdir. Ma’lumki, hozirda sayyoramizda yashovchi 7 milliard 800 ming oshiq aholi (2020-yil iyun) 200 dan ortiq katta va kichik mamlakatlarda yashaydi. Germaniyaning Stiftung Weltbevölkerung (DSW) - “yer aholisi” jamg‘armasi ma’lumotlariga ko‘ra, agar bugungi kunda dunyo 100 kishidan iborat qishloq deb olinsa, shundan 59 kishi Osiyo, 17 kishi Afrika, 10 kishi Yevropa, 8 kishi Lotin Amerikasi, 5 kishi esa Shimoliy Amerika va bir kishi Okeaniya vakili bo‘lar edi [2.3].

Xalqlarning turmush tarzi haqida to‘xtalganda avvalo turmush tarziga tarif berib o‘tmoq maqsadga muvofiq.

Turmush tarzi – shaxs, ijtimoiy guruh, elat, millat, xalqning kundalik hayotini ifodalovchi tushuncha. Turmush tarziga turli jihatlar: falsafiy, sotsiologik, ijtimoiy-iqtisodiy, ijtimoiy-guruhiy va boshqa nuqtai nazardan yondoshiladi. Shaxs, ijtimoiy guruh turmush tarzi muayyan davr shart-sharoitlarining butun majmuasi bilan belgilanadi. Turmush tarsi - ijtimoiy kategoriya. U turmush darajasi deb ataladigan iqtisodiy kategoriyaga nisbatan kengdir. Turmush darajasi, asosan, miqdor ko‘rsatkichiga ega bo‘lsa, turmush tarzining mohiyati, mazmuni va namoyon bo‘lish shakllari ko‘p holatda kishilarning hayot kechirishi, mehnati, sog‘ligi va hatto xulq-atvori bilan ifodalanadi. Muayyan elat, millat va xalqning turmush tarzi ularning yashash joylari bilan bog‘liq holda shakllanib o‘zgarib boradi.

Markaziy Osiyo xalqi o‘z hayot faoliyatida kamtarlik, kattalarga hurmat, mehnatsevarlik, bag‘rikenglik, sofdillik kabi axloqiy xislatlarga alohida e’tibor beradi. Markaziy Osiyo xalqidagi bunday fazilatlar milliy urf-odat va an‘analarda, kundalik hayot tarzi va millatlararo munosabatlarda aks etgan. Xalqimiz hayotida odob-axloq me’yorlari asosidagi rasm-rusumlar, an‘analar va odatlarning ahamiyati beqiyosdir. [3]

Turmush tarzi bu shaxs, guruh yoki madaniyatning qiziqishlari, fikrlari, xulq-atvori va xulq-atvor yo‘nalishlaridir [4].



2-rasm (Markaziy Osiyo bozorlari)

Ijtimoiy munosabatlar odamlarning bir-biri bilan o‘zaro munosabatlarida paydo bo‘ladigan o‘zaro bog‘liqlikning turli shakllari. Odamlararo va boshqa turdagi munosabatlardan ajralib turadigan ijtimoiy munosabatlarning o‘ziga xos xususiyati shundaki, odamlar ularda faqatgina “men”, ya’ni muayyan shaxsning mohiyatini to‘liq aks ettiruvchi emas “ijtimoiy” sifatida paydo bo‘ladi.

Jamiyatdagi ijtimoiy munosabatlar turlari:

Ijtimoiy munosabatlarning turli tasnifi mavjud va shuning uchun ularning turlari juda ko‘p. Keling, ushbu turdagi munosabatlarni tasniflashning asosiy usullarini ko‘rib chiqaylik va ularni ayrim turlarga nisbatan xarakterlashni ta’minlaymiz.

Ijtimoiy munosabatlar quyidagi mezonlarga muvofiq tasniflanadi:

- hokimiyat hajmi bo‘yicha (gorizontal yoki vertikal munosabatlar);
- mol-mulkka egalik qilish va ularni tasarruf etish (sinf);
- namoyishlar sohalarida (iqtisodiy, diniy, axloqiy, siyosiy, estetik, huquqiy, ommaviy, shaxslar, guruhlar);
- tartibga solish (rasmiy va norasmiy);
- ichki ijtimoiy-psixologik tuzilish (kognitiv, kommunikativ, konstitutsiyaviy).

Ba’zi ijtimoiy munosabatlar turlari subspecies guruhlarini o‘z ichiga oladi. Masalan, rasmiy va norasmiy munosabatlar quyidagilar bo‘lishi mumkin:

- uzoq muddatli (do‘stlar yoki hamkasblar);
- qisqa muddatli (tasodifiy tanishlar);
- funksional (pudratchi va mijoz);
- doimiy (oilaviy);
- ta’lim;
- bo‘ysunish (boshliqlar va bo‘ysunuvchilar);
- sabab-oqibat (jabrlanuvchi va jinoyatchi).



4-rasm (Jamiyatdagi munosabatlar)

Muayyan tasnifni qo'llash tadqiqotning maqsad va vazifalariga bog'liq va bir hodisani tavsiflash uchun bir yoki bir nechta tasniflardan foydalanish mumkin. Masalan, jamoada ijtimoiy munosabatlarni tavsiflash uchun tartibga solish va ichki ijtimoiy-psixologik tuzilishga asoslangan tasniflardan foydalanish mantiqan to'g'ri deb hisoblash mumkin [5.430].

So'nggi yillarda Respublikamizda ham etnologlar tomonidan tarix, arxeologiya, sotsiologiya, folklorshunoslik, madaniyatshunoslik va boshqa ko'plab ijtimoiy fanlar yutuqlari asosida tadqiqotlar yaratish borasida e'tiborga sazovor ilmiy ishlar amalga oshirilmoqda. Mazkur tadqiqotchilar tomonidan Respublikaning turli tarixiy-etnografik mintaqalari etnologiyasi, o'zbek xalqi etnogenezi va etnik tarixi, xalqimizga xos bo'lgan etnomilliy an'analar va zamonaviy etnomadaniy jarayonlarni o'rganishga e'tibor qaratilmoqda.

Bu borada Markaziy Osiyo mintaqasi etnologiyasini o'rganish ham dolzarb ahamiyat kasb etadi, chunki asrlar davomida ushbu bepoyon mintaqada yashayotgan xalqlar o'ziga xos tarixi, an'analari va milliy qadriyatlari mushtarakligi asosida qurilgan do'stlik hamda o'zaro hamkorlikda hayot kechirib kelmoqda. Tarixdan ayonki, o'zbek, tojik, turkman, qozoq, qirg'iz, qoraqalpoq va uyg'ur kabi xalqlarning ajdodlari Markaziy Osiyo hududida asrlar davomida yonma-yon, ko'p hollarda aralash yashab kelgan.



3-rasm (Nikoh marosimi)

Markaziy Osiyo xalqlarining turmush tarziga ijtimoiy munosabatlarning ta'siri doirasida yurtimizda quyidagi olimlar ilmiy tadqiqot ishlarini olib bormoqdalar.

A.A. Asqarovning "O'zbek xalqining etnogenezi va etnik tarixi" (Toshkent, 2007) va "O'zbek xalqining kelib chiqish tarixi" (Toshkent, 2015), akademik K. Sh. Shoniyozovning "O'zbek xalqining shakllanish jarayoni" (Toshkent, 2001), elshunos va faylasuf I.M. Jabborovning "Jahon xalqlari etnografiyasi" (Toshkent, 1985) va "O'zbek xalqi etnografiyasi" (Toshkent, 1994), jahon xalqlari hamda o'zbek etnologiyasiga oid nashr etilgan darslik va o'quv qo'llanmalari, professor A.X. Doniyorovning "Mustaqil O'zbekiston etnografiyasi tarixshunosligining ayrim masalalari" (Toshkent, 2003), "Markaziy Osiyo xalqlari etnografiyasi, etnogenezi va etnik tarixi" (Toshkent, 2003), "Markaziy Osiyo xalqlari etnografiyasi, etnogenezi va etnik tarixi fanidan ta'lim texnologiyasi" (Toshkent, 2010), professor O. Bo'riyevning "O'zbekiston tarixini o'rganishda etnografiya ma'lumotlaridan foydalanish" (Toshkent, 1996) hamda A.X. Doniyorov, O. Bo'riyev va A.A. Ashirovlarning "Markaziy Osiyo xalqlari etnografiyasi, etnogenezi va etnik tarixi" (Toshkent, 2011; 2014) kabi o'quv qo'llanmalar nashr ettirganlar.

Markaziy Osiyo xalqlarining eng qadimiy ajdodlari to'g'risida ma'lumotlar juda ham kam. Qadimgi Sharqning Eron, Bobil va Ossuriya davlatlari hukmdorlari o'zlarini ulug'lash maqsadida toshga bitilgan zafarnomalarda bosib olingan elat va xalqlari tilga olinib, Markaziy Osiyoliklarning qadimgi ajdodlari moddiy-ma'naviy madaniyati to'g'risida ayrim ma'lumotlarigina keltirilgan [6].

Xususan, Markaziy Osiyo xalqlari uzoq va murakkab mashaqqatli tarixiy jarayonning mahsuli bo'libgina qolmay, ma'naviy madaniyat va umumpsixologik xususiyatlari bilan ham nihoyatda jipslashib ketgan. Ushbu xalqlarning xususiyatlarini aniqlash uchun dastlab etnik tarixning ayrim sahifalarini varaqlash zarur. Miloddan avvalgi VI asrda ushbu hududlarda Eron podsholigi, IV asrda esa Iskandar Zulqarnayn boshliq yunon-makedon podsholigi hukm surgan. Keyinchalik mazkur hududlar Xorazm va Qang' davlatlari, so'ngra Kushon podsholigi (II asr oxiri – III asr boshlari), Eftaliylar davlati (V-VI asrlar), Turk xoqonligi (VI-VII asrlar), Arab xalifaligi (VIII asr) tarkibida bo'lgan. X-XI asrlarda qadimgi Markaziy Osiyo (Movarounnahr)da Somoniylar (819-1005), Saljuqiylar (XI asr), G'aznaviylar (X-XII asrlar) davlatlari vujudga kelgan. Bir muncha vaqt ushbu hududlar Qoraxoniylar (X asr) hukmronligiga ham o'tgan. XII asr oxiri - XIII asr boshlaridan boshlab Xorazm podsholigi (995-1200) qo'l ostida bo'lgan. XIII asr ikkinchi o'n yilligi oxiridan mazkur hududlarni mo'g'ul istilochilari bosib olgan edi. XIV asr 70- yillarida Amir Temur davlati qaror topadi. XV asr oxiri — XVI asr boshlaridan ushbu yerlar Shayboniylar, so'ngra Ashtarxoniylar davlatlariga qaram bo'lgan. Natijada, XVIII asr o'rtalarida uchta davlat: Buxoro amirligi, Xiva va Qo'qon xonliklari tashkil topadi. XIX asr ikkinchi yarmida esa Turkiston Rossiya imperiyasi mustamlakasiga aylandi. Tez orada Qo'qon xonligi tugatilib, o'lka Rossiyaning xom-ashyo bazasiga aylantirildi. Xullas, Markaziy Osiyo yerlari qariyb 26 asr mobaynida o'zga davlatlar qaramog'i va zulmi ostida bo'lgan. Yozma manbalarga ko'ra, XVI asr oxiri - XVII asr boshlaridan to 1924-yilgacha ushbu hududlar "Turkiston" deb atalgan. Markaziy Osiyoda beshta davlat tuzilishi bilan siyosiy atama vujudga keldi [7.27].

Tarixdan kishilik jamiyati taraqqiyoti shuni ko'rsatdiki, insonlar uchun tirikchilik manbayini tabiatdan berilgan in'omlar tashkil etgan bo'lsa, zamonlar o'tishi bilan kishilarning tabiat hodisalariga nisbatan faol munosabatlari uning sirlarini xolisona o'rganishga bo'lgan qarashlari ham shakllana borib tabiatga bo'lgan his va tuyg'ulari hamda qadriyatlari o'sgan [8.430]. Natijada tabiat bergan in'omni, ya'ni nozu-ne'matlarni qayta ishlashga harakat qilingan, undan kelgan daromad va ehtiyojga bo'lgan munosabatlari sekin-asta o'zgarib borgan. Bu hol kishilar o'rtasida ijtimoiy munosabatlarga zamin yaratgan.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. O'zME. Birinchi jild. Toshkent, 2000-yil.
2. Doniyorov A. X. Markaziy Osiyo xalqlari etnografiyasi, etnogenezi va etnik tarixi fanidan ta'lim texnologiyasi / Uslubiy qo'llanma. Markaziy Osiyo xalqlari tarixi seriyasidan. - Toshkent, 2010. -144-bet.
3. Lex.uz. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarori, 11.03.1997 yildagi 132-son.
4. Tursunov S. va boshq.... Surxondaryo – etnografik makon. – Toshkent, 2012.
5. Tursunov N. Janubiy O'zbekiston aholisi moddiy madaniyati transformatsiya jarayonlari. – Toshkent, 2019.

6. Tarixiy manbashunoslik, tarixnavislik, tarixiy tadqiqot metodlari va metodologiyasining dolzarb masalalari. 11-ilmiy to'plam. Mas'ul muharrir M. Isxokov. – Toshkent: TDSHI, 2019.-319-b.
7. Lin R. Kaxl; Angeline G. Close (2011). Samarali sport va voqealar marketingi uchun iste'molchilarning xulq-atvori to'g'risidagi bilim. Nyu-York: Routledge. ISBN 978-0-415-87358-1.
8. Markaziy Osiyo tarixi: manbashunoslik va tarixnavislik izlanishlari. 3-ilmiy to'plam / Mas'ul muharrir M. Isxokov. – Toshkent: TDSHI, 2011.-430 b.

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ТАОМЛАРИНИ МОБИЛ ИЛОВА ОРҚАЛИ РАҚАМЛАШТИРИШ ВА УНДАН ГАСТРОТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНияТЛАРИ (ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ТАОМЛАРИ МИСОЛИДА)

Абдусаторов Шерзод Мавлонжон ўғли
Ўзбекистон Миллий университети
Антропология ва этнология
кафедраси таянч докторанти

Аннотация. Сўнгги вақтларда юртимизда туризм соҳасига эътибор салмоқли ортиб бормоқда. Ушбу имкониятлардан фойдаланган ҳолда туризмнинг айрим жиҳатлари, хусусан гастротуризм соҳаси имкониятларини рақамлаштиришда ўзбек миллий таомларини мобил илова ва платформалар орқали намойиш этиш ҳамда тарғиб қилиш назарда тутилди.

Калит сўзлар: туризм, гастротуризм, Mobile App, iOS, Android, Windows, Phone, Google Play, Store, Google Maps, Ош марказлари, Олтариқ сомса, Коса сомса, Чинни сомса.

Аннотация. В последнее время в нашей стране возрастает внимание к сфере туризма. С использованием этих возможностей, цифровизации некоторых аспектов туризма, в частности, возможностей сферы гастротуризма, предусматривалось отображение и продвижение узбекских национальных блюд через мобильные приложения и платформы.

Ключевая слова: туризм, гастротуризм, Mobile App, iOS, Android, Windows, Phone, Google Play, Store, Google Maps, Ош марказлари, Олтариқ сомса, Коса сомса, Чинни сомса.

Abstract. In recent times, attention to the field of tourism is increasing in our country. With the use of these opportunities, the digitization of some aspects of tourism, in particular, the opportunities of the field of gastrotourism, it was envisaged to display and promote Uzbek national dishes through mobile applications and platforms.

Keywords: tourism, gastrotourism, Mobile App, iOS, Android, Windows, Phone, Google Play, Store, Google Maps, “Osh centers”, “Altariq somsa”, “Kosa somsa”, “Chinni somsa”.

Моддий ва маънавий маданиятнинг ажралмас қисми саналмиш таомларга оид тадқиқотлар доим долзарб масала ҳисобланиб келган. Таомларнинг маънавий маданиятга тегишли жиҳати, аввало уларнинг мулоқот воситаси сифатида ҳам рол ўйнашидир. Масалан, ҳар қандай маданиятда таомлар билан боғлиқ сўзлар тили тегишли грамматика, синтаксисни ўз ичига олади. Унинг таркибига жамият тузилмаларига оид иреархик ғоялар ва унга оид тегишли тушунчалар киради [1]. Шу пайтга қадар дунёда этнолог ҳамда антропологлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда асосан этник идентиклик ва инсонларнинг маълум таомларга муносабати ва уларни тайёрлаш усулларининг рамзий жиҳатларини ўрганишга эътибор қаратилган [2]. Айрим тадқиқотларда таомланиш бўйича кишиларнинг жинси, ёши бўйича қоидалар, таъқиқлар ва саломатлик учун аҳамияти ҳамда овқатланишнинг ўзгариши билан боғлиқ касалликларни ўрганишга ҳам эътибор қаратилган [3]. Сўнгги йилларда таом ва унинг миллат билан алоқаси, хусусан миллий таомлар ҳақидаги илмий тадқиқотларнинг аҳамияти ортиб бормоқда [4]. Айниқса, ижтимоий тармоқларда турли ўзбек миллий таомлари қандай тарғиб қилиниши тўғрисида тобора муҳим ўрин эгаллаб бормоқда [5]. Натижада таом ва озиқ овқат мавзуларида ижтимоий медиалар ва унинг таҳлиллари ҳам кўпаймоқда [6].

Эътиборга ҳавола қилинаётган мазкур тадқиқотда таомларни тадқиқ этиш борасида янги ёндашувдан фойдаланилган. Яъни, ўзбек миллий таомларини тарғиб қилиш учун мобил

иловадан фойдаланилди. Ҳозир ахборот технологиялари ривожланган даврда ўзбек миллий таомларнинг мобил иловасини яратиш таомлар билан боғлиқ билимларни кенгайтириш билан бир қаторда, улар ҳақида осон маълумот олиш имкониятини яратади, энг муҳими бу мамлакатга келаётган туристлар учун яна бир қулайликдир. Шунингдек, “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сонли Фармони [7]га мос келади. Негаки, ушбу мавзу этнотуризм (анъанавий турмуш тарзи, ҳунармандчилик, таом тайёрлаш ва бошқалар) доирасида сайёҳларни қабул қилиш борасида аҳолига зарур маълумотлар беради. Демак, рақамлаштириш орқали гастротуризм имкониятларини кенгайтириш долзарб масала ҳисобланади.

Маълумки, бугунги кунда Ўрта Осиё халқларининг тарихи, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида ахборот технологияларининг ўрни ҳақидаги адабиётлар сони кўпайиб бормоқда. Бирок, Ўрта Осиё хусусан, Фарғона водийси миллий таомлари ва унинг тақдими бўйича тадқиқотлар деярли учрамайди. Бу борада интернет тармоқларида ўзбек таомлар билан боғлиқ турли сайт ва медиалар мавжуд бўлсада, таомларнинг этнологик ўзига хослиги тўлиқ ёритиб берилмаган. Улар кўпроқ таом тайёрлаш ва унинг савдоси соҳаларига бағишланган. Ушбу тадқиқот ишида эса таомлар масаласи кенг маънода, яъни Фарғона водийсида озиқ-овқат маҳсулотларини танлаш ҳамда истеъмол қилишнинг локал хусусиятлари, анъанавий овқатланиш масканлари, ҳудудда меҳмон кутиш анъаналарининг ўзига хослиги ва бошқа шу каби жиҳатларни ўз ичига олган кенг қамровли йўналиш сифатида кўриб чиқилади. Бизнингча тадқиқот натижалари Фарғона водийсига ташриф буюрувчи кишиларларда шу ҳудуд таомлари ҳақида тўла маълумот беришга хизмат қилади. Ҳозирги даврда ахборот технологиялардан унумли фойдаланган ҳолда ҳар бир халқнинг маданиятини моделларини яратиш имконияти мавжуд. Моделлаштириш тушунчаси ҳозирда илм-фаннинг турли соҳаларида кенг фойдаланилмоқда.

Шу ўринда антропология ва этнология соҳасидаги тадқиқотларда моделлаштириш ва мобил илова имкониятларидан фойдаланиш ҳақида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Антропология фанида айрим тадқиқотлар томонидан амалга оширилган.

XXI аср бошларидан рақамли антропология соҳасида нашрлар тобора кўпайиб бораётганлиги барча маълум. Мутахассислар уларни: рақамли этнография методологияси, рақамли технологиянинг антропология тадқиқотлари ва маданият, тил ва жамиятга таъсири, таомлар мавзусида ҳам кулинария соҳалари рақамлаштирила бошланди [8]. Бу борада айтиш керакки, компютер технологияларидан фойдаланиб, ўзбек миллий таомлари ва у билан боғлиқ минтақада шакллланган овқатланиш маданиятини мобил илова тарғиб қилиш мумкин.

Мобил илова (инглизча: Mobile app [9]) - маълум бир платформа (iOS, Android, Windows, Phone ва бошқалар) учун ишлаб чиқилган смартфонлар, планшетлар ва бошқа мобил қурилмаларда ишлашга мўлжалланган дастурдир [10].

Кўпгина мобил иловалар қурилманинг ўзида олдиндан ўрнатилади ёки уларни App, Store, Google Play [11] ва бошқалар каби онлайн дастур дўконларидан бепул ёки пуллик билан юклаб олиш мумкин.

Дастлаб, мобил иловалар электрон почтани тезда текшириш учун ишлатилган, аммо уларнинг юқори талаблари бошқа соҳаларда ҳам кенгайишига олиб келди, масалан, мобил телефон ва GPS ўйинлари, суҳбатлашиш, видео томоша қилиш ва Интернетдан фойдаланиш ва ҳақ.

Бугунги кунда кўплаб хорижий микрософт андроид қурилмалар учун мўлжалланган HTML5, CSS, JS, React JS каби махсус дастурлар ва шу каби моделлаштириш дастурларидан фойдаланиб келинади. Мазкур илова (mobile app) Ўзбекистон ҳудудида ички, ташқи сайёҳликни ривожлантириш, гастротуризм соҳасини рақамлаштиришда, Ўзбекистон таомларини кенг микрософт оммалаштиришда самарали фойдаланиш мумкин.

Интернет орқали таом ҳақидаги нафақат маълумотлар алмашиш, савдо қилиш, балки онлайн тарзда ушбу ҳудуднинг миллий таомини кўриш имконини тақдим этилади. Бу эса туризмни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Туризм Ўзбекистонда иқтисодий секторни, айниқса Фарғона водийсида ҳам овқатланиш маданиятини тарғиб қиладиган фаолиятни ривожлантиришнинг муҳим методларидан ҳисобланади. Ушбу тадқиқотда ҳам қуйидаги мақсадларни амалга ошириш ҳам кўзда тутилган эди:

1. Фарғона водийсининг миллий таомларидаги гастрохудуд яратиш учун тасвир алоқасидаги маълумотларни таҳлил қилиш ва бошқариш;
2. Фарғона водийси миллий таомлари учун илова, дастур ва веб-сайт базасини лойиҳалаш ҳамда ишлаб чиқиш;
3. Оммавий ахборот воситалари учун материалларни тайёрлаш;
4. Фарғона водийси туманларида ички ва ташқи сайёҳлик учун имкониятларни доирасини тадбиқ этиш.

Туризм – бу маҳаллий ва миллий миқёсида иқтисодий ривожланиш учун туртки берадиган фаолият турларидан ҳисобланади. Лекин ушбу фаолият тури фақатгина ҳудуд ресурслари, атроф-муҳит билан имкониятлар чегараланиб қолмайди. Шу сабабли гастротуризм учун амалий технологияларни қўллаш, туризм соҳасини сифатли ривожланишни барқарор даромад келтирвучи соҳага айлантиради. Бу эса туристлар ва минтақада гастротуризми билимларига эга бўлган эҳтиёжларига қўл келади. Улар қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

1. Овқатланиш маданияти тўғрисидаги илмий адабиётларнинг хилма-хиллиги;
2. Миллий таомларни тайёрлаш анъаналари;
3. Фарғона водийсининг ҳар бир ҳудудидаги миллий таомлар аҳолининг турмуш тарзи ва атроф-муҳитига боғлиқлиги.

Бундан кўриш мумкинки, мобил илова яратиш учун гастротуризм имкониятларини рақамлаштиришда минтақа табиати, турмуш тарзи, урф-одатлари, маданияти ва тарихининг қийматларини ҳисобга олиш зарур ҳисобланади. Бу эса Фарғона водийсидаги миллий таомлар тайёрлайдиган масканларни аниқлаш ва уларни жойлашувни мобил иловага киргизиш билан боғлиқ [12]. Бу билан маҳаллий аҳоли ва меҳмонлар учун асл ўзбек миллий таомларини тақдим этишда онлайн тарзда ҳам маълумотларни олишни осонлаштириш учун керак бўлади.


Фарғона водийсида таом билан боғлиқ тадқиқотлар натижасида миллий таомлар масканларини жорий қилишга ёрдам беради. Таомлар бўйича тадқиқотлар маълумотларини аниқлаш, алмашиш, ўрганиш, қўллаш, узатиш, сўнгра мобил иловага жалб қилинган масканлар ўртасида тўпланган маълумотларни бошқаришга ва бошқа Ўзбекистоннинг вилоятларида ҳам тарғиб қилиш имконини беради. Бу албатта, жамиятнинг фаровонлигини оширишга ҳам хизмат қилади. Бу борада таълим соҳасида ҳам этнотуризм, гастротуризм соҳаларида жорий этилаётган янги инновациялар қийматини ошириш учун бу каби билимларни қўллаш имкониятларига эътибор қаратишни талаб қилади. Мобил иловадан фойдаланувчилар тушунишни ва турли тадқиқот лойиҳалари натижасида олинган билимлар асосида уларни контекст ва вазиятларга мослаштиришни танлашни хоҳлайдиган бир қатор амалий асослар мавжуд.

Ахборот технологиялари тизмидан маълумотни тарқатиш ва Фарғона водийсининг туристик маршрутларида ўзбек таомлари ҳақидаги маълумотлардан ҳам фойдаланиш керак. Бу борада Фарғона водийсида олиб борилган тадқиқотлар давомида тўпланган этнографик маълумотлар қўл келади.

Тўпланган этнографик дала тадқиқотлари маълумотларини моделлаштиришда иккита фаолият тури мавжуд:

1. Асосий фаолият (ўзбек миллий таомларига оид маълумот тўплаш усуллари);
2. Мобил илова орқали тарғиб этиш.

Ўзбек миллий таомларини тасвирлар орқали етказиш учун мобил илова ва веб-сайтдан фойдаланишда маълумотлар базасини ишлаб чиқилди. Бу маълумотлар базасини яратишда албатта гастротуризм мутахассислари хизматларидан фойдаланиш зарур бўлади.



1 -расм. Таом туризми методологияси

1) Асосий эксперт гуруҳларида минтақада танланган ўзбек миллий таомлар таомномалари бўйича сўровномалардан фойдаланган ҳолда муҳокама қилинди.

2) Респондентлардан интервью олишда миллий таомлар бўйича мутахассислардан, маҳалла оқсоқоллари, жўрабошилар ва ҳудуд аҳолисидан олинган маълумотларни киритилди. Шунингдек, тадқиқотлар ва сўровномалар натижасида олинган водий миллий ошхоналарининг хусусиятларини, тарихи, маданияти ва миллий таомларига оид анъаналар таҳлил қилинади.

3) Миллий ошпазлар суҳбатлар олиб бориш. Суҳбатдан ўзбек миллий таомларнинг масаллиқлари (мавсумий ингредиентлари) ва тайёрлаш тартиби ҳамда усуллари (ретсептлари) маданий туризм йўналишлари учун овқатланиш маданияти, эътиқодлари ва анъаналарни ўрганишда фойдаланилади. Бундан ташқари ушбу мобил илова албатта янги ташкил этилаётган маҳаллий ошхоналарни тижорат нуқтаи назардан тарғиб қилишга ҳам қаратилган.

4) Миллий таомлар ҳақида туризм-мутахассислар билан муҳокама қилиш. Фарғона водийсида олинган натижаларни экспертлар билан биргаликда миллий таомлар бўйича маълумот йиғишда тадқиқот учун қуйидаги методлари киритилди:

а) Структуравий (қатъий режалаштирилган) интервью. Тадқиқот учун фойдали бўлган қўшимча маълумотларни олиш муҳим деб ҳисобланган масалаларга қаратилади.

б) Эркин суҳбат. Суҳбат давомида жавоб бериш ва ёзиб олиш учун савол-жавоб қисмларини эркин тарзда ташкил этилди.

в) Суръатга олиш ва видеога тушуриш. Рақамли фотокамералар ва видео камералар орқали миллий таом масканлари объектилари, таомлари, масканларнинг тасвирлари олинган ва қайси таомга ихтисослашганлиги, мижозларга хизмат кўрсатиш ҳақидаги маълумотлар видеоларга ёзилган. Сўнг мобил илова учун жойлаштирилган.

д) Миллий таомлар масканлари жойлашувни Google Maps ўлчаш мосламалари GPS, жойлашув ўлчаш мосламалари (Telegram Maps) орқали масканлар харитасида жойлаштирилган ва охирида бу жойлашув мобил илова веб-сайтга жойлаштирилди.

Шунингдек, мобил илова(Mobile App) учун маълумотларни тўплашда таомтуризмни қўллаб қувватлаш ва туристик маълумотларни кенг ёйиш учун миллий таомлар рўйхати ва жойлашувини аниқланди. Олинган маълумотлардан таҳлил қилиш натижасида Фарғона водийсида жойлашган ўзбек миллий таомлари тайёрланадиган 26та масканлар мобил илова учун киритилди. Жумладан, ушбу масканлар ҳар хил ўзбек таомларига ихтисослаштирилган.

Хулоса қилиб, Фарғона водийсидаги анъанавий миллий таомларнинг манзили бўйича рақамлаштирилган илова яратилган ва Фарғона водийсига оид ўзбек миллий таомлари аниқланиб, жойлашувлари белгиланди. Жойлашувни тез топиши учун мобил илова навигатори Google Maps билан интеграция қилинди. Жумладан, Фарғона водийсига оид, *ош марказлари, турли кабоблар, шўрвалар, сомсалар (Олтариқ сомса, Коса сомса, Чинни сомса), мастава, димлама, балиқдан тайёрланадиган таомлар, турли хилдаги нон* каби миллий таомлар тайёрланадиган марказлар контентда белгиланди. Контент янада қизиқарлироқ бўлиши учун, ўзбек миллий таомларига оид этнографик маълумотлардан ташқари, турли миллий таом ҳақидаги расмлар, видеолар ва медиалар билан ҳам тўлдирилди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Claude Levi-Strauss, "The Culinary Triangle," in *Food and Culture: A Reader*, eds. Carole Counihan and Penny van Esterik (New York, NY: Routledge: 2008), 36-43; Claude Fischler, "Food, Self and Identity," *Social Science Information* 27, no. 2 (1988): 275-92; Anne Murcott, "Food as an Expression of Identity," in *The Future of the Nation State: Essays on Cultural Pluralism and Political Integration*, eds. Verker Gustavsson and Leif Lewin (London: Routledge: 1996), 49-77; Elizabeth Keating, "Moments of Hierarchy: Constructing Social Stratification by Means of Language, Food, Space, and the Body in Pohnpei, Micronesia," *American Anthropologist* 102, no. 2 (2000): 303-20.
2. Linda Keller Brown and Kay Mussell, eds., *Ethnic and Regional Foodways in the United States: The Performance of Group Identity* (Knoxville, TN: The University of Tennessee Press, 2001); Gaby Bamana, *On the Tea Road: A Journey into Mongolian Life and Culture* (Scotts Valley, CA: Createspace, 2012); Erik R. Scott, "Edible Ethnicity How Georgian Cuisine Conquered the Soviet Table," *Kritika: Explorations in Russian and Eurasian History* 13, no. 4 (2012): 831—58; Fabio Parasecoli, "Food, Identity, and Cultural Reproduction in Immigrant Communities," *Social Research: An International Quarterly* 81, no. 2 (2014): 415-39; Nir Avieli, "Local Food, Local Specialties, and Local Identity," in *The Handbook of Food and Anthropology*, eds. Jakob A. Klein and James L. Watson (London: Bloomsbury Publishing, 2016), 133-48.
3. Messer E. Anthropological Perspectives on Diet//annual Review of Anthropology. 1984. N. 13. pp. 205-249; Nutritional anthropology 2012.
4. Arjun Appadurai, "How to Make a National Cuisine: Cookbooks in Contemporary India," *Comparative Studies in Society and History* 30, no. 1 (1988): 3-24; Richard Wilk, "Learning to be Local in Belize: Global Systems of Common Difference," in *Worlds Apart: Modernity through the Prism of the Local*, ed. Daniel Miller (London: Routledge, 1995), 110-33; Warren Belasco and Philip Scranton, eds. *Food Nations: Selling Taste in Consumer Societies* (New York, NY: Routledge, 2002); Hong Sik Cho, "Food and Nationalism: Kimchi and Korean National Identity," *The Korean Journal of International Relations* 46, no. 5 (2006): 207-29; Elise Billiard, "Searching for a National Cuisine," *Journal of Maltese History* 2, no. 1 (2010): 47-57; Michaela De Soucey, "Gastronationalism: Food Traditions and Authenticity Politics in the European Union," *American Sociological Review* 75, no. 3 (2010): 432-55; Yael Raviv, *FalafelNation: Cuisine and the Making of National Identity in Israel* (University of Nebraska Press: Springer, 2015); Ronald Ranta, "Food and Nationalism: From Foie Gras to Hummus," *World Policy Journal* 32, no. 3 (2015): 33-40; and Atsuko and Ranta, *Food, National Identity and Nationalism*.
5. For a comprehensive review of studies on food and media see Roger Dickinson, "Food and the Media: Production, Representation, and Consumption," in *Handbook of Food Research*, eds. Anne Murcott, Warren Belasco, and Peter Jackson (London: Bloomsbury Academic, 2016), 439-54.
6. Eric McGlinchey and Erica Johnson, "Aiding the Internet in Central Asia," *Democratisation* 14, no. 2 (2007): 273-88; Ramesh Srinivasan and Adam Fish, "Internet Authorship: Social and Political Implications within Kyrgyzstan," *Journal of Computer-Mediated Communication* 14, no. 3 (2009): 559—80; Neil Melvin and Tolkun Umaraliyev, "New Social Media and Conflict in Kyrgyzstan," *SIPRI Insights on Peace and Security*, no. 2011/1, August, 2011, www.sipri.org/sites/default/files/files/insight/SIPRIInsightIi0i.pdf; Cai Wilkinson and Yelena Jetpyspayeva, "From Blogging Central Asia to Citizen Media: A Practitioners' Perspective on the Evolution of the Neweurasia Blog Project," *Europe-Asia Studies* 64, no. 8 (2012): 1395-414; Rustamjon Urinboyev, "Establishing an 'Uzbek Mahalla' via Smartphones and Social Media: Everyday Transnational Lives of Uzbek Labor Migrants in Russia," in *Constructing the Uzbek State: Narratives of Post-Soviet Years*, ed. Marlene Laruelle (London: Lexington Books, 2017), 119-48; Manja Stephan-Emmrich, "iPhones, Emotions, Mediations: Tracing Translocality in the Pious Endeavours of Tajik Migrants in the United Arab Emirates," in *Mobilities, Boundaries and Travelling Ideas: Rethinking Translocality Beyond Central Asia and Caucasus*, eds. Manja Stephan-Emmrich and Philipp Schroder (Cambridge: OpenBook Publishers, 2018), 291-317.
7. "Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чоратadbирлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сонли Фармони <https://lex.uz/docs/4143188>.

8. Соколовский С.В. Киборги в киберпространстве: современные исследования в области кибер и цифровой антропологии. Этнографическое обозрение. 2020 № 1. С. 5–22.
9. Ушбу атама 2007-йилдан бери жуда машхур бўлиб, 2010-йилда Америка Диалектик жамияти томонидан “йил сўзлари” рўйхатига киритилган.
10. ПНСТ 277-2018 Российская система качества. Сравнительные испытания мобильных приложений для смартфонов, ПНСТ от 26 июня 2018 года №277-2018“. <http://docs.cntd.ru/document/1200159701>.
11. Google Play Store -ilovalar do'koni, shuningdek, Google shirkatidan o'yinlar, kitoblar, musiqa va filmlar do'koni, uchinchi tomon kompaniyalariga, Android operatsion tizimli qurilmalar egalariga turli ilovalarni o'rnatish va sotib olish taklif qilish imkonini beradi.
12. Narong Sompong, Nattaphon Rampai, and Cherdpong Kheerajit. (2015). Knowledge management of local wisdom model for tourism along the route of lower central provinces of Thailand. TOJET: The Turkish Online Journal of Educational Technology - August 2015, pp. 271-276.

ФАЛСАФА

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТДА ОБЪЕКТ, СУБЪЕКТ ВА СИНЕРГЕТИКА КАТЕГОРИЯЛАРИНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИГИ

Каримова Муяссархон Абдуқаюмовна

Андижон қишлоқ хўжалиги ва
агротехнологиялар институти
“Гуманитар фанлар” кафедраси доценти,
фалсафа фанлари номзоди

Аннотация. Мазкур мақола фалсафанинг энг фундаментал категорияларидан бири объект ва субъект ҳақида бўлиб унинг илмий тадқиқотдаги ўрни ва ролига бағишланади. Тадқиқотнинг фаолияти қаратилган объектив реаллик кенг маънода объектни билдиради. Тадқиқотчи алоҳида шахс бўлиши ёки муайян жамоа (ижодий коллектив) субъект сифатида фаолият кўрсатади. Синергетика – бу фаннинг йўналиши сифатида фалсафий категория статусига эга бўлди ва коинотда муҳим ўзгаришларни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Калит сўзлар: объект, субъект, синергетика, билиш, ижод, дунёқараш, фикрлаш, флуктуация, бифуркация, синтез, методология, фрактал.

Аннотация. В данной статье представлена объекту и предмету одной из самых основных категорий философии, которая посвящена ее роли и роли в научных исследованиях. Объект, на который направлена исследовательская деятельность, обозначает объект в широком смысле. Исследователь должен быть индивидуумом алохи или выступать в качестве субъекта определенного сообщества (творческий колли). Синергетика - как направление науки приобрела статус философской категории и приобрела отличный послужной список в изучении значительных изменений во Вселенной.

Ключевые слова: объект, субъект, синергетика, познание, творчество, мировоззрение, мышление, флуктуация, бифуркация, синтез, методология, фрактал.

Abstract. This article presents the object and subject of one of the most basic categories of philosophy, which is devoted to its role and role in scientific research. The object to which the research activity is directed means an object in a broad sense. The researcher must be an individual of aloha or act as a subject of a certain community (creative collie). Synergetics as a branch of science has acquired the status of a philosophical category and has acquired an excellent track record in studying significant changes in the universe.

Keywords: object, subject, synergetics, cognition, creativity, worldview, thinking, fluctuation, bifurcation, synthesis, methodology, fractal

Илмий ижодда тафаккур шаклларида бўлган фалсафий категориялар системасида объект ва субъект муносабатлари ўзининг долзарблиги билан ҳар доим ажралиб туради. Бу масала билан олимларимиздан, Давронов З, Қурбанова Л.А. рус ва европалик олимлардан Кара-Мурза С.Г., Славгородская Л.К., Кохановский В.И., Гегель Г.В. каби атоқли файласуфларнинг тадқиқотларини келтириш мумкин.

Ҳозирги кунда ижодий жараённинг асосий компонентларидан бўлган объект ва субъект муносабатларининг мураккаблашганлиги, микра объектларни тадқиқ этишда тадқиқотчи объектлар устидан соф ҳолатда изланишлар олиб бора олмаслиги, уларни ўрганиш учун олим техник воситаларни ишга солиши, объектнинг ҳолатига таъсир кўрсатиши мумкинлигини назарда тутди.

Билишда субъектив жихатнинг муҳимлигини тушуниш ва қайд этиш диалектик концепцияларга хос хусусиятдир. Чунончи, “Энг бой нарсa энг муайян ва энг субъективдир...” [1.93], деб таъкидлайди Гегель. Диалектикада объектив ва субъектив бир-бирига қанчалик чамбарчас боғлиқлигини, субъектив ўз қарама-қаршиси объективга қанчалик мос бўлиши мумкинлигини эътиборга олсак, субъективга бундай аҳамият берилишининг сабабини тушунаемиз. Бу икки қарама-қаршилиқнинг нозик ички алоқаларини тушуниш ва субъективнинг

аҳамиятсизлиги ҳақидаги эскича қарашларни инкор этиш ижодий тафаккурга хосдир. Чунончи, З.Давронов: “Субъект тадқиқот жараёнида далиллар асосида иш юритиб, объектга нисбатан амалий, хиссий, моддий жиҳатдан таъсир кўрсатади, уни ўзгартиради” [2.134], –деб эътироф этади.

Шунга қарамай, кўпгина тадқиқотчилар субъективликка кераксиз, янглиш, бартараф этиш лозим бўлган нарсга деб қарайди. Бундай қарашга, масалан, фаншуносликда дуч келиш мумкин. “Кадрларни балл билан баҳолаш тизимларининг тарафдорлари уларнинг “объективлиги” тан олиниши учун қизғин кураш олиб бораётганининг сабаби тушунарсиз” [3.172],–деб қайд этади С.Г. Кара–Мурза.–Уларнинг аксарият чиқишларида “субъектив” тушунчаси “хато”, “ёмон” сўзларининг синоними тарзида келтирилади. Бунинг фойдасига ҳеч қандай далиллар келтирилмайди. Ваҳоланки, бизга баҳо қўйишнинг субъектив тизимлари қўлланиладиган жуда кўп фаолият соҳалари маълум. Бу тизимлар талабларимизга жавоб беради, уларда билимдон ва ҳолис ҳакамлар фаолият кўрсатган ҳолларда қўйилган баҳолар орасидаги тафовут унча катта бўлмайди (масалан, фигурали учуш ёки гимнастикадаги ҳакамлик). Кундалик тилда “объектив” сўзи кўпинча “ҳолис” маъносида қўлланилиши юқорида зикр этилган терминологик англашилмовчиликни оқлашга хизмат қила олмайди” [4.173].

Ҳозирги замонда ижодий жараённинг муҳим жиҳатлари ҳисобланган объект ва субъект муносабатларининг мураккабланиши, микрообъектларни тадқиқ этишда тадқиқотчи объектлар устидан соф ҳолатда изланишлар олиб бора олмаслиги, уларни ўрганиш учун олим техник воситаларни ишга солиши, объектнинг ҳолатига таъсир кўрсатиши мумкинлигини назарда тутди. Ижод ҳар доим субъектга тегишли бўлганлиги учун унинг мазмуни (шунингдек шакли ҳам) фақат объект билан белгиланмайди. Тўғри, олим ижодининг мазмуни унинг дунёқараши, ижтимоий мавқеи, интеллектуал қобилияти ва феъл–атвориға муайян даражада боғлиқ. Чунончи, далиллаш (илмий ижодга хос бўлган жараёнлардан бири) ни олиб қарайдиган бўлсак, танланадиган далиллар таркиби шахснинг дунёқарашига ва интеллектуал салоҳиятига, далиллар йўналиши–унинг ижтимоий ҳолатига, асослаш даражаси, чуқурлиги–интеллектуал қобилиятига, тил услуби, баъзан фикрлаш тарзи–олимнинг феъл–атвориға боғлиқлигини кўрамиз.

Илмий матнларда субъективлик, индивидуалликнинг мавжудлиги хусусида анча баҳс мунозаралар бўлган. Жумладан, Л.В.Славгородская шундай деб қайд этади: “Матнда “анъанавий” тил услуби муаллифга ўқувчи билан тил топишишни маълум даражада кафолатлайди; “янги” тил услуби қўлланган матнда бундай тил топишиш учун янги тушунчалар муомалага киритилиши натижасида нутқни узатувчи ва уни қабул қилувчи ўртасида юзага келган тўсиқни бартараф этиш учун қўшимча воситалардан фойдаланишга эҳтиёж туғилади” [5.10]. Бизнингча, бундай ҳолатда тадқиқотчи феъл–атворининг ўзига хослиги бошқа шароитлардан кўра адабиётда кучлироқ намоён бўлади. Чунончи, ҳар бир тадқиқотчи ижодий фаолиятида ўзининг номукамал ва баъзан янглиштирувчи сезгиларига, ниманидир кўрсатувчи интуициясига, чекланган ва баъзан нотўғри билимларига таянади. У ижоднинг ўзига чорловчи уфқига, субъективликнинг зиналаридан кўтарилишга мажбур бўлади.

Хуллас, билишнинг ривожланиши субъективликдан объективликка томон ҳаракат эмас, балки нисбатан чекланган, субъектив–объектив билиш тизимларидан универсалроқ, лекин ўз табиатига кўра субъектив–объектив билиш тизимлари томон ҳаракатдир. Субъектив нарсаларнинг гносеологик аҳамияти тўлиқ тушуниб етилган, билиш жараёнининг бу ажралмас қисмига эътибор берилган тақдирдагина фанда тараққиёт бўлиши мумкин. У билан махсус тизимли иш олиб бориш лозим. Билимнинг маълум даражада объективлиги билишнинг муайян натижасида мужассамлашган бой субъективлик билан таъминланади. Моҳият эътибори билан, объективлик бой субъективлик демакдир ёки бой субъективлик–объективликдир. Фақат объективлик ва субъективликнинг мана шундай айниқлигини эътироф этиш орқали билишда объективлик ва ҳаққонийликка эришишга умид қилиш мумкин. Зотан, “ўз ҳолича”, субъектга бирон–бир боғлиқликсиз олинган объект субъектга мутлақо тушунарсиздир. Бу ҳолда объект герметик берк бўлиб, субъектдан “нарсга ўзида” билан мутлақо ажралиб қолади. Аммо билаётган одамга субъектив нарсалар тушунарли, яқин, у билан бир хил табиатга эга. Агар бой субъективлик объективлик билан бир бўлса, инсон объективликни тушунишга қодир.

Шу боис ўз мазмунига кўра ижодий тафаккурни белгиладиган қуйидаги фикрни тўғри

деб эътироф этиш лозим: “Билишда ва воқеликнинг, билиш воситалари, унинг мақсадлари, манфаатлари ва эҳтиёжларининг ўзгаришида субъектнинг роли қанчалик тўлиқ тушуниланган бўлса, объективлик ҳам шунчалик тўлиқ ва чуқур бўлади” [6.43]. Шунинг учун ҳам куйида келтирилган фикрларни—гарчи улар айна бир диалектик анъана доирасида таърифланган бўлса—да, шакл—шубҳасиз, қабул қилиш қийин. “Объективлик тамойили нарса ондан ташқарида қандай бўлса, шундай акс эттиришни, уни бошқа нарса билан алмаштирмасликни, унга бегона нарсаларни киритмасликни тақозо этади” [7.42]. Объективлик тамойилига амал қилувчи тафаккур тадқиқот предметиға ўзини ўзи намоён этиш имконини бериши лозим, яъни унга шундай муносабатда бўлиши керакки, у ўз таърифларини сиртдан олмасин, балки ўзини ўзи таърифласин». Бизнингча, бу қарашлар ўринли бўлиб туюлади, лекин объективлик ва субъективликнинг ажралмаслигини эътиборга олсак, бу талабларни бажариш мумкинми? Билишда соф объективликка эришиш мумкинми? Предмет “сиртдан”, яъни биздан—уни билувчилардан ўз таърифларини олмасдан, ўзини ўзи таърифлаши мумкинми? Биз ўзимиз билаётган предметга “унга ёт нарсаларни” киритишга қодирмизми? Методологияда илгари сурилган мақсад реалми? Анъанавий объективлик тамойили замиридаги талаблар ҳаддан ташқари қаттиқ эмасми?

Хуллас, фикримизча, агар биз реализм замирида қолишни истасак, одатдаги, анча юзаки талқиндаги объективлик талабини ўринли эмас деб топишимиз керак. “Объектив бўл”, “субъективликка йўл қўйма”, “объект ҳақидаги фикр—мулоҳазаларга ўз сезгиларинг, эҳтиросларингни киритма” қабилдаги чорловлар фойда бермайди. Мазкур “методологик усул” бир қанча ҳолларда куйидаги сабабларга кўра ноўриндир. Қоида тариқасида, тадқиқотчи объективлик талабининг зарурлиги ва муҳимлигини бировнинг йўл—йўриғисиз ҳам билади ва эътироф этади, лекин бу уни субъективликдан доим ҳам кутқаравермайди. Бу ерда гап барчага маълум нарсанинг ҳадеб қайтарилишида эмас. Юқоридаги мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда биз куйидагича хулосага келамиз:

Ижод жараёни объективлик ва субъективликнинг ўзаро мувофиқлашуви натижасида тадқиқотчининг интеллектуал салоҳиятини белгиловчи муҳим омилдир. Тадқиқотчи ўз фаолиятида объектив воқеликни ўрганар экан, уни баҳолашга ижодий ёндашади ва ўзининг субъектив муносабатини акс эттириш жараёнида муаммони объектив ҳал этади. Фанда ягона қоидага риоя қилувчи, барча соҳалар учун бир хил ижодий тафаккурнинг умумий шакли мавжуд бўлмайди, чунки унинг доимо янги элементлари шаклланади, шу сабабга кўра кўра бу жараён доимо зиддиятли характерга эга бўлади [8.776].

Ушбу ранг-баранг таърифлар ижоднинг мураккаб ҳодиса эканини, унинг илмий-назарий масалалари ҳали тўла ва мукамал ишлаб чиқилмаганини кўрсатади. Дарҳақиқат, ижоднинг намоён бўлишини сунъий йўл билан тушунтириб беришимиз қийин. Ижод бу оригинал тушуниш ва тушунтиришдан иборат бўлган мураккаб феномен.

Синергетика - бу нафақат фан, балки фалсафий категориядир. Ҳозирги замон методологиясида Коинотнинг вужудга келиши—модданинг сингуляр ҳолатдан чиқиши ёки моддийликнинг гравитация жиловидан чиқиб кетиши тарзида изоҳланади. Бу ҳолатнинг асл моҳияти ҳалигача аниқланмаган бўлсада сингуляр ҳолатни абсолют катта массанинг, абсолют кичик нуқтавий ҳажмда мужассамлашуви деб тасвирлаш мумкин.

Ҳозирги замон техника фани ютуқларига асосий омил бўлиб келаётган усулларнинг бири моделлаштиришдир. Мазкур усул шунингдек замонавий фаннинг ҳамма соҳаларида яъни математика, физика, биология, иқтисод, медицина, экология ва бошқа йўналишларда ҳам сифатли қўлланилиб келмоқда. Ҳозирги замон фан тараққиётидан маълум бўлишича, воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиши ночизиқли моҳиятга эга бўлиб, ҳар бир тизимнинг эволюцион жараёнида кўп вариантли ривожланиш имкониятлари мавжуд ва улар орқага қайтмаслик табиатиға эга.

Ушбу масала билан боғлиқ равишда ҳозирги замон математикаси усулларида масалан, ночизиқли дифференциал тенгламалар, ўз-ўзича ташкилланиш келиб чиқадиган ҳар хил жараёнларни ночизиқли тенгламалар ёрдамида ўрганади. Мазкур тенгламаларни ечмасдан ҳам уларда акс эттирилган жараённинг сифатий янги белгилари ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин. Ўз-ўзича ташкилланиш тизимларни ўрганиш ва моделлаштиришда “фалокатлар назарияси”нинг аҳамияти каттадир. Бу назарияда “фалокатнинг математик модели ҳар хил

ходисалардаги ташқи шароитларнинг ўзгаришига тизим ҳолатининг сакрашсимон ўзгариши билан баъзи бир умумий белгиларни кўрсатиб беради”, яъни ўз-ўзича ташкилланувчи жараён тизимнинг фалокатидан сакрашсимон тарзда чиқиши натижасида тизимнинг янги барқарор сифатга ўтишини кўрсатиб беради. Фалокатлар назарияси табиий-ижтимоий тизимлардаги ночизиқликни акс эттирувчи, математик мавҳум процедура ҳисобланади. Яъни, математик усул ҳисобланган фалокат назарияси ўз-ўзини ташкиллаштирувчи тизимларда, баъзи ҳолларда сакрашсимон ўтиш кузатиладиган жараёнларни моделлаштиришда маълум даражада умумийликка эга бўлади.

Техника соҳасидаги илмий тадқиқотлар жараёнида математик моделлаштириш шундан далолат берадики, ушбу жараённинг муҳим жиҳатларидан бири ночизиқли муҳитда янги шаклларнинг юзага келиши билан боғлиқ бўлади. Масалан, кўплаб мураккаб тизимларни синергетик тадқиқ этишда Мандельбротнинг ўлчамлилиқ назарияси қўлланилади. Бу назарияга кўра, оддий математик формулалар нуқталарнинг текисликда жойлашишини аниқламай туриб, бу нуқталар кутилмаган мураккаб тузилмага эга геометрик объектлар–фракталларни юзага келтиради.

Бенуа Мандельброт фрактал таърифи ҳақида “нега баъзан геометрияни совуқ ва қуруқ деб аташади? Бунинг сабабларидан бири унинг булут, тоғлар ёки денгиз соҳилини тасвирлай олмаганлигидандир. Булут–сфера эмас, тоғлар–конус эмас, соҳил айлана эмас, дарахтнинг қобиғи текис эмас, олов тўғри ҳаракатланмайди... Фрактал геометрия эса, фақат чизиқли математика ва Евклид геометрияси нуқтаи назаридан тартибсиз ҳисобланувчи феноменларни ўрганиш усулларида биридир. Шу маънода фрактал геометрия дунёдаги тартибсиз шаклларни ўрганади ва уларни маълум бир геометрик шаклларга–фракталларга келтиради. Ушбу назария табиатдаги ўз-ўзини ташкиллаштирувчи жараёнларнинг математик(геометрик) моделини фалсафий асосларга эга эканлигини англатганлиги билан аҳамиятлидир.

Масалан: Мифологияда Дионис худоси хаосдан жуфт бўлмаган кўплаб шаклларни келтириб чиқаради. Уйғунлаштирувчи бошланғич асос–Аппалон худоси эса уларни тенглаштиради. Шунингдек қадимги ҳинд афсонасида Брахма худоси хаосни тартибга солиб дунёни яратса, Шива худоси эса уни бузади. Улар ўртасида турувчи бошланғич асос Вишна худоси эса дунёнинг барқарор тус олишига сабаб бўлади.

Ўз-ўзича ташкилланувчи тизимларни моделлаштиришда математик методларнинг бири топослар назарияси ва категориялар назарияси билан ҳам боғлиқ. Бу назариялар синергетик тамойилларни қўлланишига имконият беради. Аммо, уларда синергетик тамойиллар қўлланилишига имкон беради. Шунингдек уларда синергетик тамойиллар кам қўлланилишига қарамай, ўз-ўзича ташкилланувчи тизимларнинг адекватли моделлаштирилиши муаллиф Ф.Гурбанов “...топослар назарияси ва (категориялар назарияси) ҳозирги замон соф назариялар туридан эмас, балки шундай назарияларнинг синтези, яъни бифуркация назариясининг флукутация назарияси билан бирлашган ҳолда қўлланилиши, ўз навбатида топослар назарияси келажакда тирик ва нотирек табиатдаги ўз-ўзича ташкилланувчи тузилмаларнинг умумий–мавҳум математик назарияси бўлиши мумкин” эканлигини такидлайди. [9.46]

Объект, субъект, синергетика категориялари илмий билишни моделлаштиришда муҳим рол ўйнайди. Ўз-ўзича ташкилланувчи жараёнларни адекватли моделлаштиришда замонавий математик методларнинг гносеологик имкониятлари катта бўлиб, мазкур методлар комплекс тадбиқ этилиши мақсадга мувофиқдир.

- Объект ва субъект муносабатлари масаласи ҳар қандай илмий тадқиқотда, тадқиқотнинг предметни аниқлашда муҳим ўрин тутади.

- Ижод жараёни объективлик ва субъективликнинг ўзаро мувофиқлашуви натижасида тадқиқотчининг интеллектуал салоҳиятини белгиловчи муҳим омил вазифасини бажаради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Гегель Г.В. Феноменология духа -СП(б).: Наука, 1989. -С. 93.
2. Давронов З. Илмий ижод методологияс// Иқтисод-молия. Т., 2007. – Б. 134.
3. Кара-Мурза С.Г. Проблемы организации научных исследований. –М.: Наука, 1991. –С.172.
4. Кара-Мурза С.Г. Проблемы организации научных исследований. –М.: Наука, 1991. –С.173.

5. Славгородская Л.В. К вопросу о коммуникативной направленности научного текста. Функциональные стили и преподавания иностранных языков. -М.:Наука, 1992. –С. 10.
6. Кохановский В.И. Диалектика против софистики и эклектики. -Ростов на-Дону.: Феникс, 1994.- С. 43.
7. Курбонова Л.А. Ижодий тафаккурнинг фалсафий – методологик таҳлили: Дис. фалс. фан. ном.; ЎзРФА “Фалсафа ва ҳуқуқ институти” –Тошкент, 2007.- 776.
8. Гурбанов Ф. Методы исследования самоорганизующихся систем. –М.: 1989 г, -С. 46.
9. Гурбанов Ф. Методы исследования самоорганизующихся систем. –М.: 1989 г, -С. 46.

РАСМИЙ УСЛУБ

Б.Умуркулов

ТерДУ ўзбек тилшунослиги кафедраси
мудир, филология фанлари доктори,
профессор

Аннотация. Мақолада ўзбек тилининг алоҳида ўзига хос бўлган услубий шакли расмий услуб, унинг луғавий ва грамматик қурилишлари, ўзига хос хусусиятлари ҳақида мулоҳазалар билдирилган.

Калит сўзлар. Услуб, расмий услуб, ҳужжатлар, идоравий ҳужжатлар, дипломатик муносабатлар, синтактик хусусиятлар.

Аннотация. В статье комментируется уникальная стилистическая форма узбекского языка, формальный стиль, его лексические и грамматические конструкции, его особенности.

Ключевые слова. Стиль, формальный стиль, документы, ведомственные документы, дипломатические отношения, синтаксические признаки.

Abstract. The article comments on the unique stylistic form of the Uzbek language, the formal style, its lexical and grammatical constructions, and its specific features.

Keywords. Style, formal style, documents, departmental documents, diplomatic relations, syntactic features.

Расмий услубнинг қўлланиш доираси кенг ва хилма-хилдир. Расмий услуб жамиятидаги ижтимоий ва ҳуқуқий муносабатлар, давлат ва давлатлар ўртасидаги расмий, сиёсий – иқтисодий, социал-маданий муносабатлар, шунингдек, шахс билан шахс ўртасидаги, шахс билан ташкилотлар, корхоналар ўртасидаги муносабатлар, давлат идоралари, суд, прокуратура ҳужжатлари, қарорлари, буйруқлар, шартномалар, расмий эълонлар каби кенг доирадаги нутқ қўринишларини қамраб олади. Бу услуб тури бошқа услублардан ҳужжатларга асосланганлиги билан фарқланади. Шунга қўра бу услуб ҳам анча илгари пайдо бўлганлиги билан характерланади. Чунончи, турли даврларда давлатларда амр ва фармонлар, ёрлиқлар, расмий хатлар, арзномалар, васиқалар, ҳокимликлар, бекликлар орасидаги турли ёзишмалар доимий мавжуд бўлган ва улар расмий услубни шаклланиши узок ўтмишга бориб тақалишини кўрсатади. Э.Қыранинг маълумотларига қўра милoddан аввалги 2000 йилларда шоҳ Ур – Наммуниг қонунлар мажмуаси тузилган бўлиб, расмий услубнинг илк намуналари шу даврларда шаклланганлигидан далолатдир¹.

Расмий услуб белгиланган тартибдаги бир хилликни ва ўта изчилликни талаб қилувчи услубдир. Масалан, ариза ёзиш талаб қилинса, албатта аризанинг қайси адресга ва кимга эканлиги, сўнг ариза ёзувчининг, адреси лавозими ва кимлиги баён қилиниб, ариза матнига ўтилади.

Расмий услубга хос бошқа барча ҳужжатларда ҳам худди шундай белгиланган тартиб, ўрнини алмаштириб бўлмайдиган изчиллик мавжуд.

Расмий услуб нутқни қисқа, аниқ ва ихчам тузишнинг ўзига хос шаклидир. Бу услубни ташкил этувчи барча ҳужжатлар, чунончи: тилхат, ариза, тушунтириш хати, чақириқ хати, тавсиянома, тавсифнома, телеграмма, ишончнома, хуллас, қўпгина ҳужжатлар жуда қисқа ва

1 Ўзбекистон Республикасининг конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014. –Б.17.

ихчам тарзда ёзилади. Расмий услубга оид ҳужжатларда лўндалик, ихчамлик мавжуд бўлса-да, барча ҳужжатларни ҳам шу тарзда содда, қисқа жумлалар асосида қурилади деб бўлмайди. Бинобарин, расмий услубга оид айрим нутқ кўринишларида фикрлар кетма-кет келади ва бундай нутқ мазмунини тушуниш мураккабликлар туғдиради. Масалан, ҳуқуқий ва хусусий шахсларни операциялари ҳамда ҳисоб рақамларига доир маълумотлар ҳуқуқий ва хусусий шахсларнинг ўзларига қонунларга назарда тутилган ҳолларда судларга, тергов органларига, ҳакамлик идораларига ва аудитор ташкилотларига солиқ солиш масалалари юзасидан молия ва солиқ идораларига берилиши мумкин. “Ўзбекистоннинг янги қонунлари” 33-модда. Шунга кўра расмий услубни вужудга келтирувчи нутқ кўринишларини шартли равишда қуйидагича группаларга бўлиш мумкин.

1. Идоравий ҳужжатлар: Бунга иш қоғозлари ариза, тавсифнома, тилхат, тавсиянома, баённома, акт ва буйруқлар киради. Идоравий ҳужжатлар ҳажмининг қисқалиги, жумлаларнинг ихчам ва соддалиги билан ажралиб туради.

2. Дипломатик муносабатларга доир ҳужжатлар: баёнот, нота, битим, шартнома, договор, декларация кабилар. Бу ҳужжатлар одатда умумий кириш қисми билан бошланиб актлашув томонлар қайд қилиниб, мақсад баён этилади. Шундан кейин аҳдноманинг асосий моҳияти баён этилиб, якуний қисмда ҳужжатнинг кучга кириши, ҳужжат тузилган вақт, тили, жойи, қандай нусхада эканлиги қайд этилади. Бу ҳужжатлар ҳам нисбатан содда, тушунарли тарзда баён этилади.

3. Ҳуқуқий муносабатлар доирасидаги ҳужжатлар: қонун, кодекс, фуқаролик ва жиноят актлари, устав ва бошқалар.

Бу хилдаги ҳужжатларнинг синтактик қурилиши нисбатан мураккаб. Матнда кетма-кет юз берадиган воқеа-ҳодисаларни ифодалаш мақсадида турли шакллардаги уюшиқ бўлақлар ва ҳар хил типда боғланган қўшма гаплар кўплаб учрайди. Қуйидаги матн бунинг ёрқин далилидир. Масалан, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади[□]. (44-модда). Ҳуқуқий муносабатларни билдирувчи ҳужжатларда ижтимоий-сиёсий, расмий-маъмурий атамалар ҳамда мавҳум маъноли сўзлар ҳам кўпдир. Шу боисдан ҳам бу хилдаги ҳужжатларнинг тили мураккаб. Ҳуқуқий муносабатларни ифодаловчи ҳужжатларда субъектив баҳо бериш нутқни бўёқдор шаклда ифодалаш кабилар мутлақо ётдир. Чунки бундай ҳужжатлар объективликка, аниқликка асосланган ҳолда тузилади.

Расмий услуб ўз олдига бирор нарсани исботлаш, таҳлил қилиш вазифасини қўймайди. Ундан воқеалар, фактларни исботлаш, талаб этилмайди, балки воқеа, фактларни белгилаш, тасдиқлаш каби вазифаларни бажариш бу услубнинг муҳим хусусиятларидан биридир. Шунга кўра расмий услуб ахборот бериш вазифасини, буйруқ, қарорлар шаклида эса буюриш вазифаларини бажаради. Масалан: Ўзбекистон Республикасининг Олий мажлиси қарор қилади: Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганлигини нишонлаш мақсадида конституция қабул қилинган кун – 8 декабрь умумхалқ байрами – Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси кун деб эълон қилинсин.

Расмий услубнинг луғавий воситалари шу услубнинг хусусиятларидан келиб чиқади. Аввало тилнинг умумистеъмол сўзлари қатлами расмий услубнинг ҳам муҳим луғавий бирлигидир. Шунингдек, бу услубдаги аниқ, қисқа ва ихчамлик тил воситаларининг ҳам ана шу хусусиятларга мос ҳолда бўлишини талаб қилади. Расмий услубда шу услуб учун штамп шаклида мавжуд бўлган луғавий воситалар қўлланилиб услубийлик касб этади. Масалан, ариза, тилхат, тушунтириш хати, баённома, тавсифнома, телеграмма, қарор, баёнот, қонун, фармойиш, маълумотнома, ахборот, таржимаи ҳол, эълон каби луғавий воситалар расмий услубнинг таянч луғавий воситаларидир.

Расмий услуб тез-тез такрорланиб турувчи бир хилдаги ўзгармас жумлаларга бой. Бу услуб турида синонимлар, кўчма ва кўп маъноли сўзлар, образли воситалар қўлланилмайди. Расмий услуб маълум маънода чегараланган услубдир. Шунинг учун, бу услубда бир хил қолибдаги, стандарт воситалар кўплаб қўлланилади ва шу услуб учун муҳим белги эканлиги билан характерланади.

Бу услубда такрор- такрор тайёр қолибдаги жумлалар ҳар доим лўнда ихчам тарзда

ифодаланган бўлади. зеро расмий услуб ҳужжатлар тили бўлиб, ҳужжатлар маълум тартиб асосида стандарт тарзда тузилади. Масалан: “Гулистон” жамоа хўжалигининг раиси Учкун Султоновга шу жамоа хўжалигининг бош муҳандиси Қосимов Ўткир томонидан ариза.

Расмий услуб матнларидаги жумлалар аниқ ва равлон, унда ортиқча сўзлар мутлақо қўлланилмаслиги талаб қилинади. Синтактик жиҳатдан расмий услубнинг жумлалари икки таркибли: содда ёйиқ гаплардан ва ихчам шаклидаги қўшма гаплардан ташкил топган бўлади.

Расмий услуб ёзма нутқ меъёрларига тўла асосланган ҳолда шаклланади. Шунинг учун расмий услубда ифода шакллари тартибларга асосланган ҳолда аниқ тузилади. Масалан: Мен, Азиз Бобоев 1986 йил 15 октябрда Термиз шаҳрида хизматчи оиласида туғилдим. (таржимаи ҳол). Бахтиёр Султонов Термиз давлат университетининг тарих факультетида ўқийди (маълумотнома) каби аниқ маълумотларга таяниш бу услубнинг асосий белгиларидан бири ҳисобланади. Шу боисдан ҳам бу услубда чет тилларга оид сўзлар, диалект ва шева сўзлари, сўзлашувга хос ибора ва луғавий воситалардан деярли фойдаланилмайди. Расмий услубнинг аниқликка таяниши бу услубда сўз маъноларининг кўчиши ва субъектив баҳо ифодаланишига имкон бермайди. Шунинг учун бу услубни батамом образлиқдан холи бўлган услуб дейиш мумкин.

Расмий услуб луғавий жиҳатдан анча чегараланган. Чунончи, бошқа услубларда барча услуб турлари учун хос бўлган луғавий воситалар эркин қўлланилганидек ифода услуби ҳам эркин бўлгани ҳолда расмий услубда сўз қўлланилиши ва ифода услуби жиҳатидан ҳам эркинлик мавжуд эмас. Бинобарин, расмий услуб асосан шу услуб учун табақаланган луғавий воситалар қамрови доирасида шаклланиганидек, ифода услуби жиҳатидан ҳам ўзига хос. Расмий услубдаги ҳужжатлар матни асосан биринчи шахс бирлик томонидан ёзилади ва якка шахс нутқи шаклида баён этилади. Масалан, буйруқ, фармойиш, ариза, тушунтириш хати, ишончнома, билдириш ва бошқалар.

Шунингдек айрим ҳужжатларнинг биринчи шахс кўплик сонда ёзилиши кузатилади. Бундай матнларнинг кесими таклиф этамиз, билдираамиз, сўраймиз, талаб қиламиз, ҳисоблаймиз, тавсия этамиз каби шакллардаги луғавий воситалардан ташкил топган бўлади. Ифоданинг бундай усули функционал услубларнинг бошқа бирор турида учрамайди. Кўринадики, ифода услубининг белгиланган тартибдалиги ва қўлланиш доирасининг кенглиги билан расмий услуб бошқа услубий кўринишлардан фарқланиб туради.

АДАБИЁТЛАР

1. Кыра Э. Они писали на глине. – М.: 1984. – С.124
2. Ўзбекистон Республикасининг конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014. –Б.17.

FE'L NISBAT KATEGORIYASINING DAVRLARARO VA TURKIY TILLARARO SOLISHTIRMASI

Abdualimova Gulhayo Hasanovna

Termiz davlat universiteti o'zbek
tilshunosligi kafedrası o'qituvchisi

Annotatsiya. Maqolada fe'l turkumining nisbat kategoriyasini davrlararo va turkiy tillararo tasniflash bilan bir qatorda o'zbek tilining milliy korpusini yaratishda morfologiyaning ahamiyati haqida fikr yuritilgan. Ayni vaqtda nisbatlarning davriy va tillararo solishtirma jadvali misol tariqasida taqdim etilib, bu borada kelajakda qilinishi kerak bo'lgan ishlar haqida qisqacha takliflar keltirib o'tilgan.

Kalit so'zlar: o'zbek milliy korpusi, morfologiya, nisbat kategoriyasi, turkiy tillar.

Annotatsiya. В статье рассматривается значение морфологии при создании национального корпуса узбекского языка, а также межпериодная и межтюркская классификация относительной категории глагольной группы. При этом в качестве примера приводится периодическая и

межъязыковая сравнительная таблица соотношений и даются краткие предложения о работе, которую предстоит провести в этом отношении в будущем.

Ключевые слова: узбекский национальный корпус, морфология, категория пропорций, тюркские языки.

Abstract. The article discusses the importance of morphology in the creation of the national corpus of the Uzbek language, as well as the inter-period and inter-Turkic classification of the relative category of the verb group. At the same time, the periodical and cross-linguistic comparison table of ratios is presented as an example, and brief suggestions about the work to be done in this regard in the future are given.

Key words: Uzbek national corpus, morphology, proportion category, Turkic languages.

KIRISH.

Dunyo tilshunosligida XXI asrning ikkinchi o'n yilligiga kelib muayyan tilni saqlab qolish, uning o'rganilish doirasini kengaytirish, til imkoniyatlarini namoyon etishning asosiy vositasi internet tizimida til korpuslarini yaratishdan iborat ekanligi yaqqol sezildi. Zero, bugungi kunda XX asrning buyuk kashfiyoti bo'lgan kompyuter texnologiyalari boshqa sohalar kabi tilshunoslik fani uchun ham keng imkoniyatlar eshigini ochdi, ham zimmasiga kompyuter tili bilan bog'liq ulkan vazifalarni yukladiki, kompyuter lingvistikasi yo'nalishining paydo bo'lishi, rivojlanishi bevosita shu bilan xarakterlanadi. Zero, sun'iy intellekt uchun tabiiy tillarni modellash tirish kompyuter lingvistikasining asosiy vazifasidir. Chunki bugun XXI asrning ikkinchi o'n yilligiga kelib kompyuter texnologiyasi tabiiy tillarning taraqqiyoti hamda yashab qolishi uchun hal qiluvchi omilga aylanib qoldi.

Milliy korpuslarning asosiy iste'molchilari, albatta, juda ko'p turli yo'nalishdagi tilshunos tadqiqotchilardir. Lekin, korpus foydalanuvchilarining diapazoni professional tilshunoslar bilan chegaralanib qolmaydi. Muayyan davr yoki muayyan muallifning tiliga oid ishonchli statistikalar adabiyotshunoslar, tarixchilar va boshqa ko'plab soha vakillari uchun qiziqarli bo'lishi mumkin. Milliy korpus, ona tilni yoki chet til sifatida o'rgatish uchun muhimdir. Bugungi kunda dunyodagi rivojlangan tillarning o'z milliy korpuslari mavjud. Shu jumladan o'zbek tilshunosligida ham bu borada bir qancha ilmiy tadqiqotlar amalga oshirilmoqda. Korpusda morfologik tahlil muhim ahamiyatga ega va ayni vaqtda uni shakllantirish ham murakkab jarayon. Fe'llarning nisbat shakllari misolida qaraydigan bo'lsak, eng avvalo, turkiy tillar tarixi va qardosh xalqlarning bugungi kundagi bu borada amalga oshirgan izlanishlari biz uchun muhim.

MAVZUGA OID ADABIYOTLAR TAHLILI

Turkiy tillarni tasniflash, taraqqiyot tarixini davrlashtirish bilan bog'liq ravishda o'zbek adabiy tili tarixi ham olimlar tomonidan turlicha davrlashtirilgan. Jumladan, S.E.Malov, A.N. Samoylovich, A.M.Shcherbak, O.Usmonov, G.Abduraxmonovlar davrlashtirishi ko'pchilikka ma'lum [1]. Ushbu davrlarning o'z yozma yodgorliklari mavjud. Nisbat kategoriyasi turli davrlarda turlicha shakllarda yuzaga kelgan va bu yuzasidan bir qancha olimlar o'z kitoblarida turlicha ma'lumot berib o'tishgan.

O'zbek tilshunosligidagi izlanishlar

N.Abdurahmonovning "Qadimgi turkiy til" kitobida fe'l nisbatlari fe'l darajalari deb yuritilganligini va qadimgi turkiy til davridagi manbalardan kelib chiqib fe'l darajalarini 5 turga bo'linganligini bilishimiz mumkin: *bosh daraja, o'zlik daraja, majhul daraja, orttirma daraja, birgalik daraja* [2].

Keyinroq nashr etilgan I. Azimovning "Qadimgi turkiy til" kitobida esa majhul va o'zlik nisbat qo'shimchalari sifatida quyidagilar ko'rsatilgan: *-l, -n, -k (-k)*. So'zlar undosh bilan tugagan holatda ushbu qo'shimchalar oldidan bir tor unli qo'shiladi deyilgan.

N. Raxmonov, Q.Sodiqovlarning "O'zbek tili tarixi" kitobida yozma yodgorliklar tilida fe'lning birgalik nisbati *-š* qo'shimchasi bilan, orttirma nisbat *-t, -r, -ur, -ür, -tur, -tür, -dur, -dür, -tir, -dür, -dir, -qur, -kür, -gür, -gür, -z, -uz, -üz, -duz, -düz* qo'shimchalari orqali yasalişi aytilgan [3].

M. Sodiqovning "Fe'l stilistikasi" kitobida fe'l nisbatlari beshta emas to'rt turli bo'lishi, aniq nisbat fe'lning nisbat kategoriyasiga kiritilmasligi, balki bu o'zlik nisbat tarkibida bosh nisbat sifatida kelishi haqidagi shaxsiy fikrlari aytib o'tiladi. Shuningdek, muallif o'zlik nisbatiga aloqador formalarni "o'zlik" ma'nosining ifodalanish turiga qarab ikki guruhga ajratadi: sintetik usul, analitik usul. Sintetik usulda grammatik qo'shimchalar yordamida o'zlik nisbati yasalsa, analitik usulda "o'z" olmoshi qatnashadi. Masalan: *o'zini o'zi koyidi (koyindi), o'zini o'zi maqtadi (maqtandi), o'zini o'zi yuldi*. Analitik formadagi fe'llarning sintetik formadagi paraleli doim ham bo'lmaydi [4].

Ko`rinib turibdiki, til tarixida nisbat kategoriyasi turli ko`rinishlarda mavjud bo`lgan. Hozirgi kunda fe'l nisbatlari beshta deb qaraladi: 1. Aniq nisbat (0); 2. Majhul nisbat (-n, -l); 3. O`zlik nisbat (-n, -l); 4. Ortirma nisbat (-t, -dir-, tir-, ir-, ar-, iz-, gaz-, giz-, sat); 5. Birgalik nisbat (-sh, -ish). Fe'l nisbati maxsus shakl yasovchi qo`shimchalar yordami bilan yasaladi. Bu qo`shimchalar fe'lning leksik ma`nosini o`zgartirmaydi, balki unga qo`shimcha ma`no qo`shadi. Ya`ni bu qo`shimchalar harakatning bajaruvchisi (sub'ekti) va predmeti (ob'ekti) ni ko`rsatib, gap qurilishining qanday bo`lishini bildirib turadi. Masalan: *yozdi* – sub'ekt (ega)ning o`zi bajaradigan harakat, *yozildi* – predmet (ob'ekt) tomonidan bajarilib, sub'ekti noma'lum harakat, *yozishdi* – bir necha sub'ektlar bajaradigan harakat, *yozdirdi* – sub'ektning ob'ektga ta'siri bilan bajariladigan harakat. Ilk o`rta asrlardan to hozirgi kungacha bo`lgan davrdagi yozma yodgorliklar butun turkiy xalqlar uchun umumiy bo`lgani singari til grammatikasidagi xususiyatlar ham yagona ko`rinishda o`rganilib kelingan. Ammo hozirgi kunda o`zbek tili bilan bir qatorda boshqa turkiy tillar tarkibiga kiruvchi qardosh xalqlar morfologiyasida ma'lum bir o`xshashliklar va farqlar yuzaga keldi. Bu borada ham ba'zi bir qardosh tillardagi nisbat kategoriyasi haqidagi fikrlarga to`xtalib o`tamiz.

Turkiy tillar tilshunosligidagi izlanishlar

Turkiy tillardagi barcha tasviriy grammatikalar va fe'l nisbatlariga bag`ishlangan maxsus adabiyotlarda fe'l nisbatlari harakatning sub'ekti va ob'ekti, harakat va sub'ekt, harakatning bir tomondan sub'ekt va obyekt, ikkinchi tomondan, ob'ekt va sub'ektning harakatga munosabatini ifodalovchi kategoriya sifatida qaraladi. Turk tilida nisbat shakllari besh xil ko`rinishga ega. Turk tilshunoslaridan Zeynep Korkmaz fe'l nisbatlarini quyidagicha izohlaydi:

“Fe'lning o`zak yoki negizi leksik jihatdan hech qanday o`zgarishga uchramasdan, fe'ldan fe'l hosil qilgan ba'zi aniq qo`shimchalar bilan kengaytirilib, gapdagi ega va to`ldiruvchi bilan bo`lgan munosabatidan hosil bo`ladigan holat o`zgarishiga nisbat deyiladi” [5].

Agar bu izohni yana ham aniq tushuntiradigan bo`lsak, nisbat fe'lning ma`no o`zgarishini emas, balki gapdagi ega va to`ldiruvchiga ishora qiluvchi shakl o`zgarishidir. Bu borada ko`plab o`zbek olimlari ham o`z fikrlarini bildirib o`tgan. Turkman, tatar tillarida ham xuddi shunday beshta daraja tasniflanadi. Qozoq tilida yuqoridagilardan farqli ravishda fe'l nisbatlarining to`rtta turi ajratib ko`ratiladi. Bosh daraja nisbat shakli sifatida keltirilmaydi.

Yo. Abdurasulovning “Turkiy tillarning qiyosiy-tarixiy grammatikasi” kitobida nisbatlar haqida to`xtalangan, umumiy tavsif berilgan. Uyg`ur, yoqut, boshqird, gagauz, ayrim joylarda tatar, turkman tillarida misollar keltirilgan. Ammo alohida guruhlashtirish masalalariga e`tibor qaratilmagan [6].

TADQIQOT USULLARI

Tadqiqot mavzusini yoritishda tasniflash, tavsiflash, qiyoslash metodlaridan foydalanildi.

TAHLIL VA NATIJALAR MUHOKAMASI

Fe'lning nisbat shakllarini tahlilga tortish jarayonida uni, avvalo, davrlashtirish masalasiga alohida to`xtalindi. Ya`ni ilk o`rta asrlardan to hozirgi kungacha bo`lgan yozma yodgorliklar va ularning til xususiyatlaridan, ushbu davrlarga oid ilmiy tadqiqot olib borgan olimlarning fikrlaridan kelib chiqqan holda nisbat kategoriyasining davrlararo solishtirmasi quyidagi jadvalni yuzaga keltirdi:

Fe'l nisbatlarining davrlararo solishtirmasi

Qadimgi turkiy til		
Bosh daraja	-	
Majhul daraja	-л, -ул, -ыл, -қ, -сиқ, -туқ, -туқ	Сач-ил, йан-ыл адыр-ыл
O`zlik daraja	-ы, -ун, -ын, -ин	Бил-ин
Ortirma daraja	-т, -ут, -ут, -ыт, -ит, -р, -ур, -ур, -ыр, -ир, -тур, -тур, -дыр, -дир, -дур, -дур, -гур, -гур, -гур	Йара-т қач-ур йуқун-тур
Birgalik daraja	-и, -уи, -уи, -ыи, -иш	Сақым-ыи
Eski turkiy til		

Bosh daraja	-	
Majhul daraja	-л, -ул, -ыл, -қ, -суқ, -туқ, -муқ	Туз-ул-ди
O`zlik daraja	-ы, -уы, -ыи, -уи	Тек-уи-мак
Orttirma daraja	-м, -ым, -ум, -ым, -ум, -р, -ур, -ур, -ыр, -ур, -мур, -мур, -дыр, -дур, -дур, -дур, -дур, -зур, -зур	Ўйр-дур
Birgalik daraja	-и, -уи, -уи, -ыи, -уи	Сол-уи-ур
Eski o`zbek tili		
Bosh daraja	-	
Majhul daraja	-l (-il/-il // -ul/-ül	Bit-il-di
O`zlik daraja	-n (-in/-in// -un/-ün	Kör-ün-mäs
Orttirma daraja	-t (-it/-it // -ut/-üt) -ar/-er // -ur/-ür -tur/-tür // -dur/-dür -g`ur/-g`ür// -qur/-kür (-qar/-kär) -g`uz/-g`üz (güz/-küz) -tar/-ter, -uz// -üz// -ız/-iz -güt/-get, -set	Küy-dür-ür; Kiy-g`ür-gil, Kör-set-di
Birgalik daraja	-sh (-ish/-ish// -ush/-üş	Yığ-il-ish-ib
Hozirgi o`zbek tili		
Aniq nisbat	-	O`qidi
Majhul nisbat	-in, -il	Ko`r-in-di
O`zlik nisbat	-in, -il	O`qi-l-di
Orttirma nisbat	-t, -dir, -tir, -ir, -ar, -iz, -gaz, -giz, -sat	O`qi-t-di
Birgalik nisbat	-sh, -ish	O`qi-sh-di

Jadvalda ko`ringanidek, eng qadimgi turkiy til, qadimgi turkiy til, eski turkiy til davrlarida nisbatlar deyarli bir xil shaklda keladi, eski o`zbek tili davriga kelib birmuncha farqli jihatlar ko`zga tashlanadi. Ya`ni majhul nisbat -l -il/-il // -ul/-ül shakllari bilan, o`zlik nisbat -n -in/-in// -un/-ün shakllari bilan yasaladi. Orttirma nisbatda esa -g`ur/-g`ür// -qur/-kür (-qar/-kär) -g`uz/-g`üz (güz/-küz) -tar/-ter, -uz// -üz// -ız/-iz -güt/-get, -set kabi yangi qo`shimchalar yuzaga keladi.

Davrlararo tasnif bilan bir qatorda turkiy tillararo solishtirma ham ahamiyatligini anglagan holda ba`zi bir turkiy tillarni qiyosiy tasnifga tortishni joiz topdik.

Fe'l nisbat kategoriyasining turkiy tillararo solishtirmasi

O`zbek tili		
Bosh daraja	-	O`qidi
Majhul daraja	-in, -il	Ko`r-il-di
O`zlik daraja	-in, -il	Ko`r-in-di
Orttirma daraja	-t, -dir, -tir, -ir, -ar, -iz, -gaz, -giz, -sat	O`qi-t-di
Birgalik daraja	-sh, -ish	O`qi-sh-di
Turk tili		
Etken (aniq)	-	uyandım
Dönüslü (o`zlik)	-(i)n/- (u)n, -(i)l/- (u)l	Parçala+n+dı
Edilgen (majhul)	-(i)l/- (u)l, -(i)n/- (u)n	Bin-il-di
Ettirgen (orttirma)	-dır/-dur-, -(i)t/- (u)t-, -(i)r/- (u)r, -Ar-, dar-, -(i)z/- (u)z- dir.	Aydınla+t+mış+ti

İsteş (birgalik)	–(i)ş-/–(u)ş–	<i>Karşıla+ş+tı</i>
Tatar tili		
төп юнәлеш (Bosh)	-	эшлә
төшем	-н/-ын/-ен	Әйт-ел-ү
юнәлеше (majhul)	-л/-ыл/-ел	
кайтым юнәлеше (o`zlik)	-н/-ын, -н/-ен	Күрк-ын-у
йөкләтү юнәлеше (orttirma)	-т, -тыр/-тер, -дыр/-дер -кар/-кәр, -гар/-гәр, -гыр/-гәр. -гыз/-гез, -ыр/-ер, -ыз/-ез	Сат-тыр-у
уртаклык юнәлеше (birgalik)	-ш/-ыш/-еш	күрешү
Qozoq tili		
	-	
Ырықсыз етіс (majhul)	-ыл, -іл, -л; -ын, -ін, -н	Айт-ыл-ды
Өздік етіс (o`zlik)	-ын, -ін, -н	Жұ-ын-ды
Өзгелік етіс (orttirma)	-дыр, -дір, -тыр, -тір, -ыр, -ір; -қыз, -кіз, -ғыз, -гіз; -т	Жаз-дыр, бер-дір, айт-тыр,
Ортақ етіс (birgalik)	-ыс, -іс. –с	Ор-ыс-ты
Turkman tili		
Işligiň düýp derejesi (bosh)	-	okadym
Işligiň gaýdym derejesi (majhul)	-yl, -il, -ul, ül, -l, -yn, -in, -un, -ün, -n	Goý-ul
Işligiň özlük derejesi (o`zlik)	-yn, -in, -un, -ün –n	Ýaz-yn-dy
Işligiň ýükletme derejesi (orttirma)	-dyr, -dir, -dur, -dür, -t	Ýaz-dyr-dy
Işligiň şäriklik derejesi (birgalik)	-yş, -iş, -uş, -üş, -ş	Süpür-iş

Jadvalda o`zbek, turk, tatar, qozoq, turkman tillari tahlilga tortildi. Va bu tillardagi nisbat kategoriyasi o`rtasidagi o`xshash va farqli jihatlar ko`rsatib berildi.

XULOSA

Dunyoning rivojlangan tillariga qaraydigan bo`lsak, ayrim tillarning tarixiy korpuslari ham yaratilganiga guvoh bo`lamiz. Milliy korpus masalasiga to`xtalganda, avvalo, tabiiy tilning morfologik xususiyatlariga alohida e`tibor qaratish lozim. Ya`ni morfoleksikonni to`liq modellashtirish uchun yuzaki yondashishdan qochib uning etimologiyasiga, shakllanish bosqichlariga va mukammalroq yondashish maqsadida esa avval turkiy tillararo, keyin dunyo tillari miqyosida qiyosalash va solishtirish ishlarini ham inobatga olish muhim ahamiyat kasb etadi deb o`ylaymiz.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Rahmonov N., Sodiqov Q. O'zbek tili tarixi. Darslik. – T.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati, 2009. –B 16.
2. N. Abdurahmonov. Qadimgi turkiy yil. Qo'llanma. – T.: O'qituchi, 1989. –B 81-82.
3. Rahmonov N., Sodiqov Q. O'zbek tili tarixi. Darslik. – T.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati, 2009. –B 139.
4. Sodiqova M. Fe'l stilistikasi. – T.: Fan, 1075. –B 36-47.
5. Mo'minova N. Turk tilida fe'l nisbatlari (fiil çatısı). Kurs ishi. – T. 2013.
6. Abdurasulov Yo. Turkiy tillarning qiyosiy-tarixiy grammatikasi. –T.: Fan, 2009. –260 b.
7. Hamroyeva.Sh. o'zbek tili mualliflik korpusini tuzishning lingvistik asoslari. Filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati. –Buxoro.2018.
8. Toirova. G. O'zbek tili milliy korpusini yaratishning nazariy va amaliy masalalari. Monografiya. 2020.

МУСИҚА АСБОБЛАРИ ВА УНИНГ МАЪНАВИЙ ҲАЁТДАГИ ЎРНИ

Зоиров Зариф Рашитович,

Термиз давлат университети Муסיқа
кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Сурхон – ғоят ажойиб муסיқа маданиятига эга бўлган ҳудуд ҳисобланади, унинг анъаналарида ўтмиш замонларга хос жиҳатлар сақланиб қолган ва уларда узоқ асрлар давомида шаклланган ранг-баранг муסיқа асарлари, ўйин-рақслар, бекиёс оҳанглар мавжуд. Мақолада Сурхон воҳаси муסיқа фолклори ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: халқ епоси, чанқовуз, дўмбира, қўшиқ, ялла, маросим, фолклор, чолғу асбоблари, этнос, этнографик гуруҳ, бадий анъана.

Аннотация: Аннотация: Surkhan – регион с прекрасной музыкальной культурой, в его традициях сохранились аспекты прошлого, а колоритные музыкальные произведения, танцы, бесподобные мелодии формировались на протяжении многих веков. В статье рассказывается о музыкальном фольклоре Сурханского оазиса.

Ключевые слова: народный эпос, чанковуз, домбира, песня, ялла, обряд, фольклор, музыкальные инструменты, этнос, этнографический коллектив, художественная традиция.

Annotation: Surkhan is a region with a wonderful musical culture, its traditions have preserved aspects of the past, and there are colorful musical works, dances, and incomparable melodies that have been formed over many centuries. The article talks about the musical folklore of the Surkhan oasis.

Key words: folk epic, chanqovuz, dombira, song, yalla, ceremony, folklore, musical instruments, ethnos, ethnographic group, artistic tradition.

Халқ қўшиқлари. «Суст хотин», «Майда», «Бойсун мавригиси», «Муборакбод», «Кўк салла», «Лолачага Ишим бор», «Янгажон», «Бедана чертмоқ», «Наврўз», «О, зам-зам», «Кўш хайдаш», «Шохмойилар», «Ўроқчилар қўшиғи», «Алла», «Хавор-хавор», «Турна келди», «Ха, дурси-дурси», «Бойсун ёр-ёри», «Якку-якку-як», «Уфу жақала», «Айлансин ёр», «Ё, рамазон», «Ковушим», «Ошпаз қўшиғи», «Ким оладиё», «Келгин ёр ўйнайлик», «Хут», «Хай ёр-ёр», «Дўст бўламиз лолача», «Ҳамал-ҳамал», «Тул бобо», «Халинчак», «Воқуба», «Ха жўш» каби халқ қўшиқлари қадимдан буён халқ томонидан қуйланиб келинади[14].

Бойсун туманида яшаб ижод қилаётган соз усталари ва санъаткорлар ҳақида қуйидаги маълумотлар тақдим этилди. Халқ қўшиқлари : Хўжамов Умбар, Маллаева Раҳима (Кўчқак). «Алла»: Хурсандова Тўтти, Бозоров Нормўмин (Авлод). «Келин салом»: Ўринова Раҳима (Пасурхи). Сайл қўшиқлари: Муҳаммадиева Нарзи (Авлод). Чанқовуз чалиш: Маллева Халима (Авлод). Халқ қўшиқлари: Умаров Холмуҳаммад, Мардонов Ваҳоб, Маматқулов Турди (Авлод). Дўмбира: Шарипов Тўхта (шаҳар), Раҳмонов Холиқ (Ю.Қодиров). Халқ ва амалий кў-

шиқлари: Асадова Ўғил (Пасурхи). Дутор - Йўлдошев Шермадат (Чилонзор). Дўмбира уста - Назаров Иброим (Пулҳоким)[15].

Дўмбира-Бобокулов Қудрат (Даштиғоз). Чанқовуз ва халқ кўшиғи-Холиёрова Турсун (Даштиғоз). Қўшнай-Бобокулов Исроил (Даштиғоз). Дўмбира чалиш - Эшматов Хусан, Эшматов Қандахор (Бешэркак). Дўмбира чалиш - Рахимов Дониёр (Омонхона)[15]. Дўмбира чалиш - Назаров Дўстқора (Дарбанд, Санчил). Сурнай - Жумаев Бўрикул (Тўда). Халқ ашуласи - Нарзиева Холида (Авлод). Дўмбира устаси - Алланазаров Зоир (Қизилнавар). Дўмбира чалиш - Пухтаев Савур (Юқори Мачай)[14]. Қўчқоров Хуррам (Хомкон). Нурув Ибодулло (Дуоба). Қодиров Нурназар (Қизил Навур). Дўмбира ясаш уста Файзуллаев Исмоил, Низомов Абдурахмон (Дуоба), Эшонқулов Одил (Юқори мачай), Холбоев Эштона (Пастки Мачай). Халқ кўшиғи - Каримов Тоштемир (Назари). Бахши - Абдуназар Поёнов (Хомкон). Халқ кўшиғи - Қодирова Ўғлон (Авлод). Сурнай, дойра - Худойкулов Абдурайим, Зоир, Ботир, Худойкулов Абдурайим, Зойир, Ботир, Худойкул (Кўчкак). Ўрик, ёнғоқ ва туғдонадан ясалган сурнайни ўзлари ясайдилар. Сариосиё қишлоғидан Муслмон Қаххоров (1932-2005) олача (жанда) тайёрлаган, отаси ва бобосидан ўтган. Холиқ Сўфи, Исмаил Сўфи, Хуррам Сўфилар ўтган. Абдурахимов Раҳмат дўмбира, дутор ясади. Эсанов Раҳмат чанқовуз темирдан ясади. Раҳманов Али қўшнай, чўпон най, ғажирнай тайёрлайди ҳам ўзи чалади, қуйлайди. Пасурхидан - Асадова Ўғил (1957) дўмбра чалади, дойра чалади, чанқовуз, халқ кўшиғи - Нуратова Набот (Даштиғоз).

Бойсунда дўмбира тайёрлаш

Қишлоқ номи	Узунлиги мм	Мензура мм	Дека мм	Чуқурлиги мм
Қўшкак	770	630	190	70
Сариосиё	790	470	150	130
Сайроб	840	560	150	100
Бешэркак	820	530	170	110
Даштиғоз	850	630	150	130
Дуоба	940	680	180	190
Мунчок	870	580	160	180
Назари	870	560	20	120
Бойсун	880	660	210	160
Хомкон	950	660	200	160

Дойра чалиш-Сатторовва Сора, Жумаев Бўрикул, Холмирзаева Байнаҳол Тўда қишлоғи.

Таниқли мусиқашунос олим Музаффар Наимов томонидан Сурхон кўшиқлари билан боғлиқ ижодий изланишлар олиб бориб, унинг илмий тадқиқотлари натижасида Бойсун санъат ахли ҳамда кўшиқ санъатига оид манбалар илмий жамоачиликка “Сурхондарё ижодкорлари”, “Сурхон кўшиқлари” номли рисолалари туфайли тақдим этилди. Ушбу рисоладан маълум маънода фойдаланилди[4].

Хайрулло Насриддинов 1949 йилнинг 1 ноябр куни Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида таваллуд топди. У ўрта мактабни битиргач, 1967 йили Сурхондарё вилоят мусиқали драма театрида меҳнат фаолиятини бошлади. 1972-1976 йиллари Хайрулло Насриддинов Тожикистон Давлат Санъат олийгоҳининг драма ва кино актёри бўлимида тахсил олади. 1976-1977 йилларда эса Лохутий номидаги Тожикистон Давлат академик драма театрида актёр бўлиб ишлади. 1977-1982 йилларда Бойсун туман маданият уйида режиссёр, услубчи, директор сифатида фаолият кўрсатади. 1979 йилда «Биз Сурхондарёданмиз», 1980 йилда «Ўзбекистон қуйлагай» Республика телефестивалларида ғолиб бўлган. 1982-1987 йилларда «Наргис» (фольклор) ва «Бехруз» (эстрада) дасталари ташкилотчиси ва бадий раҳбари бўлиб ишлади. 1985 йилда Ғалабанинг 40 йиллиги, 1988 йилда «Бутуниттифок курулли кучлари ташкил топганлигининг 70 йиллиги» медаллари билан тақдирланган. 1987-1991 йилларда Бойсун туманидаги «Ситора», «Шалола», «Бойсун» фольклор дасталарида бадий раҳбар бўлиб ишлади. 1990 йилда Буюк Британия давлатида ўтказилган «Жаҳон фольклор фестивали» иштирокчиси бўлган. 1989 йилда Бутуниттифок ёшлар қўмитасининг «Аъло меҳнат учун» медали, 1994 йил «Ўзбекистон

Республикаси халқ маорифи аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланди.

1995 йилда Сурхондарё вилоят касаба уюшмасининг «Адиб Собир Термизий» мукофоти совриндори, 1996-1997 йиллари «Ширу-шакар» фольклор дастаси билан «Ўзбекистон - Ватаним маним» кўрик танловининг туман, вилоят, республика давраси ғолиби ва совриндори бўлган. 2002 йилдан ҳозирга қадар Маннон Уйғур номидаги вилоят мусикали драма театрида олий тоифали хонанда ва актёр сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. У 2003 йилда мамлакатимиз театрлари орасида «Йил актёри» номинацияси совриндори бўлган, 2004 йилда «Наврўз 2004» Тожикистон Давлат «Галаконцертида» ижро этиб, Тожикистон Президентининг махсус соврини билан, 2006 йили «Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллиги» кўкрак нишони билан тақдирланди.

Хайрулло Насриддинов кўп йиллик ижрочилик маҳорати учун Тожикистон ҳукуматининг «Тожикистонда хизмат кўрсатган артист» унвонига сазовор бўлган. Унинг ўттиздан ортиқ кўшиқлари Ўзбекистон ва Тожикистон радио ва телевидениесининг олтин фондига ёзиб олинган, ўнлаб спектаклларга ёзилган мусикалари томошабинлар томонидан қизғин олқишланмоқда. Унинг ўзбек ва тожик тилларида яратилган қирққа яқин кўшиқлари хонандалар томонидан севиб ижро этилмоқда. Хусусан, А.Навоийнинг «Кўрмадум», «Хайф», «Қилди ёр», Х.Шерозийнинг «Турк жонони», «Хофиз ҳасрати», «Не бўлди», Л.Шералининг «Дил бошқаю, мен бошқа», «Орзу», И.Кенжаевнинг «Ифтихор», «Отам», «Йиғлайман», «Тожикон», Ж.Муҳаммадзоданинг «Нидо», «Хуш келдингиз», «Бағишлов», Шохиднинг «Меборанд», «Бирафт», «Тафсир», Х.Чоршанбиевнинг «Бойсунга кел», «Бойсун орим-борим», «Термизим», Ш.Раҳматуллаевнинг «Гўзал», «Ғазал», Х.Жалилнинг «Ҳисор тизма тоғлари», «Ҳавас» каби кўшиқлари шулар жумласидандир.

Умедилло Холбоевич Туробов 1957 йилнинг 10 октябр куни Бойсун туманида таваллуд топган. У 1976-1981 йилларда Термиз Давлат мусика билим юртида, 1985-1990 йилларда Тошкент Давлат Маданият институтининг «Оммавий байрамлар режиссёри» бўлимида таҳсил олган.

У ўз меҳнат фаолияти даврида билимли мутахассис, ташаббускор раҳбар ва меҳрибон устоз эканини кўрсатди. Умедилло Холбоевич Туробовнинг «Тоғли қизга» И.Шомиров шеъри, «Олтин булок», «Бахшиёна» У.Азимов шеъри, «Дардингдан», «Булар» Камина шеъри, «Наврўз» Т.Шукуров шеъри, «Термиз таронаси», «Истиқлол» А.Худойназаров шеъри, «Бойсунтоғлари», «Санам», «Сурхондарёмсан», «Бойсун баҳори» У.Туробов шеърлари каби кўшиқлари халқимиз томонидан олқишларга сазовор бўлган[6].

Умедилло Туробов марказий маданият уйига ишга келган кундаёқ ўзининг юксак талантини, ноёб овоз соҳиби эканлигини намоён қилди. Марказий маданият уйи қошидаги «Шалола» ашула ва рақс ансамбли дастурларини бойитиш ва ансамблни Республика телевидениесига ҳамда Халқ ансамбли даражасига олиб чиқишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. У Бойсун фольклор этнографик ансамбли мусика раҳбари ва хонандаси сифатида ижод қилиб, бу ансамбл дастурларини бойитишда жонбозлик кўрсатиб келмоқда.

Умедилло Туробов Бойсун халқ фольклор-этнографик ансамбли билан биргаликда, қатор фестивал ва кўрик танловларида иштирок этган. Жумладан, 1980 йилди Москвада ўтказилган халқаро фестивал, Ўзбекистон маданияти кунлари, Хужум ҳаракатининг 60-йиллиги, «Ўзбекистон Ватаним маним» кўрик танлови, «Алпомиш» достони яраатилганлигининг 1000 йиллиги, «Шарқ тароналари» мусика фестивали, Республика мақом ижрочилиги кўрик танлови, «Биз Сурхонданмиз» телефестивали ҳамда Республика марказида ўтказилган «Мустақиллик» ва «Наврўз» умумхалқ байрами тантаналари, Термиз шахрининг 2500 йиллиги тадбирларида фаол иштирок этган ва муносиб тақдирланган.

Умедилло Туробов Бойсун ансамбли иштирокчилари билан биргаликда «Бойсунда қор эриганда», «Унутилган кўшиқ», «Арча, тандир, олов», «Шарқ бозори», «Бойсуннинг бир куни» каби фильм концертларда ўз кўшиқлари билан суратга тушган. Умед Туробов Республика ва вилоят марказида ўтказилган «Ўзбекистон Ватаним маним» кўшиқлар кўрик танлови ғолиби.

У 1991 йилда Буюк Британияда ўтказилган фольклор фестивали иштирокчиси ҳисобланади. Туркия, Афғонистон, Франция мамлакатларида ижодий сафарларда бўлиб, ўзининг санъати билан хорижий мамлакат халқларида яхши таассуротлар қолдирди. У 2002, 2003, 2004, 2005 йилларда бўлиб ўтган «Бойсун баҳори» халқаро очиқ турдаги фольклор фестивали қатнашчиси,

фестивал мадҳияси муаллифи ва ижрочиси ҳисобланади.

Умед Туробов ушбу хизматлари эвазига халқаро ЮНЕСКО ташкилотининг гранти билан мукофотланган.

Саттор Хурсанович Курбонов 1959 йилда Бойсун туманида туғилган. 1975 йилда «Шалола» жамоаси сафида Польша Халқ Республикасида ўтказилган «Жаҳон тоғли ўлкалар фольклор фестивали» да иштирок этган. 1976-1981 йилларда Тошкент Давлат маданият институтининг маданий-оқартув ишлари факультети «Хор дирижёрлиги» бўлимида таҳсил олган. 1981-1986 йилларда Бойсун туман маданият уйида бадиий раҳбар, «Шалола» ашула ва рақс халқ жамоаси бадиий раҳбари, «Қуралай» болалар фольклор-этнографик намунали халқ жамоаси бадиий раҳбари, маданият уйи директори вазифасида ишлади. 1987 йилда «Бойсун» фольклор-этнографик халқ жамоаси сафида Афғонистонда, 1990 йилда Англияда, 1993 йилда Туркияда ўтказилган фольклор фестивали ва гастрол концертларда иштирок этди. У «Қуралай» болалар фольклор-этнографик намунали халқ жамоасининг ташкилотчиси сифатида бир неча халқ кўшиқларини тўплаб, саҳналаштирди.

1993-йилда халқ кўшиқ ва рақсларидан иборат «Мучал тўйи» дастури Республика телевидениеси орқали намойиш этилган. 2000 йилдан Термиз Давлат университети катта ўқитувчи вазифасида ишламоқда. 2004 йил Термиз Давлат университетида «Жайхун» фольклор-этнографик жамоасини ташкил этган. «Қувноқ карвонсарой», «Хуш келибсан, Наврўзгинам», «Ватан ҳур-аср янги», «Ўтмишнинг нурли эртаги», «Оқработнинг ойдин оқшоми», «Ватан тароналари», «Кўхна Сурхон садолари» каби фольклор мусикали композицияларининг муаллифи.

«Фольклор мусиқа ўқитиш методикаси» ва «Хор ўқитиш услубияти» номли услубий қўлланмаларни нашрга тайёрлаган.

«Сурхондарё болалар фольклорининг замонавий талқини» номли мавзуда илмий иш олиб бормоқда[14].

Тўй маросим қушиқлари. Лайла-ло. Сурхондарёнинг тоғли қишлоқ ҳудудларига хос кўшиқ бўлиб, тўйларда фақат аёллар томонидан ижро этилади. Кўшиқда қизларнинг ёрларига нисбатан севги-муҳаббатлари ҳазил сўзлар орқали акс эттирилади[9]. Кўшиқ доира жўрлигида ижро этилганда уфори усуллар силсиласида қизалокдан кампиргача даврани тўлдириб рақсга тушишади. Кўшиқ шўх, рақсбоп оҳангда ижро этилади.[12]

Пахтаро гир (Пахтани ол). Тоғли қишлоқларда азалдан ўзбеку тожик бир оиладек яшаб келишади. Улар бир-бирлариюшг тилларига тушуниб, кўплари икки тилда ҳам гаплашаверадилар. Тўй маросимларида ҳам ўзбекча, ҳам тожикча кўшиқлар ижро этилади.

Никох. тўйида куёв келинш уйга киргизганидан кейин аёлларимиз томонидан «Пахтаро гир» кўшиғи ижро этилади. Икки аёл қўлларига оппоқ пахта олишиб, шу кўшиқни куйлашади. Кўшиқ ўлчови 6/8 бўлиб енгил, ҳазил, юмор тариқасида куйланади[10].

Нақш. Суннат тўйи куни туш пайтида элга ош тарқатилгач, «нақш» базми бошланади. Базмда эркаклар икки томонга бўлиниб, бир-бирларига қарата байт айтишни бошлашади. Байтни бир киши айтиб қолганлари бас, бас, бас, бас сўзларига жўр бўлишади. Иккинчи томон ҳам шу тариқа давом эттириб даврани қиздиришади. Айтишувнинг ҳар бир банди янги сўзлар билан бадихағўйлик тарзида бойитилиб боради. Ҳар бир банд ўз мазмунига эгадир. Айтиладиган сўз бўғинларига маълум товуш тўғри келади, шу туфайли регитатив ижро услуби ҳосил бўлади. Ижрочилар овози баланд товушларда жаранглайди. Ритмик услуби равон, ижро ҳаракат жараёнида намоён бўлади. Кўшиқ ўлчови 6/8 бўлиб, тез темпда чолғу жўрлигисиз ижро этилади.

Ёр-ёр. Бу кўшиқларнинг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Кўп йиллар фарзандларини вояга етказиб келин-куёв либосида кўриш, висол оқшомларида айтиладиган ёр-ёр кўшиқларини ҳар қайси ота-она интиқлик, соғинч ва умид билан кутади. Қизни ота-онаси уйдан узатаётганда ва куёвнинг хонадонига кириб бораётганда ёр-ёр кўшиқларининг айтилиши беихтиёр ота-оналар кўзида севинч ёшларини пайдо қилади[5]. Бу кўшиқда ота-онанинг таърифи, орзу-умиди, келин ва куёвнинг бахти, саодати, муҳаббати, вафоси, серфарзанд бўлишлари иштиёқ билан куйланади. Доира жўрлигида бу кўшиқларни куйлаётган аёлларимиз ҳазил-мутуйиба тариқасида келин-куёвга, оғайниларига, кўшниларига атаб ҳазиломуз бандлар ҳам тўқиб куйлашади.

Наврўз кўшиқлари. Охай-охай. «Наврўз» сайлларида ижро этилиб, байрамга ўзига хос кўтаринкилик кайфияти бахш этади. Кўшиқ ёрга нисбатан ҳазил-мutoйиба сўзлардан иборат бўлиб, шўх, ўиноқи оҳангда ижро этилади. Кўшиқ фақат аёллар томонидан куйланиб, унинг ҳар бир банди бир хил оҳангда айтилади.[1]

Оҳ-воҳ. «Наврўз» сайлларида фақат эркаклар томонидан ижро этилган кўшиқлардан бири ҳисобланади. Кўшиқ шўх, енгил лапар услубида айтилади. Кўшиқ мазмуни севги муҳаббат, ёрга, сайл иштирокчиларига нисбатан ҳазил сўзлардан иборат бўлсада, асосий мақсад иштирокчиларни ўйинга, рақсга чорлаш бўлган. Кўшиқ ўлчови 6/8 бўлиб, куйи калта диапазонда енгил ва жозибали характерда ижро этилади[8].

Бедана. Баҳор келиши билан атроф кўм-кўк либосга ўраниб олади. Бир томонда майсалар кийғос очилса, бир томонда лола, кизғалдоқлар фалакка қараб бўй чўзиб, шамол таъсирида гўёки рақсга тушаётгандай тебраниб туради. Табиатнинг фусункор фаслида халқимиз қадимдан сайлларга чиқишиб хурсандчилик қилиб, кўшиқлар куйлашган[7]. Майсазорларда бир жойдан бошқа жойга кўниб «пит-пилик» деб сеҳрли сайрашлари билан одамни ўз оғушига тортадиган бедана куши ҳақида ҳам кўшиқлар тўқишган. Кўшиқда бедананинг чиройли сайраши, кизларнинг баъзи қирралари ҳазил, юмор тариқасида енгил, шўх ўйинбоп характерда куйланади.

Мавсумий меҳнат маросим кўшиқлар. Ёзи. Бугдой ўрими пайтида тарафма-тараф бўлиб айтиладиган бу кўшиқ ўроқчилар кўнглини кўтариб, уларга тегиклик бахш этиб, чарчоқларини унутишга ёрдам берган. Кўшиқ сўзлари чўзиб куйланиб, байт охирида эса ҳамма «обло» сўзига жўр бўлишган. Кўшиқ куйи жозибадор, бир оҳангда диалог шаклида бўлиб, жўрсиз айтилган. Шунинг учун куйловчилардан катта маҳорат талаб этилган[7].

Йилнома—тақвим кўшиқлар. Раббиман. Рўза ойининг учинчи кунида хонадонма-хонадон юриб айтиладиган кўшиқ Сурхондарёда «Рамазон», «Раббиман» деб аталади. Шундай кўшиқларни айтувчиларни рамазончилар ёки раббиманчилар дейишади. «Раббиман» кўшиғининг асосий мазмуни хонадонга яхшилик, ризқ-рўз, хонадон соҳибларига эса яхши ниятлар тилаш ва рўза ойининг муқаддаслиги, фойз-баракот келтирувчи ой эканлиги куйланади[5]. Раббиманчилар эрта саҳардан ёки кечга яқин уч киши уйма-уй юриб шу кўшиқни айтишади. Бир киши кўшиқ бандларини айтса, қолган икки киши раббиман нақоратига жўр бўлишади. Кўшиқ охиригача ижро этилиб бўлгач, хонадон эгалари имкон даражада раббиманчиларга топганини кўнгилдан чиқариб беришади. Бу кўшиқни ҳавас, гурур ва қувонч билан ёшу қарилар ижро этишади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ахмедова Г.Ў. “Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида бахшичилик мактаблари тарихи – Тошкент: Yangi nashr, 2021. – 152 б.
2. Жабборов И. М. Ўзбек халқи этнографияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – 312 б.
3. Жабборов И. М. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти (этнотарихий лавҳалар). – Тошкент: Ўқитувчи, 2003. – 208 б. 484.
4. Наимов М. Сурхон кўшиқлари. I - қисм. – Термиз: Жайхун, 1997. - 31 б.
5. Турсунов С. Н. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи ва маданияти. Сурхондарё этнографияси. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2006. – 276 б.
6. Турсунов С. Н., Рашидов Қ. Бойсун. – Тошкент: Академнашр, 2011. – 560 б.
7. Турсунов С. Н. Сурхондарё – этнографик макон. – Тошкент: Akademnashr, 2012. – 232 б.
8. Турсунов С. Н. Ўзбекистонда этник қадриятлар ва миллий маданий мерос / Профессор-ўқитувчиларнинг илмий-назарий конференцияси материаллари. – Тошкент: Университет, 2000.
9. Турсунов. Н. Н. Жанубий Сурхон воҳаси этнографияси. – Тошкент: Yangi nashr, 2015. – 160 б.
10. Қурбонов А. Шимолий Сурхон воҳаси этнографияси (XIX аср охири – XX асрнинг биринчи ярми). – Тошкент: Yangi nashr, 2014. – 285 б.
11. Зарифов Х. Узбекский народный героический эпос.– Москва.:1947.
12. Зарифов Х.Т. Ўзбек фольклори. Педагогика институтлари учун хрестоматия.

13. Зарифов Х. Т. К изучения узбекского народного эпоса. //Вопросы изучения эпоса народов СССР – М. 1958. с – 110.

14. Дала ёзувлари.Сурхондарё вилояти Бойсун тумани, Чилонзор қишлоғи 2015-йил

15. Дала ёзувлари.Сурхондарё вилояти Шеробод тумани, Калламозор қишлоғи 2013-йил

МАДАНИЙ ВА МАЪНАВИЙ ДУНЁҚАРШНИНГ ЮКСАЛИШИДА МИЛЛИЙ ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИНИ ИЖОБИЙ ТАЪСИРИ

Зокирова Зилола Аъзамовна

Термиз давлат университети Мусиқа
кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Сурхон воҳаси аҳолисининг мусиқа мероси кўп асрлик тарихий йўлни босиб ўтди. У шакл жиҳатдан хилма-хил, мазмун жиҳатдан эса бой бўлиб, ўзининг баркамол анъаналирини яратди. Мақолада Маданий ва маънавий дунёқаршнинг юксалишида миллий халқ қўшиқларини ижобий таъсириҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: Суст-хотин, қўшиқ, ялла, «Бойсун» дастаси, фолклор, чолғу асбоблари..

Аннотация: Музыкальное наследие жителей Сурханского оазиса прошло многовековой исторический путь. Она разнообразна по форме и богата содержанием, создала свои богатые традиции. В статье говорится о положительном влиянии национальных народных песен на подъем культурно-духовного мировоззрения.

Ключевые слова: Суст-хотин, песня, ялла, песня «Бойсун», фольклор, музыкальные инструменты.

Annotation: The musical heritage of the inhabitants of the Surkhan oasis has traveled a centuries-long historical path. It is diverse in form and rich in content, and has created its own rich traditions. The article talks about the positive influence of national folk songs on the rise of cultural and spiritual outlook.

Key words: Sust-khotin, song, yalla, «Boysun» band, folklore, musical instruments.

Сурхон воҳасида қадимий қўшиқлар, рақслар ва урф-одатлар жуда яхши сақланиб қолган бўлиб, буни маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи ва унинг онгидаги бадиий кўриниши дейиш мумкин[4].

Сурхон воҳасида қадимги табиат фасллари билан боғлиқ бўлган «Мехржон», «Наврўз» каби байрамлар тантана билан ўтказиб келинган. Барча диний эътиқодларнинг ўрнини ягона Ислом дини эгаллагандан кейин ҳам бу қадимий байрамлар ва удумларга исломий Рух берилиб, байрам қилиш давом этган. Сурхон воҳасида яшовчи аҳолининг энг истеъдодли намоёндалари ушбу байрам ва маросимларда халқимиз ардоқлаб келган санъат учкунлари, қадимий рақслар, қадимий маросим қўшиқлар, қадимий маросимларни ижро этганлар[5].

Совет ҳокимияти даврида ансамблнинг дастурларида «Миллатчилик ва эскилик сарқитлари бор» деб, катта минбардан қоралагани сабабли ансамбл қарийб 10 йиллар давомида ўз фаолиятини сақлаб қолди[5]. Лекин бойсунлик санъаткорлар ўз фаолиятларига содиқ қолиб, чидам билан қадимий санъатларини йўқолиб кетишига йўл қўймасдан, ижодкорликни давом эттирдилар.

1985-йилда «Совет Ўзбекистонни» газетасида Машҳур «Шалола» қаёққа йўқолди?» деган мақола чоп этилди. Бу мақола ансамблнинг келажаги учун жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Сурхондарё вилояти ва Бойсун тумани раҳбарияти ансамблни тиклаш ишларини қўллаб қувватладилар. Айниқса, Бойсун фирқа қўмитасининг 1-котиби бўлиб ишлаган Алламурод Соатмуродов «Шалола» ансамблини тиклаш ишларига бош-қош бўлди. Ҳамжихатлик билан қилинган ишлар ўз самарасини берди. Ижодий гуруҳ тузилиб, ансамблнинг фолклор ва этнографияга оид программалари қайта тикланди. Ижодий гуруҳга маҳаллий санъаткор Холиқ Хурсандов раҳбарлик қилди. Ижодий гуруҳ Бойсун тумани худудидаги қишлоқларнинг қарияларидан қадимий маросимлар, қўшиқ ва рақслар, халқ оғзаки ижоди намуналарини йиғдилар[10].

Тошкент Давлат Маданият Институтининг домлалари Саодат Йўлдошева, Баходир Саримсоқовлар бевосита ёрдам ва иштироки билан ижодий гуруҳнинг тўплаган материаллари

илмий ўрганилиб, шу материаллар асосида ансамбл учун дастурлар тайёрланди. Ижодий гуруҳ аъзолари ва олимлар Саодат Йўлдошева, Баходир Саримсоқовларнинг таклифи билан Янги ансамбл ташкил этилиб, унга «Бойсун» фольклор этнография дастаси деган ном берилди. Ансамбл аъзолари ўз олдиларига Ўзбек халқининг йўқолиб бораётган қадимий маданий мероси, қадимий рақслар, қадимий кўшиқлар, қадимий урф-одатлар йиғиб, ўрганиб, қайта сахнага олиб чиқишдек мураккаб мақсадни қўйдилар. 1987-йилнинг август ойида даста жамоаси Тошкентда бўлиб ўтган «Хужум» ҳаракатининг 60 йиллигига бағишланган тантанага қатнашади. 1987-йилнинг сентябрида ансамбл Москвада бўлиб ўтган «Ўзбекистон Республикаси кунлари»га таклиф қилинди ва Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари вставкаси майдонида ўз санъатини намойиш қилиб, вставка дипломи ва кўкрак нишони билан тақдирланди. Шундан бошлаб «Бойсун» дастасининг ижодий парвози бошланди. 1987-йилнинг апрел ойида Бутуниттифоқ халқ ижодиёти фестивали кўрик-танловининг республика босқичи Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди. Бу кўрик танловга «Бойсун» дастаси ўзининг «Дехқоннинг бир йили» номли 30 минутлик дастури билан қатнашди. Ушбу фестивалда Республика миқёсида сахнада биринчи марта Ўзбек халқининг қадимий маросими кўшиқлари «Суст-хотин», «Наврўз», «Хўп майда», «Чорлов», «Лола-сайли», «Якқу-як», «Уфу-жақала», «Келгин ёр» каби кўшиқларни ва рақсларни намойиш этдилар[8]. «Бойсун» дастасининг дастури томошабинларга ҳам, хакамлар хайъатига ҳам улкан таъсурот қолдирди. Хакамлар хайъати «Бойсун» дастасининг ижодини юқори баҳолаб, уни «Олий ўрин» га лойиқ деб топди.

1987-йил «Бойсун» дастаси учун жуда омадли йил бўлиб, Май-июн ойларида Ўзбекистон телевидениеси режиссори Эдуард Давидов билан ҳамкорликда Бойсун тумани «Бойсун» дастаси дастури асосида «Бойсунда қор эриганда» номли фильм-концерт суратга олинди. 1987 йил июл-август ойларида «Ўзбеккинохроника» студияси режиссори Темурмалик Юнусов бошчилигидаги ижодий гуруҳ билан ҳамкорликда Бойсун дастасининг дастури асосида «Унутилган оҳанглар» номли фильм суратга олинди. 1987 йил сентябр ойида «Бойсун» фольклор этнография халқ дастаси Афғонистон республикасида ижодий сафарда бўлди[7]. Даста ўз дастурларини қаерда намойиш этмасин, томошабинларнинг олқиши ва тахсинига сазовор бўлди. «Бойсун» дастаси кўшни республикалар ва хорижда ном чиқарди. Даста қошидаги ижодий гуруҳ фаолияти яхшиланиб борди. Даста Янги дастурлар яратди. Дастанинг ижоди ҳақида кўплаб фильмлар, фильм- концертлар яратилди.

Режиссор Умид Ортиқов ва Темурмалик Юнусовлар билан ҳамкорликда «Шарқ бозори», «Қадимий ўйинлар» кўпқари фильмлари суратга оlinиб, намойиш этилди. 1987-йилнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги «Бойсун» дастасига «Халқ ансамбли» унвонини берди[1].

1988-йил сентябр ойида Москва шаҳрида «Олтин хўроз» халқаро фольклор фестивали бўлиб ўтди. «Бойсун» дастаси бу фестивалга юксак даражада қатнашиб, фестивалнинг 1-даражали дипломи билан тақдирланиб, фестивал ғолиби сифатида Англия киролигининг Биллингем шаҳрида ўтадиган халқаро мусиқа фестивалига қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. «Бойсун» дастасининг шуҳрати янада ортиди. 1989-йил феврал ойида «Бойсун» дастаси жамоаси Ўзбекистон агитпоезд билан Тожикистон Республикасининг зилзиладан талофат кўрган «Шарора» ва «Окули боло» кишлоқларида бўлди, ҳамда Сирдарё вилоятининг кўпгина район ва хўжаликларида бўлиб, аҳолига ўз санъатини намойиш қилиб, олқиш олди. 1989-йил май ойида республика фольклор фестивалига қатнашиб яна «лауреат» унвонига сазовор бўлди. 1989-йил Тошкент шаҳрида Халқлар дўстлиги саройида Арманистонда зилзиладан талофат кўрган аҳолига ёрдам бериш мақсадида «Хайрия» концертига қатнашди. «Бойсун» дастаси 1989-йилда Қозоғистон Республикасининг Алма-Ата шаҳрида ўтган «Олтин олма» халқаро фестивалига иштирок этиб, юксак соврин билан қайтди[5]. Кейинчалик бу фестивал «Осиё овози» деб номланади ва ҳамюртимиз Равшан Намозов Бойсун кўшиқларини ижро этиб, бу фестивалнинг лауреатлигига сазовор бўлган эди. Шу йилнинг ўрталарида «Бойсун» дастаси Тожикистон республикасининг Марказий телевидениеси орқали ўзининг «Ширу-шакар» деб номланган дастурини намойиш этди. Бундан ташқари Тожикистон Республикасининг Регар шаҳрида ўтган «39-параллел» номли халқаро фестивалда муваффақиятли қатнашди. 1990-йил Ўзбекистон телевидениеси «Наврўз» тематикасига бағишланган теле-марафонга муваффақиятли иштирок этди. «Бойсун» дастасининг энг муваффақиятли ижодий сафарларидан бири

1990-йил август-сентябр ойларидаги Буюк Британия бўйлаб ўтган сафари бўлди. Бу сафарда «Бойсун» дастаси Англиянинг 11 та шаҳрида бўлиб, «Биллингэм халқаро фольклор фестивали», «Милтон Кейнс халқаро мусиқа фестивали» каби Буюк Британиянинг олти нафузли фестивалларига қатнашиб, Ватанимизга фестивал ташкилотчиларининг 6 та раҳматномасини олиб қайтди[6].

1991-йилда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг эълон қилиниши «Бойсун» дастасининг янада ўсишига сабаб бўлди. Мустақиллик шарофати билан Ўзбек халқининг миллий қадриятлари тикланди. «Бойсун» дастасининг ижодий фаолияти Республикамиз қадриятларига айланди. Дастанинг умуммиллий қадри ошди. Миллий байрамимиз «Наврўз» нинг тикланиши, миллий маросимларимизни миллий мафкурамизнинг ажралмас қисмига айланиши ҳам даста ижодига ижобий таъсир кўрсатиб, дастанинг янгидан ижодий юксалиши бошланди. «Бойсун» дастаси Ватанимиз пойтахти Тошкент шаҳрида ўтадиган «Наврўз» ва «Мустақиллик куни» тантаналарининг доимий иштирокчисига айланди. 1993-йилда Республика ҳокимиятининг ташаббуси билан «Бойсун» дастаси Туркия давлатининг (қадимий Эфес) Селчик курорт шаҳрида ўтадиган халқаро фестивалга қатнашиб шарафига муяссар бўлди[3]. Бойсун дастасининг тинимсиз ижоди меҳнати Ватанимиз мустақиллиги даврида юксак кадр топди. Ўзбекистон Республикасининг халқаро обрўи ортган сари хориж мамлакатларининг юртимиз маданияти ва санъатига нисбатан ҳурмат-эътибори кучайди. Даста иштирокчилари бу орада Францияга сафарда бўлиб, ўзбек қадимий санъатини намойиш қилди. 1999-йил апрел ойида халқаро ЮНЕСКО ташкилоти Бойсун туман ҳудудини «Жаҳон халқ ижодиёти дурдонаси» деб эълон қилди. Бу юксак унвоннинг берилишида «Бойсун» фольклор этнография дастасининг хизмати бекиёс бўлди. ЮНЕСКО нинг ташаббуси билан Бойсун туманида «Бойсун баҳори» деб номланган фестивал ташкил этилиб, 2002-2005 йилларда фестиваллар жуда муваффақиятли ўтказилди[2]. Бойсун ҳудудини тарихи, маданияти, халқ амалий санъати, мусиқа санъати ҳақида илмий текширишлар натижаси бўлган китоблар чоп этилди. Бу фестивалда «Бойсун» дастаси марказий ўринда турди.

«Бойсун» фольклор- этнография халқ дастасининг ютуқлари нимада? Эътибор бериб ўрганилса, «Бойсун» дастаси қадимий маданиятимизнинг дурдоналарини авайлаб асраб келган халқимизнинг юрагининг туридаги орзу умидини ўзида мужассам қилганини кўрамиз. Дастанинг ижодий фаолиятидаги энг муҳим ҳолат, унинг йўқолиб кетиши мумкин бўлган қадимий санъатимизни қайта тиклаб, яна халқимиз инъом этди. «Бойсун» ансамбли ўзининг фаолияти давомида халқимизнинг бой меросига катта ҳурмат билан қарабини кўрсатди[5]. Бу ансамбл Республикамиздаги бошқа ансамбллардан репертуари бойлиги, ижро услубининг мукамаллиги, программаларининг илмийлиги, ижрочиларнинг баланд маҳорати билан ажралиб туради. «Бойсун» халқ дастаси ҳақида республика ва иттифок матбуотида кўплаб мақолалар эълон қилинган. Ҳозир ансамблнинг репертуарида ўтмиш меросимизни талқин қилувчи «Хўп майда», «Наврўз», «Суст хотин», «Лола сайли», «Гап-гаштак», «Гам гаштак», «Бойсун мавриғи», «Турна келди», «Шохмой», «Якку-як», «Уфу» «Бойсунча ёр-ёр» каби ўзига хос программалар бор.

Ансамблнинг энг кекса қатнашчиси Ашуров Хайрулло 75 ёшда бўлса, энг кичик қатнашувчиси Юлдуз Хурсандова 8 ёшда. Бу турли ёшдаги ва турли касбдаги одамларни ўзбек халқининг қадимий маданиятига нисбатан бўлган жонкуярлик, фидойилик ва ҳурмат бирлаштирган. Ансамбл қатнашувчилари одоби, санъатига нисбатан бўлган эътиқоди билан кўзга ташланиб туради. Дастанинг ижросидаги ҳар бир кўшиқ, ҳар бир маросим, ҳар бир рақс илмий асосланган. Бунда олима Саодат Йўлдошева, олим Баходир Саримсоқовлар ва уларнинг шогирдларини бекиёс хизматлари бор. Дастанинг олимлар билан қилган ҳамкорлиги унинг юксак натижаларга эришишига омил бўлди. «Бойсун» дастасининг ижодий фаолияти узлуксиз давом этмоқда. Даста аъзоларининг ҳар бири ёш истеъдодлардан ўринбосарлар тайёрлашга ҳаракат қилади. Ижоднинг давомийлигини таъминлаш учун Бойсун Маданият уйида «Қуралай» болалар фольклор-этнография дастаси тузилган ва бу дастага Тошкент Давлат Маданият Институтини тугаллаган Саттор Қурбонов баддий раҳбар этиб тайинланган эди. «Қуралай» дастаси ҳам тезда ўз ўрнини топиб, болалар дастасининг ижоди Маданият вазирлиги томонидан тақдирланиб, дастага «Қуралай» болалар фольклор-этнография намунаси ансамбли» унвони берилди. Ҳозир «Қуралай» болалар дастаси «Бойсун» дастаси

билан бир қаторда ижодий фаолият кўрсатмоқда. Ўзбек халқининг қадим-қадим ақидаларини жамлаган халқ ижодиёти сўнмас хазина. Бу хазинанинг бир қисминигина «Бойсун» дастаси қайта жонлантириб, Ўзбек халқига тортиқ қилди. Хали ўрганилиши лозим бўлган мавзулар кўп. Ўзбек халқининг ижодиёти соҳаси хали кўплаб истеъдодли тадқиқотчиларни кутаяпти. «Бойсун» фольклор этнография халқ дастасининг ижодий фаолияти ҳеч қачон ўз қадрини йўқотмайди. Чунки бу даста Ўзбек халқининг ўлмас ижодиёти ва санъатининг дурдоналарини ўзида мужассам қилган.

Абрайқулов Жума - (1939-2006) Бойсун районидаги Пулҳоким қишлоғида туғилган. Олий маълумотли ўқитувчи. Чанқовуз чалиш осон эмас. Бунинг учун ижрочи жуда катта рухий ва жисмоний куч сарфлайди. Одамларни ўзига жалб этувчи сирли ва кўз илғамас чанқовуз оҳанглари ичдан чиқариш учун кишига табиат ато этган қувват зарурдир. Агар чолғучи қалб оташида қайнаган меҳрини чанқовузга беролмаса, бутун вужуди бир нуктага жамланмаса, куйнинг киши туйғусини қитикловчи, дилини тортувчи орзиктирувчи илохий сеҳри йўқолди. Чанқовуз ясамалик ва бефарқликни, юзакилик ва лоқайдликни ёқтирмайди. Жума Абрайқулов элга хизмат қилишдек бурчини сидқидилдан ўтаган, халқ санъатига фидоийлик, касбига садоқат намуналарини кўрсатган, солих фарзандлари тарбиялаган. Ўзидан яхши ном қолдирган инсондир.

Ж.Абрайқулов 2002-2005 йилларда бўлиб ўтган «Бойсун бахори» халқаро фольклор фестивалда иштирок этиб ўз санъатини намойиш этди. ЮНЕСКО нинг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. Ўзбекистон давлат илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси ижодкорлари 2004 йил кузида «Чанқовуз» чи фильмини суратга олишди. Қалби сиймосида шундоқ акс этган ижодкорни турли ракурслардан кузатишлар, чанқовузнинг минг хил созу нағмаларига йўғрилган Бойсун ва Қумқўрғон манзаралари, халқ ҳунармандчилиги, урф-удумлари ва турмуш лавҳалари Ўзбекистон тарихининг ёрқин бир бўлағи бўлиб кино тасмаларига муҳрланди[12].

Чориев Чоршанбе - 1952 йилда Бойсун районидаги Газа қишлоғида туғилган. 2006 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист. Тошкент театри ва рассомчилик санъати институтини 1978 йилда битирди. 1978 йил август ойида Сурхондарё вилоят М.Уйғур номидаги мусиқали драма театрида актёр, олий тоифали санъаткор лавозимида сермахсул ижод қилди.

У ўзининг ўттиз йилдан ошиқ ижоди давомида бир қатор ранг баранг образларини ўз маромида етказиб келди. Жумладан: Х.Расул асари «Қишлоқда келган куёв» да - йигит, Р.Муҳаммаджонов асари «Давлат-болалари»да –Ботир, Ч.Айтматов асари «Момо ер» да Қосим, К.Абдуабиев асари «Амир Темур ва Йилдирим Боязид»да Шайх Нуриддин, Н.Парда асари «Адиб Собир» да-Отасиз, У.Азим асари «Бир қадам йўл»да –Жўра Раис, Х.Хурсандов асари «Ўлдинг азиз бўлдинг»да –Маҳалла раиси, Уйғун ва Иззат Султон асари «Алишер Навоий» да –Нажмиддин, И. Отақулов асари. «Қамашган кўзлар» да –Баҳром, К.Яшин асари. «Гулсара» да-Қодиржон, У.Хожибеков асари «Аршин мол олон» да-Аскар, М.Хайруллаев асари «Аллам сеники» да-Қўтос, Ш.Пардаев асари «Осмонсиз уй» да-ўғил, Ҳамза асари «Жононга бордим бир кеча»да –Бошловчи, М. Бобоев асари «Ўчмасин чироқ»да –Раж, Ж.Худойбердиев асари «Байрамдаги жиноят» да-Қодир, Х.Хурсандов асари «Кампир топайми дадажон»да –Жума бобо, Салом, У.Азим асари «Алпомишнинг қайтиши»да Ултонтоз, М.Бобоев асари «Ўлим халқаси»да –Бек, Х.Хурсандов асарлари «Судхурнинг Пари қизи» да-Салим, «Мухаббатим қисматим менинг»да-Мўмин, Қилич Ботир - Шер, Ш.Рахматуллаев асари «Шоҳ ва шоир»да-Сайд Барака, М.Хазратқулов асари «Интизор»да чол каби бир қатор образлар яратди ва халқ олқишига сазовор бўлди[10].

Ч.Чориев нафақат актёр, балки эл севган хонанда ҳамдир. Ўзбек халқ кўшиқларини маромига етказиб ижро этади. Ёшлар мураббийси. Ўнлаб шогирдлар етиштирди. 1994 йил вилоят касаба уюшмалари томонидан таъсис этилган «Адиб Собир Термизий» мукофоти соҳиби бўлди.

Орипов Ҳамид -1956 йилда Бойсун районидаги «Шўрсой» қишлоғида туғилган. 1999 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист. Тошкент театри ва рассомлик институтини 1977 йилда битирди. 1977 йил август ойида М.Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали драма театрида драма актёри (олий тоифали) лавозимида сермахсул ижод қилди. У ижоди давомида бир қатор образларни ўз маромига етказиб ижро этди. Шу жумладан: И.Султон ва

Уйғур асари «Алишер Навои» да- Навоий, Н. Парда «Собир Термизий» да- Термизий, У. Азим «Алпомишнинг қайтиши» да Алпомиш, К. Абдунабиев «Амир Темур ва Йилдирим Боязид» да- Султон, М. Бобоев «Мухаббатим қисматим менинг» да ўғил, Х. Хурсандов «Кампир топайми дадажон» да – Ашур, Ш. Рахматуллаев асари «Шох ва шоир ривояти» да- Шоир, Х. Хурсандов асари «Погон таққан одамлар» да- Тўраев, Х. Хурсандов асари «Қайсар чолнинг қилиғи» да- Султон, ва бошқа ўнлаб образларни яратди. Ёшлар мураббийси. Ўнлаб шогирдлар етиштирди. Ҳамид Орипов 2005 йилдан театр директори[11].

Хурсандов Холик - 1945 йилда Бойсун районидаги «Катаригузар» маҳалласида туғилган. Низомий номидаги Тошкент Педагогика институтини 1977 йилда битирди. 1990 йил Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. Кўплаб халқаро ва республика фестивал ва танловларни иштирокчиси ва ғолиби. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукр Холмирзаевни ўз устози деб билади. Болалигидан ёзувчи бўлишни орзу қилган. Илк хикояси «Гулистон» журналида босилган(1969). Республика «Ёшлик» журналида «Чопон кийган аёл» тарихий романи босиб чиқарилган(1980). Кейинги йилларда матбуотда «Ўлганлар ёлғон гапирмайдилар», «Қиёматдан бир кун олдин», «Мухаббат кўр туғилади» қиссалари чоп этилган[9].

1998 йилда Ўзбекистон Республикаси театрларида биринчи илк драматик асари «Кампир танлайми дадажон» асари (Фарғона вилоят театри, Катта қўрғон шаҳар театри, Сурхондарё вилояти театрларида), «Мухаббатим қисматим менинг», «Ўлдинг-азиз бўлдинг», «Хотинимнинг уч шайдоси», «Топталган туйғу», «Судхўрнинг пари қизи» асарлари Сирдарё Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё вилоят мусикали драма театрларида, «Хотинимнинг уч шайдоси», «Топталган туйғу» асарлари Мукумий номидаги республика мусикали драма театрида, режиссор М. Умаров ҳамкорлигида «Аёлгу» асари Ўзбекистон академик театрида сахналаштирилиб қўйилган.

Ижодкор Холик Хурсандов 1985 йилдан бошлаб, Ўзбек халқининг (Бойсун-Сурхон йўналиши) ўлмас ижодиёти ва санъатининг дурдоналарини ўзида мужассам этган тоғли ҳудуд халқ оғзаки ижодиёти, қадимий удумлар, рақслар, кўшиқлар ва маросимларни йиғиш ва сахнага олиб чиқиш ҳамда тарғибот билан шуғулланган. «Бойсун фольклор этнография халқ дастаси» ни ташкил этди ва 1986 йил унинг баддий раҳбари бўлди[5].

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ахмедова Г.Ў. “Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида бахшичилик мактаблари тарихи – Тошкент: Yangi nashr, 2021. – 152 б.
2. Турсунов С. Н. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи ва маданияти. Сурхондарё этнографияси. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2006. – 276 б.
3. Турсунов С. Н., Рашидов Қ. Бойсун. – Тошкент: Академнашр, 2011. – 560 б.
4. Турсунов С. Н. Сурхондарё – этнографик макон. – Тошкент: Akademnashr, 2012. – 232 б.
5. Турсунов С. Н. Ўзбекистонда этник қадриятлар ва миллий маданий мерос / Профессор-ўқитувчиларнинг илмий-назарий конференцияси материаллари. – Тошкент: Университет, 2000.
6. Турсунов. Н. Н. Жанубий Сурхон воҳаси этнографияси. – Тошкент: Yangi nashr, 2015. – 160 б.
7. Қурбонов А. Шимолий Сурхон воҳаси этнографияси (XIX аср охири – XX асрнинг биринчи ярми). – Тошкент: Yangi nashr, 2014. – 285 б.
8. Зарифов Х.Т. Ўзбек фольклори. Педагогика институтлари учун хрестоматия.
9. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти Бойсун тумани, Тузбозор қишлоғи 2015-йил
10. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти Бойсун тумани, Газа қишлоғи 2019-йил
11. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти Бойсун тумани, Шўрсой маҳалласи 2014-йил
11. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти Бойсун тумани, Пулҳоким қишлоғи 2017-йил

СУРХОН ВОҲАСИДАН ЕТИШИБ ЧИҚҚАН ПОЛВОНЛАРНИНГ ВОҲА КУРАШИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Алмурадова Роҳатой Мусурмон қизи

Термиз давлат университети жаҳон
тарихи кафедраси эркин тадқиқотчиси

Аннотация: Мустақиллик йилларида ўзбек миллий кураши тамомила янги ривожланиш босқичига қадам қўйди. Мақолада Сурхон воҳасидан етишиб чиққан полвонларнинг воҳа кураши ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: ал-Ҳаким ат-Термизий, «Алпомиш» ўйингоҳи, кураш, ҳалол, чала, полвон.

Аннотация: В годы независимости узбекская национальная борьба вышла на совершенно новый этап развития. В статье говорится о вкладе борцов Сурханского оазиса в развитие оазисной борьбы.

Ключевые слова: ал-Хаким ат-Тирмизи, театр «Алпомиш», борьба, ҳалал, чала, борец.

Abstract: In the years of independence, the Uzbek national struggle entered a completely new stage of development. The article talks about the contribution of wrestlers from Surkhan oasis to the development of oasis wrestling.

Key words: al-Hakim al-Tirmizi, «Alpomish» playhouse, wrestling, halal, chala, wrestler.

Ўзбек миллий кураши бой тарихий анъаналарга, урф-одатларга, қадриятларга эга, халқимиз асрлароша ўзининг сеvimли полвонлари билан ғурурланиб, улар тўғрисида афсоналар, ривоятлар яратиб, полвонлик одоб-ахлоқига хос ҳикматлар яратганлар. Бу халқ ҳикматлари чуқур фалсафий маънога эга бўлиб, доноликдан иборат ҳикматларни элимиз полвонларига нисбатан ҳам қўллаб, полвонликка мос ўзора дўстлик, ҳамкорлик, устоз-шогирдлик ғояларни, амалий мукамал сақлаб келганлар.

Воҳамизда полвонларнинг авлодлар туғилиб, ўсиб ва янги полвонлар авлод билан ўрин алмашиб, полвонлар авлоди ҳар 10 -15 йилдан янгиланиб, янги етук спортчилар, курашчилар билан ўрин алмашади. Курашчилар тезда ўзларидан олдингиларни маълум доирада инкор қилиб, улардан-да бақувват, кучли ва чаккон олишиб, кураш санъатини намойиш қиладилар. Гўё бу ўрин алмашини осмондаги минг-минг юлдузлар сафига ёрқинроқ, каттароқ Зухро юлдузига монанд кўзга ялт этиб ташланадиган янги юлдузга ўхшайди.

Улардан бири Номоз полвон бўлиб, 1840-1895 йилларда яшаб ўтган. Шоназар Махсум ўғли Номоз полвон Жарқўрғон шаҳри Қорабура маҳалласида умргузаронлик қилиб, эл хизматида бўлган, одилона курашган паҳлавонлардан бири [8.320]. Дастлабки тарбияни ўз отаси Шоназар Махсумдан олган. Шоназар махсум кўп йиллар Бухорода ўқиган, илмни, маърифатпарвар, халқпарвар инсон бўлган. Ёш Номоз устози Қулмуҳаммад полвондан кураш сирларини ўрганган. 16 ёшида 45 ёшли Бойназар полвонни катта тўйда йиқитган. 18 ёшида Шеробод бегининг машҳур полвони Аҳмад полвон устидан ғалаба қозонган. 19 ёшида Денов, Бойсун, Шеробод бекларининг машҳур полвонлари устидан ғалаба қилганлиги учун бекларнинг йиғилишида Ботир номини олган [4.125].

Бухоро хони Музаффархон Номоз Ботирга хабар юбориб, қарвонни Афғонистон чегарасидан Ҳиндистонга эсон-омон ўтказиб юборишни сўрайди. Бу вазифани Номоз полвон аъло бажаради.

Ўзбек анъаналари ўзининг маънавий юксаклиги билан асрлар оша камол топиб, полвонларни янги авлодларни тарбиялаб вояга етишига хизмат қилиб, мустақиллик йилларда миллий ўзбек кураши қайта тикланиб, жаҳон миқёсидаги курашга айланди. Ўзбек халқи фахр ва ғурур билан ҳурмат қилиб хотирлайдиган машҳур полвон Давлат Бердиалиев 1890-1962 йилларда яшаб, уни халқимиз ардоқлаб Девман полвон номи билан эъзозланган [1-Б.95]. Ўзбек кураши тарихий хотирасидан жой олган Давлат паҳлавоннинг кураш усуллари ҳозирги миллий ўзбек миллий кураши учун ниҳоятда намунавий қўлланма бўлиб хизмат қилиб келмоқда [10.129]. Ўзбек халқининг кекса авлоди Девман полвонни яхши билишади. Девман полвон ўзининг курашга тушиш санъати билан бутун Туркистонгагина эмас, кўпгина хорижий юртларга ҳам танилганди. Унинг доврўғини зшитган ҳар қандай кучли полвон ҳам даврага чиқолмай қоларди.

Девман полвоннинг асл исми-шарифи Давлат Бердиалиев бўлиб, у Шерободдаги «Ғоз» қишлоғида таваллуд топган. Касби чорвадор, аниқроғи, чўпон бўлган. У 15-16 ёшга тўлган чоғиданок, шиддатли кураши, ўзининг аниқ ва тезкор ҳаракати билан кишиларни ҳайратга солган [6.353]. У умри давомида кураги ерга тегмаган полвон сифатида шуҳрат қозонган. Девман тўғрисида жуда кўплаб афсоналар тўқилган. Бу афсоналар аниқ бўлган воқеаларми, ёки шунчаки унинг номини янада юксакка кўтариш учун айтилганми, бу аниқ эмас. Аммо, бизнингча, афсоналар бекорга тўқилмайди. Улар замирида ҳақиқатлар ётади.

Девман полвон 1910 йиллардан бошлаб Бухоро амирлиги ҳудудига кирувчи вилоятлар ва бекликларда машҳур полвон **даражасига** кўтарилган. У 1911-1914 йилларда Шеробод, **Ғузор**, Шаҳрисабз, Балх беклари томонидан ўтказиладиган **сайилларда** курашга тушиб, обрў-эътибор қозонган[4-Б.125]. Девман полвоннинг устози Бухоро амирлиги ўртасида ном чиқарган Нодир полвон эди. Девман полвон ҳаётда ҳам жуда камтар, ҳудожўй, диний илмдан ҳам анча хабардор киши бўлган.

Миллий кураш ўзининг долзарблиги, миллий анъаналарга бойлиги, халқимизнинг ҳаммасини қалбида алоҳида ижобий ўрин олганлиги билан бошқа спорт турларидан ажралиб туради. Таниқли спорт устаси, миллий кураш соҳиби, кураш усуллари ижодкори Соат Бойназаров 1897-1999 йилларда яшаб узоқ умр курган. Айни кучга тўлган даврида немис-фашист босқинчиларига қарши Иккинчи жаҳон урушида иштирок этиб, урушнинг оғир даҳшатли даврида жангларида иштирок қилиб, урушдан I-гурӯх ногирони бўлиб қайтди [2.320]. Ёшлик йилларида совет мафкурасининг каттиқ тазйиқига қарамай, ўзбек миллий кураш сирларни мукаммал ўрганиб, эл орасида тоза-пок олушувчи полвон номига сазовар бўлди. Соат полвон 23 йил тўйларда кураш тушиб, кураш усуллари жанг майдонида ҳам кўп марта унга қўл келган [5.122]. Уруш тугагач, олган жароҳатлари туфайли кураша олмади. Кексайганига қарамай Соат полвон тинмай меҳнат қилиб, боғлар яратди, ниҳол ўстирди, шогирдлар тайёрлади.

1908 йилда Шотўра полвон Холтўраев Бухоро амирлигининг Бойсун беклигига қарашли қадимий Сайроб қишлоғида дунёга келган. Полвонларни сараси ўзининг қатъий меҳнати, дадил жисмоний машқларни бажариши, рақибини чалғитиш учун кураш усулларни мукаммал билиши асосдир. Халқимизнинг донгдор полвони даражасига етишган. 18 ёшидан тўйларда курашга тушиб, ўз даврининг паҳлавони ҳисобланган Исмоил полвон, Мусулмон полвон, Алланазар полвонлар билан беллашиб, улар устидан ғалабага эришган. “Чил” усулида кураш тушган. Шотўра 23 йил тўй ва сайилларда кураш тушиб, бош табокларнинг совриндори бўлган [7-Б.551].

Халқимиз тўйларида камол топган, устозлар назарида полвонлик сирларни мукаммал ўрганган машҳур Нурқобил полвон ўз ҳаёт йўлида курашда мардлар синалади деган шиорга амал қилиб, ўзбек кураши тарихда маълум из қолдирди. Нурқобил полвон Холиёров (1912-2008) ўз даврининг энг кучли полвонларидан бири бўлиб, дадил курқмас, ҳушёр олишучи полвон номи билан 45 йил курашга тушган. Норқобил полвон ўз даврининг курашларда чиниққан полвонлари Шотура полвон, Карим полвон, Қулмурод, Иброҳим полвонлар билан куч синашиб, курашнинг «елкадан ошириб отиш» усулини кўп қўллаган полвон эди [3.220].

Қадимги аждодларимиз ор талашиб, кураш майдонларида ўзлигини ҳимоя қилиб, эл, улус манфаатлар учун давраларга чиқиб, ўзининг кураш усуллари билан халқ ҳурматида сазовар бўлганлар. Ўзбек миллий курашида асрларга тотийдиган машҳур Лўкча номига эга бўлган шерюрак полвон Бердимурод Шерободнинг Ғоз қишлоғида 1918 йили дунёга келган. Бердимурод полвоннинг отаси ҳам анча девкелбат, бақувват, улоқ чопиб ном чиқарган одам эди. Бердимурод ҳам отасидай полвон бўлиб вояга етди [9.385].

Бердимурод полвонни Иккинчи жаҳон уруши ҳам ўз синовидан ўтказди. Урушдан сўнг, у яна кураш туша бошлади. Ва Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларидаги машҳур полвонлар билан курашиб, ғолиб бўлди. Тожикистонлик, афғонистонлик курашчилар устидан ҳам ғалаба қозониб, катта обрў, шуҳратга эришди. Ҳатто, туркменистонлик донги кетган Раҳмон ва Маҳам полвонларни ҳам енгди [1.95]. 1947 йил Тошкентда миллий кураш бўйича республика биринчилиги ўтказилди [11]. Унда Бердимурод полвон биринчи ўринни эгаллади. У жуда тез ва шиддат билан олишарди. Ҳудди устози каби унинг устози, ҳамқишлоғи машҳур Девман полвон эди. Девман полвон унга курашнинг нозик, ҳеч ким илғамайдиган ғоят зўр усулларини ўргатганди. У курашга тушганда ана шу усулларни қўлаб, жуда машҳур полвонларни ҳам

доғда қолдирди. Бердимурод полвон ҳеч қачон мол-дунё учун кураш майдонига чиқмаган. Аксинча, йигитлик ори, ғурури учун курашди. Шу боисдан ҳам тўйларда олишиб, олган бор мукофотларини уйига олиб келмас, қариялар, болаларга, ёрдамга муҳтож кишиларга бўлиб берар, дуо олиб кетаверарди.

Ўзбек миллий курашининг таниқли полвони, устоз-шоғирдлик мактабининг етук кураш соҳасидаги вакили, эл олқишига сазовар бўлган Рўзи полвон 1926 йилда Паттакесар қишлоғида туғилиб, ёшлигидан ўзбек миллий курашига жиддий киришиб, устозлар ўғитлари асосида йигирма ёшидан кураш тушган. Унинг ўзига хос томони шундаки, кучли полвон бўлиши билан бирга яхшигина чавандоз ҳам бўлган [4.125].

Ўзбек халқи бағри кенг, мулоҳазали, меҳмондўст халқ бўлиши билан бирга, совет даврида энг кўп жабр курган халқлардан бири ҳисобланади. Шу оғир таҳликали йилларда миллий-маънавий камситилишга қарамай ўзбек миллий курашни эъзозлаган Чўтан полвон Холмирзаев 1926 йилда туғилган. Кураш ва меҳнат фахрийси. 16 йил кураш тушган. Курашда «кўшма» усулини қўллашнинг моҳир устаси. Оллоҳим Чўтан полвонга жисмоний куч ҳамда полвонлик ато қилган эди. Кураш майдонида қулоч очиб айланиши бургутнинг қанот ёзиб учаётганини эслатарди [3.220].

Хулоса қилганда, мустақиллик барча жабҳаларда бўлгани сингари ўзбек кураши тараққиётида, юксалишида ва дунё юзини кўришида алоҳида янги бир даврни бошлаб берди. Истиклол туфайли бугун ўзбек кураши жаҳон бўйлаб бўй чўзди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Норбоев Ҳ. Сурхон полвонлари. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 2010.
2. Соатов О., Турсунов С., Умаров И., Тошев К. Фронтдан келган хатлар. –Тошкент: Тафаккур, 2020.
3. Рўзиев А.Н., Азизов Н. Ўзбек миллий бел олиш кураш тарихидан. –Тошкент: Фан ва технология, 2010.
4. Тошпулатов Ж., Абдурасул Жумакул. Сурхон полвонлари. Жайхун. Т., 1995.
5. Тошпулатов Ж., Мустофакулов Р. Алпомишлар афсона эмас. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2007.
6. Турсунов С., Турсунов А., Тоғаева М. Шеробод тарихидан лавҳалар. –Тошкент: Янги нашр. 2014.
7. Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун. –Тошкент: Академнашр, 2011.
8. Турсунов С., Тўхтаев А., Аннаева З. Жарқўрғон тарихидан лавҳалар. –Тошкент: Янги нашр. 2019.
9. Турсунов С.Н. Шерободликлар. –Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2007.
10. Сурхондарё вилояти давлат архиви. 92-фонд, 1-рўйхат, 54-иш, 47-варақ.
11. Юнусов Т.Т. Кураш халқаро қоидалари, техникаси ва тактикаси. – Тошкент: Нашриёт – матбаа ижодий уйи. 2005.

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА АГРОКЛАСТЕР ТИЗИМИНИНГ КИРИБ КЕЛИШИ

Бегамова Насиба Холмирзаевна

Термиз давлат университети

Жаҳон тарихи кафедраси эркин тадқиқотчиси

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига кластер тизимининг кириб келиши, бу тизимнинг афзалликлари ва камчиликлари ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: агрокластер, аграр муаммо, селекция, агротехника, фермер, ирригация, индустрия.

Аннотация. В статье рассматривается внедрение кластерной системы в сельское хозяйство Узбекистана, преимущества и недостатки этой системы.

Ключевые слова: агрокластер, аграрная проблема, селекция, агротехника, фермер, орошение, промышленность.

Abstract. The article discusses the introduction of the cluster system into the agriculture of Uzbekistan, the advantages and disadvantages of this system.

Key words: agrocluster, agrarian problem, selection, agrotechnics, farmer, irrigation, industry.

Ўзбекистон аҳолисининг деярли тенг ярми қишлоқ жойларда яшайди. Шу сабаб, бевосита соҳада фаолият олиб бормасада, қишлоқ хўжалигига таалуқли бўлган ҳар бир янгилик, ўзгариш, жорий этилаётган янги иш усуллари кўпчиликни қизиқтириши табиий. Чунки, қишлоқ хўжалиги - тепадан келадиган топириқ асосида экиб, териб олинadиган соҳа, унда ишлайдиганлар кетмон чопишни билса бўлди, деган тушунчалар аллақачон ўтмишда қолган.

Бугун ўзгаришлар қўлами шу қадар кўп-ки, гарчи қишлоқда туғилиб, қишлоқда яшайдиган бўлса-да соҳада кечаётган ислохотларни, янгиликларни тўлиқ биламан, деб мақтанadиган одамни топиш қийин. Умуман, соҳага жорий қилинаётган янгиликлар фермер ва деҳқонларга манфаат келтирмас экан, унинг келажаги йўқлиги аён. Қолаверса, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш энг долзарб масала бўлиб турган бугун давр қишлоқ хўжалигига энг илғор технологиялар, сувни тежайдиган ва биотехнологияларни, уруғчилик, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ютуқларни кенг жорий этишни талаб қилмоқда.

Шундай янгиликлардан бири – кластер тизимининг жорий этилиши бўлди. Хўш, кластер ўзи нима? Бу саволга жайдари тилда жавоб қайтарадиган бўлсак, Кластер бу – тўпланиб ишни амалга ошириш. Бир пайтлар, Ўзбекистон жаҳондаги етакчи пахта етиштирадиган мамлакатлардан бири, бироқ, биз фақат хомашё сотаяпмиз, агар шуни ип-калавага, ип калавани матога, матони тайёр маҳсулотга айлантирсак, қанча фойда олишимиз мумкин, деган гап-сўзларни бот-бот эшитардик. Бу қишлоқ хўжалигида фаолият олиб бораётганларнинг орзуси эди. Хўш, бу орзунинг рўёбга чиқариш учун нима қилиш керак? Бу саволнинг жавоби сиз ўйлаётгандек оддий эмас. Бунинг учун нафақат қишлоқ хўжалиги соҳасини, балки тўқимачилик саноатидан тортиб, қишлоқ хўжалик техникалари, уруғчилик, кимё саноати ва яна қанча шунга ўхшаган соҳаларни ислох қилишга, уларни янги иш усулига ўтиб, мувофиқ ишлашини таъминлашга тўғри келарди. Жаҳон тажрибаси ўрганиб кўрилди. Франция ва Нидерландияда кластер тизими ўз самарасини кўрсатган. Бежизга Нидерландия қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш бўйича дунёда илғор мамлакатлар қаторида тилга олинмас эканда. Бироқ, улар тажрибаси кўр-кўрона кўчириб олинибди-да, деган ўйга борманг. Мутахассислар эътирофича, Ўзбекистондаги кластер тизими бутунлай новотарлиққа асосланган ўзига хос тизим.

Кўзга ташланган дастлабки янгилик шуки, авваллари фермерлар бевосита «Ўзпахтасаноат» билан шартнома тузиб, уларни пахта толаси билан таъминлаб берган. «Ўзпахтасаноат»дан эса тўқимачилик корхоналари пахта сотиб оларди.

Эндиликда фермер ва тўқимачилик корхонаси ўртасида узвийлик пайдо бўлмоқда. Кластер тизими иккита йўналишда ташкил қилинди. Биринчиси, фермерлар ва тўқимачилик корхоналари ўртасида бевосита шартнома. Иккинчи, салмоғи юқори бўлган тўқимачилик корхоналари фермерликни ўзи шакллантирмоқда.

Ўз-ўзидан тушунарлики, энг илғор иш усули ҳам соҳада сўнгги бир неча ўн йилларда тўпланган муаммолар гирдобидан олиб чиқишга қодир эмас. Бунинг учун ҳам укув, билим, янгича дунёқараш, пешона тери эвазига қилинган ҳалол меҳнат ва албатта, фидойилик талаб қилинади.

Ўтган давр мабойнида кластер тизимининг ижобий натижалари кўзга ташлана бошлади. Масалан, Жиззах вилоятида 5 та пахта- тўқимачилик кластерлари ҳамда 1 та пахтачилик кооперацияси мавжуд. 78,1 минг гектар пахта майдонининг 6,2 минг гектари бевосита кластерларнинг ўзига, қолган 71,9 минг гектари фермер хўжаликлари билан фьючерс шартномаси асосида ажратиб берилган эди.

Кўзга ташланган дастлабки ҳолат. Ёдингиздами, яқин-яқингача, тўрт-беш йил олдин ҳам пахта мавсуми бутун республикамиз аҳлига “ҳосил учун кураш майдони”га айланарди. Ҳозирчи? Баъзилар ҳатто пахта мавсуми қачон бошланиб, қачон тугаганини ҳам сезмай қолишди. 2021 йилги етиштирилган пахта хом ашёсини 2020 йилга солиштирганда, ўртача 4,4

центнерга ошиб 33180 тоннани ташкил этганини кўришимиз мумкин. Машина терими 26,6 фоиз кўпроқ. Муваффақиятлар омили анчагина.

Улардан бири, 2021 йилда пахтачиликда 4971 гектарда ёки 6,4 фоиз майдонда томчилаб суғориш технологияси жорий этилди. Биргина, Ш.Рашидов туманидаги “Индустриал тўқима” пахта-тўқимачилик кластери томонидан 3762 гектарда ёки 40,4 фоиз майдонда томчилаб суғориш ишлари амалга оширилди. Кластерлар томонидан 59 километр узунликдаги ирригация тармоқларида, 34,5 километр узунликдаги мелиорация тармоқларида ҳамда 29 гидроиншоот, 26 та гидropостларда таъмирлаш-тиклаш ишлари бажарилди. Бу ўтган йилга нисбатан 2 борабардан ортиқ демакдир. Кластерлар томонидан жами 493 гектар, шундан 365 гектар фойдаланишдан чиқиб кетган ерлар фойдаланишга киритилди, 128 гектар янги ерлар ўзлаштирди.

Айни пайтда пахта-тўқимачилик кластерларида 3 та ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилиб, 384 та янги иш ўринлари яратилди. Ишлаб чиқариш қувватларининг жами сони 10 тага етиб, уларда 3 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Мазкур корхоналарда ўтган йили 315,7 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, шундан 86,8 млрд. сўмлик пахта толаси ички бозорга, 62,5 млрд. сўмлик ип калавадан 3,3 млрд. сўмлик ички бозорга, 59,2 млрд.сўмлик экспортга чиқарилди. 2021 йилда кластерлар томонидан қиймати 159,5 трлн. сўмлик 7 та инвестиция лойиҳаларини амалга оширилди. Бу лойиҳалар амалга оширилиш натижасида 1300 нафар янги иш ўринлари яратилди.

Биринчи агрокластер ташкил этилганидан бир неча ой ўтиб, 2018 йилнинг январ ойида республикаимиз ҳукумати ушбу амалиётни пахта саноатига кенг қўламли тадбиқ этишга қарор қилди. Тахминан бир хил шарт-шароитларда, жумладан, биринчи агрокластерга берилган солиқ имтиёзларида, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, фаолиятдаги мустақиллик ва бошқа шунга ўхшаш шартларда, республиканинг барча ҳудудларида 16 та пахта- тўқимачилик кластерлари ташкил этилди. Бу кластерлар тармоғи мамлакатимизнинг барча ҳудудларини қамраб олди – ҳар бир вилоятда ва Қорақалпоғистонда бир ёки иккита кластер ташкил этилди. Ҳар бир пахта-тўқимачилик кластерига 3,5 мингдан 18 минг гектаргача ер ажратилди.

Йўналишнинг етакчиси ҳисобланган «Bek cluster» қўшма корхонаси билан бирга ҳисоблаганда 17 та пахта кластерига ажратилган ер майдони 140 901 гектарни ташкил этди. 2018 йилнинг март ойида, 17 та пахта-тўқимачилик кластерлари ҳудудларида жойлашган 13 та пахта тозалаш заводлари ва 68 та пахта тайёрлаш пунктлари 5 йил муддатга бўлиб тўлаш шарти билан баҳолаш қийматида ушбу кластерларга берилди.

Бундан ташқари, пахта-тўқимачилик кластерлари пахта саноатини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш учун белгиланган бир қанча имтиёзларга эга, жумладан: фермер хўжаликларига пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришининг тегишли ташкилотчилари томонидан контрактация шартномасида назарда тутилган миқдорларда ва шартлар асосида аванс берилади; пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ташкилотчилари пахта хом ашёсини етиштириш ва уларга етказиб беришни молиялаштириш учун Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар ажратилади; пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ташкилотчиларига кредитлар Жамғарма маблағлари ҳисобидан йилига 3% дан ортиқ бўлмаган ставкаси бўйича ажратилади. 2018 йилда пахта-тўқимачилик кластерларига берилган барча имтиёзларни кейинги йилларда ташкил этиладиган кластерларга ҳам татбиқ этиш, кластерлар фаолиятини янада кенгайтиришга алоҳида этибор қаратилди. 2019 йилда жами бўлиб 61 та кластер томонидан пахта майдонларининг 51% да пахта етиштириди. Янги қувватларни ташкил этиш ва кластерлар фаолиятини йўлга қўйиш натижасида, 2019 йилда ишлаб чиқарилаётган пахта толасининг 78 фоизи мамлакатимизда қайта ишлана бошлади. Бу 2017 йилга нисбатан 2 маротаба кўп дегани. 2020 йилга келиб, пахта толасини тўлиқ қайта ишлашга ўтилди. Тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш улуши 40 фоиздан камида 60 фоизга етказилди.

Қишлоқ хўжалигида чуқур қайта ишлашни ва саноатни ривожлантирмасдан қўзланган мақсадга эришиб бўлмаслигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Сўнгги йилларда бирламчи қайта ишлаш саноатида қишлоқ хўжалигида амалга оширилган ютуқларимиз қўлами кенгайиб бораётгани ана шу жиҳатдан эътиборга моликдир.

Хулоса қилганда, мамлакатимизнинг барча туманларида амалга оширилаётган агрокластер

тизими иқтисодийтимизига муносиб ҳисса қўшиши билан бирга қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари турмуш даражасини кўтарилишига ва уларнинг оилавий даромадлари ошишига замин яратди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ражабов Ф.Т. Фермер хўжаликларининг ихтисослашуви ва ҳудудий таркибини такомиллаштириш (Қашқадарё вилояти мисолида). География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. –Тошкент, 2018. –Б. 146.
2. Сурхондарё вилоятининг статистик ахборотномаси. 2020 йил январь- декабрь. Б. 139.
3. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги жорий архиви. 1991-2018 йиллар.
4. Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг сессияси материаллари. 1991-2018 йиллар.
5. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт ва статистика бошқармаси. 1991 – 2019 йиллар. 1-3 китоб.
6. <https://uzslidep.uz/news-of-party/8277>
7. <https://www.uzanalytics.com/iqtisodi%D0%B5t/3264/>

ТЕРМИЗ ШАҲРИНИНГ СТРАТЕГИК АҲАМИЯТИ ЮКСАЛИШИДА ДАРЁ ПОРТИНИНГ ЎРНИ

Жўраева Ўлмас Чориевна,
Термиз давлат университети
Фуқаролик жамияти кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. Жаҳон халқ хўжалиги тараққиётида сув транспортининг аҳамиятини алоҳида кўрсатиб ўтиш зарур. **Мақолада Сурхон воҳасида сув транспорти қадимдан ривожланган ва Термиз порт шаҳри сифатида стратегик аҳамиятга эга бўлганлиги ҳақида сўз боради.**

Калит сўзлар: порт, дарё транспорти, ҳарбий флотия, транзит савдо, стратегик нукта, қайиқсоз.

Аннотация. Необходимо выделить значение водного транспорта в развитии мировой экономики. В статье отмечается, что водный транспорт в Сурханском оазисе был развит с древних времен, а Термез имел стратегическое значение как портовый город.

Ключевые слова: порт, речной транспорт, военный флот, транзитная торговля, стратегический пункт, безлодочный.

Abstract. It is necessary to highlight the importance of water transport in the development of the world economy. The article mentions that water transport has been developed in the Surkhan oasis since ancient times, and Termiz was strategically important as a port city.

Key words: port, river transport, military fleet, transit trade, strategic point, boatless.

Янги замонавий типдаги кемачиликнинг ривожланишида Амударё ҳарбий флотилиясининг ўрни катта бўлди. Ҳарбий флотчилар чегарани кўриқлаш билан бирга Хива, Бухоро, Афғонистон билан савдо қилинган юкларни ташиб келтиришда ҳам катта хизмат қилди. Амударё ҳарбий флотилияси ва акционерлик жамияти базасида Алоқа йўли хизмати комиссари Ф.Э.Дзержинский буйруғи билан 1923 йилда Ўрта Осиё кемачилик корхонаси ва ташкилоти ташкил қилинди [5]. Янги Ўрта Осиё пароходчилигига эски кемачилик тизимидан 9 та буг билан юрадиган теплоход, 15 та шатакка олиб юриладиган кема (баржа) ва 4 та ёрдамчи кема мерос бўлиб қолган эди. 1924 йилга келиб Амударё ҳарбий флоти, “Хива”, “Меркурий” акционерлик жамиятлари кемаларида, шунингдек, хусусий қайиқларда йўловчиларга хизмат кўрсатилган, зарур юклар ташиб берилган. Ўша даврда умумий қуввати 7 минг тонна бўлган 20 та кема ва 50 та баржа, умумий юк ортиш қуввати 24 минг тонна бўлган 1500 та қайиқ мавжуд бўлган [1.656].

Термиз шаҳрида 1927 йилда халқаро дарё порти ишга туширилиб, автокранлар билан

жиҳозланди ва юқори юк қувватли кемалар билан таъминланди [2.25]. 1930-йилларнинг бошида дарё порти “Термиз дарё жанубий пароходчилиги” деб номланди. Ўша пайтларда бу ерда буксир, порт флоти бўлиб, унинг таркибида 22 та баржа, 8 та буғ билан ишловчи пароходлар бўлган. Термиз шаҳри пристани орқали (ўша пайтда шундай номланар эди) 29 минг тонна юк, 9 минг тонна пахта, 1000 тонна металл, 1000 тонна машина, 4 минг тонна цемент, 22 минг тонна нефть маҳсулотлари, 19 минг тонна ёғоч ва ўтин ташилди. Ушбу дарё порти 276 км ма-софадаги жойга хизмат кўрсатган [3.380].

1940-1950 йилларда флот янги кемалар билан таъминланди. Лекин шунга қарамасдан, бу кемалар билан ҳали аҳолининг пахта, ёқилғи-мойлаш ва қурилиш материаллари, минерал ўғитлар, озиқ-овқат ва саноат молларига бўлган эҳтиёжларини тўла қондириб бўлмас эди. Бундан ташқари, Амударёда сузадиган кемалар суви кам жойларга ва сув тезлиги кучли бўлган жойлардаги шароитларга мослашмаганлиги учун маълум бир қийинчиликларга дуч келар эди. Бу ҳолатдан чиқиш учун қисқа муддатда Аральскда кема таъмирлаш заводи, Хўжайли ва Термиз шаҳрида катта устахоналар қурилиб ишга туширилди. 1928 йилдан бошлаб Термизда порт хўжаликлари ташкил этилди [4.67].

Бироқ бу йилларда шунча ишлар амалга оширилишига қарамасдан, тажрибали команда аъзолари ва штурманлар, яъни тегишли мутахассислар тайёрлаш етарли даражада эмас эди. Дарёда хизмат қилувчилар ва денгизчилар Тошкентда 1930 йилда очилган дарёчилар техникумида тайёрланар эди. Техникум 1935 йилда Чоржўй шаҳрига кўчирилди [7]. Чунки Ўзбекистоннинг Хоразм воҳаси, Тожикистон, Туркменистон, Қорақалпоғистоннинг дарё бўйи туманлари асосан дарё йўлида жойлашган ва Чоржўй уларга яқин эди. Бу туманларнинг иқтисодий ривожланиши Ўрта Осиё кемачилиги билан боғлиқ эди. Мазкур туманларга кемаларда нон, нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар, озиқ-овқат ва саноат моллари олиб келинар, улардан эса пахта, пахта ёғи, тери, пилла ва бошқа қишлоқ хўжалик юклари олиб кетилар эди. Ана шу халқ хўжалигини тиклаш даврининг қийинчиликлари йилларидаги саноат қурилиши ишларида Термиз дарё портининг аҳамияти ошиб борди.

1931 йилда Вахш воҳасидаги канал қурилишига асбоб-ускуналар, электростанция жиҳозлари, цемент, ёқилғи материаллари Термиз дарё порти кемалари орқали олиб келиниб, юklar қуйи Панж пристанига етказиб берилган [8]. Агар 1933 йилда ташилган юк ҳажми 197,3 минг тоннани ташкил қилган бўлса, 1937 йилга келиб, 464 минг тонна юк ташишга эришилди.

1941 йилнинг 6 мартда Сурхондарё вилояти ташкил этилганидан кейин Термиз дарё портининг ҳам юк ўтказиш қуввати анча ўсди, юкларнинг турлари ҳам кўпайди. Дарё орқали ғалла, кўмир, ёғоч, туз, цемент, металл, пахта уруғи ва толаси, минерал ўғитлар, нефть маҳсулотлари катта ҳажмда ташила бошланди.

Ўрта Осиё дарёчилари ва денгизчилари қаторида Термиз дарё порти хизматчилари ҳам иккинчи жаҳон уруши йилларида фидокорона меҳнат қилдилар. Кемачилар техника ва ҳарбийларни, ҳарбий юklar ва озиқ-овқатлар ва пахта ташишда катта хизмат кўрсатдилар. Урушдан кейинги йилларда иттифокдош республикаларда пахта экилишининг кўпайиши натижасида кемачиларга пахта ташиш учун эҳтиёж катта бўлди. Совет ҳукуматининг 1947 йилги қарорига кўра, Термиз кемачилар флоти яна қўшимча 70 та ғилдиракли ва винтли кемалар ва 75 та кемалар ёрдамида тортиб юриладиган қўшимча юк ташувчи мосламалар билан таъминланди. Кемаларнинг техник ва эксплуатация хизматларини ошириш мақсадида уларни қайта ускуналаш ва таъмирлаш бўйича катта ишлар олиб борилди. 1950-йилларда Термиз дарё порти замонавий ҳолда келтирилган. Энди тўғридан-тўғри темир йўл ва сув транспорти орқали юкларни ташиш масаласи ҳал этилди. Натижада юк ташиш 282 минг тоннага етди. Портда саралашда қўл меҳнати кўп талаб қиладиган юklar сони камайиб, комплекс механизация ёрдамида 243 минг тонна юк кемаларга ортилди [3.380].

1950-йилларнинг ўрталарига келиб, дарё бўйи туманлари ва Афғонистон билан савдо алоқаларининг кучайиши экспорт ва импорт ҳажми ортиб бориши натижасида кемаларда юк ташиш ҳажми янада ортди. 1950-йилларнинг ўрталарида Чоржўйдан Янги Урганч ва Қўнғиротгача темир йўллар тортилгач, Ўрта Осиё кемачилигининг иқтисодиётдаги ўрни бир қадар пасайди. Лекин кемалар учун юк ташиш ҳажми, дарёбўйи туманлари ва Афғонистон билан савдо алоқаларининг кучайиши, экспорт ва импорт ҳажмининг ортиб бориши натижасида, Амударёда кемачилик хизматида талаб камаймади [3.381].

Афғонистон Республикасидан СССР ҳудудига (Туркменистон Республикасининг Келиф тумани тарафдан) Амударё орқали газ олиб ўтиш ва газ қувурларини Бухоро—Урал магистралига олиб бориб улашда кемачилик хизматларига эҳтиёж ортди, яъни шу қурилишга минглаб тонна труба ва ҳар хил асбоб-ускуналарни етказиб беришдек муҳим вазифа дарёчиларга топширилди. Янги юк оқими учун икки йўналиш: бири —Ўзбекистон порти-Термиз, иккинчи Туркменистоннинг Мукри пристани танланиб, юк ташиш режалари ишлаб чиқилди. 1952 йил ноябрь ойининг охирида янги юк ташиш йўлининг старт лентасини “Термиз” теплоходи экипажи аъзолари “Донецк” баржасидан туриб уздилар. Улар Афғонистонга биринчи партия трубаларни етказиб бердилар [9]. Термиз порти жамоаси барча турдаги маҳсулотларни ҳамда БМТнинг инсонпарварлик юкларини Тожикистон, Туркменистон, Қозоғистон ва Афғонистон Республикаларига етказиб бермоқда. Термиз дарё портининг халқлар ўртасидаги дўстлик ва ташқи иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашдаги роли ниҳоятда катта. Ана шу порт орқали қўшни Афғонистон ва бошқа кўпгина мамлакатларга турли хил халқ хўжалиги юклари етказиб берилмоқда.

Шунингдек, қўшни Тожикистон ва Туркменистон Республикаларининг юкларини ҳам ташишда катта қулайликлар яратилди. Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларида муҳим аҳамиятга эга бўлган Термиз дарё порти Термиз шаҳрининг иқтисодий хўжалик фаолиятида ҳам ўзига хос ўрин тутади. Шунинг учун ҳам портни янада такомиллаштириш ва хизмат кўрсатишини яхшилаш мақсадида “Термиз дарё порти” ишлаб чиқариш бирлашмаси таркиб топди. Унга “Термиз дарё порти”, сув йўлининг Термиз участкаси, кема таъмирлаш устахоналари бирлаштирилди. Шу муносабат билан 1953 йилда қурилган ва 20,5 гектар майдонни ўз ичига олган маъмурий-бошқарув ва техник хизмат кўрсатиш ҳамда омборхоналар тўлиқ қайта таъмирланди. Термиз дарё порти ташқи савдо юкларига мўлжалланган сиғими 10 минг тонна бўлган ёпиқ ва 100 минг тонна юкка мўлжалланган очик омборларга эга. Уларда юк тушириш ва ортиш замонавий механизмлар билан тўлиқ таъминланди [6]. Халқаро юкларни қабул қилиш ва экспорт юкларини жўнатиш майдонлари махсус фумигация камераларига эга бўлди. Порт мунтазам равишда “Термиз порт - экспорт” темир йўл станцияси билан боғланди, янгидан 6 км узунликдаги ички порт шоҳобча йўли ва қуввати 7000 т/сутка бўлган нефть куйиш причаллари (нефть сакловчи омборларга мўлжалланган махсус тўхташ жойи) қурилди ва уларда мунтазам тарзда иш жараёнлари ташкил этилди.

Термиз дарё порти мамлакатнинг ташқи савдо экспорт - импорт транзит ва гуманитар юкларни ортиш - тушириш, юкларни омборхоналарда сақлаш, дарё флоти ёрдамида юкларни Афғонистоннинг Шерхон ва Ҳайратон портларига етказиб бериш, белгиланган тарифларга кўра, йўловчиларни ташиш ва бошқа вазифаларни бажариш имкониятларига эга. Унда жаҳон порт стандартлари асосида юкларни сақлаш, химоя қилиш имкониятлари техник жиҳатдан тўлиқ таъминланди. Термиз дарё порти жаҳон халқаро юк ташувчи ва халқаро экспедитор денгиз ва дарё портлари рўйхатига киритилган. Бу портнинг йиллик юк ўтказиш қуввати 900 минг тонна. Турли мақсадлардаги 17 та теплоход ва юк баржалари, 10 га яқин порт кранлари ишлаб турди [7].

Юқорида таъкидлаганимиздек, Ўзбекистондаги бўлинмалари негизида “Термиз дарё порти” ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам ташкил этилиб, “Ўзбекистон Республикаси автомобиль ва дарё транспорти” агентлигига бўйсундирилди. Термиз дарё порти йилига 2,5 млн. тонна юкни қабул қилиш ва жўнатиш қуввати ва Афғонистоннинг Ҳайратон порти орқали экспорт-импорт юкларини етказиб беришда халқаро аҳамиятга эга. Дарё флоти таркибида 46 та турли хил қувватдаги шатакка олувчи теплоход, 35 та 300-350 тонна юк кўтаришга эга бўлган баржалар, 8 та суяк маҳсулот ташувчи баржа ташиш ишларини бажаради.

Флотнинг таркиби анча эскирган бўлиб, юк ташиш ишлари билан банд сузувчи транспорт воситаларининг 37 фоизи 25 йилдан ортиқ, 16 фоизи 20-25 йилгача, 18 фоизи 10-15 йилгача, 20 фоизи 5-10 йилгача ва атиги 9 фоизи 5 йилгача бўлган даврда эксплуатация қилиниб келинаётган транспорт воситаларини ташкил этди. Дарё флоти таркибида 8 та гуруҳ сузувчи мослама, 2 та сузувчи экскаватор, 12 та шатакка олувчи ҳамда 15 та кема қатновини белгиловчи теплоходлар мавжуд эди. Халқ хўжалиги юкларини асосан Термиз—Ҳайратон йўналишида ташиш йўлга қўйилган [10].

1960-1970 йилларда Термизда экспорт ва импорт юкларига хизмат кўрсатиш мақсадида би-

ринчи тоифали механизациялашган порт курилиб ишга туширилди. Халқаро юк ташиш ишлари Термиз дарё порти орқали амалга оширилиб, совет давлатидан Афғонистонга автомашина, транспортлар, техник асбоб-ускуналари олиб ўтилган бўлса, Афғонистондан совет республикаларига пахта, тери хом ашёси, қуруқ мевалар, гиламлар, қорақўл терилари ташиб келтирилар эди. Термиз дарё порти ва Афғонистон порти хизматчилари ўртасида дўстлик ва ўзаро ёрдам асосида 1960 йили кенг қамровли муносабатлар ўрнатилиб, 1970 йилда Термиз дарё порти ва Афғонистон томони билан икки томонлама мажбурият ҳақида битим имзоланди. 1960 йилда ўзаро дўстлик тамойили асосида Афғонистоннинг Шерхон порти Совет Иттифоқи ёрдамида куриб битказилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси: Энциклопедия. М.Аминов, Т. Долимов, Т.Жўраев ва бошқалар. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1997. – Б.656.
2. Турсунов С.Н., ва бошқалар. Термиз йилномаси. – Б. 25.
3. Турсунов С.Н. ва бошқалар, Сурхондарё тарихи. – Б. 380.
4. Қорабоев С. Ўзбекистонда ленинча индустриалаштириш тажрибасидан.– Б.67.
5. Ўзбекистон Миллий архиви, И 303-фонд, 2-рўйхат, 144-иш, 45-варақ.
6. Ўзбекистон Миллий архиви, И 1970-фонд, 7-рўйхат, 2123-иш, 8-варақ.
7. Ўзбекистон Миллий архиви, И 2325- фонд, 1-рўйхат, 67-иш, 28-варақ.
7. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 95-фонд, 1-рўйхат, 167-иш, 53- варақ.
8. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 33-фонд, 32-рўйхат, 17-иш, 5-варақ.
9. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 45-фонд, 2-рўйхат, 84-иш, 199-варақ.
10. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 313-фонд, 1-рўйхат, 11-иш, 13-варақ.

ENSURING THE MICROBIOLOGICAL SAFETY OF BREAD PRODUCTS IN SURKHANDARYA

Kurbonov Y. M. Phd., Kholturayev Kh.K.

Independent researcher, Termez State University,
Samarkand Institute of Economics and Service

Abstract. This study presents the results of organoleptic evaluation of the quality of flour, bakery products and testing BGKP (coliform), salero, pathogenic salmonella and mould fungi to ensure microbiological safety.

Keywords: organoleptics, pathogens, staphylococci, salmonellosis, E.coli, salero, mould fungus.

Introduction. Currently, the flour used to produce bread in our country consists mainly of wheat grown in previous years and Kazakh grain, which is currently imported.

In connection with the message of the President of Oliy Majlis and many other decrees and edicts on measures to further ensure food security of the country 1,2 it is very important factor. Raw materials for bread production. everyday consumption of the population-bread from them.

Preventing the spread of pathogens causing infectious diseases, pathogens affecting various life activities, and especially staphylococcus safety of food products.

Therefore, the aim of our research is to carry out inspections to ensure the microbiological safety of grain and flour used for bakery production under Surkhandarya conditions.

The object of our research is to determine the safety of consumption of Surkhandonmakhsulotlar OJSC (Termez) and imported wheat flour “ZILOLA KAPITAL SAVDO” Obi-non observance of organoleptic and microbiological methods.

Main part: Organoleptic evaluation of the quality of bread raw materials. Organoleptic characteristics of bred and bakery products samples of flour products produced at JSC “Surkhandonmakhsulotlar” and imported from Kazakhstan were determined as raw materials for bread and bakery products.

Evaluation was carried out according to the method described in 3,4. Organoleptic characteristics and descriptive criteria of baking wheat flour are given in Table 1.

Table 1.

Organoleptic characteristics and characteristics of wheat baking flour.

Indicator name	Flour descriptions and standards
Colour	White or off-white
Odour	Wheat flour may have a distinctive, odourless, musty, faint odour characteristic of the additive being added.
Taste	Wheat flour is unique, without any foreign taste, sour and not bitter.
Constipation	No grinding should be felt when chewing the flour.

To assess them on the basis of the organoleptic indicators listed in the table, they were determined with the help of a seven-person taster committee on the basis of organoleptic assessment methodology. We used a 5-point scale in assessing the quality of the flour: 1-cone-free quality, 2-cone free, 3-conical, 4-good and 5-excellent.

Tables 2 and 3 present complex indicators for assessing the quality of flour produced by Surkhandonmakhsulotlar JSC and Golden Grain of Kazakhstan based on the assessments of established tasters.

Table 2. complex indicators of flour quality of JSC Surkhandonmakhsulotlar.

	Quality indicators	Weighting coefficient	Average taster score	Score with weighting
	Appearance	2	4.57	9.14
	Smell	3	3.71	11.13
	Taste	3	4.14	12.42
	Chewing	2	4.71	9.42
	Colour	3	4.57	13.71
	Composite quality index	13		55.82

Table 3.

Indicators of complex quality of flour “Zolotoe zerno” produced in Kazakhstan.

	Quality indicators	Weighting coefficient	Average taster score	Score with weighting
	Appearance	2	5	10
	Smell	3	4.71	14.13
	Taste	3	5	15.
	Chewing	2	5	10.
	Colour	3	4.86	14.7
	Composite quality index	13		63.8

Table 4. Miscellaneous flour- a composite indicator of quality.

Indicators of complex quality of flour “Zolotoe zerno” produced in Kazakhstan.

	Quality indicators	Weighting coefficient	Average taster score		Score with weighting	
			Kazakhstan flour Jomboy flour	Kazakhstan flour Jomboy flour	Kazakhstan flour Jomboy flour	Kazakhstan flour Jomboy flour
	Appearance	2	5	4.57	10	9.14
	Smell	3	4.71	3.71	14.13	11.13
	Taste	3	5	4.14	15.0	14.42
	Chewing	2	4.86	4.57	14.7	13.71
	Colour	3	5	4.71	10	9.42
	Composite quality index	13	4.94	4.34	63.83	55.82

According to the results of organoleptic evaluation (Table 4), the complex value of flour of Surkhandonmakhsulotlar OJSC is 4.34 points, taking into account the weight coefficient – 55.82 points. The complex indicator of quality of flour “Golden Grain” of Kazakh production is 4.94 points. Taking into account the weight coefficient, the score is 64.94, which confirms that the quality of both types of flour is good and enterprises ensure their safety for consumption.

Microbiological safety. It is known that in determining the microbiological safety of foodstuffs, research is mainly conducted to detect four groups of microorganisms 5,6,7:

1. Sanitary-indicating microorganisms (CFU MAFAM g or cm³ (number of aerobic and facultative anaerobic microorganisms in 1 g or cm³); *Escherichia coli* (*E.coli*); *enterococcus* (*Streptococcus faecalis*);

2. Potentially pathogenic microorganisms (conditionally pathogenic microorganisms): *Staphylococcus aureus* (*S.Aureus*); *Batsellus tserreus* (*B.Cerreus*); Sulfite-reducing clostridine; *Proteus bacterium*; *Vibrio parhamoliticus*.

3. Pathogens (*Salmonella*; *Listeria monocytogenes*).

4. Microorganisms characteristic of myrobiotic stability (yeasts, microscopic fungi (moulds). Thermopilic bacteria).

Of these, in our study we identified mainly bread bakery products, BGKP (*Escherichia coli*) in flour and grain in raw materials, salero, pathogenic salmonellae and moulds.

In the detection and evaluation of microorganisms we, the Chief State Sanitary Doctor of the Republic of Uzbekistan B.I. In “Complex methods of sanitary bacteriological control in accordance with national, interstate and international standards”, approved by the decision of Niyazmetov March 10, 2009: Metod for identification and separation of bacteria belonging to the group of *E.coli* (*E.coli* bacteria group 0. BHCP) GOST 50474-93, 7702.2.2-93, 3 0726-2001, Method for determination of *Staphylococcus aureus* according to GOST 10444.2-94, Method for determination of yeast and mould fungi GOST 10.444.12-88, Method for determination of *Salmonella* bacteria GOST 50480-93, 30519-97, *Proteus* type bacteria. Detection method determined and evaluated according to GOST 28560-90.

The study of biohazard of grain, flour and bread with bread raw materials was carried out in accordance with the requirements of the requirements of the standard methodology:

1. When KMAFAM bacteria were detected, the overgrown colonies on each dish were counted by turning the dish upside down and counting it with a magnifying glass, and each counted colony was marked with a stick. The Petri dish is divided into four or more sectors and counted per two or three sectors (at least 1/3 of the surface of the dish). The arithmetic mean number of colonies is counted and multiplied by the total number of colonies.

The total number of bacteria per 1 gram of product per 1 ml is found using the following formula:

$$M = N/m.C$$

WHERE: Stirring speed N -over m -number of seeds per Petri dish, cm³ C -arithmetic mean number of colonies. In the experiment, 10(-1) were grown at 40-60 colonies in two replicates of MAFAM planted in cups (wheat flour) in a mixture of 10 (-2) in 5-6 colonies per mixture.

Formula, 10^{-1} for $M = 10 \cdot 50 = 500$ colony

10^{-2} for $M = 100 \cdot 5,5 = 550$ colony

That,

We check our accounting records using the methodology specified in the International Standard. The accounting should then be done as follows:

Where: C is the number of colonies in the whole cup

V is the volume placed on each plate is the number of plates counted in the first mixture is the number of plates counted in the second mixture d is the mixture in which the first calculation was made. Then:

So our calculation is correct. Similar calculations have been made for Obi-non wheat and the results are not dangerous.

2. An Obi-non bread dough sample was placed on 2 Petri dishes in 1 cv 3 liquid form, 15min after which the endo medium was melted at 43-44 °C and poured into a 4-5 mm thick circle. The plate is then placed in a thermostat at 37 °C for 24-48 hours. The grown colonies are then examined.

Five colonies are examined and cultured in liquid milk medium. If 4 out of 5 colonies (80%) are confirmed to grow coliform bacteria.

The results of the experiment were calculated using the above formula according to the instructions of GOST 26670.

When the suspension and inoculants in the experiment were added in a 1:1- ratio, 70 colonies increased by 80 colonies in the second, arithmetic mean $70+80=150:2=75$ colony

3. Baking flour (flour of Surkhandonmakhsulotlar OJSC, 1st grade of 2019 harvest). In order to detect bacteria of Staphylococcus aureus type the method of cultivation on differential diagnostic intensive medium of the methods specified in GOST 10444-2-94 was used (Table 5). The results of the experiment show that it does not contain such bacteria.

5-table.

Scheme of determining the formation and amount of Staphylococcus aureus in food in accordance with GOST 1044-2-94.

Determination of the amount of Staphylococcus aureus and Staphylococcus aureus.

1 day. Method of planting in a thick medium. 0.1-0.2 ml of each mixture. Transplant into the thick medium. (JSA,B-P,M-SA,MJSA). Incubate for 48 hours at 37 C	HPV Method. Transfer the solution to a solution of 6.5% physiological broth at a ratio of 1:6 in 5 ml of 3-step stirring.	With saturation. The product is inoculated into 6.5% physiological solution at a ratio of 1:6 in 5 ml of medium.	Seed the product mixtures from 0.1-0.2 ml per JSA. Incubate for 48 hours at 37 C.
2 day.	The highs were taken out of the test tube and transplanted into dense JSA medium,B-P,incubated at 37 for 48 hours.	The compounds corresponding to the NTDs are grafted to the JSA. Incubate at 37 C for 48 hours.	
3 days. Cut at least 5 suspect columns to MPA from each container to separate the pure harvest. Incubate at 37 C for 24 hours.			At least 5 columns have been studied. Plant in the MOR to obtain clear crop. Incubate for 24 hours at 37 C.
Day 4. A smear is prepared. Stained in grams.2.catalase detected. 3. Plasma coagulation. 4.Mannitol is placed in anaerobic conditions at 37 C for 24 hours.	At least 5 columns with suspected Staphylococcus aureus from each vessel are transferred to the coccyx MPA. Incubate for 24 hours at 37 C.	At least 5 columns have been studied. It is planted in the MPA to separate the pure harvest. Incubate for 24 hours at 37 C.	Gram staining. Plasma coagulase. Anaerobic mannitol. Catalytic activity.
5 days. Count all the columns for Staphylococcus aureus. Calculate the columns using the following formula per 1 g of product: $M=N/m-C$ N-level of development m- amount of seed added to the vessel Arithmetic mean of the C-columns	1. The swab is ready. 2. Catalase detected. 3. Determination of plasma coagulation. Mannitol is inoculated under anaerobic conditions at 4.37. C for 24 hours. According to GOST 26670-91 the amount of qualitative cultures in the test tube is calculated from the HPV table in 1 g of the product.	1. Gram staining 2. Plasma coagulase 3. Anaerobic mannitol 4. Catalytic activity	Visible cocci in Groz were identified in Staphylococcus aureus product Gr +catalase, plasma coagulation,maltose and mannitol fermented under anaerobic conditions.

Similarly,according to GOST 28560-90, the flour was tested for bacteria of the genus Proteus, it was found to be absent.

МУНДАРИЖА

ТАРИХ

Турсунов Сайпулла Нарзуллаевич. Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси мудири, тарих фанлари доктори, профессор. Тарих саҳифаларидан жой олган Бандихон	3
Қобулов Эшболта Отамуродович. Термиз давлат педагогика институти ректори, тарих фанлари доктори, профессор. Манғитлар ҳукмронлиги даври сиёсий ҳаётида Бойсун	8
Пардаев Тошкентбой Ражабович. Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси доценти, тарих фанлари доктори (DSc). Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистонда ижтимоий ҳаёт: ўзгаришлар ва муаммолар	10
Ҳасанов Ақром Мўминович. Қарши давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси доценти, тарих фанлари доктори. Амир Темур ва Темурийлар даври шаҳарсозлик маданияти	13
Турсунов Жавли Нарзуллаевич. Термиз давлат университети Фуқаролик жамияти кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди. Тарихий манбаларда Тошкентнинг илмий-тарихий таҳлиллари...16	16
Холмуминов Ҳусан Эшмўминович. Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди. Жанубий воҳалар аҳолисининг ижтимоий турмуш тарзидаги муаммолар (XX аср бошлари).....	21
Абдуқаюмов Асрар Раимович. Доцент кафедраси Всемирной истории ТерГУ, к.и.н. «Цивилизация Окса»: миф или историческая реальность?.....	23
Якубова Дилорам Таджиевна. Денов тадбиркорлик ва педагогика институти Тарих ва фалсафа кафедраси мудири, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Сурхон воҳасида 1946-1970 йилларда пахта яккахокимлиги сиёсатининг амалга оширилиши ва унинг натижалари	26
Хидиров Холмат Джўраевич. Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Ўзбекистон транспорти соҳасида мутахассис ходимларни тайёрлаш соҳасига оид тарихий манбалар таҳлили.....	30
Исаев Ойбек Ахмед ўғли. Термиз давлат Педагогика институти Тарих ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири (PhD). Сурхон воҳасининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тарихини тадқиқ қилишда воҳа матбуотининг ўрни	33
Хосиятов Хуршид Отақулович. Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), в.б. доцент. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари музейларининг нуфузли халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан алоқалари	36
Турсунов Анвар Сайпуллаевич. Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Урбанизация жараёнларнинг жанубий ҳудудлари мисолида маданий – маънавий салоҳиятнинг ўзига хос ўрни ва натижаларининг тарихий таҳлили	40
Таиров Фаррух Саламович. Сурхондарё вилояти “Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш” бошқармаси бошлиғи. Ўзбек оилаларининг маънавий-ахлоқий тарбиясида кексаларнинг ўрни ...45	45
Мамаражабов Ғайрат Абдулҳакимович. Термиз давлат университети Жаҳон тарих кафедраси катта ўқитувчиси. Ҳунармандчилик соҳасидаги саноатлашув жараёнлари - тарих ва таҳлил	49
Tangrikulov Jamshid Erkinovich. Termiz davlat pedagogika instituti katta o'qituvchisi. XX asrning 80-yillarida o'zbekistonda yuzaga kelgan siyosiy jarayonlarning davriy matbuotda aks ettirilishi.....	53
Мамасаидов Лутфилло Пайзулло ўғли. Наманган давлат университети ўқитувчиси. Янги Ўзбекистонда халқ таълими тизимини модернизация қилиниши (Наманган вилояти мисолида) ...58	58
Sharipov Shaxriddin Ziyadullayevich. Sharof Rashidov nomidagi Samarqand davlat universitetining O'zbekiston-Finlandiya pedagogika instituti o'qituvchisi. O'zbekistonning Markaziy Osiyo davlatlari bilan etnomadaniy aloqalarining rivojlanishida milliy-madaniy markazlarining tutgan o'rni	62
Қобилов Хайрулла Ҳўжаёрович. Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси. 1920-1930 йилларда Термиздаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар	66
Худайбердиева Гулнора Хурсановна. Термиз давлат университети “Фуқаролик жамияти” кафедраси ўқитувчиси. Мустабид совет тузуми даврида Ўзбекистон маданияти (Сурхондарё мисолида 1920-1930 йиллар).....	70
Бегамова Насиба Холмирзаевна. Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти. Математика, табиий ва гуманитар фанлар кафедраси ўқитувчиси. Фермер хўжаликларини ижтимоий-иқтисодий манфаатларининг жамият тараққиётидаги аҳамияти (Сурхондарё вилояти мисолида).....	73
Қаюмов Алишер Тожиевич. Термиз давлат университети илмий тадқиқотчиси. Ўрта Осиёга Чингизхон истилосига оид тарихий маълумотлар таҳлили.....	76
Бободустов Бобир Мирзабоевич. Самарқанд давлат университети таянч докторанти. XIX асрнинг 70 - йилларида Россия империясининг Туркистон ўлкасида ирригацияга оид тадқиқот изланишларининг олиб борилиши (Ўрта Зарафшон воҳаси мисолида).....	80

ЭТНОГРАФИЯ

- Абдуллаев Улуғбек Сайданович.** Андижон машинасозлик институти тарих фанлар доктори, профессор. Ўрта Осиё саклари (тарихий-этнографик маълумотлар)84
- Жумаева Шоира Бердияровна.** Чирчиқ давлат педагогика университети тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). **Мардонова Рисолат Рустамжон қизи.** Чирчиқ давлат педагогика университети тадқиқотчиси. Этнотуризмни ривожлантиришда халқ оғзаки ижоди намуналарининг ўрни ва аҳамияти (Тошкент вилояти мисолида)88
- Умаров Икромжон Ибрагимович.** Термиз Давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси. Кўхитангтоғ қишлоқларида халқ табобати билан боғлиқ удумлар91
- Нафиддинова Хосият Равшановна.** Бухоро давлат университети Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси ўқитувчиси. Оилада фарзанд тарбиясида бешиқ тўйининг ўрни96
- Рўзиева Машхура Абдимўминовна.** Термиз давлат университети Фуқаролик жамияти кафедраси ўқитувчиси. Лўлилар этник урф-одатларидаги ўзига хос жиҳатлар99
- Кичкилов Шерхон Хамзаевич.** Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи. Кўхитанг тоғ қишлоқлари аҳолисининг инсонпарвар қаҳрамонликлари хусусида102
- Ҳайдаров Одил Эргашевич.** Термиз давлат университети тадқиқотчиси. Ўзбек халқининг ёмғир ва шамол чақириш билан боғлиқ маросимлари105
- Umurqulov Kamoliddin Chori o'g'li.** Termiz davlat universiteti ilmiy tadqiqotchisi. Markaziy Osiyo xalqlarining turmush tarziga ijtimoiy munosabatlarning ta'siri109
- Абдусаторов Шерзод Мавлонжон ўғли.** Ўзбекистон Миллий университети Антропология ва этнология кафедраси таянч докторанти. Ўзбек миллий таомларини мобил илова орқали рақамлаштириш ва ундан гастротуризм соҳасини ривожлантиришда фойдаланиш имкониятлари (Фарғона водийси таомлари мисолида)114

ФАЛСАФА

- Каримова Муяссархон Абдуқаюмовна.** Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти “Гуманитар фанлар” кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди. Илмий тадқиқотда объект, субъект ва синергетика категорияларининг ўзаро алоқадорлиги120

ФИЛОЛОГИЯ

- Умуркулов Бекпўлат.** Термиз давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедраси профессори. Расмий услуб124
- Abdualimova Gulhayo Hasanovna.** Termiz davlat universiteti o'zbek tilshunosligi kafedrasini o'qituvchisi. Fe'l nisbat kategoriyasining davrlararo va turkiy tillararo solishtirmasi126
- Зоиров Зариф Рашитович,** Термиз давлат университети Мусиқа кафедраси ўқитувчиси. Мусиқа асбоблари ва унинг маънавий ҳаётдаги ўрни131
- Зокирова Зилола Аъзамовна,** Термиз давлат университети Мусиқа кафедраси ўқитувчиси. Маданий ва маънавий дунёқаршнинг юксалишида миллий халқ кўшиқларини ижобий таъсири...136
- Алмурадова Роҳатой Мусурмон қизи,** Термиз давлат университети жаҳон тарихи кафедраси эркин тадқиқотчиси. Сурхон воҳасидан етишиб чиққан полвонларнинг воҳа кураши ривожига кўшган ҳиссаси141
- Бегамова Насиба Холмирзаевна,** Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси эркин тадқиқотчиси. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига агрокластер тизимининг кириб келиши143
- Жўраева Ўлмас Чориевна,** Термиз давлат университети Фуқаролик жамияти кафедраси ўқитувчиси. Термиз шаҳрининг стратегик аҳамияти юксалишида дарё портининг ўрни146
- Kurbonov Y. M. Phd., Kholturayev Kh.K.,** Independent researcher, Termez State University, Samarkand Institute of Economics and Service. Ensuring the microbiological safety of bread products in Surkhandarya149

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ХУДУДИЙ ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР
ТРАНСФЕРИ МАРКАЗИ ҲАМДА СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ ЦЕНТРА РЕГИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И ТРАНСФЕРА
ТЕХНОЛОГИЙ СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ И ЦЕНТРА РАЗВИТИЯ НАУКИ И
ТЕХНОЛОГИЙ СУРХАНДАРЬИ

SURKHANDARYA REGIONAL TERRITORIAL INNOVATION ACTIVITY AND TECHNOLOGY
TRANSFER AND SURKHANDARYO SCIENTIFIC JOURNAL OF SCIENCE AND
TECHNOLOGY DEVELOPMENT CENTER

Илм келажагимиз равнақидир

СУРХОНДАРЁ: ИЛМ ВА ТАФАККУР
SURXONDARYO: ILM VA TAFAKKUR
СУРХАНДАРЬЯ: НАУКА И МЫШЛЕНИЕ
SURKHANDARYA: SCIENCE AND
CONTEMPLATION

Илмий мақолалар журнали

№-4 2022



«СУРХОНДАРЁ: ИЛМ ВА ТАФАККУР» ЖУРНАЛИДА ЧОП ЭТИЛАДИГАН МАҚОЛАЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

1. Журнал таҳририятига тақдим этилаётган мақолага 1) муаллиф(лар) ишлаётган муассаса раҳбариятининг йўлланма хати; 2) эксперт ҳайъати далолатномаси 2 нусхада; 3) мақола ёзилган фан йўналиши бўйича фан доктори имзолаган (имзо тегишли тартибда тасдиқланган бўлиши лозим) тақриз-тавсия илова қилинади (Изоҳ: Бу талаб четдан келадиган мақолалар учун).

2. Мақолалар ўзбек, рус ёки инглиз тилларида ёзилиши мумкин.

3. Қайси тилда ёзилишидан қатъи назар, мақолага уч тилда - ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги аннотацияси ҳамда таянч сўз ва иборалар (калит сўзлар) илова қилинади.

4. Мақола журнал таҳририятига «Microsoft Word» дастурида («Times New Roman» 14 ўлчамли шрифтда, сатрлар ораси бир ярим интервалда) терилган ҳолда икки нусхада, электрон варианты (флешка ёки СБда) билан топширилади.

5. Мақоланинг умумий ҳажми (расм, жадвал ва диаграммалар билан биргаликда) 8- 10 саҳифадан, илмий хабарларнинг ҳажми 4-5 саҳифадан ошмаслиги талаб этилади. Мақоланинг бир нусхаси муаллиф(лар) томонидан имзоланади.

6. Муаллифнинг фамилияси, исми шарифи, иш жойи, лавозими, у билан боғланиш мумкин бўлган манзил (уй вахизматтелефон рақамлари, электрон почта) кўрсатилади.

7. Агар мақолага расм, жадвал, диаграмма, схема, чизма, турли график белгилар киритилган бўлса, оқ-қора рангларда чизилган бўлиши, аниқ ва равшан тасвирланиши, қисқартмаларнинг тўлиқ изоҳи ёзилиши лозим. Рангли расм, жадвал ва диаграммалари мавжуд мақолалар фақат истисно тарзида, қўшимча ҳаражатларни муаллифлар ҳисобидан қоплаш шарти билангина қабул қилиниши мумкин. Формулалар матнга махсус компьютердастурларида киритилиши керак.

8. Иқтибос олинган ёки фойдаланилган адабиёт сатр ости изоҳи тарзида эмас, балки мақола охирида умумий рўйхатда кўрсатилади. Матн ичидаги кўчирмадан сўнг иқтибос олинган асарнинг рўйхатдаги тартиб рақами ва саҳифаси квадрат қавс ичида берилади. Бу ўринда китоб, тўплам, монографиялар учун муаллифларнинг исм- фамилиялари, манбанинг тўлиқ номи, нашр кўрсаткичи (шаҳар, нашриёт ва нашр йили) кўрсатилади. Журнал мақолалари ва бошқа даврий нашрлар учун муаллифларнинг исм- фамилиялари, мақола номи, журнал номи, йили ва сони, саҳифа номери кўрсатилади.

9. Юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган мақолалар таҳририят томонидан қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

10. Таҳририятга тақдим қилинган мақола энг аввал муаллифлик нуқтаи назаридан текширилади. Матнда плагиат аниқланган тақдирда мақолани кўриб чиқиш тўхтатилади. Таҳририят плагиат ҳолати аниқланган мақолалар юзасидан муаллиф фаолият юритаётган муассасага кўчириб олинган манбаларни илова қилган ҳолда ахборот юбориши мумкин. Плагиатга йўл қўйган муаллифларнинг мақолалари кейинги уч йил давомида қабул қилинмайди.

11. Муаллифлик жиҳатидан текширувдан ўтган мақола таҳририят томонидан ўрнатилган тартибда тақризга берилади. Мақола тақриздан қайтгач, агар зарур бўлса, барча савол ва эътирозлар бўйича муаллифга қайта ишлаш учун тақдим этилади. Мақола нусхалари муаллифларга қайтарилмайди.

12. Ижобий тақриз олган мақола таҳририят томонидан қабул қилинган саналади. Журнал таҳририяти мақола матнини қисқартириш ва унга таҳририй ўзгартиришлар киритишга ҳақлидир.

13. Профессор-ўқитувчилари томонидан тақдим қилинган мақолалар муайян йўналишлар бўйича таҳририят аъзоларининг ёки фан докторларининг тақриз-тавсияси (тегишли тартибда тасдиқланган бўлиши лозим) асосида қабул қилинади.